

ЭКИЛИЧЕВ

Ўзбек тилининг амалий стилистикаси



«Ўқитувчи»

Э. ҚИЛИЧЕВ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ
АМАЛИЙ
СТИЛИСТИКАСИ

(Грамматика)

ПЕДАГОГИКА ОЛИИГОҲЛАРИНИНГ ФИЛОЛОГИЯ
ФАҚУЛЬТЕТИ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН ҮҚУВ-ҚҰЛЛАНМА

*Ўзбекистон Ҳалқ таълими
вазирлиги тасдиқлаган*

ТОШКЕНТ «УҚИТУВЧИ» 1992

МАХСУС МУҲАРРИР
филология фанлари доктори, профессор
Х. Р. НЕҶМАТОВ

На узбекском языке
КИЛИЧЕВ ЭРГАШ
ПРАКТИЧЕСКАЯ СТИЛИСТИКА
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

Ташкент «Ўқитувчи» 1992

acv
ГДУ «кутубхонаси»
Бўлим мудири X. Ҳайитметов
Муҳаррир M. Собирова
Кичик муҳаррир M. Ҳошимова
Бадиий муҳаррир Ж. Одилов
Техн. муҳаррир Т. Золотилова
Мусаҳиҳа L. Мирзаҳмедова
Н68777

ИБ № 5823

Теришга берилди 13.02.92. Босишга рухсат этилди 07.05.92. Формати
84×108/2. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди.
Шартли б. л. 8,40. Шартли кр-отт. 8,61. Нашр. л. 7,89. Тиражи 5000.
Зак. № 33.

«Ўқитувчи» нашриёти, 700129. Тошкент. Навоий иӯчаси, 30. Шартнома
ма 13—90—91.

Ўзбекистон Матбуот давлат қўмитасининг Янгийул ижара китоб фабрикаси,
Янгийул, Самарқанд кучаси, 44. 1992.

Янгиюльская арендная книжная фабрика Госкомпечати Республики
Узбекистан. Янгиюль, ул. Самаркандская, 44.

K 4602020400—160
353 (04) — 92 64—92

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1992

ISBN 5—845—01028—9

МУАЛЛИФДАН.

Қўлингиздаги ўқув-қўлланма муаллиф томонидан 1985 йил «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган «Ўзбек тили практик стилистикаси» китобининг бевосита давомидир. Мазкур ўқув-қўлланмада ўзбек тилининг фонетик, орфоэпик, лексик ва фразеологик стилистикаси масалалари атрофлича ёритилган эди. Бу ўқув-қўлланмада эса грамматик (морфологик ва синтактик) услубият масалалари ёритилди. Қўлланманинг яратилишида рус тилшуносларининг услубшуносликка оид асарлари илмий-назарий ва методологик жиҳатдан асос бўлди. Шунингдек, ўзбек тилшунос олимлари: А. Ф. Гуломов, Ф. Абдураҳмонов, И. Қўчқортов, К. Назаров, Х. Дониёроров, Р. Қўнғуров, А. Шомақсудов, Ҳ. Рустамов, И. Тошлиев ва бошқаларнинг услубшуносликка оид монография ва мақолаларидан ижодий фойдаланилди.

Қўлланма педагогика олийгоҳлари ўзбек филологияси факультетлари учун тузилган «Ўзбек тили практик стилистикаси» (Тошкент, 1984) программаси асосида ёзилди.

Ҳар бир мавзунинг назарий материаллари конспект тарзида берилди. Сўнгра шу мавзулар юзасидан муйян амалий машқлар, таҳрир учун матнлар тавсия қилинди. Чунки услубшуносликда умумназарий ва амалий томонлар ўзаро мустаҳкам алоқада бўлиб, узвий бирликни ташкил этади.

Қўлланма, гарчи умумий ном билан «Грамматик услубият» деб аталган бўлса ҳам, унда ўзбек тилшунослигида биринчи маротаба сўз ясалишининг услубий имкониятлари ва пунктуацион услубият масалалари ҳам ёритилди.

Қўлланма матбуот ходимлари ҳамда ўрта умумий таълим мактаби ўқитувчилари учун ҳам фойдали, деб ўйлаймиз.

1- §. Сўз ясалишидаги услубий хусусиятлар.

Ҳар бир тилнинг сўзлари, лексикаси доимо ҳаракатда бўлиб, унинг таркиби доимо янгиланиб, бойиб боради. Бундай бойиш, янгиланиш ҳаёт талаби билан боғлиқ. Бу талаб жамиятнинг, онгнинг тараққиётига ҳам боғлиқ. Турмушда пайдо бўлган бирор янгиликни аташ учун, аввало, тил ўзининг ички имкониятларидан фойдаланади, яъни ички имконият асосида янги сўзлар яратилади. Сўз ясалиши лексикология билан ҳам, грамматика билан ҳам, услубият билан ҳам алоқадор. *Исламоқ ва исказмоқ* феълларидаи -ла ва -ка ясовчи аффиксларининг семантик вазифаси бир хил, яъни отдан феъл ясалган. Бу жиҳатдан улар синоним аффикслар. Аммо услубий бўёғи ва аниқ қайси ҳодисага тегишилиги жиҳатидан фарқ қиласди. Ислаш одамларга хос бўлса (*Гул ҳидин исласам хуш ҳаволарда* (С.А.), искаш ҳайвонларга хосдир (*Ит у ер-бу ерни исказаган бўлиб олға силжиди*).

Узбек тили сўз ясалишида қатор усууллар мавжуд. Булардан конверсия, аффиксация усууллари билан сўз ясалишида услубий имкониятлар катта.

Конверсия (кўчиш) бир лексик-грамматик категориядаги сўзининг бошқа категорияга ўтишидир. Бунда сўз ўз шаклини ўзгартирмай, бошқа туркум вазифасида қўлланади. Конверсия йўли билан ясалган сўзлар нутқда ҳиссий таъсиричанликка эга бўлади. Нутқни жонли ва таъсиричан қиласди: *Ёмоннинг яхшиси бўлгунча, яхшининг ёмони бўл.* (Мақол.) Бирники мингга, мингнику туманга. (Мақол.)

Сўз ясовчи аффикслардаги полисемантиклик, омонимлик ва синонимлик хусусиятлари ҳам бой услубий имкониятларга эга. Сўз ясовчи синоним аффикслардаги маъно нозиклиги нутқни таъсиричан, ширали қиласди. Сўз ясовчи полисемантик қўшимчалардаги маъно оттенкаларини яхши фарқлай олмаслик турли нутқий хатоларга олиб келиши мумкин.

Тилнинг тўхтовсиз тараққий қилиб бориши, ўзгариши билан боғлиқ ҳолда айрим янги тил элементлари вужудга келади. Натижада тилда «ортиқча»дик — плеонаэм вужудга келади. Сўз ясовчи аффиксларнинг плеонастик қўлланишида ҳам ўзига хос услубий хусусиятлар бор.

Узбек тили сўз ясалишидаги плеонаэмни ўз ҳарак-

терига кўра иккига бўлиш мумкин: 1. Қайтариқ тарзидаги сўз ясаш: *омборхона*, *ётоқхона*, *дўйконхона*, *кулолчи*. 2. Эмоционал-стилистик оттенкаси билан фарқланувчи плеопастик сўз ясовчи аффикслар: *кулоллик* — *кулолчилик*, *қоровуллик* — *қоровулчилик*, *қассоблик* — *қассобчилик*. Бу хил мисолларда шахс маъноси аслига кўра икки марта такрорланиб, таъкидлаш бўртирилган. Ана шу эмоционал-услубий фарқланиш уларнинг ҳар иккаласининг ҳам адабий мезон доирасида қолишига имкон яратган. Аммо *табибгарчилик* каби қўлланишларда, *табиб* сўзида маълум соҳа билан шуғулланувчи шахс маъноси бор, унга тожик тилидаги шахс оти ясовчи *-гар* аффикси ва шу аффикснинг ўзбек тилидаги синоними *-чи* морфемасининг қўшилиши учунчии марта шахс маъносини такрорлайди. Шунинг учун ҳам *табиблиқ*, *табибчилик* кабилар норма ҳисобланса, *табибгарчилик* варианти адабий нормага кирмайди.

Худди лексикада бўлганидек, сўз ясалишида ҳам майдо (кичик) парадигматика мавжуд. Бу парадигматика бир ўзакли стилистик синонимлар таркибидағи сўз ясовчи аффикслар маъноларида кўринади, яъни ўзаро синоним бўлиб келган ясовчи аффикслар парадигмада ўзининг нейтраллиги, китобийлиги ёки сўзлашув нутқига хослиги билан ажralиб туради: *чойли* — *чойкаш* (сўзлашув), *ақлли* — *боақл* (китобий) ва ҳ. к. Кўринадики, кўпгина сўз ясовчи аффикслар янги маъноли сўз ясаш билан бирга ҳар хил услубий оттенкалар ҳам қўшади. Китобийлик оттенкаси ўзлашма сўз ясовчиларда кучли бўлади: *ба-*, *бо-*, *сер-*, *-изм*, *-фурӯш*, *-соз* ва ҳ. к.

2- §. От- ясовчи аффиксларнинг услубий аҳамияти.

От ясовчи қўшимчаларнинг синонимик қаторлари мавжуд: *тилчи* — *тилишунос*, *меҳнатчи* — *меҳнаткаш*, *пахтачи* — *пахтакор* каби.

От ясовчи аффикслар ва уларнинг варианлари, синонимлиги, фаол ёки нофаоллиги, турли нутқ услубларида ишлатилишидаги фарқлари стилистик қимматга эга.

Ўзбек тилида от ясовчи аффикслар синонимияси ўз хусусиятига кўра соғ ўзбекча от ясовчи аффикслар синонимияси ҳамда ўзбекча ва бошқа тилдан кирган от ясовчи

аффикслар синонимияси кўринишига эга. Жумладан, -ш (-ши), -увчи (-вчи), -гич (-кіч, -қіч) кабилар бир турдаги маънони, механизмнинг иш бажариш хусусиятини ифодалайдиган сўзлар ясаш учун хизмат қиласди: *Ер текислаш машинаси, пахта териш машинаси, ёғоч тортич машина*. Бу турдаги аффиксларнинг ҳар бири мустақил сўз ясовчи бўлиб, уларнинг ўзаро яқин умумий маъносидан ташқари, ҳар бирининг ўзига хос маъно хусусияти ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳам улардан бирини бошқасининг ўрнида айнан ишлатиб бўлмайди.

Ўзбек тилининг бошқа тиллар билан муносабати асосидаги от ясовчи аффикслар синонимиясига -чи морфемасининг турли контекстда тоҷикча -каш, русча -ист аффикслари билан синонимлик ташкил қилишини кўрсатиш мумкин: *меҳнатчи — меҳнаткаш, очеркчи—очеркист* каби.

Тоҷикча -кор, -кар, -гар; -каш, -гаш аффикслари маъно жиҳатдан -чи ясовчисига яқин бўлиб, касб оти ясад келса ҳам, кўп ўринларда бирининг ўрнига иккинчисини қўллаб бўлмайди: бинокорни «биночи», мискарни «мисчи» деб бўлмайди. Демак, сўз ясовчи формаларни ўзи қўшилиб келадиган ўзак маъносига мос ҳолда қўллаш талаб қилинади.

Кейинги вақтларда рус тилидан ўзлашган от ясовчи аффиксларнинг миқдори кўпайди. Ҳозирги тилимизда фаол қўлланаётган -ист: *футурист; -ант, -ент: диссертант, оппонент; -ик: математик, лирик; -тор: агитатор; -ер: революционер, селекционер; -изм: реализм* кабилар расмий ва публицистик нутқقا кўтаринки руҳ, тантаналик баҳш этади.

-шунос, -парвар, -хўр, -паз, -дўз, -боз, -бон, -гар, -соз, -хон каби ясовчи аффикслар тоҷик тилида феъл негизидан иборат бўлиб, ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, асосан, сўз ясовчи аффикс (аффиксоид) сифатида хизмат қиласди. Бундай аффикслар ёрдамида ясалгани отларда китобийлик бўёғи бўлади.

Композиция усулида сўз ясаш (*ойболта, туяқуши*) дан ҳам, такрор йўли билан (*ку-ку, ту-ту*) сўз ясашдан ҳам ўринли ва унумли фойдаланиш, янги сўзлар ҳосил қилиш, шу асосда оғзаки ва ёзма путқнинг бойлиги ва таъсиричанигини ошириш керак.

3- §. Сифат ясовчи аффиксларнинг услубий хусусияти.

Сифат ясовчи аффикслар бир-бири билан ўзаро синонимлик ҳосил қила олади. Бундай синонимлик аффикслардаги умумий семаларнинг яқинлиги асосида юзага келади. Аммо бу аффикслар ўзининг айрим семаларига кўра фарқланиб ҳам туради. Бошқача айтганда, бирининг ўрнида иккincinnисини қўллаб бўлмайди. Масалан, -ли ва -дор аффикслари «асосдан англашилган нарса-предметга эгаликни, мавжудлик»ни кўрсатиш семаси асосида бири ўрнида иккincinnисини ишлатиш мумкин. Чоғиштириңг: *жозибали, вафоли, пулли* — *жозибадор, вафодор, пулдор*. Аммо бу сифат ясовчи аффиксларнинг ҳар бирига хос қўшимча маъъо оттенкалари уларни фарқлаб ишлатишни талаб қиласди. Жумладан, *болали, ақлли, гавдали* сифатларини *боладор, ақлдор, гавдадор* деб ишлатиб бўлмайди. Чунки -дор аффиксида «эгалик, мавжудлик» семаси билан бирга «ортиқлик, мўллик» семалари ҳам мавжуд. Яна чоғиштириңг: *гўштили ўрдак эмас, гўштдор ўрдак* дейиш тўғридир. -ли аффикси жуфт сўз ўзакларининг ҳар бирига алоҳида ёки уларнинг иккincinnи компонентига қўшилиши мумкин: *ақлли-ҳушили одам* — *ақл-ҳушили одам; уйли-жойли киши* — *уй-жойли киши*. Аммо -ли аффикси жуфт сўзларнинг ҳар иккала компонентига қўшилганда, белгининг нормал даражадан бир оз ортиқ эканлигини ҳамда таъкид маъносини ифодалайди.

Сер-, ба- префиксами тоҷик тилидан ўзлашган бўлиб, «асосдан англашилган предметга эгалик» семаси билан -ли ва -дор аффиксли сифатларга синоним бўла олади: *серунум* — *унумли* — *унумдор; басавлат* — *савлатли* — *савлатдор*. Аммо сер- префикси билан ясалган сифатларда белгининг «мавжудлиги» семасидан ташқари, унинг ортиқлиги семаси ҳам мавжуд. Чоғиштириңг: *соқолли* (соқоли бор) — *серсоқол* (соқоли кўп), *фарзандли* (фарзанди бор) — *серфарзанд* (фарзанди кўп), *сомонли* — *серсомон* ва ҳ. к.

Агар ўзак аниқ, санашиб мумкин бўлган отлардан ифодаланган бўлса, -ли, -дор, сер- аффикслари ўзаро тўла синонимлик ҳосил қилмайди, мавҳум маъноли, саналмайдиган отлардан ифодаланган ўзакларда эса бири иккincinnисининг ўрнида қўлланаверади: *маҳсулдор* — *сермаҳсул* — *маҳсулли; мазмундор* — *мазмуни* — *сермазмун; савлатдор* — *серсавлат* — *савлатли*.

Кўринадики, стилистик хатога йўл қўймаслик учун сифат ясовчи аффиксларнинг семантик таркибига алоҳида эътибор бериш керак. **-сиз**, **бе-**, **но-** сифат ясовчи аффикслари эса «ўзакдан англашилган обьектга эга эмаслик» семаси билан ўзаро синонимик муносабатга киришади: *ғаразсиз* — *бекар*, *пулсиз* — *бепул*, *ҳаёсиз* — *бекаё*. Аммо бу аффикслар ҳамма вақт ҳам синоним бўла олмайди: *бемон* сўзини *омонсиз*, *бепул* сўзини *нопул* деб бўлмайди. *Мард*, *қулаи* сўзлари ноаффиксини олгани ҳолда **-сиз** аффикси билан ишлатилмайди.

Сифат ясовчи аффикслар нутқ услубларига кўра ҳам фарқланиб туради. Буни **бо-** ва **-дор** аффикслари ёрдамида ясалган *боҳабар* ва *хабардор* сўзларининг ишлатилишида кўриш мумкин. Бу сўзларнинг ҳар иккаласи ҳам «бирор нарсадан ҳабари бор» маъносидаги синонимдир. Аммо *боҳабар* сўзида китобийлик (архаиклик) оттенкаси ҳам мавжуд: *Бу бебаҳо дурдоналардан боҳабар бўлғонингизда билур эдингиз.* (О. Е.) *Хабардор* сўзи умумнутқда кўп қўлланади. *Мирсаид унинг кўп нарсадан хабардор эканига ҳавас қилиб...* (П. К.)

-ли ва **-сиз** аффикслари қарама-қарши маъноли сифатлар ясади. Тилдаги айрим сўз ўзакларига бу иккала аффиксни қарама-қарши маънода қўшиб сўз ясаб бўлмайди. Бунга ўша ўзак сўзлар семантикаси монелик қиласди. Жумладан, атоқли отларга **-сиз** аффиксини қўшиб «бирор белгига эга эмаслик» маъносидаги сифат ясаш мумкин: *Комилжонсиз устаҳонамиз жуда ҳувуллаб қолди.* (С. Абд.) Аммо бу ўринда **-ли** аффиксини қўллаб бўлмайди.

1- машқ. Конверсия, усули билан ясалган сўзларни топинг. Бундай сўзларнинг семантик-услубий хусусиятларини баён қилинг.

1. Бир каттанинг гапига кир, бир кичикнинг. (*Макол.*) 2. Қимираган қир ошар. (*Макол.*) 3. Озғин сал илжайди, семиз ҳахолаб, қорнини ушлаб кулди. (*Н. Аминов.*) 4. Бу ишнинг бирон лекини бор, шекилли. (*«Муштум».*) 5. Бири китоб ўқийди, қолганлари унга қулоқ солади. (*«Ешик».*)

2- машқ. -чи, -ли, -сиз аффиксларининг бошқа тиллардан олинган синонимларини топинг. Ҳар иккала синонимик аффикс ёрдамида янги сўзлар ясанг. Бундай синонимик аффиксларни айрим сўзларда бирини иккинчиси ўрнида қўллаб бўлмаслик сабабларини тушинтиринг.

3- машқ. Сўз ясалишидаги плеонастик (қаватли) аффиксларни аниқланг. Бундай аффиксларни қайтариқ ёки ҳиссий таъсиричанлик

бўёғи билан фарқланувчи икки гуруҳга ажратинг. Ҳар бирининг ҳиссий таъсиричаник бўёғини ёзма изоҳланг.

Ўрмонзор, тўқайзор, босмахона, ошхона, ётоқхона, оғилхона, меъморчи, кулолчи, машвоқчи, кулоллик, кошиблик, кошибчилик, мискарчилик, табибгарлик, табибчилик, тўқимдўз, тўқимдўэчи, йўрмадўз, йўрмадўэчи.

4- машқ. Сўзлардаги ясовчи аффиксларнинг тагига чизинг. Сўз ясовчи аффиксларнинг синонимияси, фаол ва нофаоллиги, қайси нутқ услубига хослигини оғзаки баён этинг.

1. Ойқизнинг юраги қувонч ва ишонч билан тўлди.
(О.) 2. Зар қадрини заргар билади. (Мақол.) 3. Бухоро дорбозлари ўз санъатларини намойиш этишиди. 4. Бокуда тилшуносларнинг илмий конференцияси бўлди. 5. Тошкентдаги Адабиётчилар уйида 1990 йил насри муҳокама қилинди. 6. Даланинг ўнг томони ўтлоқ, қўйида қамишзор кўл жойлашган. 7. Бу ерга ҳаммаслак суҳбатдошлар жамланган эди. 8. Тунукачи сандиқсозлик ҳам қилар эди. 9. Ёмондан қоровул қўйсанг, ёв етти бўлар. (Мақол.) 10. Тракторчи курсантлар ўқийдиган бино олдидан ўтдик. 11. Босмачилар қароргоҳи қўлга олинди. (Газ.) 12. Сўроқ гап охиригага сўроқ белгиси қўйилади. (Дарслик.)

5- машқ. От ясовчи қўшимчаларни топинг, уларни семантиклий ва функционал-услубий тавсифланг.

Намуна: *тилчи* — *тилшунос*. -чи от ясовчисида «шуғулланувчи шахс» семаси мавжуд, бетараф; -шунос от ясовчисида эса «шуғулланувчи шахс» маъноси ва кўтаринкилик семаси мавжуд, илмий.

Тунукачи — тунукасоз, пахтачи — пахтакор, меҳнатчи — меҳнаткаш, чизмачилик — чизмакашлик, чорвачи — чорвадор, кабобчи — кабобпаз, машиначи — машинаидўз.

6- машқ. Сифат ясовчи аффикслар тагига чизинг. Ҳар бир сифат ясовчи қўшимчага услубий-семантиклий ва функционал-услубий тавсиф беринг.

Намуна: *савлатли чол* — *серсавлат чол*. -ли сифат ясовчисида «асосдан англашилган предмет-ҳодисага эгалик» семаси мавжуд, бетараф; *сер-* префиксиде «асосдан англашилган предмет-ҳодисага эгалик» ва шу ҳодисанинг ортиқлиги» семаси бор, китобий.

Гулли кўйлак — гулдор кўйлак, жаҳлли одам — жаҳлдор одам — сержаҳл одам, савлатли йигит — савлатдор йигит, жозибали қиз — жозибадор қиз, шохли

дарахт — сершоҳ дарахт, ақлли бола — боақл бола, тартибли тўй — батартиб тўй, вафоли ёр — вафодор ёр, сувли олма — серсув олма.

7- машқ. Бадинӣ адабнёт ва матбуот саҳифаларидан сифат ясовчи аффиксларнинг нотӯғри ишлатилиш ҳолларига 10-15 та мисол топиб ёзинг ва таҳрир қилинг.

Намуна: *Бу йил шоли экиши учун ҳосилдорли ерлар танланди.* (Газетадан.) (Бу гапда -ли аффикси ортиқча).

8- машқ. -ли, -дор, сер-, бо-, ба-, -сиз, бе-, но- аффикслари ёрдамида сифатлар ясанг ва от билан бирикма тузинг. Ҳар бир ясовчига хос асосий ва қўшимча маъноларни баён қилинг.

9- машқ. Нуқталар ўрнига -ли ёки -лик аффиксларидан мосини қўйиб гапларни кўчиринг. Уларнинг маъно ва услубий фарқини тушуниринг.

1. Ватан олдидаги бурчи бундан фахр...роқ, улуғроқ.
(С. З.) 2. Ҳакима — ирода..., қобилият..., ўқишини севадиган бир студентка. (О. Ё.) 3. Тошкент... болалар кўрик ғолиби бўлди. (Газетадан.) 4. Қиз ўрта бўй..., бир қадар кенг ва қорамтири юз..., кўкракдор, тўлагина эди. (О.)
5. Икки қават... иморат рўпарасида тўхтаб қолди. (О.)
6. Дунёда Адигадан йўқ эди баҳт... роқ қиз. (Миртемир.)
7. Илмий-техник революция ақл..., маълумот... кишиларни талаб қиласди. (Газетадан.) 8. Ҳунармандлар ўртасида ажойиб истеъдод... серзавқ одамлар жуда кўп (О.)
9. Кўрпа... чит олишди. 10. Ҳисоб... дўст ажралмас.
(Мақол.)

10- машқ. Ўзак морфема ҳолатида ҳам, сўз ёки шакл ясаш ҳолатида ҳам кела оладиган тил бирликларига мисоллар топинг. Улар штирокида гаплар тузинг.

Намуна: *хон* — ўзак морфема: *Хон* ўз саройини сайд қиласди; *хон* сўзи ясовчи: *Китобхонлар конференцияси бўлди;* -*хон* — форма ясовчи: *Лолаҳон гул экди.*

ГРАММАТИК УСЛУБИЯТ.

1- §. Морфологик услубият.

Грамматик услубият икки қисмдан иборат: морфологик ва синтактик услубият.

Грамматик шаклларнинг функционал услубий ва эмоционал-услубий хусусиятлари морфологик услубиятда ўрганилади. Морфологик элементлар сўзларни шакллантириш, муносабатга киритиш, шу асосда маълум бир фикрни ифодалашга хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, айрим шакллар ўзи қўшилиб келган сўзга коннотатив маънолар ҳам қўшади. Морфологик воситаларда коннотатив маънолар лексик воситаларга нисбатан озроқ бўлса ҳам, улар турли нутқ услубларида ранг-ранг ҳиссий таъсирчанликни ифодалай олади. Айниқса, қўшимчалардаги полисемия, омонимия, синонимия, антонимия ва бошқалар услубий потенцияга эга. Грамматик шакллар ва уларнинг варианatlари деярли барча сўз туркумларида учрайди. Ана шу варианtlардан бирини танлаш, ҳатто оппозитив характердаги грамматик шаклларни бири ўрнида иккинчисини алмаштириб қўллаш (кўплик шаклини бирлик маъносида ишлатиш, биринчи шахс ўрнида иккинчи шахсни қўллаш ва ҳоказо) ҳам муҳим услубий аҳамиятга эга. Бу ўринда матн ва оҳанг муҳим роль ўйнайди.

Сўзлар сингари айрим морфологик шакллар ҳам эскириб қолиши (сифатдош шакли: *-ған*) ёки маълум шевага хос бўлиши (ҳозирги замон шакли: Бухоро шевасида *-оп*, адабий тилда *-яп*) мумкин. Бундай шакллар нутқининг турли функционал услубларида рӯёбга чиқади ва ўрни билан услубий вазифа бажаради. Юқорида таъкидланган морфологик услубий имкониятлар тилнинг ички ривожланиши натижасида пайдо бўлади.

Шундай қилиб, функционал-услубий бўёққа ҳам, ҳиссий-таъсирчан бўёққа ҳам эга бўлгак грамматик шаклларнинг барчаси морфологик услубиятнинг текшириш объектидир. Қайд этилган далиллар билан грамматик услубият норматив грамматикадан фарқ қиласи.

Айрим сўз шакллари грамматик маъноси жиҳатидан фарқланмаса-да, аммо услубий жиҳатдан нутқ услуб-

ларига муносабати жиҳатидан фарқланиб туради. Бунга жўналиш келишиги (-га, -ка, -а, -на) шакллари мисол бўлади.

2- §. От шакллари услубияти.

От услубий имкониятларга бой бўлган сўз туркумларидан биридир. Отнинг ҳар бир грамматик категориясида ҳам, функционал шаклларида ҳам услубий имкониятлар катта. От шаклларида ҳиссий таъсирчалик бошқа туркумдаги сўзларга нисбатан ёрқинроқ акс этиб туради.

3- §. Кўплик шаклининг услубий хусусиятлари.

Кўплик шаклидаги от барча нутқ услубларида ишлатилади. Отнинг кўплик шакли бирлик маъносини, бирликдаги от кўплик маъносини ифодалаши мумкин. Кўплик шаклидаги отларга нисбатан бирликдаги отларда таъсирчаник ортиқ бўлади. Чунки метафорик қўлланадиган отларнинг деярли барчаси бирлик шаклда бўлади. Масалан, *хўроз*, *тулки*, *шер*, *туя* кабилар бирлик шаклдагина кўчма маъно ифодалайди.

Отлардаги кўплик -лар шакли орқали ифодаланади. -лар қўшимчаси полисемантик хусусиятга эга. Бу аффикс турли сўз туркумларига қўшилиб келиб, ҳар хил семантик услубий вазифа бажаради. Жумладан, отларга бирикиб, нарса ва ҳодисаларнинг бирдан ортиқ но маълум миқдорини ифодалаш билан бирга яна қўйидагича маъно ва услубий бўёқ ҳосил қиласди:

1. Доимий, ўзгармас миқдорий белгига эга бўлган отлар, яъни якка ва жуфт предметларнинг номлари кўпликда ишлатилмайди. Бундай отлар таркибидаги -лар шакли маъно кучайтириш учун хизмат қиласди: *Кўзларимга бунча тикилдинг, айт-чи, жон қиз, не сирғи билдинг?* (Э. Невъматов.) *Тиллариндан асал томади, болам.* (Х. оғз. иж.)

2. Бирлик шаклидаги қариндошликни билдирувчи от негизларига қўшилганда ҳурмат маъносини билдиради:

Оға, соғ борсангиз, аввал
Дадамларга салом айтинг.
Югуриб чиққан ул мушфиқ
Онамларга салом айтинг. (Х. Х.)

3. Атоқли отларга қүшилганды умумлаштириш, жамлаш; мавхұм маңыноли отларга қүшилганды әса күчайтириш, бүрттириш маңыноларини ифодалайды: *Тұрғынайлар, Мирзачұллар, азоблар, ғазаблар* каби.

4. -лар аффикси олмошларга қўшилиб келганды ҳам маңынни күчайтириш учун хизмат қилади: *Вой, бу одам нималар деялти ўзи?* (Газ.)

Феъл негизига -лар аффиксини қўшиш орқали ҳаратни бажарувчи шахсга нисбатан ҳурмат ифодаланади: *Ректор келдилар.*

Сўзларда -лар ва эгалик шаклининг ўрғи ўзаро алмаштирилса, ҳурмат обьекти ҳам ўзгаради. Чориши: *Бу киши директоримизнинг қизлари* (ҳурмат директорга қаратилган). *Бу киши директоримизнинг қизилар* (ҳурмат директорнинг қизига қаратилган). Бирор шахсга нисбатан ўта ҳурмат ифодалаганда от негизидаги эгалик аффиксидан сўнг ҳам, феъл негизига ҳам -лар аффикси қўшилади: *Дадамлар келдилар.*

-лар аффикси жуфт ҳамда саноқ сондан кейин нумератив бўлиб келган отларга қўшилмайди: *Меҳр-муҳаббат кўрсатди* гапини *Меҳр-муҳаббатлар кўрсатди*; «*Бир пиёла сув*»ни «*бир пиёлалар сув*» деб ишлатиб бўлмайди. Худди шунингдек, от олдидан турли миқдор ифодаловчи сўзлар келгандা,, шу от -лар аффиксини қабул қилмайди: *Оз талабалар, кўп практиканлар, ўнта рӯчкалар, бир неча қаламлар* каби сўзлар таркибидаги -лар аффикси ўринсиздир.

-лар аффиксининг сўз таркибидаги ўрнини ўзгартириш шу сўз семантикасига таъсир қилади. Чориши: *болаларча* (равиш) — *болачалар* (III шахс, кўпликдаги от), *китобсизлар* (китобга эга эмас шахслар) — *китобларсиз* (бекитоб)

Кўринадики, -лар аффикси ўзининг турли семантика услубий хусусиятлари билан оғзаки ва ёзма нутқни жонли ва таъсирчан қилади. Бундан ўринли фойдаланиш бадиний асар қимматини оширади.

4- §. Эгалик шаклларининг услубий хусусиятлари.

Эгалик аффикслари [-м (-им), -инг, (-нг), -и - имиз (-из), -ингиз (-игиз), -лари] предметнинг бирор шахс ёки ҳодисага қарашиб эканлигини кўрсатади. Отлардаги бу эгалик аффикслари айни замонда ҳам шахс, ҳам соң маңыносини ифодалайди. Маңында услубий талабга

кўра қаратқич ҳам, қаралмиш ҳам бирликда ёки кўплика (менинг болам — бизнинг болаларимиз), қаратқич бирликда, қаралмиш кўплика ёки аксинча бўлиши мумкин (менинг болаларим — бизнинг бўла). Узбек тилида эгалик, қарашибилик тушунчаси ихчам ифодаланади. Яъни сўз бирикмаларида қаратқич туширилиб қолдирилса ҳам, предметнинг кимга ёки нимага тегишли эканлиги қаралмишдаги эгалик формасидан билиниб туради: *ручкам* сўзидағи -м — биринчи шахс бирлик формаси *менинг ручкам* тушунчасини бемалол ифода этади. Аммо эгалик аффиксли сўзлар олдидан қаратқич формали кишилик олмошлари келтирилса, хусусий хослик, аниқ қарашибилик маъноси ёрқин ифодаланади. Чоғиштиринг: *ручкам — менинг ручкам; ўғлим — менинг ўғлим.*

Ҳозирги ўзбек тилида эгалик тушунчаси қўйидаги йўллар билан ҳосил қилинади: 1) эгалик кўрсатувчи аффикслар: -им (-м), -инг (-нг), -и (-си), -имиз (-миз), -ингиз (-нгиз), -лари.

2) чиқиши келишиги формаси -дан оғқали (*Бу моллар кимдан? Абдураҳмонбойдан — Абдураҳмонбойнинг моллари;*).

3) эгаликни ифодаловчи маҳсус сўзлар ёрдамида (эга, қарашибли, хос каби: *бу ерлар жамоа хўжалиигига қарашибли*).

Кўринадики, эгалик категориясида ҳам синонимия мавжуд. Ана шу синонимлардан нутқ вазиятига мосини танлаб ишлатиш услубий имконият яратади. Шунингдек, эгалик аффикси айрим сўзларда соғ қарашибилик маъносидан ташқари, ҳиссий-таъсирчан бўёқ ифодалаши мумкин. Улар қўйидаги кўринишларга эга:

1) мурожаатда қўлланувчи (*болам, қўзим, лобарим, азизим, онам* каби сўзлар таркибидаги эгалик аффикслари сўзловчининг хусусий муносабатини ифодалаб, ҳиссий таъсирчанликни оширади: *Келинум тилла чиқди. Лекин сен мени куйдираётисан, болам?* (П. К.) Хоним, шоҳим каби сўзларда эса шахсга ҳурмат маъноси ифодаланади;

2) бирор шахсни ўзига таниш, ёки яқин тутишни ифодалайди. Бу ҳол қўпинча қариндошлик билдирувчи сўзлар таркибида учрайди: *Мамажон акам бўлсангиз туринг ўрнингиздан.* (F. F.)

3) киноя, кесатиқ ифодалайди: — *Хўш, сизча нима*

қилишим керак, ўқимишли акам,— деди Йўлчи Абдушукурга. (О.)

4) субъектив баҳо шаклли сўзларга эгалик аффикси қўшилганда кичрайтиш-эркалаш маъноси янада кучайтирилади. Чоғиштиринг: *онажон — онажоним, тойчоқ — тойчоғим, жоним — жонгинам;*

5) қариндош-уруг маъносини ифодаловчи сўзларда кўплик формасидан олдин қўшилиб, шу шахсга нисбатан ҳурмат, таъкид маъносини ифодалайди: *дадамлар, ойимлар.*

Бадий асарларда, оғзаки нутқда таъсирчанлик, камтарлик, мағрурланиш маъноларини ифодалаш учун эгалик аффикслари шахслар бўйича алмаштирилиб қўлланishi мумкин. *Невараси* бунча *ширин бўлмаса одамнинг,— деб чол қизчани қучоқлаб кўтарди.* (С. А.) Мисолда учинчи шахс бирлик шакли биринчи шахс бирлик (*неварам*) маъносида ишлатилган. *Қизимиз янги фарзанд кўрди,— деди Ойша хола.* Биринчи шахс кўплик шакли шу шахснинг бирлиги ўрнида ишлатилган.

Қавм-қариндошлик атамаларида шахс шакллари эвфемистик маъно бериш мақсадида алмаштирилиб қўлланади: *Ойиси, қизчага нима олиб келдингиз? Тогангиз саводсиз бўлса ҳам, дунё ишларини яхши тушунар эди.* (С. А.)

Эгалик кўпинча белгили ифодаланади. Баъзан назмий нутқда шеърий қоғия, вазн талабига кўра қаралмишдаги эгалик аффикси туширилиши мумкин:

*Бизнинг колхоз тўқ колхоз,
Қўйли, сигирли колхоз (Х. оғз. иж.)*

Бирор шахс, ҳодиса ёки воқеани таъкидлаб, ажратиб, бўрттириб кўрсатиш мақсадида учинчи шахс эгалик қўшимчаси плеонастик ҳолда ишлатилади: *сингли — синглиси, кўнгли — кўнглиси, бири — бириси* каби.

I ва II шахс эгалик аффиксининг ҳар икки сон шакллари ҳар қандай от, олмош ёки отлашган сўзларга қўшилавермайди. Кўпинча миқдор тушунчаси билан боғлиқ бўлган ўзакларга эгалик аффиксларининг бирлик шакллари қўшилмайди. Бундай сўзлар эгалик категориясининг кўплик формасидагина қўллацади: *Ҳаммамиз, бешовимиз.* Худди шунингдек, -ники аффикси билан ҳам синонимлик ташкил этади:

*Қайнашим чашмадан теран жойдандир,
Сен фақат менинг бўл, меники, менинг. (О. Матжон.)*

Эгалик аффиксларини ўз ўрнида ишлатмаслик семантиктарийн үзүүлүштөрүнүң түрүнде көрсөтүүдөн баштап, мени севиб қолган бўлса? — дедим мен ўз-ўзимга (Ў. Ў.) Бу гапда ўзимга-ўзим деб қўллаш түғри бўлади.

5- §. Келишик шаклларининг услубий хусусиятлари.

Отларнинг бошқа туркумдаги сўзларга муносабатини кўрсатувчи келишик шакллари ва уларнинг вариантилари ранг-баранг услубий бўёққа эга. Келишик аффикслари ўзаро синонимик муносабатга киришишдан ташқари, бошқа грамматик шакллар, кўмакчи сўзлар билан ҳам синонимлик ҳосил қиласди. Бу маълум бир келишик формасидаги хусусий семаларнинг бошқа келишик аффикслари ёки кўмакчи сўзлардаги хусусий семаларга маънодош, вазифадош бўлиб келиши натижаси, яъни келишик шаклларининг полисемантик хусусиятидан келиб чиқади. Турли келишик аффиксларининг вазифадош қўлланиши келишик шакли ва кўмакчи синонимияси, келишик аффиксларининг белгили ва белгисиз ишлатилиши, уларнинг турли контекстдаги маъно нозикликлари услубий аҳамият касб этади.

Қаратқич келишиги шакли бетараф нутқ услубида: -нинг сўзлашув нутқида -ни (мени китобим — Бухоро шевасида) шеърий нутқда -н шаклида учрайди.

Китобий нутқда биринчи шахс кишилик олмошларига қаратқич келишиги формаси -им шаклида қўшилади: *Меним энг баҳтли кунларим соғлиғимдан айрилмаслик.* (Ҳ. Ҳ.)

Нутқда қаратқич келишиги белгили ва белгисиз қўлланиши мумкин. Белгили қаратқичли сўзларда хусусий хослик, аниқ қарашлилик ифодаланса, белгисиз қаратқичли сўзларда эса умумий хослик маъноси бўлади. Чоғиширинг: *Каримнинг боғи — мактаб боғи.* Шеъриятда қофия, вазн талабига кўра қаратқич белгисиз ишлатилаверади: *Баҳор, ёз ва кузнинг зебоси пахта, Ширин тўй, қиз-куёв либоси пахта.* (Ш. Саъдулла.)

Айрим қаратқичли сўз бирималаридаги қаратқич келишиги фақат белгили ишлатилса (I ва II шахс кишилик олмошларидаги), вақт тушунчаси билан боғлиқ кўпгина бирималарда эса белгисиз ишлатилиши талаб қиласди. Чоғиширинг: *менинг болам — мен болам,* деб бўлмайди, *жума куни — жуманинг куни,* деб бўлмайди.

Узбек тилида ҳар бир келишик ўзига хос шакл ва

маънога эга бўлиб, гапда маълум бир синтактик вазифани бажаради. Аммо ҳар бир келишик шакли ўз вазифасини бажариш билан бирга, баъзан бошқа-бошқа келишикларга хос бўлган вазифа ва маъно муносабатларини ҳам ифодалashi мумкин. Жумладан, қаратқич келишиги аффикси ўзи қўшилиб келган сўз билан биргаликда аниқ хослик, умумий хослик, бутуённинг бўлаги, тўдадан ажралганлик, ўхшатиш, қиёс қилиш каби қатор семантический маъноларни ифодалайди. Юқорида қайд этилган семалар бошқа келишик шаклларининг шундай маъносига тўғри келса, масалан, қаратқич келишиги ифодаланган тўдадан ажралганлик маъносини чиқиш келишиги аффикси -дан ҳам ифодалайди. Шунинг учун ҳам Талабаларнинг бири сўзлади.— Талабалардан бири сўзлади гаплари синоним ҳодатда ишлатилаверади. Шунингдек, қаратқич келишиги шакли -нинг отнинг функционал шаклларидан бири қарашлилик шакли -ники билан айрим ҳолларда, яъни қарашли нарса жуда аниқ бўлиб, шу нарсани нутқда ифодалаш шарт бўлмаса ёки нутқ тежамкорлиги зарур бўлганда синонимлик ҳосил қиласди: дўстимнинг ручкаси — ручка дўстимники, колхознинг йилқиси — йилқи колхозники каби. -ники аффикси аслида қаратқич кўрсаткичи -нинг ва -ки аффиксларининг бирикувидан ҳосил бўлган: -нинг + ки->ники ҳозир содда аффиксdir.

Шеърий нутқда қаратқич ва тушум келишиклари қўшимчаси -н шаклида учраб, омонимлик хусусиятига эга бўлади. Бу форманинг қаратқич ёки тушум келишиги маъносини ифодалashi фақат контекстда билинади: *Тепасида учар гала қуши, Аргимчоғин дарёга солиб.* (3.) Бу гапда тушум келишигидаги от феълни бошқариб келмоқда.

Қаратқич келишиги қўшимчаси -нинг бадий асарларда персонаж нутқини индивидуаллаштириш учун -ни шаклида ҳам ишлатилади:— Э, э, қўй ўша одамёввойини! Турқини кўрсам этим жунжикади! На қилган ишини тайини бор, на салом-алигини... деди дадам менга юк машинаси томон бораётib. (Н. Қобул.)

Қаратқич келишиги шаклининг талаб қилинмаган жойда ўринисиз ёки такрор ишлатиш нутқни тўмтоқлаштиради: *Ўйғуннинг шеърларининг мазмуни теран гапида биринчи сўздаги -нинг шакли ўринисиз.*

Тушум келишиги формаси -ни поэтик ва сўзлашув нутқи услубларида ни шаклида ҳам ишлатилади.

Нутқ вазияти, шеъриятда вазн талаби билан бу келишик белгили ва белгисиз ишлатилиши мумкин. Тушум келишиги белгили ишлатилганда, сўзловчи ва тингловчига маълум бўлган предмет ёки воқеа-ҳодисани ифодалайди (*Мен китобни олдим*, тингловчига маълум китоб). Тушум келишик белгисиз ишлатилса, номаълумлик ёки умумийлик ифодаланади. (*Мен китоб олдим*, умуман китоб). Тушум келишигидаги от олдиндан кўрсатиш, белгилаш олмошлари аниқловчи бўлиб келса, -ни шакли, албатта, сақланади: *барча ишни бажардим*, *шу китобни олдим*. Худди шунингдек, эгалик қўшимчали отлар ҳам белгили тушум келишигига ишлатилади: *Деворий газетамиэни ўқинг. Овозини эшилдим*.

Тушум ва чиқиш келишик шаклларининг вазифадош қўйланиши бутун ва бўлак, тўла ва қисм маъно муносабатига асосланади. Утимли феълдан англашилган ҳаракат бутунга (тўдага) тўла ўтмай, ушинг бир қисмига ўтгани маъноси англашилса, тушум келишиги аффикси ўрнида чиқиш келишик шакли ишлатилади: *Нонни енг* (ҳаммасини), *кондан енг* (бир қисмини). *Танча устида ётган папиросдан олиб лампадан тутатди*. (О.)

Баъзан тушум келишик шакли ўрнида чиқиш келишик шаклининг ноўрин ишлатилганлигини кўрамиз: *Тилни ёрай дейди-я, тилни,— деб мулла узумдан паққос туширди*. (С. Равшанов.) Гапдаги *паққос туширмоқ* ибораси бир нарсану охиригача *емоқ* маъносини ифодалайди. Худди шу маъноси билан бу ибора чиқиш келишик шакли ифодалаган (бутуннинг қисми) маъносига зиндир. Шунинг учун бу гапни тушум келишигига ифодаланадиган (бутуннинг ҳаммаси) маъноси билан боғлаб тузиш мақсадга мувофиқдир... *узумни паққос туширди*.

Экспрессив эҳтиёжни қондириш, нутқда воқеликни ўзаро нозик фарқларини аниқ ва равшан ифодалаш учун тушум ва чиқиш келишиги аффикслари ҳамда *ҳақида*, *тўғрисида* кўмакчилари синоним ҳолатда ишлатилади: *Қамчиликларни гапирди* (камчиликлар нималигини, нимадан иборат әканлигини), *камчиликлардан гапирди* (бир қисм камчиликлар нималигини), *камчиликлар ҳақида гапирди* (барча камчиликлар ва шу камчиликлар жараёни нутқ объекти әканлиги).

Жўналиш келишиги аффикси *-га*, *-ка*, *-қа*. Эски ўзбек тилида *-ға*, сўзлашув нутқида *-а*, *-на*, *-я* шаклларида учрайди. Жўналиш келишик шаклининг турли вариант-

лари функционал-услубий вазифа бажаради. Бу вариантлар насрий асарларда турли персонажлар нутқида индивидуаллаштириш воситаси бўлса, шеърий асарларда шеърий вазн, қофия талаби билан ишлатилади:

Катта рўэзгор эди, қолди ўзима,
Қулоқ солинг, ёронлар, айтган сўзима,
Кўп одамлар мункир қелиб тузима,
Томир-түвғон душман бўлган кунларим;

(Э. Жуманбулбул.)

Жўналиш келишигидаги сўз лексик-семантик жиҳатдан ўринга тегишли бўлганда, жўналиш келишиги кўрсаткичи ўрнига ўрин-пайт келишик шакли ишлатилиши мумкин. Бу икки келишик шаклларининг функционал алмашинуви сўзлашув нутқида, фольклор асарларида кўпроқ учрайди:

Тонг отмай қайдা борамиз пиёда,
Шукур қилиб, бунда қайтиб келинглар. (Х. оғз. иж.)

Турли услубий мақсадлар учун жўналиш ва чиқиш (*Акаси келганидан хурсанд*—акаси келганига хурсанд), жўналиш ва тушум (*Гапингизга тушумадим*—гапингизни тушумадим) келишик шакллари функционал алмашиниб қўлланиши мумкин.

Жўналиш келишик қўшимчаси аталганлик, сабаб, ҳаракат юз берган ўрин каби маъноларни билдирганда, ҳудди шу маънони ифодаловчи кўмакчилар билан синонимлик ташкил қиласди: Чоғиширинг: *-га/учун: укамга олдим*—укам учун олдим; *айтишга келдим*—айтиш учун келдим;

Кўша қаримоққа муҳр бўлади
Ҳаётда икки лаб қовушга бир зум. (F. F.)

-га // билан: Кўнглим қувончларга тўлди.

-га // узра: Борлиқ узра тушганда оқшом, Зайнаб қўйди далага қадам. (Х. О.)

Ўрин-пайт келишик аффикси *-да*, ўрин маъносидан ташқари, пайт билдирувчи сўзларга қўшилиб, пайт маъносини ҳам ифодалайди. Бу келишик шакли ўрин маъносида доимо белгили ишлатилади. Пайт маъносини ифодалаганда эса баъзан тушириб қолдирилиши мумкин.

Мехнат завқи тутар ўлкани,
Саҳар кетар чўпон тоғига. (Х. О.)

Ез ёпинчигингни қўйма, қишида ўзинг биласан. (Мақол.) Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда. (Мақол.)

Вақт, фасл маъносини ифодаловчи сўзларда ўринпайт ва чиқиш келишиги қўшимчалари синоним бўлиб кела олади: *Ўқиш сентябрь ойида бошланади. Ўқиш сентябрь ойидан бошланади.*

Ўрин-пайт келишик аффикси англатган маънолар кўмакчи сўзлар маъносига тенг келади. Бундай вақтда улардан грамматик шаклларнинг такоридан қочиши, фикрни аниқ ва равшан ифодалаш учун синоним ҳолатда фойдаланилаверади: *Телефонда гаплашди — телефон орқали гаплашди. Ручкада ёэди — ручка билан ёэди.* Аммо ҳамма вақт ҳам келишик шаклларини кўмакчилар билан алмаштириб бўлмайди. *Автобусда келдим гапини Автобус орқали келдим деб бўлмайди.*

Ўрин-пайт келишигидаги сўзлар гапда уюшиб келса, келишик аффикси ҳар бир бўлакка алоҳида ёки энг кейинги бўлакка қўшилиб келишин мумкин: *Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир. (Мақол.)*

*Шу шаҳар, шу кўча, шу бинода мен
Баҳра олар эдим фандан, илмдан. (К. Ашур.)*

Чиқиш келишик қўшимчаси -дан, шеърий нутқда -дин (архаик), сўзлашув нутқида **-нан, -тан** вариантларида ишлатилиади:

Мард йигит душманнан олар қастини. (Э. Жуманбулбул.)

Fурбатда ота-онадин айрилиши устига суюк ёрдан айрилиши ўлимдан минг марта қаттиқроқ. (Ҳ. Ҳ.)

Чиқиш келишиги ҳам турли матнларда қаратқич, ўрин-пайт келишиги ҳамда кўмакчилар билан синонимик қатор ҳосил қиласди. Чоғиштиринг: *Қариндошлардан бири — қариндошларнинг бири; Мен гўзалнинг ҳажридан (ҳажрида) куйиб, чиққан эдим ахтариб висол. (О.) Диссертация ҳимоясидан гапиринг.— Диссертация ҳимояси ҳақида гапиринг.*

Чиқиш келишиги қўшимчаси **-дан** аниқ отларга қўшилганда бутуннинг бўлагини ифодалайди: *Аччиқ чойдан бир стакан ичишиди.— Аччиқ чойдан бир стакандан ичишиди.* Мавҳум ва жамловчи отларга қўшилиб келганда бутуннинг бўлаги маъноси англашилмайди: *Туҳматдан қочди, Армиядан гапирди каби.*

6- §. Субъектив баҳо шаклларининг услубий қўлланиши.

Ҳозирги ўзбек тилнда -гина (-кина, -қина), -ча, -чоқ, -чак, -лоқ, -жон, -хон, -ой, -вой типидаги аффикс ва аффиксоидлар сўзловчининг объектив борлиққа, ўз нутқига бўлган модал муносабатини билдириб келувчи субъектив баҳо шаклларидир. Бу шакллар севиш, эркалаш, кучайтириш, камситиш каби коннотатив маъноларни ифодалайди. Субъектив баҳо шаклларидаги турли қўшимча маънолар бадий асарларда персонажларнинг ўзига хос хусусиятларини: улардаги дилкашлик, мулоимлик, ёқимлиликни очища, баҳолашда муҳим услубий аҳамиятга эга. Кичрайтиш-эркалаш шакллари ҳам нутқ жараёнида ишлатилади. Шунинг учун ҳам уларнинг маънолари нутқининг умумий мазмунига боғлиқ бўлади.

Субъектив баҳо шаклларидаги синонимия, полисемия, уларнинг турли нутқ услубларига хослиги бу воситаларнинг услубий вазифасини белгилайди.

-ча морфемаси функционал нутқ услубларининг барчасида бир хилда ишлатилади. -ча формасида объектив кичиклик маъносидан ташқари, субъектив баҳо маъноси ҳам ифодаланади. Чоғиширинг: қозонча, тақсимча, дафтарча, болача, йигитча, хотинча, -ча аффикси айни замонда кичрайтиш ҳамда эмоционал маъно ифодалай олади: Кечга қолдинг, тулкичам, кеч келдими эчкичам? (Эртак.) Атоқли отларга -ча морфемаси қўшилганда эса сўзловчининг салбий эмоцияси бўрттирилади: «Шундай эмасми, Файзича?— деб сўради бой. (С. А.) Шунингдек, -ча формаси эгалик аффикслари билан ёнма-ён келиб, ўрни билан кесатиш, пичинг, ҳазил маъноларини ҳам билдиради: Ойимачамиз, хотинчангиз каби.

-ча морфемаси субъектив баҳо ифодалашда баъзи бир бошқа баҳо формалари билан синоним бўла олади: Қизча — қизалоқ, тойча — тойчоқ, келинча — келинчак каби.

-гина (-кина, -қина) шакллари нутқда айриш, чегаралаш маъносини ифодаловчи юклама ҳамда эркалаш маъносини ифодаловчи субъектив баҳо шакли сифатида ишлатилади. -гина модал шакл ясовчи бўлиб келганда отларга эгалик ва келишик аффиксларидан олдин қўшилади ва урғу олади. Худди шу хусусият унга модал муносабат — кучайтириш имкониятини бўради. Бу аффикснинг кучайтириш маъносини ифодалаши қайси

сўз туркумига бирикиб келиши ва матнга ҳам боғлиқдир. -гина (-кина, -қина) аффикслари отларга қўшилиб келганда сўзловчининг тингловчига бўлган турлича муносабатини кучайтиради: *Бўйгинангдан ўргилай; Ойижон, ойи-я, бошгинам оғрийди-я!* (Қўшиқдан.)

Тилими эда айрим сўзлар ўз мустақил маъносини йўқотиб, кичрайтиш-эркалаш маъносини ифодаловчи аффиксоидларга айланиб қолган. Бундай аффиксоидлардан — жон, -хон, -ой, -нисо, -шо, -бой -(вой), -бек, -той, -бону, -гул кабилар сўзлашув нутқида, айниқса, бадний услубда кенг қўлланади. Бу аффиксоидлар севиш, эркалаш, ҳурмат, ҳазил каби модал маъноларни ифодалайди. Бу тип аффиксоидлардаги қўшимча эмоционал-экспрессив маъно бир-бирига яқин бўлганлиги учун ўзаро синонимик қатор ташкил этади: *Дилбаржон — Дилбархон — Дилбарой, Салимбай — Салимбек — Салимишо* каби. Бундай синонимик қўлланиш нутқ ранг-баранглигини таъминлайди.

Эркалаш оттенкали субъектив баҳо шаклларидан айримлари фақат кишиларга атаб қўйилган номларга, қавм-қариндошлик билдирувчи сўзларга қўшилади ва бу аффикслар, асосан, эркалаш, севиш ҳиссини ифодалайди. -бой, -бек, -шо, -мирза, -қул кабилар эркаклар исмига; -ой, -гул, -бону, -бека, -беби, -нисо кабилар хотин-қизлар исмига қўшилади. Келтирилган ҳар иккала тип аффиксоидларнинг баъзилари ўзаро ички синонимик қатор ташкил этади: *Матлабхон //жон //ой//нисо; Эргашжон //бой//бек//қул.*

Айрим эркалаш оттенкали аффиксоидлар нутқда кам қўлланмоқда (-қул, -нисо, -бека, -бону). Шу билан бир қаторда ўзбек тилида, айниқса, ёшларп нутқида баъзан эркалашнинг русча шакллари учрайди: *Назарчик* (Назар), *Лолячка* (Лола), *Адик* (Адиба) каби. Айрим русча шакллар ўзбекча эркалаш шакллари билан синонимтарзида ҳам ишлатилмоқда.

Дедилар бир йифинда, керакмас ҳеч хон демоқ,
Хайрихоннинг ўрнига Хайричкаси яхшироқ.

(*B. Абдуллаев.*)

Бу ўринда жон сўзининг лексик маъноси ва аффиксоид бўлиб келишини изоҳлаш ҳам ўринлидир. Жон лексик бирлик сифатида ингрет-коннотатив маънога эга бўлиб, лаббай сўзига услубий синоним бўлиб келади. Бу сўз аффиксоид ҳолатида услубий бетараф сўзларга адгрет-коннотатив маъно қўшиш учун хизмат

қилади. У тақрор қўлланиб ҳам сўз, ҳам аффиксоид ҳолатида бир негиз ташкил қилғанида эса ундаги таъсирчанлик янада кучли бўлади:

Ватаним чаманзор, ёруғ эди йўл,
Мактаб жонажоним, чин уйим бўлди. (Зулфия.)

Жон аффиксоидининг сўзга қўшилиш ўрни қатъий эмас. У нейтрал сўз охирига, олдига ёки ҳар икки томонига қўшилиб келиши мумкин: *Гулноржон*, жон *Гулнор*, жон *Гулноржон*. Бундай қўллаш сўзловчининг ҳис-ҳаяжони, нутқининг функционал услубига боғлиқ.

Субъектив баҳо шакллари ифодалаган коннотатив маънолар ўзи биришиб келган негизлар англатган лексик маънога уйғун бўлиши керак. Акс ҳолда, услубий нуқсон вужудга келади. Жумладан, кичик сўзи семантикасида белги миқдори камлиги англашилади. Шунинг учун ҳам унга кичрайтиш маъноли -ча аффикси қўшилмайди (кичикча дейилмайди). Балки эркалаш маъноли -кина аффикси қўшилади (кичкина). Катта сўзига ҳам кичрайтиш аффикси -ча қўшилмайди (каттача дейилмайди). Чунки бу сўздаги белги-миқдор даражаси ортиқлиги бунга йўл қўймайди. Бу ҳодиса қолган барча субъектив баҳо шаклларига ҳам тааллуқлидир.

Тил бир хил элементнинг тақрорини ёқтирмаса-да, сўзловчи ёки ёзувчи маълум услубий мақсад учун сўз ёки сўз шаклларини қават-қават ишлатаверади. Қаватланиш лексик (*улуг айём кунлари; туз намак бўлдик; бош-оёқ сарпо қилди*), морфологик (*кўрпачча, қизалоқча, бўталоқча*) кўринишларига эга. Субъектив баҳо шаклларини қаватлантириб қўллаш орқали нутқ таъсирчанлиги оширилади, тасвирланаётган воқеа-ҳодисага салбий ёки ижобий муносабат таъкидланади. Субъектив баҳо шаклларидаги плеоназм шу шаклларга хос кичрайтиш ва эркалаш маъноларининг бир-бири билан узвий боғланганидан келиб чиқади. Бундай тақрорланган аффикснинг биринчи қисми кўпинча кичрайтиш маъносини билдирса, иккинчи қисми эркалаш оттенкасига эга бўлади. Субъектив баҳо шаклларига хос бўлган юқорида қайд этилган коннотатив маънолар бадиий тасвирда нутқининг ифодали бўлишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам ёзувчиларимиз ўз асарларида бундай қўшимчали сўзлардан унумли фойдаланадилар.

Отнинг функционал шакллари орасида ўхшатиш шакли ҳамда жуфт ва тақрор шакллари алоҳида услубий белgilари билан ажралиб туради.

Үхшатиш шакли -дек (-дай) аффикси ёрдамида ясалади ва нарса ёки шахсни белги жиҳатдан -дек аффиксли сўз билдирган нарсага, шахсга ўхшатади, ўхшашлигини билдиради: *шердек кучли, асалдай ширин* каби.

Ўхшатиш шаклли сўзлар бадий нутққа хос бўлиб, сифатлаш усулида кўп ишлатилади. Айниқса, табиат тасвири, портрет чизишда, ижобий ёки салбий қаҳрамонларни тавсифлашда асосий лекенк восита бўлади.

Отинг жуфт формалари (*қозон-товоқ, қулоқ-мия, оғиз-бурун*) умумлаштириш ва маъно кучайтириш учун кўпинча бадий нутқда ишлатилади. Отинг таクロр формалари эса кўплек ва айни замонда маънони кучайтириш оттенкасига эга: *омбор-омбор ғалла, тоғ-тоғ пахта, қатра-қатра ёш, олам-олам қувонч* каби.

1- машқ. Ажратилган сўзлар таркибидаги кўплек шаклининг семантик-услубий хусусиятларини аниқланг.

1. **Қўзлар** мени этдилар хумор, **Табассумлар** ёқиб қолдилар. (Б. Бойқобилов.) 2. Қушбеги жанобларининг ишқ ва муҳаббатдан ҳам хабарлари бор. (С. А.) 3. Қоп яна бир марта ариққа юмалаб тушганда, уни қўлларим билан уриб йиғлаб юбордим. (П. Қ.) 4. Қизлар мажлиси — гуллар, лолалар, тўтилар, қумрилар мажлиси! (А. Қод). 5. Дуруст, иккى кўздан оқадиган қопли ёшлар бу ўтни сўндириш, бу кутишни пасайтиришда эдилар. (С. А.) 6. Ҳеч бир ошиқ ўзидан ажрата олмайдиган шундай аччиқ-чучук **хаёллар**, яхши-ёмон ўйлар, серташибиши васвасалар.., Одинани бир нафас тиичитмас эдилар. (С. А.) 7. Ҳам яна Эрҳубби бўлайдур тафо.

Аммамиэннинг эрларидур Нураго. (Муқимий.)

8. Шунча қийинчилликлар устига хўжайиндан сира яхши сўз эшитмас, очиқ чеҳра кўрмас эди. (С. А.) 9. Хўжайин, ўзларининг қўллари тегмаса, ўғилчаларини юборсинлар, («Муштум».) 10. Ёш **ойбеклар** байроғини кўтараильик баландга. (А. О.)

2- машқ. Полисемантик -лар аффиксининг ўзи бирикиб келган сўзлар таркибидаги семаларини аниқланг. Унинг турли нутқ услубларида ишлатилиш хусусиятларини изоҳланг.

1. Қиладиган ишим—отларга қараш, кечқурунлари ҳалиги иккӣ қизни отлиқ саёҳат қилдириш. (А. Қ.) 2. Соchlарим тикка бўлиб, этларим жимирилашиб кетди. (А. Қ.) 3. Ҳеч ўйлайсанми: қишлоқда, қишлоқларда шунча воқеалар бўлиб ўтди, бойлар, муштумзўрлар бир томон, камбағаллар, батраклар бир томон. (А. Қ.) 4.

Нозиккина қизалоқ әдим. Шунча фалокатлардан қандай қилиб омон қолганимга ҳайронман. (Ү. Ҳ.) 5. Орадан ярим соатча вақт ўтар-ўтмас ўн беш-ўн олти ёшлар чамасидаги иккى йигитча чиқиб келди. (Ҳ. Пўлатов.) 6. Бу совғани дадамларга беринг,— деди Мурод. (Ҳ. Пўлатов.) 7. Ҳурматли Президент жаноблари, азиз меҳмонлар! (Газ.) 8. Алам, ситам, қайғу, мотамнар минан куннарди, ойларди, жилларди ўткариб журганман. (Э. Ж.) 9. Ҳозир Мирзо ҳазратлари Султон Аҳмад жанобларига олтин дастали шамшири хос инъом этадилар. (П. Қ.) 10. Бошларингиздан ўргилай, катталар, болаларингизнинг балоларини олай, катталар, бу салла ва чопонларингизни худо ўзларингизга насиб қилсин, катталар... (С. А.)

3-машқ. Бадий адабиёт ва матбуот саҳифаларидан -лар қўшимчи англаштан маъноларнинг ҳар бирига кўплик, жамлаш, умумлаштириш, ҳурмат, муболага, кучайтириш, таъкидлаш, чама, тахмин, пичинг, киноя каби учтўрттадан мисол топинг, уларни матн ичидаги кўчириб ёзинг ва услубий хусусиятини изоҳланг.

4-машқ. Эгалик аффиксларини топинг, уларнинг ҳар бўрини семантик-услубий ва функционал-услубий тавсифланг.

1. Тожихон ўзларидан ибрат олса, камина куёвларидан ибрат олсан, турмушимиз бундан ҳам яхши бўлиб кетса ажаб эмас. (А. Қ.) 2. Бегим хотиржам бўлсинлар, қайтиб боришим билан истакларини Акбар қори афандига етказаман. (Ш. Саъдулла.) 3. Болам, бирон еринг оғрияптими, нега беш-ўн кундан буён хаёлинг паришон, гаплашгинг келмайди, сенга нима бўлди, жон қизим? (С. Кароматов.) 4. Нарзи. Қизим, бормисан, омонмисан?

Зулфи. Олимжон акам...

Нарзи. Олимжонга нима бўлди?

Зулфи. Қишлоқни ҳимоя қилиб турганда яраланди... Сал ўтмай босмачилар Олимжон акамни топиб олиб кетишиди.

Нарзи. Вой, шўрим... (Ш. Саъдулла.)

5. Вой, ғалати гапни гапирасиз-а, домласи, она ўз боласига ёмонликни право кўрадими? (А. Қ.) 6. Ойиси, ҳой ойиси, болангиз мактаб кетялти. 7.— Үғлимиз ҳам Султонмуороддек олим бўлсин!— деди самимият, билан Дилдор. (О.) 8. Умидада. Нима гаплигини Хайрихонингиздан сўранг.

Каримжон. Умидахон, сизга нима бўлди, нега менинг Хайрихоним бўлади, қўшнининг қизи-я! (А. Қ.)

9. Майсара. Энди, тақсирим, бевалигим ҳам жонимга тегди.

Мулладұст. Тилингдан аканғ, мард қизи, полвон ойим! Мендақа мүмин-мусулмон бу дунё, у дунёни қириштирса ҳам чиқмайды. Ишқилиб, қози үйинг күйгурни муттағам қил, жоним тасаддуқ. (Х. Х.)

5-машқ. Сүзлар таркибидаги күплик, әғалик аффиксларининг күшилиш ўрнига дікқат қилинг. Уларнинг ўзаро ўртты алмашиш-даги семантик-услубий ва функционал-услубий хусусиятларини аниқланғ.

Үғилларим — ўғлимиз, болалар — боламлар, студентлар — студентимиз, сенлар — сизлар, аканглар — аканғиз, мақоламиз — мақолаларим, Алиевлар — Алиевимиз, профессорлар — профессоримиз, юракларим — юрагимлар, мактабларымизда — мактабимиздалар, шоирларимиз — шоиришимизлар, уйдан чиқди — уйидан чиқди.

6-машқ. Белгили ва белгисінә қаратқич шаклли сүзларни аниқланғ. Қайси ҳоллarda қаратқич белгисиз ишлатылмаслыгыннан изохланғ. Белгили қаратқичнинг ўзига хос маъно ва услубий вазифасини баён қилинг.

1. Ҳар бир нарсаннинг янгиси, дүстнинг эскиси яхши. (*Мақол.*) 2. Ҳамма йиғилиши билан биң ишга киришдик. (*Газ.*) 3. Ҳамид Олимжоннинг «Роксананинг күз ёшлары» шеърининг таҳлили бўлди. 4. Севгисин кўзидан сочади булоқ. Борми деб севгининг тилга ҳожати? (*Ш.*) 5. Уйда, Кумушбабининг тоғасининг уйида, қизлар мажлиси, гуллар мажлиси. (*А. Қод.*) 6. Кампир дадамнинг онаси, қиз амакимнинг қизи Сарвинисо эди. (*А. К.*) 7. Тоғларнинг баландлиги узоқдан кўринади. (*П. К.*) 8. Чўлнинг дайди шамоллари ўт-ўланларни силкиб югурад. (*С. Аҳм.*) 9. Мақтанганинг уйини кўр, керилганинг тўйини. (*Мақол.*) 10. Бухоро давлат педагогика институти ўзбек филологияси факультети бешинчи курс студентлари шанбаликда фаол иштирок этди. 11. Курс мажлиси душанба кунига қолди.

7-машқ. Қаратқич келишик шаклининг вариантынини аниқланғ. Бу шаклларнинг бошқа келишик шакллари ҳамда кўмакчилар билан синонимларини кўрсатинг. Бундай синонимиянинг услубий хусусиятини айтинг.

1. Бу байроқ — ҳар бир жангчи учун шон-шараф белгиси. (*И. Раҳим.*) 2. Она халқим, жон-таним маним, Узбекистон — Ватаним маним! (*А. О.*) 3. Қўшиқчиларнинг бири куйлади.— Қўшиқчилардан бири куйлади. 4. Ёнбағирда ўтлайди колхоз подаси, Янграйди чўпон найин майин садоси. (*Х. О.*) 5. Ойқарамнинг барча топшириқлари бажарилди. (*Газ.*) 6. Қаттиқчиликнинг қирқи кетиб, бири қолгандир энди. (*А. К.*)

8-машқ. Үқинг. Тушум келишигидаги сұзларни аниқланг. Тушум келишиги шаклиниң белгили ва белгисиз ишлатилиш сабабларини айтинг. Тушум ва чиқиши келишиги шакларининг синонимисидаги услубий бүекни тушунтириң.

1. Асрларнинг сўкиб чокини, Кўзларимга суреб хокини, Тарихларни бир-бир титурман, Афсоналар топиб битурман. (О.) Дадам бизни кинога олиб бордилар. («Гулхон».) 3. Пазандаси ёпди ширмон, Қарилари кутади меҳмон. (Х. О.) 4. Ҳусайн бу ишни Алишергагина ишониб топшириш мумкинлигини тушунар, чунки у халқ ўртасида шоирнинг эътибори нақадар баландлиги ни биларди. (Л. Батъ.)

5. Ярашганди қош-у кўзи,
Топилмайди босгаň изи,
Уликни тиргизар нози,
Дим ками йўқ, бутун ўзи.

Шуйтиб куйдирган-да бизни. (Э. Жуманбулбул.)

6. Садарайхонга қўл уриб искади, сўнгра шохидан синдираётган эди... (А. Қ.) 7. Үз қилмишингизни гапиринг.—Үз қилмишингиздан гапиринг.—Үз қилмишингиз ҳақида гапиринг. 8. Кўрган-кечирган хотираларидан сўзлади.—Кўрган-кечирган хотираларини сўзлади. 9. Ермат Йўлчининг енг учини тортди.—Ермат Йўлчининг енг учидан тортди. (О.) 10. Хурмодан уч килодан олдик.—Хурмони уч килодан олдик.

9-машқ. Гапларни ўқинг, қаратқич ва тушум келишиги шаклари ўринли қўлланганми? Ҳар бир келишик шаклини ўз ўрнига қўйиб, кўчириб ёзинг.

1. Болаларни сон-саноғи йўқ. 2. Бу ниманинг оқибати? Ҳаётнинг билмасликни оқибати. Агар бутун гаримдорининг кўрган бўлганингизда билардингйэки... (Ф. Мусажонов.) 3. Э, укам, соатнинг тайини борми бизни ишда? (У. У.) 4. Одамларни кўнглини топиш керак. 5. Павел Корчагин образи ватаннинг севишга ундейди. 6.—Ойижон, бу кимни укаси?.—Сани синглинг, қизалогим!—Мени синглим?!—ҳайрон боқиб турарди Назира. (Газ.) 7. Сен нимани санајасан? Ажириқки илдизиними? Ур кетмонингни. (С. Кароматов.)

10-машқ. Жўналиш келишиги шаклари ва уларнинг вариантиларини аниқланг. Бу келишик шакларини семантик-услубий тазсифлашг. Уларнинг қайси нутқ услубида ишлатилишини ва функционал алмашувини изоҳланг.

1. Меҳмонни уйга олиб кир, мен отга пича ем ташлаб қўйай. (С. Аҳм.) 2. Лашкар қирғоққа жойлашди. (Л.

Батъ.) 3. Умримга баҳорим, сенга йўл бўлсин. Топинган шунқорим, сенга йўл бўлсин. (*Э. Ж.*) 4. Ялқов билан анқов — душманга катта ов. (*Мақол.*) 5. Дираболардин ёмонлиқ келди маҳзун кўнглима. Келмади жошимга ҳеч оромижондин яхшилиғ. (*Бобур.*) 6. Олота туза бордик. (*Сўзлашув.*) 7. Улкадан ўлкая ел каби юрсам. (*С. А.*) 8. Бошини бир боғ ҳўл бедага қўйиб уйқуга кетди. (*О.*) — Бошига бир боғ ҳўл бедани қўйиб уйқуга кетди. 9. Раиснинг қўйини пуч ёнфоққа тўлдириб жўнатдингми? (*А. В.*) — Раиснинг қўйнига пуч ёнфоқ тўлдириб жўнатдишгми? 10. Савдогар бир қутини олтинга тўлгазиб берибди. (*Эртакдан.*) — Савдогар бир қутига олтин тўлгазиб берибди.

11-машқ. Гапларни ўқинг, ўрин-пайт ва чиқиш келишиги шакларининг семантик-услубий вазифасини баён қилинг. Бу келишик шакллари қачон кўмакчи сўзлар билан синонимик қатор ташкил қилишини кўрсатинг.

1. Навоийнинг келиш хабари астрободликларнинг юрагида чексиз қувонч уйғотди. (*О.*) 2. Ўзи ишкомдан чиқиб, эрталаб шамолда тўқилган олмалардан чопоннинг этагини тўлдириди. (*Х. Ф.*) 3. Салқин саҳарларда, бодом гулида, Бинафша лабида, ерларда баҳор. (*Зул-фил.*) 4. Абдуҳамид, паловдан енг, чойни ҳам ичинг. (*Газ.*) 5. Үқувчилардан бири савол берди. 6. Тошкент шаҳри Бухородан катта. 7. Бу гилам жундан тўқилган. 8. Сенга бахтдан таҳт тиларман, толедин бошингга тож. (*Э. В.*) 9. Дейин сўз илмнинг хоснитидин, Баён айлай анинг моҳиятидин. (*Фурқат.*) 10. Баланд тоғдан оширайин, Оқ сийнамда яширайин. (*Э. Ж.*) 11. Таёқ зарби ўтиб энди шўрлидан. (*Ф. Иўлдош.*) 12. Йўлчи мошхўрдан икки қошиқда ичди. (*О.*) 13. Гапингиз қизиқ! — деди у кутилмаган бир кескинлик билан. — Танлаш учун бошқа сектор қолмагандан кейин ихтиёр сўраш нима керак? (*П. К.*) 14. У ётоқхона унга тўғри келмаслирини Мастура опага холаси орқали айттириди. (*П. К.*) 15. — Э, бу безори бола экан-ку! — деди у алланечук заиф товуш билан. (*П. К.*)

12-машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзлардаги жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиги қўшимчаларини тегнишли кўмакчилар билан алмаштириб, гапларни кўчиринг. Келишик шакли ва кўмакчи сўзлар синонимияси орасидаги семантик-услубий фарқни тушунтиргинг.

1. Шаҳарга кетди. 2. Экскурсияга келди. 3. Инсон инсонга дўст, биродар. 4. Душанбе—Москва поездни Когондан ўтади. 5. Биз Когонга машинада бордик. 6. Эр-

танги ишга бугун режа туз. 7. Унинг хатларига **Москвадан**, **Киевдан**, **Тошкентдан** ва бошқа шаҳарлардан жавоблар келди. 8. Цех бошлиғи маҳсулот **сифатидан** гапирмади. 9. Саидә эрта **тонгда** уйғонди. (А. К.) 10. Бу иш **құлда** бажарилған. Уша кезларда Елқин акам отда **ғұзани** күлтивация қиласы әди. (П. К.)

13- машқ. Ноҳия, вилоят, жумҳурият газеталари саҳифаларидан түрли грамматик шаклларининг хато құлланиши (-га билан -да; -да билан -дан; -ни билан **нинг**, шунингдек келишик құшымчаси билан күмакчининг бирининг ўрнида иккінчисини құллаш) билан bogliq bûlgan uslubiy nyksionlарга 15—20 та мисол топинг ҳамда уларни таҳрир қилинг.

14- машқ. Қуйидаги сүзлар таркибидеги келишик шаклларини функционал алмаштириб ёзинг ва семантик-услубий фарқини аниқланг. Қайси вақтда келишик шаклы функционал алмаша олишини тушунтириңг.

1. Иўлчибой ака, қаер (-га, -да) жим бўлиб кетдингиз. (О.) 2. Ёш кўнглимда орзуларим мўл. Қуёш эрир юрак тафтим (-га, -да, -дан). (Э. В.) 3. Меҳмонлар келгани (-га, -дан) хурсандман. 4. Шахсий ҳаётингиз (-га, -да) муваффақият тилайман. 5. Меҳмонлар (-нинг, -дан) ёши улуғи сўзлади. 6. Милтиқ отиш (-ни, -га) ўрганди. 7. Ёнбоши (-га, -да, -дан) ётди. 8. Ош (-га, -дан) тўйди. 9. Ёқаси (-ни, -дан) ушлади. 10. Гўшт (-ни, -дан) еди.

15- машқ. Келишик құшымчаларининг маъноси ва грамматик вазифасига алоқалор бўлган барча услубий нуқсонларни аниқланг. Уларни таҳрир қилиб кўчириңг.

1. Ақл ёшга эмас, бошга. 2. Заводда бугун катта қурилиш ишларини олиб бориляпти. 3. Эрталаб чиққан қуёши тушга яқин булат пардалари юзини беркитди. 4. Хадича хола бу гапниш эшишиб, бошидан рўмоли тушиб кетди. 5. Мен сизга полизга қандай ишлашниям ўргатаман. (О. Мухторов.) 6. Мен Нарзи ёнига бўлиб, уни қутқаришим керак әди. 7. Даврон сургин, хуморим, маконингга. (Э. Жуманбулбул.) 8. Иўлбарсаннинг бир қўли билан ҳиқилдоғидан ушлади-ю, ўзида етказмасдан осмонинш ўзида зарб билан шамширини санчди. (М. Кориев.) 9. У. Эшбоев билан астойдил азобланиб юрар әди. (П. К.) 10. Саидә одамларни дилига маънавий йўл топишга ҳаракат қиласы.

16- машқ. Матндан грамматик-услубий хатоларни аниқланг. Уни таҳрир қилиб кўчириңг.

Кейинги йилларда Хоразм область марказининг умумий таълим мактаблари таълим-тарбия ишлари савиғасини оширишда олға сезиларли қадам қўйдилар.

Бу шаҳар ҳалқ маорифи бўлими ва мактабларнинг педагогика колективларининг шаҳар партия комитети ва ижроия комитети раҳбарлиги, кенг жамоатчиликнинг ёрдами асосида амалга оширилган ташкилий-хўжалик ва педагогик тадбирлар бир бутун системанинг ёрқин натижаси бўлди...

Ҳаётнинг ўзи раҳбарлардан иш услуби ва методларини такомиллаштиришни талаб этмоқда. Бу ўринда уларнинг колектив аъзоларини ғоявий-сиёсий тарбиялашда шахсан иштирок этишга алоҳида муҳим аҳамият касб этмоқда... Мактаб директорлари, ўқитувчилар, мактабгача тарбия ходимлари, корхоналарда сиёсий-тарбиявий мавзуларда тез-тез лекция ва докладлар билан чиқиб тураман... Коллектив бутун фаолияти тақдирини кишилар белгилайди. Улар билан олиб бориладиган ишни яхшилаш бизнинг асосий резервимиздир. Шаҳар мактабларида барча раҳбар ходимлар пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар, агитаторлар «Билим» жамияти аъзолариридир. Назарий билимларнинг ошиши кадрларимизнинг ўсишига, ишга ижодий ёндашибиларига ёрдам берадиганини кўриш ёқимлидир... (Газ.)

17-машқ. Қуйидаги гаплардан кичрайтиш-эркалаш шакларини топинг. Ҳар бир шаклинг семантик-услубий хусусиятини баён этинг.

1. Эски чориқ судраган йигитча қўлидаги эгри таёқ билан ер чизиб ўтиарди. (С. А.) 2. Вой шошманг, дийдоргинасига бир тўйиб олай. (С. Аҳм.) 3. У щуларни ўйлар экан, гўё эрига бир кор-ҳол бўлиб, ўғилгинасидан ажралиб қоладигандай қўрқиб кетди. (Н. Ф.) 4. Чой ичмадинг-ку, чойгинангни ичмадинг-ку, тентагим. (С. Аҳм.) 5. Жуни хурпайган, қалтираб турган, тумшуғи оппоқ жажжи бузоқча совқотган лаблари билан елин қидирмоқда эди. (М. Шолохов.) 6. Ойижон, ойи-я, бошгинам оғрийди-я! (Қўшиқ.) 7. Кечир мени, олмажон, қилмишимга пушаймон. (З. Д.) 8. Қалин тўшак устида ётар эди мушуквой. (Эртакдан.) 9. Ҳа, болакайлар, нима гап?— деди Жўранинг отаси. 10. Тез югур, жон қизим!— деди. (С. А.)

11. Айланайин оқчамдан,
Лаблари қаймоқчамдан,
Бай-бай экан кўйлакчаси,
Кўйлакчаси-мўйлакчаси,
Чиқа қолсин мўйлабчаси. («Болалар фольклори».)

18- машқ. Үқинг. Кичрайтиш, эркалаш аффиксларини олган сүзларни ажратинг. Уларнинг маъно ва қўлланиш хусусиятларини айтиб беринг.

1. Учиш давомида жажжи идишларда бизга егулик берган, сувлар тутган қўғирчоқдай стюардесса қизнинг таниш овозидан ўзимга келдим. Мен кўзимни жичча очиб атрофга алангладим. («Ёшлик».) 2. Ҳа, тойчоғим, нега ухламаяпсан? (Ч. Айт.) 3. Ойижоним туфличами доим мойлаб қўярди;

Бувижоним папкам артиб, эркаларди, суряди.

Ақажоним дўппим қоқиб, силар эди бошимни,
Опажоним дастурхонга келтиради ошимни.

(А. Кўчимов.)

4. Шўрва тайёр бўлиб, сопол косаларга сузилаётганда, Гулнор папкадаккина чамадонча кўтарган бир аёлни бошлаб кирди. (Х. Н.) 5. — Энажон, отамни ушланг! Жон эна, ушланг! («Ёшлик».)

6. Шамол дейди уйқуга:

— Бир эсаман, учаман,

Болакайнинг нонини

Шиппа олиб қочаман.

Уйқу деди:— Йўл бўлсин,

У сенга бўш қелмас-ов! (Газ.)

7. Бухоро хонлигида ҳам дуохонлик билан шуғулланувчи аёллар бўлган, деди экскурсавод Диљбархон. («Ёшлик».) 8. Ўзингни бос, оппоқ қизим! Сенга нима бўлди! Жон қизим, гапира қол. (С. Кароматов.)

19- машқ. Үқинг. Отларнинг функционал шаклларини семантикуслубий ва функционал-услубий тавсифланг.

Н а м у н а: *У вақтнинг одами бошиқа, бу вақтники бошиқа.* (Ойдин.) -ники формаси қарашлилик маъносини билдиради, нутқ тежамкорлиги семаси мавжуд.

1. Раиснинг боласига кўзини шаҳло қилиб, колхозчи-никига бир кўзини юмб қараганини яқин йўлатишмайди. (Э. Усмонов.) 2. От кимники, минганиники. (Мақол.)

3. Ҳо-о, тилда келманг десалар, ҳам, дилда жон-жон деб турган эканлар-да! (О. Е.) 4. Айтдимки, қизингиз каминанинг бўй-бастига шайдо бўлиб қолди. (О. Е.)

5. Кўксаройнинг кунгурадор деворлари қоронғида чўнг қоядай ҳайбатли туюлади. (О. Е.) 6. Қамондек қошлигининг, киприкларингдан ўқ отар доим. (Х. О.) 7. Қудрат электрни дадасига гапиравериб, колхоз монтёри Андрейга зир югурравериб, уларнинг қулоқ-миясини еди. (Х. Н.)

8. Қиз қалбидек пок эди ҳаво. (Х. О.)

7- §. Сифатнинг услубий хусусиятлари.

Сифат сўзларининг ўзаро синонимияси, уларни турли нутқ услубларида фарқланиши, сифат даражаларини ҳосил қилувчи шаклларнинг маъно фарқларни ҳоят, бадиий адабиётдаги эпитетларнинг сифатлард ифодаланиши бу туркум сўзларнинг бой услубий икониятларини кўрсатади.

Сифат сўзларининг семантический-услубий хусусияти ул бирекиб келган отларнинг маъно оттенкасини ҳисоб олгаётганина тўла англашилади: *past овоз*, *past дейиш мумкин бўлгани ҳолда*, *past уйқу деб бўлмайд* Аксинча, *тинч уйқу*, *тинч уй дейиш мумкин*, аммо *тинч овоз деб бўлмайди*. Демак, сифат сўзларининг семантический-услубий таркибидаги семаларни билган ҳолда улар бирекиб келаётган предметлик семаларига мос келгандагина смантический яхлитлик ҳосил қиласди. Ана шу хусусиятни тўла англаамаслик натижасида нутқда услубий хатолар ро беради. Чоғиширинг: *тинч, ювош, беозор* сифатлари *одам, киши* сўзларига бемалол бирека олад аммо *овоз сўзига* эса бу сифатларнинг бирортаси ҳа бирека олмайди. *Овоз сўзи past, жарангсиз, баланд* сифатлари билан бирекма ҳосил қиласди: *past овоз, жарангсиз овоз, баланд овоз* каби. Бундаги семантический яхлитликни ҳосил қилишда эшитилиш, талаффуз каби ишеграл (оралиқ) семалар роль ўйнайди. Сифат сўзларидаги бундай семантический нозикликлар там-маза, ранг-табилдирувчи сўзларда янада яққол кўринади.

Айрим сифатлар логик талаб билан бирор предметнинг рангини ифодалаш учун хизмат қиласди: *оқ тоғора эчки* каби. Аммо айрим предметларнинг ўзида би восита ранг-тус ифодаланиб туради: *сут, кўмир, қон* кабиларда оқ, тоғора, қизил ранглари ифодаланган. Шунга қарамай, бундай сўзлар олдидан рангнинг яна ҳа кучлилигини билдирувчи сўзлар келтирилиб, бирекма ҳасил қилинади: *оқ сут — оппоқ сут, тоғора кўмир — қоп-қор кўмир, қизил қон — қиён-қизил қон* каби. Бу тип қўлла нишлар маълум услубий талаб билан маъно кучайтириш уни бўрттириш учун ишлатилади. *Қип-қизил қонга бўяланган яна бир банди обхонага келтириб ташланди.* (С. А.)

*Тулкиларни сиртлон бўлиб қувмасак,
Онамизнинг оппоқ сути ҳаромдир.* (Э. Жуманбулбул.)

Сифатларнинг тўлиқ ва хотўлиқ шакллари мавжу бўлиб, улар матнда бирининг ўрнини иккинчиси алмаш

тиради. Тўлиқ шаклни бирималарда маъно кучайтирилади. Чоғиштиринг: *улуғ иши — улуғвор иши, катта ҳовли — каттакон ҳовли* каби. Тўлиқ формали сифатлар бадий ва публицистик нутқ услубларида кўп ишлатилади:

*Оппоқ тонг отади... куйимга йўлдош,
Кўкда ярқираиди каттакон қуёш.* (3.)

8- §. Сифат даражалари синонимияси

Сифат билдирган белги нормал (оддий) даражада бўлиши ёки ундан ортиқ (кучли), (кучсиз) бўлиши мумкин. Сифатларнинг даражаси кўрсатишдаги бундай фарқи аналитик ва синтетик воситалар (шакллар) орқали ифодаланади: *чиroyili қиз — жуда чиroyili қиз — чиroyiliroқ қиз*. Кўриняптики, сифатнинг асосий морфологик белгиси унинг даражаси кўрсаткичига эга бўлишидир. Аммо ҳамма сифатлар ҳам бундай хусусиятга эга эмас. *Оиласий, гоявий, деворий, сиртқи, ички, кузен* каби нисбий сифатларга даражаси шаклларини қўшиб ишлатиш услубий хатога олиб келади.

Ўзбек тилида белгининг ортиқлиги маъноси фонетик, лексик, лексик-семантик усуслар билан ифодаланаади: *сан-сариқ — жуда сариқ; қоп-қора — ўта қора — кўмирдек қора* каби.

Бу ҳолат, яъни бирор маънони турли шакллар орқали ифодалаш синонимликни юзага келтиради: *Баҳор ҳавоси эмасми, бирам ёқимли — Баҳор ҳавоси жуда ёқимли; кўнгли қора одам — кўнгли жуда қора одам; юзи қизил бола — юзи анордек қизил бола* каби.

Орттирма даражаси ясовчи элементлар ўзаро синонимлик ташкил этади. Бундай элементлар ўзининг услубий бўёғи ва қўлланишига кўра фарқланади. Жумладаи, энг элементи сифат олдидан келиб, бирор белгини бошқа белгиларга чоғиштирган ҳолда ортиқлик тушунчанини ифодалайди. Энг чиroyili бино дейилганда бу бино бир қанча чиroyili бинолар ичида ўзининг кўриниши билан янада ажralиб, бўртиб тургани таъкидланади. *Жуда чиroyili бино дейилганда эса белгининг ортиқлини, айнан шу предметга нисбатан ишлатилётганилиги сезилади. Жуда* элементига нисбатан *гоят (гоятда, бағоят)* элементи кўпроқ адабий тилга хослиги, сўзлашув нутқида деярли ишлатилмаслиги билан ажralиб уради.

Лексик-семантик усул билан ҳосил қилингани сифаттинг ортирма даражаси күпроқ сўзлашув нутқига хос бўлиб, сўзловчининг ички ҳаяжонини ҳам ифодалаб келади: *фариштадай чиройли, анордек қизил, осмондай тоза* каби.

Сифатларнинг озайтирма даражаси *-роқ, -имтир* (*-мтирир*), *-ши, -ғиши* аффикслари ҳамда *сал, бир оз, хиёл, ним, ярим* каби маҳсус сўзлар ёрдамида ҳосил қилинади: *кўкроқ — кўкимтирир — кўкиши — сал кўй, қизилроқ — қизғиши — хиёл қизил* каби. Озайтирма даражаси шакллари орасидаги синонимлик нутқий ранг-баранглик ҳосил қилади. У ёки бу нарса-ҳодисанинг ички моҳиятини очишда белги-хусусиятини ифодаловчи бу шакллардан унумли фойдаланилади.

-роқ аффикси предметлардаги белги кучини сусайтириб кўрсатиши сабабли қиёсий тарздаги ҳалқ мақолларида тушириб қолдирилади: *Амирнинг ошидан фақирнинг мушти яхши; Уят ўлимдан қаттиқ*. Белгининг меъеридан янада пастлигини кўрсатиш учун даражаси ясовчи лексик ва морфологик элементлар ёнма-ён келтирилади: *Укаси сал кичикроқ ва юзи бир оз қорароқ* эди. Озайтирма даражаси ясовчи икки морфологик восита сифат ўзагига бирдан ортиқ қўшилганда эса белги даражасининг ниҳоятда камлиги ифодаланаади; бундай қўлланиш кўпинча сўзлашув нутқига хос бўлади: *Сариосиёлик Муродбиби ўрта бўйли, шаҳло кўз, сарғишроқ, йигирма саккиз ёшларда* эди. («Саодат».)

-роқ аффиксли сифатлар олдиндан белги кучайтирувчи сўзларни қўллаш мантиқсизликка олиб келади. Чунки бу сўзларнинг семантик структурасида қарама-қарши (антонимик) семалар мавжуд: *жуда чиройлироқ, ғоят гўзалроқ, ниҳоят кичикроқ* деб қўллацилмайди.

Даражаси ясовчи морфологик воситалар қўшма сифатларда охирги компонентга қўшилади: *хомхаёлроқ одам, соддадилроқ йигит*.

Услубий қўлланишига кўра ўзининг сиқиқлиги билан ажralиб турувчи синтетик шаклли сифат даражалари шеъриятда қўлланса, аналитик шаклли сифатлар эса публицистик, илмий нутқ услубларида ишлатилади.

Сифатлардаги модал шакллар ҳам айрим услубий хусусиятларга эга. Модал маъно берувчи аффикслар ўзи бириниб келаётган сифат маъносини тубдан ўзгартиримайди, балки унга қўшимча эмоционал-таъсирчан оттен-

калар: севиши, ачиниш, эркалаш, киной кабиларни құшады: *Ох Гулсанамим, ўртоқжоним, меҳрибонгинам.* (О.) Мен із құлым билан шириңгина палов қилиб бераман. (О.)

-гина (-кина, -қина) аффикслари сифат үзакларига құшилғандагина, ёқимтойлик, кичиқлик маъноларини ифодалаш билан бирга салбий белги муносабатларини ҳам ифодалаб келиши мумкин: *У қиз хүнүккина-ку; Ҳайр, ўғригина болам, келиб тур.* (F.F.) Худди шүннингдек, бу аффикслар сифатлардаги белги даражасини су-сайтириб ҳам күрсатиши мумкин. Бу ҳолатни сезмаслик амалиётда баъзи нутқий хатоларга олиб келади: *Муйилишга етмасдан икки ҳовли беріда янгигина, ҳали номери ҳам ийік яшил «Москвич» турибди.* (С. Ахм.) Бу гапдаги янгигина сўзи ўрнида яп-янги сўзи қўлланса, фикр тўғри ифодаланар эди.

Бадиий тасвирда даража күрсаткичли ва модал формали сифатларни бир-бири билан уйғунлаштириб қўллаш ёрқин маизаралар, ажойиб портретлар яратиш имконини беради: *Уста қаригина, бурни чўтироқ, аммо жуда сўзамол, маҳмадана киши эди.* (О.)

Сифатлардан бадиий адабиётда сифатлаш приёмида фойдаланилади. Сифатлаш предметтинг белгисини оддийгина күрсатищ билан чегараланмай, уни яиада конкреметлаштиради, баҳолайди, таъсирчанлик киритади. Кўлгина сифатлашлар ёзувчининг индивидуал нутқига хос бўлади. Буларда санъаткорнинг ижобий ёки салбий туйғуси яққол сезилиб туради. Индивидуал нутқ сифатлашларининг аксариятини метафорик сифатлашлар ташкил этади: *Ҳийлагар ой, сеҳргар дилбар, новвот қоялар, шакар лаб, чумоли бел, гул юз каби.*

Индивидуал нутқ сифатлашлари персонаж портрети-ни чизишда, уларни яққол гавдалантиришда муҳим услубий ўрин тутади: *Унинг қора зулфи пар ёстиқнинг турли томонига тартибсиз суратда тўэзиб, қуюқ жингалак киприк остидаги тим қора кўзлари бир нуқтага тикилганда, нимадир бир нарсани кўрган каби... қон-қора камон, ўтиб кетган нафис, қийиқ қошлари чимрилганда, нимадир бир нарсадан чўчиған каби... тўлган ойдек губорсиз оқ юзи бир оз қизилликка айланганда, кимдандир уллган каби... шу вақт кўрпани қайириб ушлаган оқ қўллари билан латиф бурнининг ўнг томонида, табиаттинг ниҳоятда уста қўли билан қўндирилган қора холини қашиди ва бошини ёстиқдан олиб ўтирди.* Сариқ

рупоҳ атлас кўйлакнинг устидан унинг ўртача кўкраги бир оз кўтарилиб турмоқда эди. Туриб ўтиргач, бошини бир силкитди-да, ижирганиб қўйди. Силкиниш орасида унинг юзини тўзиган соч толалари ўраб олиб, жонсиз бир суратга киргизди. Бу қиз суратида ўтирган малак Кўтидорнинг қизи — Кумушабиби эди. (А. Қод.).

20- машқ. Қуйидаги сифатларни қавс ичидаги отларга биринтириб, гаплар тузинг. Айрим сифатларнинг от билан сўз биринмаси ҳосил қиломаслик сабабларини тушунтириш.

Катта (уй, доҳий, шамол); улуғ (мактаб, инсон, табиат); қизиқ (газета, роман, Бухоро); оппоқ (пахта, сут, фикр); оқсоқол (чол, эчки, бола); кичик (китоб, овоз, ақл); мазали (шўрва, туз, фишт); илфор (ишичи, фикр, ақл); юқори (бино, тил, лавозим); гўштдор (товуқ, сомса); қалин (дўст, йўл, одам); кенг (саҳро, дафтар, чойнак); ориқ (қиз, сигир, ер); озғин(сигир, киши).

21- машқ. Тўлиқ ва нотўлиқ шаклни сифатлар топиб, уларни тегишли отлар билан биринтириб гаплар тузинг. Бу синонимик варианtlарни семантик-услубий ва функционал-услубий тавсифланг.

Н а м у н а: Улуғ вазифа — улуғвор вазифа. Улуғвор сифати публицистик нутқда ишлатилади, кўтаришилик ва тантанаворлик услубий семасига эга.

22- машқ. Раңг-тус билдирувчи сифатларни топинг. Уларнинг мажозний, эмоционал-таъсиричли маъноларини аниқланг.

1. Келин, дарҳақиқат, ёш, лекин худди қизиқчиликка семиргандай юм-юмалоқ; эгнида енгиз қизил кўйлак, бошида попишакнинг тожига ўхшаган қизил шляпа, қўлидаги сумкаси, оёғидаги пошиаси бир қарич туфлиси ҳам қизил. (А. Қ.) 2. Эй, сиз, баҳодирлар, қизил мерғанлар. Шу она ҳурмати туриш оёққа. (У.) 3. Қўйинг, қизилидан ичаман. (О.) 4. Илк саҳардан то қора кечгача одамлар тиним билмаган. (М. Исмоилий.) 5. Бир қора қозонни амаллаб қайнатиб турибмиз. (М. Исмоилий.) 6. Оҳ, тим қора соchlаринг нақадар эди гўзал! (Э. Неъмат.) 7. Бу лаънати қора дунёнинг қора қаҳқаҳаларидан тезроқ қутулсан деяр эдим, чирогим. (М. Исмоилий.) 8. Сиэлар билан гаплашганимда, ўзимнинг қора ўтмишимда ҳам баъзи ёруғ нуқталар бўлганлигини ҳис қиляпман. (А. Мух.) 9. Оқ таңгам қора кунимга ярар. (Сўзлашувдан.) 10. Қиз ўжарлик билан қорани оқ деб исбот қилишга тиришар эди. (О.)

23- машқ. Қуйидаги сифатлардан фойдаланиб «Қоматлари сару шамшодлар» номли уй ишшоси ёзиб келинг. Матндан ҳар бир

Сифат синонимнинг қўшимча эмоционал-таъсирчан бўғини изоҳланг.

Чиройли, гўзал, барно, сулув, зебо, хушрўй, латофатли, кўҳли, дилбар, дилдор, сапобар, келишган, ой юзли, кулча юзли, моҳитобон, сарвиравон, сарвқомат, сарвигулрў, сарвиноз, сарвихромон, зулфирайҳон.

24-машқ. Сифат даражаси ҳосил қилувчи шаклларни фаол иштирок эттириб табиат манзараси (пейзаж) ёки бирор шахсенинг портретини чизинг. Ҳар бир даражада ясовчанинг услубий хусусиятини баён қилиш.

25-машқ. Сифат даражаларини топинг. Ҳар бир даражада ясовчига хос семантик-услубий хусусиятларни тушунтиринг.

1. Бектемир генералларни урушнинг бутун ҳикматини биладиган бафоят ҳурматли, азиз одамлар Ҷеб тушунарди. (О.) 2. Жуда яхши, жуда соз бўлар, ғазал ёзиб туришади дeng. (С. Абд.) 3. Деразамнинг олдида бир туп Ўрик оппоқ бўлиб гуллади. (Х. О.) 4. Оппоқ қизнинг кўкиш кўзлари жиққа ёшга тўлди. (А. К.) 5. Наргиз ўрта бўйли, қўйкўз, сарғишроқ, чўзиқ юзли эди. («Саодат».) 6. Цехимида фариштадай чиройли қизларимиз бор. (Газ.) 7. Абдушукур манглайи тиришгаи, кўзойнакли, этсиз, қорамтири юзи ичига ботган... ориққина кинни эди. (О.)

26-машқ. Сифат ва унинг турли шаклларини нотўғри ишлатиш билан боғлиқ бўлган услубий пуксонли гапларни аниқланг ва уларни таҳрир қилиб кўчиринг.

1. Электротрактордан фойдалана оласизми, ўртоқ Қодиров!— Ҳа, албатта, пега фойдаланмайлик? Электростанциямиз бетўхтовсиз ишлаб турибди. 2. Дилдор Нафисанинг оппоқ чақиоқ кўзларига ҳавасланиб боқди. (Х. Ф.) 3. Бухороли паҳтакорлар ҳам ўз аҳдларини бажардилар. 4. Болам, шу кунлар беғамлик одам бўлиб қолибсан. 5. Бу ишда илмийроқ бирорта ҳам фикр йўқ. 6. Денисов дўнг пешанали, қирра бурун киши эди. (М. Шолохов.) 7. Ўрикниш энг тезпишарроқ навидан ниҳол таилаб оламан. 8. Таилаган тўнинг жуда малла-ранг-ку! 9. Норов сап-сариқ, буғдой ранг одам эди. 10. Дадаси, рўмолниш жуда қип-қизил рангидан олибсиз. 11. Одил бадқовоқ, серзардали киши эди. 12. Нотаниш бирор иш бажарини қийин бўлди. 13. Энг баҳосиз нарса — бу кинининг умридир. 14. Солиҳбой виждонсиз, зулмкаш киши эди. (Инишодан.)

27-машқ. Персонажларни тавсифловчи сифатларни топинг. Сифатлашларнинг услубий хусусиятини аниқланг.

1. Очил бува ўткир қора күзли, серқош, чиройлы йигит бўлган. Унинг йигитлик кўрки ҳозир ҳам мўйловининг бир учи билангина жилмайнишидами, сал чўккан кўзларининг йилтирашидами сақланиб қолган. (А. М.) 2. Сарой эшигидан ўрта ёшли, узун бўйли, эчки соқолли, ориқ бир одам кириб келди. (С. А.) 3. У ўзи турган ердан олтмиш-етмиш қадам нарироқда узун бўйли, ориқ, туси қорамтири, кўзлари, қошлари қора, соқолига битта-яримта оқ тушган, мўйлови тоза қирилган; ўнг қўлида яланғоч бир қилич, чап қўли билан белбоғига қистирилган катта пичноқ сопидан тутган, белбоғига қора чипор, сарғимтири чилвир ўраб қўйилган бир туркманни кўрди. (С. А.) 4. Бу аёлни табнат гўё ўзгача меҳр билан яратгандек. Унинг оппоқ юзи, қалдирғоч қанотидек ингичка қошлари, тим қора кўзлари, бодом қовоқларига наштардек қадалиб турувчи киприклари ва бир оз қизил суртилган лаблари ўзига ярашиб тушган. (Иншодан.) 5. Мутавалли етмиш яшар тахмин қилинадиган бир чол бўлиб, бўйи қисқа, гавдаси йўғон, қорни катта ва юзи кунда икки марта туғадиган товуқининг юзидай қип-қизил эди. (С. А.) 6. Кумушбиби ихтиёрли, ихтиёрсиз бу кулғиликка тортилиб, унинг юволигина илжайнишидан ёқутдек лаблари остидаги садаф каби оқ тишлари бир кўриниб қўйдилар. (А. Қод.)

28- машқ. Гаплардаги мантиқий-услубий хатоларни аниqlанг. Уларни таҳрир қилиб кўчиринг. Бундай хатоларниң сабабларини оғзаки тушунтиринг.

1. Ял-ял ёнган лолақизғалдоқлар сингари бир қўшиқ, бир қўшиқ. (Газ.) 2. Заминни, кулгинни, гулларни қучаман... авайлайман уларни ва кўтариб юраман чақалоқлар сингари. (Газ.) 3. Ўй сурар мусаффо ҳаво қўйнида, гўдакдай бошини қилиб сарак. (Газ.) 4. Товуқ инқиллайди, нйгорон кўзларини эгасига тикиб, ундан најот кутади, дийдаларидан марварид томчилари думалайди. (С. Сиёев.) 5. Канада парламенти мажлислар зали йўлдагини йўғонлиги болдирадай тилла тўсин тўсиб туради. (Ҳ. Шарипов.) 6. Эллик ёшлар чамасидаги паҳлавондан келган одам эди. (М. Кориев.) 7. Ҳирснинг тօғдай қоматини муҳаббатнинг қилдай қуввати чилвир билан боғлаб, баланд адолат қоясидан улоқтириб ташлади. (М. Кориев.)

9- §. Соңнинг услубий хусусиятлари

Сон от билан бирга қўлланади. Алоҳида қўлланганда эса мавҳум тушунчали билдиради: *бир, икки, уч, ўн*. Соnlар ҳеч қачон белги ифодаловчи сўзни ўзига тобе қилиб келмайди, яъни аниқловчи олмайди: *яхши учта китоб* эмас, *учта яхши китоб*. Оғзаки нутқда бунга эътибор қилмаслик натижасида услубий хатога йўл қўйилади, яъни фикр мантиғига пуртур етади.

Миқдор сон сўзлар билан ишлатила олади. Соnlар тарқибида келадиган -та, -тacha, -лаб, -тадан, -ов, -ала каби аффикслар предмет миқдорини турли усуллар билан ифодалайди. Соn шаклларини ҳосил қилувчи бундай аффиксларнинг айримлари (*минглаб, мингларча*) ўзаро ёки ҳисоб сўзлар билан синонимлик ташкил этади: *иккита китоб* — *икки дона китоб* каби.

Предметнинг ҳисобини кўрсатувчи сўзлар оғзаки ва ёзма нутқда ишлатилишига кўра ўзига хос хусусиятларга эга.

Ҳисоб сўзлар предметнинг саналиш хусусиятига қараб қўлланади. Масалан, дараҳт тупига кўра, оёқ кийими жуфтига кўра, ҳайвон бошига кўра, ўрин-жой ҳажмига кўра ва ҳ. к.

Оғирликни ўлчаш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзлар қаттиқ ва суюқ нарсаларнинг ўлчовини кўрсатишда семантик жиҳатдан фарқланади. Жумладан, *литр* сўзи фақат суюқлик учун ишлатилса, *грамм*, *килограмм* сўзлари ҳам суюқлик, ҳам қаттиқ жисемлар ўлчови учун ишлатилади. Жонли тилда ҳисоб сўзлар ўзи бирини келгап соn билан қўлланмаслиги ҳам мумкин. Жумладан, қиймат билдирувчи «сўм» нумеративи қўлланмай, соңнинг ўзи турли келишик аффиксларини олиб ишлатилаверади: *Гилам таниган одам икки мингга индамай олади.* (A. K.) Унинг ойлиги уч юздан кам тушмайди. Халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар услубий жиҳатдан ихчам бўлганлиги учун улар таркибидаги ҳисоб сўзлар туширилиб ишлатилади: *Ер ҳайдасанг, куз ҳайда, куз ҳайдамассанг юз ҳайда.* (Мақол.) *Етти ўлчаб, бир кес.* (Мақол.)

Доналаб санаш мумкин бўлган предметларнинг миқдори -та аффиксини қўшиш билан аниқланади: *учта ручка, бешта дафтар* каби. Дона соn белгиси -та саноқ соnlарга ҳисоб сўзлардан олдин қўшилмайди: *уч жуғғ түфли олдим* дейин мумкин, *учта жуғт түфли олдим*

дайилмайди. *Беш кило ёнғоқ* дейиш мумкин, *Бешта кило ёнғоқ* дайилмайди. Баъзан услугбий ихчамлик учун саюқ сонларга бирикиб келган -та аффикси туширилиб қолдирилади: *Бир түп гул юз ғұнча очади.* *Бир йигитга етмисін ҳұнар оз.* (Мақол.) Саюқ сон билан дона сон синонимлік ҳолатида ҳам ишлатилади: *икки генерал — иккита генерал, үч профессор — учта профессор.* Бунда -та құшимчасини олган сон формасыда таъкидлаш маъноси кучли бўлади.

Синонимлик ҳолатидаги -тacha ва -ларча аффикслари ёрдамида ясалган чама сонлар маъно нозиклиги билан фарқланади: *Майдонда юзларча киши* — *майдонда юзтacha киши* бирикмалари қиёс қилинса, биринчи бирикмада майдондаги кишиларнинг миқдор жиҳатдан ниҳоят ортиқлиги семаси юзага чиқади. Иккинчи бирикмада, яъни майдондаги кишилар миқдори кам, юзга яқин семаси намоён бўлади.

-ларча аффикси *беш, олти, етти* каби содда сонларга, шунингдек, *ўн тўрт, ўн беш, ўн олти* каби таркибли сонларга қўшилмайди, балки миқдор ва жамлаш семаси мавжуд бўлган *ўн, юз, минг, миллион* сонларига бемалол қўшилиб ишлатилади.

Ҳисоб сўзларига чама сон формаси -tacha, -cha шаклида қўшилади. Чунки ҳисоб сўзлари доналаб санаш учун ишлатиладиган -ta аффиксининг вазифасини бажаради. Аммо ҳисоб сўзларининг масштаб, вақт, оғирлик ўлчови маъноларини билдирадиган турига -cha аффикси қўшилиб, таҳминий миқдор маъносини билдириб келиши мумкин: *Сертупроқ йўлдан икки юз метрча наридаги чайлада бир чол буқчайиб ўтирибди.* (С. Аҳм.)

Жамловчи сон аффикслари -ov, -ala, одатда, ундан кам бўлган айрим сонларгагина қўшилиб, биргалик, жамлик маъноларини англатади: *иккови ўртоқ, иккаласи ўртоқ.* Бу аффикслар ҳамма вақт ҳам бири иккичисининг ўрнида ишлатилавермайди: *учала қуён* дейиш мумкин, аммо *учов қуён* дейилмайди. Сон аниқланмиш бўлиб келганда эса -ala, -ov шакллари тенг ишлатилади: *Қуёнларнинг учови* (*учаласи*). Баъзан -ala ва -ov аффикслари биргаликда ишлатилиши мумкин: *Солдатларнинг учалови баравар отишиди.* Жамловчи сон ясовчи аффикслар ҳисоб сўзлар билан ёнма-ён ишлатилмайди: *учала дона қалам* дейилмайди.

Баъзан маънони кучайтириш ва таъкидлаш учун -ov ва -ala аффиксини олган сонлардан олдин кишилик

ва кўрсатиш олмошлари ёки ҳар сўзи келиши мумкин:
Биз икков, улар бешов эди. Олимларнинг ҳар иккаласи ҳам тупроқшунос эди.

Бутун соннинг қисмини англатиш учун ярим, ёрти, чорак, нимчорак сўзлари ишлатилади. Бу сўзлар -та, -тча, -тадан аффиксларини олиб, дона, тахмин, тақсимлаш маъноларини ифодалайди: яримта, яримтча, яримтадан.

Ярим сўзи отлар олдида келиб, аниқловчи, ўрин алмасиб, ёниqlанмиш бўлиб келади: ярим кеча — кечанинг ярми; ҳамма вақт ҳам ярим сўзининг ўрнини шутартибда алмаштириб бўлмайди: уйнинг ярми — ярим уй, дафтарнинг ярми — ярим дафтар деганда бошқабошига маънолари англашилади.

Икки, уч, тўрт, беш сонлари балл, баҳо маъноларини ифодалаганда қониқарсиз, қониқарли, яхши, аъло сифатлари билан синонимлик ташкил қиласиди. Чоғи штиринг: *Имтиҳонларни «4» ва «5» баҳоларга топширайлик! Имтиҳонларни «яхши» ва «аъло» баҳоларга топширайлик!*

Тартиб сонлар предметларнинг табиий тартибини, кетма-кетлигини билдириб, саноқ сонларга -нчи (-инчи) аффиксиюн қўшиш билан ҳосил қилинади. Баъзан бу аффикс ўрнига -ламчи шакли ҳам ишлатилади. Бу формант китобий тарзда бўлиб, нутқа тантанаворлик бағишлайди: — *Ишонманглар, қулоқ солинглар!* — деди. *Бирламчи, ғаламис одамларнинг гапига қулоқ солманглар, иккиламчи, ўзларинг биласизлар, мардикорликка кетганлар* кўни билан олти-етти ойга кетган. (А. К.)

Сўзлашув нутқида тартиб сон қўшимчаси -нчи (-инчи) туширилиб қолдирилиб, миқдор сон билан синоним бўлади: *Мен учинчи қаватда тураман, улар бешда лашади.*

Сонлар отлашганда фикрни ихчам ва образли қиласиди: *Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар.* (Мақол.) *Икковга бирор ботолмас, отлиққа яёв етолмас.* (Мақол.) *Олтөвлон ола бўлса оғзидағин олдирар.* (Мақол.) Ўшахс бирликдаги эгалик аффикслари сонларнинг отлашган шаклига деярли қўшилмайди: иккалам, учалам, бешалам дейилмайди.

Ўзбек тилида таркибли сонларнинг компонентлари қатъий тартибга асосланганлиги ҳам соннинг услубий хусусиятларидан биридир. Таркибли сонлар бўлаклари тартибининг ўзгартирилиши мантиқсиэликини келтириб

чиқаради. Чоғишириңг: ўн етти, йигирма олти, етти ўн, олти, йигирма каби.

Миқдор билдирувчи сўзлар орасида бир сўзи турли хил семантик-услубий маъноларни англатади. Улар қўйидагилар:

1) предметниг миқдорини билдиради: **бир туп гўза, бир дона буғдой;**

2) ноаниқликини билдиради: **Бир одам келди, таниш эмас.**

3) урғу олиб, маълум оҳанг билан айтилганда, куҷайтирувчи сўз вазифасида келади: **бир қўрқдим;**

4) предметларнинг бир турда ёки жинсдош эканлигини ифодалаб, бир хил маъносини билдиради. *Тилинг билан кўнглингни бир туғ.* (*Мақол.*)

5) фонетик жиҳатдан ўзгарган ҳам юқламаси билан қўлланганда, белгининг ортиқлигини кўрсатади. Экскурсиямиз **бираам ажойиб ўтди;**

6) сўзлашув нутқида **юз, минг, миллион** каби миқдор сонлардан олдин баъзан **бир** сўзи тушарилиб ишлатади: **юз беш, минг икки юз** каби;

7) бир сўзи жуфтлашиб келганда **алоҳида, бошқаси, иккинчиси** каби маъноларни англатади: **бир-бир сўраб чиқди, бири-бирига устоз, бир-биридан ўрнак олади** каби.

Бир сўзининг юқоридаги каби маъно хусусиятларини билмаслик нутқий хатоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

29- машқ. Сон шаклларининг синонимиясини аниқланг, уларнинг семантик-услубий хусусиятларини баён қилинг.

1. Тўрталангиз тугал юринг,— деб онаси уқтириди Фозилга. (*«Ёш куч».*) 2. Пахта плани юз икки ярим қилиб бажарилди. Пилла плани ҳам 102,5 қилиб адо этилди. (*Газ.*) 3. Хона эшиги олдида юзларча одам навбат кутиб турарди. (*H. C.*) 4. Яна уч-тўрт бола биз томон бўлди. (*«Ёшлик».*) 5. Тўрттагина ўғлимиз бор. Тўртови ҳам армияда. (*X. F.*) 6. Уч туп гилос, беш туп олма экдим. 7. Салимлар биздан беш уй нарида яшайди. 8. Болаларнинг каттаси ўн бир-ўн икки ёшларда эди. 9. Ваъдасизнинг, бирламчидан, эл орасида обрўйи бўлмайди. Иккиламчидан, ҳамма вақт юзи шувут бўлади (*M. Норматов.*)

30- машқ. Қўйидаги гаплардан сонларнинг от билан бирнишиб келишида нотўғри танланган сон формаларини аниқланг. Гапларни тузатиб қўчиринг,

1. Соат беш чамаси. 2. Бирор қўрқсанг, учов кел.
(Э. Ж.) 3. Богимиэда учта туп олма гуллади. 4. Бугун
сипифда олтиларча ўқувчи йўқ эди. 5. Студентларнинг
саккизовлони ҳам разрядли спортчи. 6. Бойнинг бир
яримтacha таноб ери бўлган. 7. Кунлик газ ишлаб чиқа-
ринг юз тошидан ошиди. 8. Ерсизлар уч-тўрт ботмонли
ер олдилар. 9. Бу тўртликка тўртта содда гап бор.
10. Ўйин тезлик билан борди, тўп иккала дарвозада
ҳам бўлди. (Радио эшиштиришидан.)

31- машқ. Дона сон ясовчи -та аффикси ва ҳисоб сўзлар иш-
латилмайдиган ҳикматли сўзлар, халқ мақолларидан 10—15 га то-
пигб ёзинг. Бундай қўлланишининг услугубий хусусиятларини баён
қилинг.

Намуна: *Бир йигитга етмиш ҳунар оз. (Мақол.)*

32- машқ. Турли соилар билан бирниб келган ҳисоб сўзларни
аниқланг. Уларнинг маъно турларини ва қўлланиш хусусиятларини
баён қилинг.

1. Бир меҳмонхона одам икки соат бизни кутиб тур-
ди. (С. А.) 2. Ҳолва устидан бир қултум сув ҳам ичирди.
(С. А.) 3. Орада минг қадамча масофа бор эди. (С. А.)
4. Санда уйига кеч соат ўп бирларда қайтди. (А. К.)
5. Самарқанд Тошкентдан беш, соатлик йўл. (Сўзлашув.)
6. Униси ўғлим, буниси чолим,— деб жавоб берди уй-
эгаси,— болам бир йилдан бери касал, чолим икки ой-
дан бери касал. (С. А.) 7. Аравакаш йигит икки коса
тўла қатиқли ошии ичгаидан кейин отларга қараш учун
ҳовлига чиқиб кетди. (П. Қод.) 8. Даллол икки танга
байдан ва икки танга карвоношибидан олиб, ҳар икков-
лари учун хайру барака тилади. (С. А.)

33- машқ. Гаплардан эски ўлчов бирликлари номини топинг.
Уларнинг қайбири ҳозирги ўлчов бирликларига тўғри келишини
оғзаки тушунтиришг. Услубий бўёғини аниқланг.

1. — Войдод, мен ғўзамни бир ботмондан ортиқ тах-
мин қилинб келтириб эдим, ботмондан панжсер оз чиқди.
(С. А.) 2. Туя бир танга — қани бир танга, туя минг
танга — мана минг танга. (Мақол.) 3. Тонг отгунча,
бир танобча ернинг ғўзаси сув ичди. (И. Р.) 4. Уч тош
йўлдири хон дорининг ораси. (Ф. Й.) 5. Тепалик биздан
ярим чақиримча нарида эди. 6. Бир лак дев бўлолмас
сенига баробар. (Ф. Й.) 7. Тўрт минг газ кўтарил, Ман-
сурининг дори. (Ф. Й.)

34- машқ. Ўқишг. *Бир сўзининг семантик-услубий хусусиятлари-
га эътибор беринг.*

1. Еру сув кетди-ку, майли, сизни бир нау қишиб-а! (Х. Х.) 2. Кумушбиби лолалар орасидаги бир гул ва ё юлдузлар орасидаги тўлган бир ой эди. (А. Қод.) 3. У вақтда ўзимиз ҳам дарбори олийнинг гули бўламиз,— деди бир амалдор. (С. А.) 4. Қиз бир гап баҳонаси билан Сандий юзига бир лаҳза тикилди-да, негадир қизарди. (А. Қ.) 5. Сен ёлғиз бир мени эмас, ёш бир гўдакнинг уволига, қарғишларига қолдинг, золим бой! (Х. Х.) 6. Фоғиржон, бир умр хайр! Сенга бевафолик қилмайман! (Х. Х.) 7. Хонзода бегим бир укасига, бир нақшга қаради-ю, шўх жилмайди. (П. Қод.) 8. Амирзодам, мен бир навкарингиз бўлсан ҳам, сизга тугушқонимдек меҳр қўйғанман. (П. Қод.) 9. Одамлар нечукдири шу тахлитда бетгачопар, андишасиз бўлиб кетаётганини Қаландаров ўз кўзи билан кўриб, бир куни ёрилди. (А. Қ.) 10. Упинг воқеадан бехабар эканини билиб, хурсанд бўлди, шу билан бирга, бутун вужудида енгиб бўлмас бир ҳорғинлик сезди. (А. Қ.) 11. Эргашнинг тажрибасинни синаб кўрмоқчи бўлган бошқа бир банди бироз букилиб тиришгандан кейин: —Воҳ-воҳ, қўлим кесилди,— деди секингина. (С. А.) 12. Қўлида бир эгри таёқ, орқасида бир халта билан бир кампир келиб, ҳалиги уй эшиги олдига ўтирди. (С. А.)

10- §. Олмошнинг услубий хусусияти

Олмошлар предмет, белги ёки миқдорнинг аниқ номини билдирамай, улар ўринда қўлланади. Олмошларнинг аниқ маъноси матн вазият — нутқ жараёнида иштирок этувчиларнинг муносабатига қараб конкретлашади. Демак, матисиз олмошларнинг маъноси пимани-кўрсатиши номаълум бўлиб қолади. Масалан, тўсатдан радио қулоги буралса, ундан «Чўли Ироқ» куйини яна шу созанда ижросида тингланг», дёган овоз эшитилади. Бунда сиз бу хонанданинг ким эканлигини билмайсиз, албатта. Олдинги ёки кейинги контекст билан тўлиқ танишгандан сўнг унинг Аюб Қодиров ёки бошқа созанда эканлиги маълум бўлади. Ҳудди шунингдек, «шу авторнинг» «шундай костюм», «шунча дафтар» каби брикмаларнинг ҳам аниқ маъноси фақат матнагина ойдинланади. Кўринадники, олмошнинг муҳим белгиларидан бири унинг мавҳум ва умумлашиган маъноларни ифодалашидир. Ана шу маъно хусусияти билан олмош умумлаштирувчи предмет, умумлаштирувчи бел-

ги, умумлаштирувчи миқдор тушунчиларини ифодалаб, от, сифат, сон каби сўзларнинг муқобили бўлиб келади. Бу ҳолат олмошлар услубий хусусиятининг бирғ томони бўлса, иккинчиси, уларнинг ўзаро синоним бўлиб ишлатилишидир. Яъни бири ўрнида иккимичисини қўллаш имкониятига эга бўлишидир. Бундан ташқари, олмошларнинг ҳар бир кўриниши ўзига хос ҳиссий таъсирчанлик хусусиятларига эга.

Кишилик олмошларининг семантик услубий вазифаси хилма-хилдир. Кишилик олмошлари шахс ифодалаш билан бирга, кўрсатиш маъносини ҳам англатади. Демак, кишилик олмошлари икки кўриниш: соф кишилик олмошлари ва кишилик-кўрсатиш олмошларига бўлинади.

Соф кишилик олмошлари фақат шахсни кўрсатади, яъни сўзловчи ва тийғловчини ифодалайди. Унинг бу хусусияти нейтрал үслуб учун хосдир. Шеъриятда эса соф кишилик олмошлари бадиий тасвирнинг жонлантириш приёмида предметлар ўрнида ҳам қўлланиши мумкин:

Дараҳтлар, бўйстонлар, сиздан сўрайман. (У.)

Пахта дейди кулиб, товланиб: «Севган киши мени мақтасин». (У.)

Соф кишилик олмошлари ва кишилик-кўрсатиш олмошларини нутқда етарли фарқламаслик услубий хатога олиб келади. Кишилик-кўрсатиш олмошлари (*у, улар*) нинг қайси вазифада келиши фақат контекстда билинади.

Кишилик олмошлари шахс-сонда кўчиб ишлатилиши мумкин. Бу ҳодиса маълум услубий талабга боғлиқ: 1) шахс кўчади. Бунда ички диалог асосида сўзловчи ўзига ўзи худди суҳбатдошидек мурожаат қиласади. Биринчи шахс бирлик (*мен*) ўрнида II шахс бирлик (*сен*) ишлагилади. Бу ҳолат кўпроқ сўзлашув нутқи услуби учун кос бўлади: *Дилбар ўзига ўзи, э, Дилбар, сен ҳали бўшсан, хомсан, кўп ўқишинг керак, деб пичирлади;* 2) сонда кўчиш бўлади. Публицистик асарларда, жонли сўзлашувда кўплиқдаги биз олмоши бирликдаги *мен* ўрнида қўлланиб, камтарлик, баъзан ғуурланиш маъносини ифодалайди: — *Ҳа, сиз турганда бизни ҳисобга олишинг нима ҳожати бор? Сиздай раҳбар бўлган жойда یаэдақа одамларни ҳисобдан чиқариб ташланса ҳам бўйади.* (А. К.) *Сув хабарини биз келтирдик* (*сув хабариди*)

ни мен келтирдим маъносида ишлатилган). I шахс бирликдаги мен ўрнида келган биз олмоши ўқитувчилар, лекторларга аудитория билан биргаликни, ўқувчи ва тингловчиларни биргаликда ишлашга даъват қилиш имкониятини беради: **Биз** бугун синф иниоси ёзамиз. **Биз** ҳалқаро мавзуда лекция тинглаймиз каби мисолларда сўзловчи автор битта. Бундай қўлланишларда нутқ жонли ва таъсирчан бўлади.

II шахс кўплиқдаги *сиз* олмоши шахслар тўдасини ифодалаш билан бир қаторда шахсга ҳурмат маъносини ҳам билдириши мумкин: *Дада, сиз нима овқат ейсиз,— деди Гулнора. Ҳурматли укам! Сиз ўзи ҳаётни биласизми? (Газ.)*

Қочирим, киноя, кесатиш маъноларини ифодалаш учун I шахс кўплик олмоши (*биз*) II шахс кўплик олмоши (*сиз*) ўрнида қўлланади. Бунда шахс-сон биргаликда кўчма маъно ифодалайди: *Ўқитувчинигиз кеча уйга келган эди. Биз мактабда ёмон ўқир эканмиз-ку, ўғлим,— деб ота шикоятланди.* Кишилик олмошларига кўплик аффикси -ларнинг қўшилиб келиши ҳам ўз семантик услубий хусусиятларига эга. Жумладан, мен олмоши -лар аффиксини қабул қилмайди. *Сен олмошига -лар қўшилганда эса тингловчига паст назар билан қарашиб, камситиш маънолари ифодаланади: Сенлар жазонгни оласан (сен ва бошқалар пазарда тутилмоқда).* -лар аффикси III шахс *у* олмошига қўшилганда кўпликтини (баъзан ҳурмат маъносини: *Акам—конструктор, уларни заводда ҳамма ҳурмат қиласди*) ифодаласа, биз, *сиз* олмошлирига қўшилганда эса кўплик ва кучайтириш маъноларини беради. Бу ҳолат *биз* ва *сиз* олмошлири маъноси таркибида кўплик семасининг мавжудлиги билан изоҳланади.

Писанд қилмаслик, киноя, истеҳзо оттенкаларини бериш учун II шахс кишилик олмоши ўрнига ўзлик олмоши ишлатилади: *Қаландаровнинг рўй-рост аччиғи келиб, чакка томирлари бўртди.*

— Ўзлари биладилар,— деди истеҳзо билан,— ҳар кимда ҳам *битта-иккита* мажлисга етгулик гуноҳ топилади. *Аввал сизни секретарликка сайлайлик, ундан кейин нима қиласангиз қиласверасиз. (A. K.)*

Сўзловчи ўзидан ёши улуг кишига нисбатан *сен* олмошини қўллаши ўзбек тили учун хос хусусият эмас. Аммо шеъриятда кўзда тутилган ёши улуг персонажга ёки давлат арбобига нисбатан ўта ҳурмат ва ҳаяжонини

ни, күнгилга яқинлигини ифодалаш учун баъзан сен пілкни ишлатилади.

Публицистик нутқда қарама-қарши лагерь, қарама-қарши фикрни ҳаяжонли ифодалаш учун биз ва сиз, биз ва улар кишилик олмошлари контраст ҳолатда ишлатилади: *Бу қандай гапки, улар фароғатда-ю, бизлар күлфатда, улар роҳатда-ю, биз меҳнатда, улар тўқ бўлсин-у, биз оч, улар шароб иссиҳлар-у, биз жигар қонини..* (С. А.) Матндан биз — сўзловчи бутун камбағал қашшоқларни ифодаласа, улар эса бойлар, руҳонийлар гуруҳини кўрсатиб келяпти.

Биз, сиз олмошлари кундалик турмушда жуда кўп қарама-қарши қўйиб ишлатилади. Бу — биз, яъни бир оила, сиз — бошқа, биз бир касб эгаси, сиз — бошқа ҳ. к.

Кишилик олмошларининг плеонастик қўлланиши адабий тил учун норма эмас. Аммо тантанали нутқда экспрессивликни ошириш учун бундай олмошлар плеонастик қўллапади: *Ошиқларинг агар ўн мингта бўлса, билгилки, уларнинг сардори менман.* (Р. Гамзатов.) *Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.* (Лутфий.) *Мен одамман, мен пахтакорман* кабилардаги «мен» эса сўзловчи шахсини таъкидлаш, унга урғу бериш, эътиборни жалб қилиш маъноларини англаради. Расмий иш услубида буйруқ ва талабномаларда эса «мен» қатъийлик ифодалаш учун ишлатилади. Чоғиши тириңг: *Мен буюраман — буюраман; Мен талаб қиласман — талаб қиласман* каби.

Мен олмоши атоқли от билан бирга келганда, субъект, сўзловчи шахс семаси янада ойдинлашади. Бу ҳол расмий-иши услубига хос бўлиб, таржимаи ҳол, тушунтириш хати, ишонч қогоzlари ёзишда қўлланади: *Мен, Байрамали Қиличев, 1971 йилда Бухоро шаҳрида туғилдим. Мен синфдошим Собирдан уч дона китоб олдим* каби.

Кишилик олмошлари феълнинг шахс-сон шакллари бўлиб ҳам келади. Шунинг учун ҳам баъзан нутқда кишилик олмошлари туширилганда ҳам феълдаги шахс-сон кўрсаткичи шу феълнинг қайси шахс ва сонга ондигини кўрсатиб туради. Айни замонда икки вариантда синтактик конструкция ҳосил бўлади: *Мен ўқийман — ўқийман, сиз ёзасиз — ёзасиз, сиз олинг — олинг.* Бу тип гаплар таркибидан кишилик олмошлари туширилиб ишлатилганда нутқ темпи тезлашади, бундай хусусият сўзлашув нутқи учун характерлиdir.

Кишилик олмошларининг III шахс *у* (қадимда *ул*) шахс ва предметларни кўрсатиш учун ишлатилади. Бу олмошнинг кўрсатиш ифодалашидаги маъноси ўта мавҳум бўлиб, баъзан кўрсатилаётган шахсларнинг (отларнинг) қайси бири ўринда келганинги аниқлаш қийин. Чоғиши тиринг: *Қиз эртага онасини кутшига чиқади. У оқ кўйлакда бўлади.* (Қиз оқ кўйлакда бўладими? Онаси?)

Бадиий матида, сўзлा�шув услубида III шахс кишилик олмоши таъсирчанликини ошириш, таъкидлаш маъносига ўзи кўрсатаётган от билан ёнма-ёп келтирилади: *Қани у қўшининг Али? Қаёққа кетди?*

Сўзловчининг камтарлик хусусиятини бўрттириш учун прономиналаш ҳодисасидан фойдаланилади. Бунда «одам», «киши», «камина», «фақир», «банда» кабилалар ишлатилади: *Бир нарса дейшига уялади өдам* (мен уяламан), *Униңг кўнглини олишига бир инсон топилмади* (ҳеч ким топилмади). *Фақир чин юракдан миннатдор бўлди* (мен миннатдорман). (П. Қод.)—*А, лаббай?* *Бажардим, лекин каминангиз у қадар саводли эмас.* (Р. Жалил.)

Кишилик олмошларида «мен», «сен» илмий услубда деярли ишлатилмайди. Аксинча, бадиий-публицистик шутқада кенг қўлланади.

Ўзлик олмоши ўзининг семантик-услубий хусусиятлари билан кишилик олмошига яқин туради. Эгалик аффикслари билан турланганда (бирлик ва кўплиқда) кишилик олмошларининг ҳар учала шахси (бирлик ва кўплиқда) билан синонимлик ташкил қиласиди: *Мен сўзладим—ўзим сўзладим, сен сўзладинг—ўзинг сўзладинг, у сўзлади—ўзи сўзлади* каби. Аммо ўзлик олмоши ўзи ҳам субъектни, ҳам обьектни кўрсатади. Бошқача айтганда, ҳаракат сўзловчининг ўзинга қаратилган бўлади: *Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил.* (Мақол.) *Ўзингдан хурсанд эмасмиссан?* (С. А.)

Ўзлик олмоши ўз бирор воқеа-ҳодиса ҳақидаги фикрининг аниқлигини таъкидлаш, кучайтириб кўрсатиша кишилик олмошларидан кейин келтирилади: *Мен ўзим келдим, сиз ўзингиз келдингиз, у ўзи келди. Менинг ўзимнинг меҳрибон онам.*

Кишилик олмошлари каби ўз ўзлик олмоши ҳам эгалик, келишиклар билан турланади. Нутқда қаратқич ва қаралмиш бўлиб келганда, келишик аффикслари туши-

рнлмайди. *Менинг китобим биримаси мен китобим тарзда қўлланмайди.* Аммо ўзлик олмоши ўзда қаратқич келишиги белгисиз ҳолатда ишлатилавермайди. *Менинг ўғлим, албатта, ўз ўғлим, шундай эмасми, Самад?* (Ч. Айт.)

Ёнма-ён келган ўзлик олмошларининг эгалик аффиксларини қабул қилиши ўзига хос хусусиятга эга. Яъни эгалик аффикси кейинги ўзлик олмошига ёки ҳар иккала қисмга қўшилиши фикр мазмунини ўзгартиради. Чоғиширинг: *ўз-ўзига жафо қилди* (ўзига ва яқин кишиларига) — *ўзига ўзи жафо қилди* (шахсан ўзига, бошқаларга эмас).

Ўзбек тилида ўзлик олмоши (семантик хусусияти билан ўзлик даражадаги феъл шаклларига яқин туради. Чоғиширинг: *ўзини ювди*—ювинди, *ўзини тарди* — таранди, *ўзини ёпди* — ёпинди.

Кўрсатиш олмошлари. *у, бу, шу, ўша* кабилар шахс, предмет ёки белгини кўрсатиш, таъкидлаш учун нутқ услубларида тенг ишлатилади.

У (қадимиш шаклда *ул*) олмошининг шахс ёки предметга нисбатан қўлланганлигини вазиятдан ва шу олмошининг бошқа сўзларга боғланишидан уқиб олса бўлади: *Буюк ватандошларимиздан бири Ибн Синодир. Унинг номини бутун жаҳон билади. Гарчанд озуқа етарли бўлса-да, лекин у сифатли тайёрланмаган.* (Газ.)

У, бу, шу, ўша кўрсатиш олмошлари баъзи маъно нозикликлари билан бир-биридан фарқ қиласа ҳам (ма-софа кўрсатишида, таъкид ифодалашда), улардан бири иккинчисининг ўрнида ишлатилаверади. Бундай синонимлик хусусияти нутқда айнан бир олмоши тақрор ишлатишнинг олдини олади. Кўрсатиш олмошларидан *шу* ўзига эргаштирувчи боғловчи -ки аффиксини биритириб, эргаш гапнинг кесими вазифасида келганда бутун бир гап билан синонимлик ташкил қиласи: *Мақсадим шуки, сен мактабда азло ўқи.*

У, бу, шу, ўша каби кўрсатиш олмошлари бетараф ўслубда қўлланади. *Мана, ана* каби олмошлар эса кўпроқ сўзлашув услуги нутқида ишлатилади. Бу икки услугуга хос олмошларнинг биргаликда ишлатилиши кўрсатишни янада кучайтиради, таъкидни бўрттириш, ҳис-ҳаяжонни ифодалаш учун хизмат қиласи. Чоғиширинг: *Бу нарсани билиб ол.— Мана бу нарсани билиб ол. Шу гапларни айтиб бер.— Мана шу гапларни айтиб бер. Бул, шул, ул, ўшал* каби кўрсатиш олмош-

лари классик адабиётда ўша давр тили элементи сифатида номинатив вазифа бажарған бўлса, ҳозирги шеърий нутқда эса тантанаворлик, кўтарнишилик учун ишлатилади:

*Майли, мақбул бўлса, шул ширин забоним сизники,
Тоза қалбим, сўзларим, жону жаҳоним сизники.*
(Т. Ҳамид.)

Кўрсатиш олмошларининг ёнма-ён қўллапишидаги айrim қонуниятларни билмаслик нутқий услубий хатоларга олиб келади. Жумладан, *шу* кўрсатиш олмоши бу олмошидан олдин келиб, сўз маъносини кучайтиради: *шу* бу йил, *шу* бугун. Аммо ҳеч вақт бу олмоши *шу* сўзидан олдин келмайди.

Оғзаки нутқда бадиий услубда кўрсатиш олмошларининг фонетик ўзгаришга учраган шакллари ҳам ишлатилади: *Эртага анави олти отнинг бирошини миниб келайин.* (Э. Ж.)—*Менга қаранг, Абдукаримов! Манавиларингизни олинг!* (Ф. Мусажонов.)

Кўрсатиш олмошлари жуфт ёки такрорий сўз шаклида қўлланганда ўхшашлик, таъкидлаш, умумлаштириш маъноларини ифодалайди: *Кўрган Назирангиз, ўша-ўша, ҳеч ўзгармаган. Шу-шу йигитнинг тинчи йижолди.* (С. З.) *Чойхонага чиқамиз, уни-буни кўриб суҳбатлашамиз,— деди Омон.* (А. Қ.)

Кўрсатиш олмошлари жуфт қўлланганда, жамлаш, умумлаштириш маъносини ифодалайди. Одатда, кўрсатиш олмошларининг жуфтланишида маълум қонуният бор: жуфтланишда *у* олмоши олдин, *бу* эса кейин келади. (*бу-у* шаклида жуфтланимайди.) Худди шунингдек, кўрсатиш олмошлари қаратқич келингни шаклини олган ҳолда ҳам жуфтланиб ишлатилмайди: *унинг-бунинг* дейилмайди.

Сўроқ олмоши ҳар хил бўлиб, шахсга (ким?), прэдметга (ним а?), белгига (қайси?, қандай, миқдорга (неча?, қанча), вақтга (қачон?) ва ҳ. к. муносабатларни англатади.

Ким сўроқ олмошига -лар аффикси қўшилганда, икки ҳолатни кўриш мумкин: *Курс иифилишида кимлар сўзлади?* (қайси талабалар? маъносида.) *Бу киши сизга кимлар?* (кишига нисбатан ҳурмат маъносида келган.) *Мажлисда кимлар сўзлади?* гапидаги *кимлар* сўроқ олмоши ўнига унга синоним қилиб сўроқ олмшининг такрор шаклини ҳам ишлатиш мумкин: *Мажлисда ким-ким сўзлади?*

Нима олмошининг **на**, **не** шакллари ҳам мавжуд. Бу олмошлар предмет ёки воқеаларга нисбатан сўроқни билдиради. **На**, **не** олмошлари диалектал хусусиятга эга бўлиб, бадий услубда ишлатилади: **На бўлди ёрим келмади?** (Х. оғз. иж.) **Мой айниса туз солади, туз айниса не солади?** (Мақол.)

Не олмоши такрорланиб ишлатилганда (**не-не**) маъненинг ортиқлигини,, ҳаяжоннинг кучлилигини билдиради: **Зайнаб бу кунгача не-не орзулар билан яшаган эди!** (Ҳ. О.)

Нима-нима олмоши такрорланиб келганда, кўплик шаклидаги **нималар** олмоши билан синонимлик ташкил қиласиди: **нима-нима деялсан? нималар деялсан?** каби.

Нима сўроқ олмошининг **нега** (**не**) **нима + га**), **не-чун** (**не**) **нима+учун** шакллари бадий нутқ услубида кўпроқ ишлатилади:

Кимга нима керак? Нечун сохта шон?

Нечун мангуликдан беҳуда талаб? (А. О.)

Нечун олмоши гапда қандай сўроқ олмошига синоним бўлиб ҳам келади: **Бу шига у нечун рози бўлди? Бу шига у қандай рози бўлди?**

Қандай, қанақа, қалай, қай сўроқ олмошлари бир-бири билан синоним бўлиб келиши мумкин: **Қандай юз билан — қай юз билан.** Аммо директор қай ишляяпти? деб бўлмайди.

Неча олмоши умумий миқдорни билдириш оттенкаси билан **қанча** олмошига синоним бўла олади: **бир қанча талаба — бир неча талаба.** Бошқа ҳолатларда бирининг ўринида иккинчисини қўллаб бўлмайди. **Соат неча?** дейиш мумкин, аммо **соат қанча?** деб бўлмайди. **Неча** олмоши эса миқдор билдирувчи сўзлар билан боғланади. **Ёши нечада** (**қанчада** эмас). **Қанча ўқиса** (**неча** эмас).

Жамлаш-белгилаш олмошларидан жамлаш маъносини билдирувчи ҳамма, барча, барни кабилар ўзаро синоним бўлиб келади: **ҳамма киши — барча киши — барни киши.** Аммо бутун олмоши юқоридаги олмошлар билан ҳамма вақт ҳам синтагматик муносабат ташкил эта олмайди, яъни бутун **киши** дейилмайди. Чунки бутун олмошида, жамлаш семасида ташқари, бир предметнинг яхлитлигиши белгилаш кучли.

Ҳамма олмоши инкор гаплар таркибида келганда тўла ва қисман жамликни ифодалайди. **Ҳамма келмади**

гапини икки маънода тушуниш мумкин: а) ҳеч ким келмади маъносида, б) тўлиқ ҳамма эмас, баъзилар келмади маъносида. Шахс, предмет ва белгиши ажратиб кўрсатишда ишлатиладиган ҳар, ҳар ким, ҳар нима, ҳар қандай, ҳар қайси олмошлари бир-бири билан синонимлик ташкил этмайди. Бундай қўшма олмошларининг иккичи компонентидаги сўзлар семаси бунга йўл қўймайди.

Айрим контекстларда жамлаш маъносини ифодаловчи ҳамма олмоши билан белгилаш маъносидаги ҳар ким олмоши синоним бўлиб келади: Ҳамманинг ҳам ўз камчилиги бўлади. Ҳар кимнинг ҳам ўз камчилиги бўлади.

Бўлишсизлик олмошлари маъно жиҳатдан белгилаш олмошларининг зиди бўлиб, барча предмет ёки белгига нисбатан инкор маъносини билдиради: ҳеч, ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қандай, ҳеч қачон, ҳеч қаер каби. Бундай олмошлар синонимлик ташкил қилмайди. Аммо бу хил олмошлар гапда ёнма-ён ишлатилиб, фикрни таъкидлаш, кучайтириш, ҳис-ҳаяжонни ошириш учун ишлатилади: *Мен ҳеч қачон ҳеч кимнинг устидан ҳеч қаерга арз қилган эмасман.* (А. Қ.) Ҳеч ким, ҳеч нарса ҳеч қачон унутилмайди.

Гумон олмошлари аллаким, алланима, аллақандай, -дир элементли кимдир, нимадир, қандайдир олмошлари билан синонимлик муносабат ҳосил қила олади: **Аллаким келди — кимдир келди, алланима қирсиллади — нимадир қирсиллади.** Бир сўзи нима сўроқ олмоши билан бирга келиб, ноаниқ предметни кўрсатади. Ана шу хусусияти билан алланима, нимадир сўзларига синонимдир: **Бир нима деди — алланима деди — нимадир деди.** Бирор сўзи ҳам ноаниқ шахсни билдиради.

35- машқ. Ёнма-ён ва тақрорланиб ишлатилган кишилик ва ўзлик олмошларининг семантик услубий хусусиятларини изоҳланг. Бундай қўлланишининг сабабларини тушунтиринг.

1. Мен ўз оғзингдан ўз қулогим билан эшиитмоқчиман. (*Газ.*)
2. Мен ўзим пионерлар уйида тўгарак раҳбари бўлиб ишлайман. (*Газ.*)
3. Мени афв этасизу, ўзимни ўзим тарғиб қилмоқчи эмасман. (*Газ.*)
4. У ҳеч кимга ўз-ўзига кулишни рухсат бермайди. (*Газ.*)
5. Шавкат Зокирга «кетайми?» дегандай қаради. — Ҳа, майли... Мен... Ҳа, ўзим телефон қиласман,—деди Зокир. (*П. Қод.*)
6. Ишни билдирамасдан хуфия битирса бўларди, ман бўламан, мац бўламан, деб керилди. (*О.*)
7. Ҳа, мен! Мен

ұлгар сизнинг паҳлавон гапларингизға учған. (Ш.) 8. Сизлар мениң күрқоқ ва аблақ гумон қылмашы, ифлослар! Мен хұйқайин, мен амалдор, мен жандарм, мен полиция, мен поп, мен әшак ва мулло ҳам бұла-ман!. Мен пулликман, ақмоқтар, пул! Мен ҳаммала-ришни бадарға қила биламан... (Р. Жалил.) 9. Сиз үзингиз ишбилармен қыссыз, сизга бизнинг ёрдамимиз керак эмас. (А. К.) 10. Үйқуга ётганимызда, мен үзимни янада оғирроқ сөздім. (Ч. Айт.)

36- машқ. Турли маңнода ишлатилған олмошларнинг услубын хусусиятларини баең қилинг.

1. Қаландаров гапни яна айлантируди:

— Сиз биздан ёрдам олғани эмас, бизга раҳбарлық қылғани келгансиз! Раҳбарсиз!.. Биз нима иш қылсақ сизнинг раҳбарлигингиз остида қиласыз! (А. К.) 2. Ма-хамат чатоқ раиснинг гапини бұлиб, яна «ә, ә», деб қўл силтади. Кўп қўл силтаманг! Нимага биз бунча кериламиз ўзи, қани айтинг-чи? Нари борса, оми бир одам бўлсақ. (Ў. Ў.) 3. Қишлоғимизнинг қандоқ ҳурилиқ қизи эди. (Газ.) 4. Бизнинг Тошкент шомли совхозда шахматга эътибор қопиқарли эмас,— деб ёзади Расулов. (Газ.) 5.— Энг аввало сизларга миннатдорчиллик билдиришга рухсат этгайсиз,— дедим мен,— сизнинг қишлоғингиз, сизнинг колхозингиз, сизнинг далаларингиз, сизнинг техникаңгиз ва, айниқса, сизнинг дастурхонингиз бизга ниҳоятда ёқди. Аммо ошночилик узилмасин, қонунчилик бузилмасин деганларидай, сизда жузъий камчиликлар ҳам йўқ эмас... (Ш. ю.) 6. Үзлари куёв қилганмилар, куёв қилиш ниятлари борми? 7. Қачонлардир яхши кун келишига ишонардим. Қачонлардир, бир кун илк муҳаббат эгаси эсга келади. (С. Аҳм.) 8. Оксана, ниҳоят, кўзини очиб, болини кўтарди:

— У-чи!

— Нима «У-чи?»

— У сенинг ортингдан сувга ташлармикин?

— Нега ташламас экан?! У сенинг Луқмончанг эмас.

— Луқмонча нега меники бўлар экан? (А. Мух.)

9. Йўқ, у ҳеч кимнинг «қизи» эмас, у ҳеч кимга тобе бўлмайди. (П. Қод.) 10. Бўталогим, сен билан видолашар эканман, сенинг сўзингни яна бир бор тақрорлайман: «Салом, оқ кема, бу мен!» (Ч. Айт.) 11. Үзлари ҳали ҳам доңг қотиб ётибдилар-да! (Б. Раҳмонов.)

37- машқ. Үзинг. Үзағо сипошим бўлиб келган олмошларнинг семантикалық-услубий ва функционал-услубий фарқларини оғзаки изоҳланг.

1. Ҳар ишдан хабардор.— Ҳар бир ишдан хабардор.
2. Ҳар биrimiz ҳар хил гапирдик.— Ҳар қайсимиз турли хил гапирдик.
3. Баъзи бир одамлар сергап бўлади.— Баъзи одамлар сергап бўлади.
4. Аллақаерда булбул сайрайди.— Қаердадир булбул сайрайди.
5. Уйга бирор кимдири келди.
6. Бу тўғрида ҳеч ташвишилманг.— Бу тўғрида ҳеч қачон ташвишилманг.
7. Ҳеч биrimiz билан гаплашмади.— Ҳеч қайсимиз билан гаплашмади.
8. Ялпи колхозчилар шу ерга тўпландилар.— Бутун колхозчилар шу ерга тўпландилар.
9. Шу нарсалар меники.— Бу нарсалар ўзимники.

38- машқ. Қавс ичида берилган олмошлардан гап мазмунига мосини танлаб кўчиринг. Бундай танланишнинг сабабларини айтинг.

1. Поезд (*ҳар бир, ҳар қайси*) станцияда тўхтаб ўтди.
2. Ойдин тарих фанидан (*алланима, нимадир*) сўзла-моқда эди.
3. У (*мен, ўзим*) ҳақида гапирди.
4. Янги йил совғасини (*у, ўзи*) олди.
5. Бу ишни бажарни (*сенга, ўзингга*) топширилган.
6. Китобни (*мен, ўзим*) ўқидим.
7. Бу ишдан (*сиз, ўзингиз*) манфаатдор.
8. Мен (*бу, шу*) кишини сўрадим.
9. Сиз айтган нарса (*ана, мана*).
10. Хатларнинг мазмуни (*шу, ушибу*) эди.
11. Дарсга (*нега, нимага*) кечикдингиз?
12. Сиз (*нима, қандай*) хоҳласангиз (*шундай, ўшандай*) бажарамиз.
13. Боланинг (*қайси, қандай*) хонадондан эканлигини билиш зарур.
14. Бухорога (*неча, қанча*) кунда етади.
15. Бу ишга (*ҳамма, барча*) киришини лозим.
16. Болаларнинг (*барчаси, жами*) далада.
17. Дала, соғлигингиз (*қандай, қанақа*)?
18. Сон (*бутун, барча*) тилларда ҳам предметнинг миқдорини ифода этади.

11- §. Феълнинг услубий хусусияти

Феъл сўз туркуми бошқа сўз туркумларига нисбатан бой ва мураккаб грамматик категорияларга ва шу категорияларга хос турли шакллар системасига эга. Биргина феълнинг ўзида ҳаракат жараёни ва унинг тавсифи, ҳаракатнинг тез ёки секунд бажарилиши, такрорлапиши, бажарилиш-бажарилмаслиги, ҳаракатни бажарувчининг сони, бажариплиш пайти каби қатор семантик-грамматик оттенкалар ифодаланади. Ҳатто ҳаракат ифодаловчи биргина сўз бир содда гапни ҳосил қиласди: *келишиди, борди, ўқияпти*.

Феъл сўз туркуми ҳаракат феъллари, ҳолат феъллари, нутқ феъллари каби қатор ички семантик группаларга эга. Айниқса нутқ феълларининг синонимиясида ҳар бир нутқ феълининг ўзига хос семалари билан ажрапиб турганлигини кўрамиз.

Феълнинг даражা, майл, замон ва шахс-сон шакллари турли нутқ услубларида қўлланишига кўра ўзига хос ички имкониятларга эга. Шунингдек, оғзаки ва ёзма нутқда услубий бўёқларни беришда, ҳиссий-таъсирчаликни ифодалашда айрим феъл шакллари кенг ишлатилади.

Демак, феъл семантик-грамматик ҳамда услубий жиҳатдан катта имкониятларга эга.

Феъл даража шаклларининг услубий хусусияти

Ҳозирги ўзбек тилида феълнинг беш хил даражага шакли мавжуд бўлиб, улар барча нутқ услубларида учрайди. Айрим даражага шакллари маълум бир нутқ услубига хосланган ҳам бўлади. Уларнинг ўзаро ёки даражалараро синонимияси муҳим услубий аҳамиятга эга.

Ўзлик даражага шакллари *-ин*, *-ил*, *-иш* бўлиб, буларнинг асосий хусусияти обьектли феълни обьектсиз феълга айлантиришdir. Аммо айрим обьектли феъллар англатган ҳаракат доим обьект тушунчаси билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ўқи, эк, ҳайда, мин, кес, тик, сугор феълларидан юқоридаги шакллар ўзлик дажарасини ҳосил қила олмайди. Худди шунингдек, шу шакллар лйра, қичқир, кул, семир, ухла, бор, тўқи каби обьектсиз феълларга ҳам кўшилмайди.

Ўйлаш, қарғаш, сўкиш ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган феъллар бирор обьектга қаратилган бўлади. Баъзан шу сўз обьектини нутқда ифодаламаслик учун ўзлик даражага шаклидан фойдаланилади: Сўкина-сўкина чиқиб кетди (аслида сўкиб-сўкиб бўлиши керак). У қарғаниб юрадиган одам (қарғаб бўлиши керак) ва ҳ. к.

Ўзлик даражага ясовчи *-ин*, *-ил* аффикслари бир-бири билан синонимлик муносабатда бўлади: бурканди — буркалди, суянди — суялди, суринди — сурилди. Бу аффикслар ҳамма вақт ҳам синоним бўла олмайди. Агар субъектнинг ҳаракати маълум бир воситани (бошқа бир нарса, масалан, тароқни) ҳаракатга келтириш ҳисобига бўлса, яъни субъект ҳаракати воситанинг ҳаракати билан бирга амалга оша, *-ин* аффиксига *-ил* аффикси

сионим бўлиб кела олмайди: *безанди*, *ясанди*, *ювинди*, *таранди* каби. Агар воситанинг ҳаракати бўлмаса, субъектнинг ҳаракати ҳам бўлмайди: *безанди*. - Шахс бирор предмет (кийим)ни ҳаракатга келтирди, уни олиб кияди, *таранди*—шахс ўзи ҳаракат қилипти, шу билан бирга, *тароқ* ҳам ҳаракатда; *ювинди* — шахс ҳаракат қилипти, *сув* ҳам ҳаракатда.

Шунингдек, субъектнинг ўзи эмас, унинг бирор қисми, хусусияти, белгиси кабиларнинг ҳаракатини ифодалаганда ҳам бу аффикслар бир-бирига синоним бўлиб келмайди: *юрак сиқилди*, *кўнгил очилди*, *бош айланди*, *оёги чўэйилди* каби. Бу хусусиятларни пайқамаслик нутқда услубий нуқсонларни пайдо қиласди.

Айрим феълларда бош ва ўзбек даражадаги феъллар мазмунан яқин бўлади. Гап таркибида уларнинг ўринин алмаштириб қўллаш мумкин: *Кел, ёр, ўйланма-ўйланма*. (*Қўшиқ*.) Гапдаги *ўйланма* феъли *ўйлама* (бош дараҷа) шаклида қўлланганда ҳам мазмунга птур етмайди. Бу иккала феъл ўзаро услубий синоним бўлиб, ўзлик даража шаклида ҳолатнинг давомийлиги семаси мавжуддир.

Орттирма даража шакллари *-т*, *-тир*, *-дир*, *-газ* (-*гиз*, *киз*, *-қаз*, *-ғиз*, *-қиз*), *-из*, *-ир*, *-ар* бўлиб, улар феълларда иш ҳаракатни восита билан бажариш, бирорга бажартириш, шунга мажбур қилиш маъноларини англаради: *Уканни ўқит, хулқини тузат*. (*Газ*.)

Орттирма даража шакллари семантик-грамматик планда битта вазифани бажарса ҳам, нутқда ишлатилиши жиҳатидан фарқланади.

-т аффикси *-гиз* (-*ғиз*, *-қиз*) шакллари билан синонимлик ҳосил қиласди: *кирит* — *киргиз*, *юрит* — *юргиз*, *тўлат* — *тўлғаз* каби. Худди шунингдек, турли шаклдаги орттирма даража ясовчи қўйидаги аффикслар ҳам ўзаро ўрин алмаштира олади: *-гиз*, *-дир* (кийгиз, кийдир), *-из*, *-дир*, (*эмиз*, *эмдир*), *-т*, *-тир*, *-ғиз* (*тўлат*, *тўлдир*, *тўлғаз*) ва ҳ. к.

Бир лексемага орттирма даража ясовчи бир морфеманинг турли фонетик вариантлари қўшилиши мумкин: *кўргиз* — *кўргаз*, *кўрғаз*, *тургиз* — *турғиз* — *турғаз* каби. Бундай фонетик вариантлар қисман диалектал (шева) хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, эмоционал-таъсирчанликни кучайтириш, персонажни нутқий тавсифлаш каби услубий вазифаларни бажаради.

Феълнинг орттирма даражасини ҳосил қилувчи шакл-

лар фаол-нофаоллигига кўра ҳам фарқланади. *-тир* (-dir), *-газ* (-қаз, -каз, -гиэ, -ғиэ, -қиэ) аффикслари синонимиясида *-гиэ* (-киз, -қиз) форма ясовчилар фаол эмас. *-газ*, *-ғаз*, *-ғиэ* аффикслари эса кўпроқ диалектал ёки индивидуал нутққа хосдир.

-каз, *-қаз* фонетик вариантилари баъзан маъно фарқлаш учун ҳам ишлатилиди. Чоғиштиринг: *ўтказ* — бирор воқеани бошдан кечирмоқ; *ўтқаз* — кўчат ўтқазиш (қуриш) маъносидадир. Бу лексик маънони фарқламаслик услубий нуқсонга олиб келади.

Айрим ҳолларда нутқий тежам ёки шева таъсирида орттирма даражা шакллари туширилиб, у ёки бу феъл бош даража шаклида ишлатилиди: *ишига жойлаштириди* — *ишига жойлади*; *ўғлини уйлантириди* — *ўғлини ўйлади*. Кейинигилари сўзлашув нутқига хос.

Маънони янада кучайтириш, таъсирчаниликни ошириш учун орттирма даража шакллари бир феъл негизига бирдан ортиқ қўшилади: *ёздиртирип*, *ўқиттирип*, *кетгиздирип*.

Биргалик даража шакли *-иши* (-ish) бўлиб, бу дараждаги феълда ҳаракат икки ва ундан ортиқ шахс томонидан бажарилади. Бу жиҳатдан бу шакл кўплик аффикси (-лар) билан синонимлик ташкил қиласиди: *айтишиди* — *айтдилар*, *кетишиди* — *кетдилар*. Биргалик дараждаги феълларда кўплик маъноси ҳам ифодаланади. Шунинг учун бундай феъл формаларидан сўнг кўплик аффикси *-лар* қўшилганда, таъсирчанилик оширилади: *Она-бала үзоқ ишглашдилар*, *кўз ёшлари битгунча бўзлашдилар*. (А. Қод.)

Биргалик маъносини кучайтириш, ажратиб кўрсатиш учун *-иши* аффикси феъл ўзагига икки марта қўшилиши мумкин: *қўришишиди*, *қучоқлашишиди* каби. Худди шу маънода *-иши* аффикси ҳам етакчи, ҳам кўмакчи феълга қўшилади. Бундай ҳол сўзлашув услубига хосдир. Адабий мезонда эса *-иши* аффиксининг фақат кўмакчи феълларга қўшилиши кифоя. Чоғиштиринг: *Меҳмонлар келишиб қолишиди*.— *Меҳмонлар келиб қолишиди*.

Сўзлашув услубида *-иши* аффикси гапнинг эгасида ифодаланган ҳурмат маъносидаги формага хосланиб ҳурмат маъносини ифодалаши мумкин: *Ойимлар келишибди*, *дадамлар айтишибди* каби.

Мажхул даража шакли *-ил*, айрим феъллардан эса *-ин* аффикси орқали ясалади. Бу шаклли феълларда ҳаракатни бажарувчи шахс номаълум бўлади.

Айрим феълларда, айниқса, равишдош шаклли феъл-

ларда мажхұл даража шаклини құлламаслик маңнога путур етказмайди. Бошқача айтганды, мажхұл даражали феъл үрнига бош даражадаги феъл шаклини құллаш мүмкін. Чоғиши тириңг: *Четларига ялтироқ жезлар қоқилиб безатилган катта қора чамадон.* (П. Т.)... *жезлар қоқиб...* *Анчагина юрилгач...* *анчагина юргач...* *Қиём қилиниб ичилади.* — *Қиём қилиб ичилади* каби. Маңлумки, мажхұл даража феъллари пассив конструкциялы гапларни ҳосил қиласы. Нофаол конструкциялы гаплар күпроқ сүзлашув нутқига хосдир. Демак, бош даражава мажхұл даража шаклли феълларнинг ишлатилиши нутқ услубларига күра фарқланади.

Мажхұл даражадаги феъл -син аффикси билан құлланғанда, нутқнинг бүйруқнинг кимга қаратылғасында умумий ҳолатдан билишиб туради. Лекин ҳаракатни бајарувчи шахс аниқ ифодаланмагани учун «сеплаш» ёки «сизлаш» маңноси билимайды; ана шу хусусият туфайди мажхұл даражали феъл шакллари расмий -ин услубида кенг қўлланади: *Мажлис қарор қиласы:* 1) *дарсга кечикилмасин;* 2) *аэлочилар сони кўпайтирилсин* ва ҳ. к.

Мажхұл даража шакли феълга камтаринлик, хушмумалалик, баъзан қочирма, кесатиш маңноларини ҳам беради. Бунда гапнинг мазмуни ва оҳанги муҳим ўрин тутади: *Қани нонга қаралсин.*

— *Ўзи қайтиб келмасмикин?.. Бирров олиб кетса, қайтиб келавер, деб қўйилмаган экан-да! Нега ииғланади?* А? *Ииғланмасин.* (А. К.)

Маңнони кучайтириш, айтилаётган фикрни таъкидлаш учун айрим феълларга мажхұл даража шакли иккى марта қўшилиши мүмкін: *сақланилди,* *ишлатилинди,* *тикланилди* каби.

12- §. Бўлишсиз феълнинг услубий хусусияти

Нутқда бўлишсизлик маңноси турли грамматик формаллар ҳамда оҳанг орқали ифодаланади. Феълнинг бўлишли шакли ноль шаклли бўлса, бўлишсиз шакли -ма, -май, -мас, эмас, йўқ каби элементлар воситасида ҳосил қиласынади: *келмади* — *келган эмас* — *келгани йўқ.* Юқорида қайд қилинганидек, бўлишли шаклдаги феъл баъзан ҳеч қандай формал ўзгаришсиз кесатиб гапириш йўли билан бўлишсизлик маңноси учун қўллашини мүмкни. Бунда оҳанг муҳим роль йийайди: *Бу иш сизга*

прашадими? (ярашмайди маъносида); Ўйига кетиб бўлибди (кегмайди маъносида) ва б.

Бўлишизлик ифодаловчи -ма аффиксинг бажара-диган вазифаси, феъл ўзакларига қўшилиш ўрни ва бошқа бўлишизлик ифодаловчи воситалар билан вазифадошлик қилиши ўзига хос характерли хусусиятларга эга.

-ма аффикси феълнинг аналитик шаклларига (етакчи+кўмакчи типли) қўшилишида айрим услубий хусусиятлар рўёбга чиқади. Етакчи+кўмакчи феъллардан ташкил топган бирикувларда -ма аффикси уч хил кўринишида қўлланади: 1) етакчи феълларга қўшилади (*ўқимай тур*); 2) кўмакчи феълларга қўшилади: *ўқий кўрма*; 3) ҳар иккала компонентга қўшилади: *ўқимай қўйма*. Кўринадики, -ма аффикси етакчи феълга қўшилса, асосий феълдан ифодаланган ҳаракат инкор этилиб, кўмакчи феълга хос маъно сақланади. -ма аффикси кўмакчи феълга қўшилса, кўмакчи феъл билдирган модал маъно инкор этилади: *келиб қолмади* бирикувида тасодифий, кутилмаган ҳаракатнинг инкори ифодаланган. -ма шакли етакчи феълга ҳам, кўмакчи феълга ҳам бир вақтнинг ўзида қўшилиб келганди, инкор маъноси эмас, балки унинг акси келиб чиқади. Бундаги бўлишизлик одатдагидан кўра қатъий тусда кучли бўлади. Бу ҳолат кўпроқ сўзлашув услубига хос бўлади: *Бу хабарни айтмай қўймайди (албатта, айтади)*. *Бу романни ўқимай қўймайман (албатта, ўқийман)*.

-ма аффиксинг етакчи ёки кўмакчи феълга қўшилиб келиши ёки кела олмаслигига айрим феъл ўзакларининг семантикаси ҳам таъсир қиласди. Жумладан, ол, *сол*, *ташла* кабилар ёрдамчи феъл бўлиб келганди етакчи феълга -ма аффиксинг қўшиб бўлмайди. Шунингдек, етакчи ёки кўмакчи феълларга -ма аффиксинг қўшилишида айрим семантик фарқлар ҳам вужудга келади. Буларга диққат қилмаслик нутқий-услубий хатоларга олиб келади. Чоғиширинг: *Айтмай қўйди* (*айтаётган эди, тўхтади*); *айтиб қўймади* (*айтиши керак эди, лекин бажармади*); *айта кўрма* (*айтма*); *айтмай кўр* (*айт*) каби.

Эмас тўлиқсиз феъли феъллар доирасида -ган, -кан, -қан, -диган шаклли сифатдошлардан сўнг қўшилиб, ҳаракат бўлишизлигини ифодалаш учун хизмат қиласди. Бу жиҳатдан у -ма аффиксига синоним бўлиб келади. Аммо улар ҳамма вақт ҳам бири ўрнини иккинчиси алмаштира олмайди. Масалан, *Кулмай гапирди*, *Ўқима-*

ётган одам келди гапларыда эмас ёрдамчисини ишлатиб бўлмайди. Чунки эмас ёрдамчиси иккى ҳаракат-ҳодисани бир-бирига қиёсан олиб, биринчисининг инкорини ифодалаш учун ишлатилади: Қараши эмас, кулиши чиройли. Кулиб эмас, жиiddий гапирди.

Бўлишсизлик ифодаловчи эмас сўзи қўшилиши ўринига кўра мустақил сўздан кейин келади. Баъзан јеърий талаб билан мустақил сўздан олдин ҳам қўшилиши мумкин. Бундай ҳолларда маънони кучайтириш, бўрттириш, тингловчининг диққатини кўпроқ жалб этиш мақсади ва шеъриятда қофия талаби кўзда тутилади: *Эмас осон бу майдон ичра турмоқ* (Н.) Яна: ёлғон эмас — эмас ёлғон; баркамол эмас — эмас баркамол каби. Худди шунингдек, -мас ва эмас инкорларини кетма-кет келтириш билан инкор маъноси янада бўрттирилади: *Хожи хола индамасди эмас, бошда ийғлади, сиқтади, қаршилик қилган чоғлари ҳам бўлди.* (М. Исл.)

Йўқ сўзи -га, -ётган шаклли феъллардан сўнг қўшилиб, инкор маъносини ифодалайди: *келганим йўқ, ёзаётгани йўқ*. Бу хусусияти билан йўқ сўзи -ма аффикси билан вазифадошлик ҳосил қиласди. Аммо йўқ сўзи билан ифодаланган бўлишсизликда инкор маъноси алоҳида таъкидланади. Шу хусусиятига кўра бу шакл жавоб тариқасидаги нутқда кўп ишлатилади: *Йўқ* сўзи эмас тўлиқсиз феъли билан ёнма-ён қўлланганда бўлишлилик маъноси таъсирчан ифодаланади: *Менда ҳам ақл йўқ эмас* (бор демоқчи.)

Йўқ сўзи инкор маъносини кучайтириш, суҳбатдошнинг фикрини қатъий рад этиш вақтида гап охирда эмас, балки гап олдида келиши мумкин: — *Борасан!* — *Йўқ, бормайман!* Бундай вақтда кесим кўпинча бўлишсиз шаклда бўлади: *Уканг келдими?* — *Йўқ, келмади* каби.

Ҳаракатнинг инкори *на* юкламаси орқали ҳам ифодаланади. Бунда алоҳида таъкид маъноси ифодаланади: *Шундай қилингларки, на сих куйсин, на кабоб.* (Н. С.) Баъзан инкор маъносини янада кучайтириш учун -ма бўлишсизлик аффиксини олган феъл олдидан *на* юкламаси келтирилади: *Оқилжон на хат ёзмайди, на хабар бермайди.* (О.)

Ёзма ва оғзаки нутқда раиг-бараигликка эришини, таъсирчанликни оширишида грамматик кўреаткичли инкор феъллар билан бирга грамматик кўреаткичсиз логик-оҳанг усули билан ҳам инкор ифодаланади: *Қани*

энди гап уқтириб бўлса! (A. K.) (гап уқтириб бўлмайди). Мен унинг келишини қаёқдан билай (бильмадим). каби.

13-§. Майл шаклларининг услубий хусусияти

Феъл майллари ўзига хос шаклларга эга бўлиб, турли хил модал маъноларни ифодалайди. Шунга қарамай, феъл майлларининг бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин. Ана шу ҳолат улардаги кенг услубий имкониятларни рўёбга чиқаради.

Феълнинг ижро майлида модаллик, таъсирчанлик деярли бўлмайди. Бунда фақат ҳаракатнинг бажарилиши-бажарилмаслиги ҳақида хабар бериш маъноси англашилади. Аммо бу майл баъзан буйруқ ёки шарт майллари ўрнида келиб, улар англатган маъноларни ифодалаши мумкин: *Уйларни йигиштирасан, ошхонани тозалайсан, сўнгра кинога борасан* (йигиштир, тозала, бор буйруқ феъллари ўрнида келган).

Феълнинг буйруқ-истак майли буюриш, сўраш, қисташ, илтимос каби маъноларни билдиради. Бу маънолар иккичи ва учинчи шахсларга қаратилган бўлади. Аммо буйруқ майлиниң биринчи шахси йўқ, сўзловчи ўзига ўзи буюриши мумкин эмас. Шунга қарамай, бадний асарларда персонажлар нутқида маълум услубий талаб билан ўзига ўзи ундаш учрайди. Бунда сўзловчи ўзини иккичи шахс ўрнига қўйиб гапиради. Бунинг ўзига хос семантик-услубий хусусиятлари бор. Жумладан, буйруқ бевосита сўзловчининг ўзига тегишли бўлади: *Ражаббой, бу ишни қилинг* («мен бу ишни қилай» маъносида, сўзловчи биринчи шахс). Бу тарздаги қўллашиш сўзлашув услубига хос бўлиб, ўзини овсарликка олиш ёки ғуурланиш маъносида келади.

Буйруқ майлиниң иккичи шахс шакли содда (*айт, ўқи*) ва кенгайтирилган (*айтгин, ўқигин*) кўринишларга эга. Бу майлниң кенгайгай шакли буйруқ маъносини алоҳида таъқидлаш, тайинлаш каби қўшимча маъноларни ифодалайди. Чоғиширинг: *Хат ёз.—Хат ёзгин, унутма — унутмагин.*

Эски ўзбек тилида ва ҳозирги поэтик тилда -гин формаси -гил шаклида ҳам қўлланганлигини кўрамиз: *Тушда кўрдим бир парини, эй сабо, уйғотмагил* (*Кўшиқдан*.)

Баъзан инфинитив шакли феъллар ўзининг модал оттенкалари орқали буйруқ майлидаги феъллар билан

маънодошлик ташкил қиласи. **Чоғиширинг: у ишласин — у ишлаши керак; бор — бориши керак; шошил — шошилиш керак эди, қайт — қайтмоқ керак.** Бундай қўлланишда буйруқниг юмшоқ оҳанг билан, маслаҳат тарзида айтилганлиги сезилади. Сўзловчининг янада эҳтиёткорлиги ифодаланганда буйруқ майдаги феълларга юкламалар қўшилади. **Чоғиширинг: Уйга қайт. — Уйга қайтсанг-чи? Ҳовлига киринг.— Ҳовлиги кирамизми? каби.**

Буйруқ майдаги феъл бошқа майл маънолариши ифодалаб, уларниг ўринда қўлланиши мумкин. Жумладан, шарт майли ўринда келиб, униг маъносини ифодалаганда -син ва -са шакллари синонимик муносабатга киришади: *Қўнғироқ чалинсин, дарғга кирамиз.— Қўнғироқ чалинса, дарсга кирамиз.* Буйруқ майли ижро майли маъносида: *Батрак тутикаш кетди:— Холовани ҳоким есин, калтакни етим есин,— деб ўрнидан турди* (Х. оғз. иж.).

Феълнинг буйруқ-истак майли шакллари бадиий услубда, публицистикада кенг қўлланади. Бу майдаги феълларни Ҳамзанинг инқилобий шеърларида кенг ишлатилганлигини кўрамиз: *Битсин, қиздирсин, шодлансин, балқисин, борсин, келсин* каби.

Шарт майли феъл ўзакларига -са аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинади. -са шаклли феълларда модаллик, ҳиссий-тасирчанлик маънолари кучли сезилади. -са шакли орқали нафақат шарт маъноси, балки орзу, хоҳиш, илтимос, сабаб маънолари ҳам ифодаланади: *ишласа, борсам, бориб келсанг.* *Менга сўз берсангиз* эди каби.

Шарт майли щакли -са хоҳиш-истакни ресал ва тез амалга ошириш мақсадида буйруқ майли маъносида ишлатилади: *У кампирга қараб тайинлади:— Сиз ҳам борсангиз.* (О. Е.)— *Очиқроқ гапирсангиз-чи!*

14- §. Феъл замон шаклларининг услубий хусусияти

Феълнинг замон категорияси—объектив воқеликнинг тилда акс этишининг бир кўриниши. Тилда замон тушунчаси феълнинг замон шакли орқали ифодаланади.

Феъл замонларининг ҳар бирин ўз шаклига эга. Бу шакллар ўзаро ички синонимия ҳосил қилиши мумкин. Еки бир замонга хос шакл ўзи англатиши керак бўлган маънони эмас, балки бошқа замон маъносини билдириши ҳам мумкин. Яъни шакл маъносида кўчиш юз бе-

ради. Буларнинг ҳаммаси маълум бир услубий эфектни юзага чиқаради.

Ўтган замон феъли. Бу замон маъноси *-ди*, *-ган*, *-ган эди*, *-(и)б эди*, *-(а)р эди* шакллари воситасида юзага чиқади. Бу шакллар нутқда ҳаракатнинг ўтгац замонда амалга ошганилигини ифодалаш маъносида ўзаро синоним бўлиб келсалар-да, яна ҳар бири ўзига хос турли модал оттенкаларга эга. Жумладан, *-ди* шаклли феълларда ҳаракатнинг ўтган замонда аниқ бажарилганлиги ифодаланса, *-(и)б эди* шаклли феълларда ўтган замонда бажарилган ҳаракат ҳикоя қилиш, эслаш орқали баён қилинади. Шунингдек, ўтган замон шакллари нутқ услубларига муносабати жиҳатидан ҳам фарқланади. Масалан, *-(и)б эди*, *-гувчи эди* шакллари сўзлашув нутқига, *-моқда эди* формалари эса расмий услубга хосдир.

Нутқий жонли қилиш, у ёки бу ҳаракатни тингловчининг кўз ўнгидаги ёки яқин вақт ичидаги аниқ бажарилганлигини ифодалаш учун *-ди* шаклли ўтган замон феъли келаси замон маъноси учун ишлатилади: *Қани кетдик. Эртага бой мени қозига чақиртиради, еримни тортиб олади, энди мен нима қиламан?* (Эртакдан.)

Ҳозирги замон феъли. Бу замон маъноси *-яп*, *-ётир*, *-моқда* шакллари воситасида юзага чиқади. Бу формалар ўзаро синонимлик ҳосил қиласи: *боряпман* — *бораётирман* — *бормоқдаман*; *шилаяпман* — *шилаётирман* — *шиламоқдаман* каби. Ҳозирги замон маъносини ёт, тур, ўтир, юр феъллари ёрдамида аналитик йўл билан ҳам ҳосил қилиш мумкин. Бундай ҳолларда ҳозирги замон феълининг синтетик ва аналитик шакллари аро синонимия вужудга келади. Чоғишитиринг: *Дарсга қатнаяпман*.—*Дарсга қатнаб турибман*; *Унинг ҳаракатларини кузатмоқдаман*.—*Унинг ҳаракатларини кузатиб турибман* ва ҳ. к. Баъзан уларни алмаштириш имкони бўлмайди. Бунга сабаб ёт, тур, ўтир, юр феълларида ҳолат аинглатиш семасининг мавжудлигидир.

Ҳозирги замон феъли шаклларидан *-яп* нутқий бетарап бўлиб, актив қўлланади. *-ётир* шакли шеърий нутқда кўпроқ учрайди. *-моқда* шакли китобий услубга хос бўлиб, образли ифодаларда, тантанали публицистик нутқларда кўп ишлатилади.

Ҳозирги замон шакллари ҳам бошқа замон маъносига ҳам ишлатилиши мумкин. Жумладан, ҳозирги замон шакллари ўтган замон маъносига қўлланганда, бадиийлик оширилади, жонли манзаралар яратилади, таъсир-

чилил кучайтирилади. Сўзловчи ҳаракатининг бевосита кузатувчиси сифатида ўтган замон воқеаларини ҳозирги замон ҳолат феъллари орқали тасвирлайди. Бўлиб ўтган воқеаларни ўқувчи кўзи олдида янгидан гавдалантиради: *Бирпастдан кейин Фармонқул, унинг кетидан хотини қизини етаклаб кирди. У меҳмондан қочмади. Ҳаммамиз ўтироқдамиз*, қани энди биронтамиздан садо чиқса.

(A. Қ.) Агар ўтироқдамиз феъли контекстдаги бошқа ўтга ўзган замон феъллари билан бир хил шаклда берилса, маънода ўзгариш бўлмайди. Лекин матндан тасвирийлик йўқолиб, воқеа оддий хабарга айланиб қолади.

Ҳозирги замон феъл шакллари келаси замон ўрнида ҳам қўлланади. Бунда маъно таъсирчанлиги бўрттирилади: *Эртага дам олишга кетяпман*.

Келаси замон феъли. Келаси замон шакллари нутқ сўзланаётган пайтдан кейин бажариладиган ҳаракатни билдиради. Бу замон -ажак (-яжак), -моқчи, -диган аффикслари ёрдамида ясалади. Келаси замон ясовчи бундай аффикслар ўзаро синонимлик муносабати ташкил қиласи: *боражакман — бормоқчиман — борадиганман; ёзажаксан — ёзмоқчисан — ёзадигансан*.

Келаси замон шакллари ҳам ўрни билан бошқа замон маъноларини ифодалаш учун ишлатилиади.

15- §. Шахс-сон шаклларининг услубий хусусияти

Ҳаракатнинг бажарувчи шахсга ва бу шахснинг сон миқдорига муносабати шахс-сон шакллари орқали ифодаланади. Шахс билдирувчи қўшимчалар айни вақтда бажарувчининг сон миқдорини ҳам кўрсатади: *бордим* — I шахс бирлик; *бордик* — биринчи шахс кўплик. Булар ўзаро грамматик оппозицияни ҳосил қиласи.

Шахс-сон шаклларини ишлатишда икки ҳодисани фарқлаш лозим: 1) адабий тил меъёрига мувофиқ ишлатиладиган (норматив) шахс-сон формалари; 2) услубий мақсад, талаб билан йшлийдиган шахс-сон шакллари. Бадиий адабиётда услубий бўёқ беришда, эмоционал-таъсирчанликни ифодалашда шахс-сон шаклларидан услубий мақсадлар учун фойдаланилади. Булар асосан қўйидагилар:

I. Шахс алмашиниб қўлланади. Яъни III шахс бирлик шахс I шахс бирлиги маъносида. Бундай қўллаш бадиий услугга хос бўлиб, кўтаринкилик, ҳаракатни

ажратиб кўрсатиш учун хизмат қиласди. Гап ичидаги *каминада*, *фақир сўзлари ҳам қўллашади*: *Камина айтди* (мен айтдим), *фақир кўрсатди* (мен кўрсатдим). Бундай қўлланиш кўпроқ сўзлашув услубига хосдир.

2. II шахс бирлик ўрнида III шахс кўплик шакл ишлатилади. Бунда тингловчига нисбатан ҳурмат маъноси ёки хушомад каби эмоционал-таъсирчан маъно ифодаланади. Бундай ҳолларда гапда кўпинча ундалмалар иштирок қиласди:

Майсара (таъзим билан): Хуши келдилар, тақсирим!

Муллар ўзи. Хушвақт бўлинг. (Х.Х.)

Ижозат берсалар, дўстим, шу дўппини мен ҳам кияй. («Муштум».)

3. II шахснинг бирлиги I шахснинг бирлиги ўрнида. Бунда сўзловчининг ортиқча ҳис-ҳаяжони, учинг нутқ сўзлаётган вақтидаги руҳий ҳолати акс эттирилади: *Тушунадигван одамнинг садағаси кетсанг арзиди.* (А.К.) *Рост, баъзи вақтда дунёдан чиқуб кетгинг қелади.* (О.) Бундай ҳолларда гап ичидаги одам, киши сўзлари ҳам ишлатилиши мумкин: *Шунчаки, қилган меҳнатларингга ачинасан, киши.* Баъзан сўзловчи ўзини бошқа шахс ўрнига қўйиб, ўзига ўзи мурожаат қиласди. Унинг номидан сўзлайди. Бундай ҳолларда ҳам I шахс ўрнида иккинчи шахс шакллари ишлатилади: *Замира* (сўзловчи Замиранинг ўзи). *Ўз уйингда иккита меҳмонни тузук кутиб ололмасанг қандай ёмон!* (*Сўзлашув*). *Зуҳра* (*ўзига*) э, *Зуҳра қўрқасанми? Ҳеч, йўқ!* *Зуҳра ўлса ҳам қўрқмайди.* («Ешилик».)

Феъллардаги шахс билан бирга сон ҳам кўчади. Бундай кўринишга эга: 1) фақат сон кўчади; 2) шахс-соннинг ҳар иккаласи ҳам кўчади.

I шахснинг бирлик шакли ўрнига унинг кўплиги ишлатилади. Бунда сўзловчининг камтаринлиги ёки магурланиши маъноси ифодаланади. Бунда контекстдан билиб олиш мумкин: *Биз бу мақолани ёзишда талабаларнинг фикридан ҳам фойдаландик* (фойдаланганиман) *Бу романни биз ёздик* (мен ёздим). — *Ҳўп, майли, ўйлаб кўрамиз, — деди чавандоз.* (О.Е.)

Ҳурмат ёки кесатиқ маъносига III шахснинг кўплиги II шахснинг бирлиги учун қўлланади: *ўзлари айтсинлар.*

Учинчи шахснинг кўплиги шу шахснинг бирлиги ўрнида қўллангандага, ҳурмат маъносига ифодаланади: *Домла кетдилар.* *Бошлиғимизнинг қизлари келдилар.* Кўплик

маъноси учун қўлланувчи -лар аффикси турли шеваларда -ларинг, -инглар шаклларида ҳам учрайди: Бу шакллар буйруқ маъносига бўлиб, кўпчиликка қаратса сенсираб гапириш, тажанглашиш, пўлиса қилиш, менси-маслик каби таъсирчан модал муносабатни билдиради: *Келмасанглар ўзларингдан кўрларинг, юз кўришимас бўлиб кетамиз.* («Муштум».)

Кўплик маъноси биргалик даражада аффикси -(и)ш орқали ҳам ифодаланади. -(и)ш шакли -лар шаклли феълларга синоним бўлиб келади. Чоғиштириш: *Болалар югуриб кетишди.—Болалар югуриб келдилар.* Булардан биринчиси сўзлашув услубига хос бўлса, иккинчиси расмий-иш услуби учун муҳимдир.

Иккинчи шахснинг (и)нгиз аффикси ёрдамида ясалган шакллари ҳам расмий иш услубига хосдир: *Илтимос, суюнмангиз.* (Метродаги ёзув.)

16- §. Феълнинг функционал шаклларининг услубий хусусияти

Феълнинг функционал шакллари асосий хусусиятларига кўра икки турга бўлинади: 1) феълнинг маълум бир вазифа учун хосланган шакллари; 2) ҳаракатнинг турли тавсифини кўрсатувчи ва модал маъно ифодаловчи шакллар.

Феълнинг маълум бир вазифа учун хосланган шаклларига ҳаракат номи, сифатдош ва равишдош киради.

Ҳаракат номи. Феълнинг бу шакли -(и)ш, -(у)в, -моқ аффикслари ёрдамида ясалади. Бу шакллар маъно жиҳатидан бир-бираига яқин туради. Яъни ўзаро синоним бўлиб келади: ўқиши — ўқимоқ, — ўқув; ёзиши — ёзмоқ — ёзув. Аммо улар нутқи услубларида қўлланиши, фаолнофаоллигига кўра ўзаро фарқланади. Жумладан, -(и)ш аффикси билан ҳаракат номи ясалиши фаол бўлса, -(у)в шакли билан ҳаракат номи ясалиши нофаолдир. Тошкентга ўқишига келдим дейиш мумкин. Аммо Тошкентга ўқувга келдим деб бўлмайди. Чунки -(у)в аффикси билан ясалувчи шакл кўпроқ от маъносига қўлланади.

-моқ аффикси билан ҳаракат номи ясаш ҳам писбати чегаралангандир. Унинг -мак варианти шеърий нутқи ҳам хосдир. Классик адабиётда -мак шакли фаол қўлланган:

Эй жафогар, бир вафо қилким, иковлон бўлғобиз,
Мен жафо чекмакдану сен бевафолидан холос. (Н.)

Жонли сўзлашув нутқида ҳаракат номи гапда эга вазифасида кўпроқ қўлланади. Эгаси ҳаракат номидан ифодаланган гаплар таъсирчаник хусусиятга эга бўлади. Чоғиширинг: **Чекиш эзарарли. Югурш фойдали.** Айб эмасдир **севмоқ, севилмоқ.** (У.)

Сифатдош. Феълнинг бу шакли **-ган** (-кан, -қан), **-ар**, **-р**, **-гуси** (-гуси, -қуси), **-жак**, **-миш** аффикслари ёрдамида ясалади. **-гуси** (-гуси), **-жак** аффикслари кам маҳсул, **-миш** шакли эса арханглашган. Бу шакллар шеърий нутқида ишлатилади:

-ган, -ар сифатдош шакллари аниқ замонни ифодаламаганда ҳаракат номи шакллари **-иши**, **-моқ** билан синоним бўлиб кела олади: *Тоза ҳавода дам олганга нима етсин (олишга).* Келди очилур чогинг, ўзлигинг намоён қил (Х.Х.) (очилиш). *Адашган* айб эмас.— *Адашиши* айб эмас каби.

-ган шакли аниқ замон ифодалаб, аниқловчи бўлиб келганда ҳамда **-ган** шаклли сўз отлашганда **-иши** шаклли сўзлар билан ўрин алмаштира олмайди: *Ўқиётган бола келди. Қўрқсанга қўши кўринар* (Мақол.) каби.

Равишдош. Феълнинг бу шакли **(и) б**, **-а**, **-й**, **-гали**, **-гунча** (-кунча, -қунча), **-гач**, **-гани** (-кани, -қани) аффикслари ёрдамида ҳосил қилинади. **(и)б ва -а, -й** равишдош ясовчилари маъно жиҳатдан бир-биридан анча фарқланса ҳам, айрим ўринларда синоним бўлиб келади: *ўқиб билади* — *ўқиий билади*; *ёзиб олади* — *ёза олади* каби.

Равишдошнинг шакли **-май** шеъриятда **-майин** шаклида ҳам учрайди. *Билмайин босдим тиканни, тортадурман дардини.* (Х. оғз. иж.)

-гани, -гали шакллари ҳозирги нутқида кўп ишлатилмайди, кўпроқ шеърий нутқида ҳосдир:

Шийпон олди гул ҳовуз,
Гул тергани келганмиз.
Гулни баҳона қилиб,
Ёр кўргани келганмиз. (Х. оғз. иж.)

Нозу истигно билан кўрсатур минг гамза жон қилгали шайдо мени. (У.)

Равишдош шаклларидан **-гани** мақсад маъносини ифодалаб келганда учун кўмакчили конструкция билан

синонимлік қатор ҳосил қиласы. **Үқиғаны келди.** — **Үқиши** үчүн келди.

Харакаттің бажарылыш ҳолаттін ифодалашда -*ғана*, -*ғунча* шакллари -*ған*, -*ған ҳолда* конструкциялары билан ҳам синонимик қатор ҳосил қиласы: *Анвар...* эшик кесекисидан *үшлаганча гоҳ Алимардонга, гоҳ Мұқаддамга қараб турар* эди. (У. Х.) (*Үшлаган ҳолда...*)

Күрінадыки, равишдош ясовчи шаклларда услубий имконият катта. Улардан мақсадға мувофиқ фойдаланып нутқни күркемлаштиради.

Харакаттің түрли тавсифини күрсатуучи ва модал маъно ифодаловчи шакллар. Бу шакллар күринишига күра иккиге бўлинади: 1) синтетик шакллар, 2) аналитик шакллар.

Синтетик шакллар харакаттің давомийлиги, тақориyllигини ифодалайди. Бу -*а*, -*ла*, -*кила* (-*гила*, -*қила*, -*ғила*) шакллари орқали юзага чиқади: *бур-бура, савасавала, турт-туртқила, чўз-чўзғила, теп-тепқила, қашиқашила* каби. Харакаттің кучсиз даражаси эса -(*и*) *нқира*, -(*и*)*мсира* шакллари воситасида юзага келади: *қўрқинқира, кулимсира, йигламсира* каби.

Юқорида қайд этилган шакллар асосан бадиий услубда ишлатилиб, персонажларниң ғүхий ҳолати, ички кечишмаларини яққол гавдалантириш учун хизмат қиласы; *Унинг яноги пир-пир учар, қовоғи шишинқарагандай кўринар* эди. (А. К.)

Зоҳид ишқин десаки, қилгай фош,
Йигламсинири кўзига келмас ёш. (Н.)

Аналитик йўл билан модал маъно кўмакчи феъллар ва тўлиқсиз феъл ёрдамида ҳосил қилинади. Ҳар бир кўмакчи феъл етакчи феъл билан бирикнаб модал маънолар ҳосил қиласы. Масалан, ишнинг энди бошланганилиги (*куйлай бошлиди*), давомлилиги (*шилаб ўрибди*), тугалланганилиги (*ўқиб чиқди*) каби маънолар *бошла, юр, чиқ* кўмакчи феъллари орқали ифодаланган.

Модал маъно ифодалаш жиҳатидан ҳам айрим кўмакчи феъллар синонимлик ташкил қиласы. Масалан, бирор ҳаракатни бажара олиш имконияти бил, ол ёрдамчи феълларида тенг ифодаланади. Чоғиши тириғи: *ўқий билади* — *ўқиб олади, кела билади* — *кела олади* каби. Шунга қарамай, айрим кўмакчи феъллар баъзи феъллар билан бирика олмайди. Масалан, ёз кўмакчи феъли *қувонмоқ, тёкнироқ, ўсмоқ* каби феъллар

билин бирика олмайды. Оғзаки ва ёзма нутқда бунга эътибор қылмаслик натижасыда услубий хатоларга йўл қўйилади.

Эди, экан, эмиш, эрур тўлиқсиз феъллари аслида э ўзагидан ҳосил бўлган. Тўлиқсиз феъл от, сифат, сон, олмош каби сўз туркумлари билан бирикиб, уларга феъллик тусини беради. Феъллар билан бирикиб келганда эса ҳарақатнинг аниқ бажарилганилиги, ҳарақатнинг бажарилиш эҳтимоли борлиги, пайти, мақсади каби модал маъноларни ифодалаб келади.

Эрур тўлиқсиз феъли тарихий-бадиий асарларда давр руҳини бериш учун ишлатилади. Тўлиқсиз феълнинг -кин, -кан шакллари сўзлашув нутқи услубида кўпроқ қўлланади.

39- машқ. Қуйидаги гаплардан нутқ феъллари синонимиясини аниқланг, уларни семантик-услубий ва функционал-услубий томондан тавсифланг.

1. Ойшабону жиғибийрони чиқиб гапирди. (*X. F.*)
2. Шокир ота яна ўзининг қўли қисқалигидан... ғоят куюниб сўзлади. (*O.*) 3. Болалар ёпишга, халтани очишга мажбур бўлди-да, лабини буриб вайсай бошлади. (*O.*)
4. Кўп валдирамасдан лўнда қил гапни: бу ёфи қандоқ бўлади? (*O. E.*) 5. Кўзлари қиссиққина қизча ўтириб олиб нималардир деб жавраяпти. (*C. Аҳм.*) 6. Бас, кўп вақиллама!— деди маҳдум, қўл силтаб. (*M. Исм.*)
7. Мирзакаримбой аста ўршидан турди, «Ё расуллилло» деб минғиллади. (*O.*) 8. Хотин бўлса тилини бир қарич қилиб Уринбойга бидирлаяпти. (*X. Н.*) 9. У Акмалга пўнғиллади: — Мен еб, сен қуруқ қолгандай нима қилиб турибсан бир четда? (*O. E.*) 10. Аъзамжон тирноғини тозалаётган одамдек бепарво тўнғиллади: — Битимга қиламанми? (*Ш.*) 11. У раста бўлган ўспирин товуши билан дўнғиллади. (*M. Исм.*) 12. Тўғри гап олдида тили тутилган бой гулдиради. (*X. F.*) 13. Мунисхон эшикни зичлаб, Сайдийнинг қаршисига ўтириди-да, унга томон энгашиб пичирлади. (*A. Қ.*) 14. Хунуккина, қотма, ориқ машиначи менга қараб секин шивирлади. (*O.*) 15. Мингбоши жаҳли чиқиб болаларга ўшқирди:— Унингни ўчир, ҳаромилар! (*M. Исм.*) 16. Ишвошиларинг шунаقا юмшоқми-а? — ўтирган замон шанғиллади ҳоким. (*O.*) 17. Утап дарвозадан далага чиқиб, отларниг ёнида тургаш уч қорага қичқирди:— Киринглар-о! (*X. F.*) 18. Эрининг гапига Ўзбек ойим ортиқча қизиши, лаби-лабига тегмай бобиллаб берди. (*A. Қод.*)

40- машқ. Ўзлик даражаси шакалларидаги синонимларин аниқланып. Айрим феъл ўзакларнга ўзлик даражада аффиксларининг қўшила олмаслик сабабларини тушунтириш.

1. Шоир ўз ота-бобоси тилининг содда ва тоза, гўзалигини чуқур сезиб қувонди. (*O.*) 2. Кумушбиби қизаринди. (*A. Қод.*) 3. Даражатлар оппоқ гулгә бурканди. 4. Паранжига буркалган жувон шаҳдам қадам ташлаб келарди. (*A. Қ.*) 5. Салим аканинг зериктиарли суҳбати юрагимга ўралди. 6. Бола онасининг оёғига ўралашди. 7. — Ҳусан, девор томон сурил:— Яна қаерга суриламан, жой йўқ. (*Сўзлашувдан.*) 8. Бола бу кечада ухламади. 9. Отам гапирмади, амаким сўкина-сўкина чиқиб кетди. 10. У уйда ҳам ўйланиб юрадиган одам эди.

41- машқ. Орттирма даражада ясовчи шакллар тагига чизинг. Бу шакллар синонимиясидаги маъно нозикликларини аниқланып. Даражада ясовчи шаклларнинг қаватланиб шплатилиши сабабларини тушунтириш.

1. Шаҳарнинг катта-кичигидан ўзига ихлосмандлар орттирган. (*A. Қ.*) 2. Вақт ўтиши билан шамол қумларни ҳайдаб ариқларни тўлғазди. (*«Ёшлик».*) 3. Мен бирорвинг дўпписини бирорга кийгизмайман. (*«Муштум».*) 4. Улуғбек қўл остидаги шаҳарларда мактаб ва мадрасалар солдирди. (*Л. Батъ.*) 5. Султон Навоийни ўз хузурига чақиртириди. (*Л. Батъ.*) 6. У ортиқча таъналар эшитмай, осонликча қутулганига севиниб, Алишерга бош-оёқ сарло кийгизди. (*Л. Батъ.*) 7. Гулиор ҳамма нарсани бир зумда тайёрлаб дадасига кўрсатди. (*O.*) 8. Укангга ошни и chir, сўнгра ухлат. 9. Дорини кўзга томиз. 10. Ёвларни эз, дўстларни қутқаз. (*Ҳ. O.*) 11. Йўлларни текислат, дараҳт шоҳларини арралат, сўнгра сув септири. 12. Декан студентларга тушунтириш хати ёздиртириди ва бу хатни улардан бирига ўқиттириди.

42- машқ. Биргалик ва мажхул даражада шаклларининг тагига чизинг. Уларга семантик-услубий ва функционал-услубий тавсиф беринг.

1. Москвалик мутахассислар Тошкентда метрополитең қурилишига оид мураккаб муаммоларни ўрганишга киришган эди. (*П. Қ.*) 2. Иккита ошиа гапга берилиб пиёда кетишди. (*A. Қ.*) 3. Қинғир иш қирқ йилдан кейин ҳам очилади. (*Мақол.*) 4. Болалар беҳад қувонинишиб Йўлчининг бўйнига осилишди. (*O.*) 5. Бир томони босиб қолган кулбага Йўлчини оҳиста ётқизишиди. (*O.*) 6. Халқни йўлдан оздиришда шубҳаланилган кишилар қўллари орқаларига маҳкам боғланган ҳолда келтири-

ларди. (*Л. Батъ.*) 7. Чүлдаги жамики бүш ётган ерларга жоң киргизилди. (*Л. Батъ.*) 8. Жой стишмаганидан командирлар ўтиришди, жаңгчилар бёқда туриб қолиши. (*Х. Ф.*) 9. Опа-бола қучоқлашиб, ўпшиши. (*«Ешилик».*) 10. Уйга ойимлар келишибди. 11. Қани, ноз қилинмасин, овқатдан олинсени. (*М. Салом.*)

43- машқ. Бўлишсиэ феълларни аниқланг. Инкор қайси воситалар билан ифодаланганинг тушунтиринг. Уларга хос услубий хусусиятларни баён қилинг.

1. Юрт қўриссанг ўзарсан, қўримассанг тўзарсан. (*Макол.*) 2. Унсин бир вақтлар Гулнор берган узукни акасига ҳали топширмаган эди. (*О.*) 3. Ойимни бир ойдан бери кўрганим йўқ. (*О.*) 4. Кечадан бери тўз тотганим йўқ. (*Н. С.*) 5. Ахир у кетганда, мен ёш бола эдим, на табиатни билардим, на фазилатни деб ўйланди Дилшод. (*М. Исм.*) 6. Мунисхон ваъда берган вақтида келмай қолмайди. (*А. Қ.*) 7. Билимнинг ўзи кифоя эмас, уни қўллай билиш керак. Истакнинг ўзи етмайди, уни рўёбга чиқармоқ керак. (*И. Гёте.*) 8. Тўйгача улар билан кўришмаслиги ва гаплашмаслиги керак. (*П. Қ.*) 9. Сенинг бу ёлғон гапларингга ким ишонади? (*«Ешилик».*) 10. Қаёққа кетасиз, сизни бу ердан кетказармидик. (*П. Т.*) 11. Уйга кирасанми?— Йўқ, кирмайман. (*«Ешилик».*) 12. Атрофда на бир гиёҳ, на бир оқарган нарса бор. (*«Ҳар доим бўлсин қуёши» тўпламидан.*)

44- машқ. -ма бўлишсиэлик аффикснинг етакчи ва кўмакчи феълларга қўшилиб келганингга дикқат қилинг. Бундай қўшилишнинг семантик-услубий фарқини тушунтиринг.

Келмай қолди — келиб қолмади — келмай қолмайди. Айтмай қўйди — айтиб қўймади — айтмай қўймайди. Айта кўрма — айтмай кўр. Кўчириб турмади — кўчиримай турди — кўчиримай турмайди. Турниб ўтирумади — ўтириб турмади — ўтиримай турди. Уйдан чиқмай қолди — уйдан чиқиб қолмади — уйдан чиқмай қолмайди.

45- машқ. Инкор ва тасдиқ ифодалашдаги синонимияни аниқланг. Айрим ҳолларда инкор ифодаловчи воситаларнинг ўзаро синоним бўла олмаслик сабабларини тушунтиринг.

1. Мен бу ерга ариза бериб келган эмасман, ариза бериб кетмайман. (*А. Қ.*) 2. Фамлаганлар бўлмади эмас, бўлди. (*Н. С.*) 3. Кечиринг, ойи, мен бундай демоқчи эмас эдим. (*Б. Раҳмон.*) 4. Ҳамма ўз пилласини шартнома бўйича топшириб бўлаёзди-ю, нега сиз шу маҳаллача топширганингиз йўқ? (*З. Фатхулин.*) 5. Юринглар,

ҳали қош қорайгунча йүқ. (Ас. М.) 6. Тошмат отасининг боласи эмасми? Кўп жонкуяр йигит. (Я.) 7. Оқилжон на хат ёзади, на хабар беради. 8. Шу азиз тупроқда унинг жасади, Бош эгмай ўтмайди ундан йўловчи. (С. З.) 9. Бу хабарни эшйтмаган йўқ.

46- машқ. Теша Сандалнёвинг «Қушчажон» шеърида ишлатилган буйруқ-истак майлиниңг содда ва кенгайтирилган шаклларини аниқлаанг. Бу шакллардаги ҳиссий-таъсиричан бўёқни изоҳланг.

Эй шохда ўтирган қуш!
Бирпасгина ёнимга туш.
Қўрқма, ушлаб олмагайман,
Қафасга ҳам солмагайман.
Кел, озгина сўйлашайлик,
Бирга-бирга куйлашайлик.
Дон сўрасанг, дои берайин,
Ноп истасанг, ноп берайин.
Сўнгра, майли, учнб кетгин,
Юлдузларга бориб етгин.

47- машқ. Буйруқ-истак маъносининг майл шакллари ҳамда бошқа грамматик воситалар ёрдамида ҳосил қўлпайшига бир нёча гап ёзинг. Бундай грамматик воситаларда қандай модал маъно ифодаланганлигини баён қилинг.

Намуна: *Сарвар! Кўзингни ёп* — қатъий буйруқ, талаб маъносида. *Энди кўзингни ёпишига тўғри келади* — буйруқ, юмшоқ оҳанг билан ифодаланган.

48- машқ. Майл шаклларини топиб, уларниңг ёз маъносига ёки бошқа майл маъносига эканлигини аниқланг. Ҳар бир майл шаклини хос модал маъноларни изоҳланг.

1. Мехнат қилсанг, роҳат кўрасан. (*Мақол.*) 2. Сабр қил. У сенга қўлини чўзсин, шартта қилинч соласан. (*Э. Ж.*) 3. Агар буюрсангиз, қил билан фил боглашга, тирноғ билан тоғ қўпоришга тайёрман. (*F. F.*) 4. Ава-зингни, ота, номард билмагин, жавоб бергин, мени йўлдан урмагин. (*Ф. Йўлдош.*) 5. Борсам сира зериктирмайди! (*Х. F.*) 6. Агар шу тупроқ бўлмаганда эди, менда на юрак, на баҳт, на оила бўлар эди. (*Я.*) 7. Гулим, бе-ҳудага безовта бўлма, Ўзингни қийнама, ғамларга тўлма. Дадил бўлсанг, ваҳмнинг ранги сўлғай, Ишон, одатда, тушнинг акси бўлғай. (*Ўйғун ва И. Султон.*) 8. Мени кутгил ва мен қайтарман, Фақат кутгил жуда интизор. (*К. Симонов.*) 9. Боргил тезроқ, халоскор дўстим, Кун чиқишдан кун ботишга бор. (*Х. О.*) 10. Қиз мени севмаса кетимдан қидириб юрармиди. (*О.*) 11. Кетайин деб ўзинга Уртаер денгизига. (*С. Жўра.*) 12. Қашш энди, ун-

далмахон, қочиб боқ-чи деб бўлурман, юбормайин унга соқчи. (С. Жўра.) 13. То кийди қизил ўзини зебо қиласин деб, йўт ёқди жаҳон мулкина ғавғо солайин деб. (Н.)

49- машқ. Утган замон шаклларида ифодаланган модал маъноларни аниқланг. Уларга функцонал услубий тавсиф беринг.

1. Мен ҳам бир вақтлар шу шўринг қурғурларни бойнинг дарвозасидан уриб ҳайдаган, қувлаб солган эдим! Менга у кўз ёшларнинг сири, у оҳу фарёдларнинг маъноси энди барада маълум бўлди. Кўзим очилди, улар ҳақ эканлар! (Х. Х.) 2. Даштга кетаётib мана шу арзимас совғани бериб кетгии девдим. (О. Е.) 3. Қани ўлчанг-чи, қанча келаркин? Бемалол сураверинг,—деди у Очилвойга тилла тишларини кўрсатиб жилмаяркан,— йигирмата чиқса керак. (Н. Аминов.) 4. Саҳро ортидан қуёш чиқиб келмоқда эди. (М. Салом.) 5. Салимжон, шу Ҳоди тоға бор-ку... бозорга пиёзини олиб келувдик... (Н. Аминов.) 6. Тоғамлар келиб эди, ҳозир кетиши. («Муштум.») 7. Дарёлардан куйлаб ўтардим, Эртакларга қулоқ тутардим. (Х. О.) 8. Малика олдинлари шўхлик қилгувчи эди, ҳозир жиддийлашиб бормоқда. («Ёшлик.»)

50- машқ Замон шакллари орасидаги синонимликни аниқланг. Ҳар бир шаклга хос семантик-услубий хусусиятларни баён қилинг.

1. Мана канал битди. Мана бу тўқайларни бузиб янги ер очаётубмиз. (А. Қ.) 2. У бир оз ишламоқчи, китобларни тартибга солмоқчи эди. (О. Е.) 3. Қуруқ чанани тортиб келаётубмиз. (Н. Ф.) 4. Вишканинг ярмида — олти қават уй баландлигига — Ашур ишлаётир. (П. Қ.) 5. Мен командировкага кетадиганман. (П. Қ.) 6. Давлат гўшт етиштириш масалаларига шунчалик эътибор беряпти-ю, сиз энг чорвадор қишлоқни йўқ қилмоқчи-сиз. (П. Қ.) 7. Мен хат ёзяпман, шам эса ўзининг нозик жилваси билан шу сатрларни ялаб-ялаб қуритяпти. (У. Ҳ.) 8. Адир орасидан баркашдек ой кўтарилимоқда. (С. Аҳм.) 9. Чойни ичиб, маслаҳатни битиб, одамларга қараб, Гўрўғли бу сўэни айтиб турибди. (Ф. И.) 10. Аминжон укам Тошкентда ўқиб юрибди. («Ёшлик.») 11. Йигитлик кучимнинг қаймогини бой олди, мен уни бой қилдим! Энди бу қутурган бой менинг хизматларим эвазига менинг ёш жонимга жафо қилаётир, жафо! Менинг томирларимда қоп эмас, ўтлар оқмоқда, ўтлар! (Х. Ҳ.)

51- машқ. Замон шаклларининг ўз ва кўчма маъноларини аниқланг. Ҳар бир кўчириши аниқ-тавсифлапг ва услубий вазифасига диққат қилинг.

1. Бюро аъзоларидан бири мажлисни очди. Негадир президиумга бизининг курсдан сайлашиб. Ҳаммани кузатиб ўтирибман. Юрагим сиқилди. (*Сайёр.*) 2. Фермага борар экашмиз ҳозир ўқитувчидан эшишиб келяпман,— деди ўқувчи. 3. Тикка қирга йўл солдик: ҳали кетяпмиз, ҳали кетяпмиз, қани лолазор кўрина қолса. (*Сайёр.*) 4. Сизга нима бўлди, амаки? Сигнал берсан, эшиштмайсиз. (*С. Аҳм.*) 5. Талабаларни ёзги таътилга яқин кўрсанг эди, ҳаммаларни бор кучлари билан имтиҳонларга тайёрланаётирлар. Баъзилари тонготаргача китоб ўқияпти, имтиҳондан ўтганилари уйларига кетиш учун ҳозирлик кўраётирлар. 6. Кечак ҳаво жуда ажойиб бўлди: чақмоқ чақяпти, ёмғир қўйяпти, ҳамма ёқ ялтирайди. 7. Бир кун даладан қайтаётганимизда у «Тўй қаҷон?» деб қолди тўсатдан. Гўё устимдан бир челақ муздек сув қўйиб юборди, сесканиб кетдим. (*М. Жўра.*) 8. Тўпламга кирган шеър ва ҳикоялар пухта ёзилганми, йўқми, барибир, уларни ўқиб, шуни аниқ ҳис қиласан— болалар жонажон Ватанларини яхши кўрадилар. («Ҳар доим бўлсин қуёши тўпламидан.») 9. Ҳа, Собирвой, калла пишдими?— деди у майин овозда,— уйингга бориб айтиб келяпман. Ҳавотир олишмайди. («Ҳар доим бўлсин қуёши тўпламидан.»)

52- машқ. Ўзингиз бâлий асарлардан замонлари алмашиниб келган феъл шаклларига бир неча мисол топиб ёзинг. Бошқа замон маъноси учун қўлланган ҳар бир шаклнинг шу матнадаги услубий хусусиятини аниқлашга ҳаракат қилинг.

53- машқ. Шахс-сон шаклларининг кўчма маъносини аниқланг. Уларнинг семантик-услубий хусусиятларини баён қилинг.

1. Онанг ўлсени, болам, сени бу ерга ёлғиз юбормай. (*У. Ҳ.*) 2. Раисдай одам шу ишга аралашибидилар. («Ешикуч.») 3. Ҳозироқ кечиктирмай яна бир неча материал олиб келишга рухсат бергайсиз! (*Ю. Семёнов.*) 4. О...,— деди мезбон Саида «ҳали ёшсиз-ку» дейишини хоҳлаб;— қариб қолдик! Бабушка бўлиб қолдик. (*А. Қ.*) Ёлғиз ўғлингиз ўнта йигитга арзийдилар. (*Ҳ. Ф.*) 6. Ҳар шанба куни мактабдан келсам, уйда бувим йўқ бўлади. Ойимдан сўрасам, «далага кетганлар», деб жавоб берадилар. Қизиқ далада нима иш қиласилар-а?! (*Д. Эргашева.*) 7. Зокиржон тутилинқираб ғингшиди:— Салимжон... бу тоғангиз Зокиржон тўғри Бухорои шарифнинг бозоридан келяптилар, а, кирамизми ё... (*Н. Аминов.*)

8. Ҳурмат қилсанғ, ҳурмат күрасаң. (*Мақол.*) 9. Қори. Камина бир масала хусусида ҳузурингизга бормоқчи эдилар. (*A. K.*) 10. Үруш пайти. Бундай пайтда ҳар қанча оғирлик тушса ҳам, бўш келмайсан. (*X. H.*) 11. Ижозат берсалар, жаноблари сўзлар эдим. (*C. A.*) 12. Ойкарам шундай гўзал, шундай истараси иссиқ аёлки, унга қараб тўймайсан, киши. 13. Шуларни назарда тутиб, ўзбек тилидаги полисемияни қуйидаги бобларга бўлиб ўрганилишини маъқул деб топдик. (*M. Миртоҷиев.*) 14. Сенга жавоб масаласини ўйлаб кўрамиз,—деди Неъматов. (*«Саодат».*)

54- машқ Бадий адабиётдан шахс-сон шаклларининг кўчма маънода қўлланишига мисоллар топиб ёзинг. Бундай кўчма маъноНинг шу контекстдаги семантик-услубий вазифасини аниqlанг.

55- машқ. Абдулла Қаҳҳор комедияларидан олинган қуйидаги иккι парчада шахс-сон шаклларининг қандай услубий мақсадда ишлатилганилигини тушунтириш.

I. Қори. Ўзимиз аҳбоби дин, арбоби шариат бўлсак ҳам, алҳамдуилло, ҳукуматимиз хизматига камарбастамиз, тасаддуқ! Шукрким, ҳукуматимиз даврида адлу адолат барқарор бўлди. Лекин, афсус ва надоматлар бўлсинким, ришват, яъни пора отлиқ бало адолат қадъасига раҳна солмоқда. Жанобларининг адлу адолатга Хорун-ар-Рашид эканликларига кўнгил шаҳодат берив, шу хусусда шаммаи изҳор қўлмоқни ихтиёр қилдим.

Обиджон. Қироат қилмасдан гапиринг, пора, пораҳур тўгрисида гапирмоқчимисиз?

Қори. Ҳай-ҳай.. Жаноблари Нусратуллонинг хешлари эканликлари фақирга маълум ва лекиң бошимга ҳазрати Алиишиг муборак зулфиқорлари келганда ҳам, ҳақку ҳақиқатдан юз ўғирмоқ одатим йўқ.

П. Ашуралиев (*бир чеккада гоз туриб ҳаяжон билан ўқишиди*). Салом ва табриклар! Табрик ва саломлар! Олий маълумотга эга бўлиб докторлик лавозимида фидокорона халқ хизматига шайланганларинг билан табриклайман ва, ишонаманки, ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришиб, меҳнатда ўриак кўрсатасизлар деб! Ва шу билан биргаликда ўз инсоний бурчларингдан илҳомланиб, оилавий мажбурият олганларинг билан ҳам табриклайман ва, аминманки, оилавий бурчларингни бажаришда ўз имкониятларингни ҳисоблаб чиқиб, қатор қўшимча мажбуриятлар оласизлар ва бу мажбуриятни ҳам шараф билан бажарасизлар деб!

56- машқ. Даража, майл, замон ва шахс-сон шаклларини ўрин-

сиз шипатиши билан юзага келгани услугубий иуқсонларни анықланып, Гапларни таҳрир қилиб күчиринг.

1. Она күзларини очгач, бир оз жон кирган эди. Үңкүруқшаган лабларини ялади. (П. Т.) 2. Мени чиқарып юборишилар, қасам ичиришилар. (F. F.) 3. Звено аъзолари Шарофат холашинг сўзига завқланиб кулишдилар. (Н. С.) 4. Улар эшикни қия очиб, тағин ёпар, ўзаро шивирлашиб қўйишарди. (Мирм.) 5. Үтирганлар бир-биrlарига шивирлашиб нималардир дейиши. (Д. Нурий.) 6. Эшакка тескари миндириб сазойи қилинди. (М. Исм.) 7. Ойшахон безанилиб туришни яхши кўрарди. 8. Чол болаларига овқат едиртирғизиб жўнатди. (Х. оғз. иж.) 9. Болани кийинтиришиб бўлдингизми? (Сўзлашув.) 10. Улар митинг ўтказтиришмоқчи эди. (Газ.) 11. Янги туғилган чақалоқ номига чинор кўчатни ўтқазилди. (Газ.)

57-машқ. Нуқталар ўрнига -моқ, -иши, -ув аффиксларидан бирини қўйиб, гапларни кўчиринг. Бундай танланишнинг услугубий хусусиятларини тушунтиринг.

1. Қўзибой ишга аралаш...ни ҳам, чиқиб кет.. ни ҳам билмай қолди. (Х. Н.) 2. Лекин бўзчининг мокиси-дек қатна...ни қўймади. 3. Ойисига ўхшайдими?! Адаш...и мумкин эмас. (С. Аҳм.) 4. Тезроқ мулла бўл... билан ишга ўтириш, Гоҳо-гоҳо жазмлана пар упниг таъбida. (F. F.) 5. Лекин кўриш... ҳам бор, ҳар соғин...дан кейин. (С. Жўра.) 6. Ширкат арzon ишчи топ... пайига тушиб, бу тўғрида амирдан ёрдам ва маслаҳат сўради. (С. А.) 7. Бизнинг сенинг олдингдаги иккинчи бурчимиз сенга тўғри тарбия ва маълумот бер... эди. (Н. Норматов.) 8. Ҳавас эди бизларга боғ ўстир..., гул эк... (К. Ҳикмат.) 9. Бизни она янглиғ оқ ювиб, оқ тараган Ватанин сев...— бу муқаддас, бурчdir. (М. Шолохов.) 10. Қел... ихтиёр билан, кет... ижозат билан. (Мақол.) 11. Унинг колхозга тушиб ўт...дан мақсади Саидани кўр..., ҳол-аҳвол сўра... (А. К.)

58-машқ. Гаплардан -ган, -ар шаклни сифатдошларни топиб, ҳаракат номи ясовчи шакллар билан алмаштириб кўринг. Уларнинг ўзаро ўрин алмашиниш ёки алмашинна олмаслик сабабларини тушунтиринг.

1. Борарга иложим йўқ, учарга қанотим. (Х. оғз. иж.) 2. Барг-ла ўйнап туп. (З.) 3. Миршоҳид Мироқилов ана шундай ичакузар қизиқчи эди. («Муштум».) 4. Кунботар олдида ваъдасига мувофиқ Козимбек келди. (А. К.)

5. Кетар чоғи мен уни останада тұхтатдим. (А. Мух.)
6. Ілғиз айттар сүзим шуки, вазифанғизга тамом ихлос билан киришгайсиз... (О.) 7. Дилшод истеңзоли кулди. Мамарайим афандининг ҳам қуришган, ажин босған бир бурда юзида, ичига тушиб кетған хира күзида илжай-гана үшшаган бир нарса күринди. (М. Йсм.) 8. Бетга айтғаннинг заҳри йүқ. (Мақол.) 9. Салом сенга, эй жи-гарпора, Салом түрт күз билан кутғаним. (Х. О.)

59-машқ. Равишдош шакллари орасидаги үзаро синонимликкі аниқланғ. Уларни функционал-услубий тәсніфланғ.

1. Гулсарани олиб кетғали келдим. (Я.) 2. Уни күргали тез-тез келиб тураман. (О.) 3. «Оқтой» билан арава менга ишлатиш учун керак, сенга бўлса катайса қилгани. (Қ. Н.) 4. Ўлмас сўрашгани қўл узатди. (А. Қ.) 5. Нури бу филага тушгач, уч кун ўтар-ўтмас иккى қайнана — кундош орасидаги душманликни сезди. (О.) 9. Ойшабиби юзини рўмол билан ёпиб, лопиллаб кириб келди. (Х. Ф.) 7.—Билмайин гапирди, опаси, кечир.—Билмай эмиш. (Сўзлашув.) 8. Навоний иш билан банд бўлиб, вақтнинг қандай ўтиб кетганини пайқамай қолди. (Л. Батъ.) 9. У ҳар тонг одимловчи экскаваторининг кабинасига нарвонда кўтариilar, қош қорайгунча канал ковларди. (Х. Ф.) 10. Нур сочиб ой чиқади пахтазорга боққани. (Қўшиқ.) 11. Тома-тома кўл бўлур, томмай қолса, чўл бўлур. (Мақол.) 12. Қейин билакларини шимарив олганча пишқириб-пишқириб ювина бошлади. (Ў. Х.) 13. Алимардон япроқларининг пирпираб учишини томоша қила-қила пинакка кетди. (Ў. Х.) Ву оқшом ой ҳам эрта чиқди, тўлиб, қип-қизағиб, яшиаб-яшнаб чиқди. (Ў. Х.)

60- машқ. Ҳаракатнинг турлича ҳолатини кўрсатувчи ва модал маъно ифодаловчи аналитик шаклларни кўчириб ёзинг. Уларни сен-мантик-услубий ва функционал-услубий томондан тасніфланғ.

1. Раъно секин бошини кўтариб кулимсиради ва юзини четга ўғирди. (А. Қод.) 2. Зирани таомга солишдан олдин эзғиласа, янада яхши самара беради. (А. Акрамов.) 3. Бир-икки туртканни сезмайди, кўпроқ туртқила уйқудаи уйғонсин. («Муштум».) 4. Миннатдорлик билдиргим ҳам келарди, алланечук қўрқинқирадим ҳам ундан. (Ас. М.) 5. Йўлчини ёдларкан, унинг юрагида янада газаб қўзғалар эди. (О.) 6. Мўртгина нарса экансиз, қийналиб қолмасмикансиз? (А. Қ.) 7. Оғайнимиш тоғ билан дарё, Қизиқ эмиш сирлари ғоят. (Х. О.) 8. Бир йилда яна иккита пьеса ёзиб ташладим. (О. Е.) 9. Элму-

род мол боқиши учун ўтлоқ қидириб күп сайин узоқроққа кетиб қоларди. (П. Т.) 10. Сал кам бир ой деганды бош түгөннинг ўнг қиргогига тош ётқизиб чиқдилар. (Ж. Шарипов.) 11. Мадина уч-түрт ёшида шеърлар айта бошлади. («Ешик».)

17- §. Ердамчи сўзларнинг услубий хусусияти

Кўмакчилар от ёки отлашган сўзлардан кейин келиб, унинг бошқа сўзга боғланишини, ундаги турли синтактик муносабатларни кўрсатади.

Кўмакчилар маъно ва вазифасига кўра келишиклар билан услубий синонимлик ташкил қиласди: *Телефонда гаплашди*—*Телефон орқали гаплашди*; *ўқишга кетди*—*ўқиш учун кетди* каби. Матидан восита, мақсад, атани, йўналиш каби маънолар англашилганда бундай синонимлик юзага чиқади. Чоғиширинг: *қаламда ёэди*—*қалам билан ёэди*; *сув ичишга тўхтади*—*сув ичиш учун тўхтади*; *укасига олди*—*укаси учун олди*; *уйга кетди*—*уй томон кетди*.

Келишик шакли билан ёима-ён кўмакчи ишлатилингда таъкид маъноси янада кучаяди: *далага кетди*—*далага томон кетди*.

Айрим кўмакчилар икки ва ундан ортиқ услубий парадигмани ҳосил қиласди. Бир парадигмадаги кўмакчилар турли услубий бўёқларига кўра фарқланади: *билин*—*бirlan* (архаик)—*бира* (китобий)—*била* (диалектал); *учун*—*чун* (сўзлашув); *каби*—*сингари*—*янглиғ* (архаик), *бошқа*—*ташқари*—*ўзга* (китобий), *бери*—*буён* (сўзлашув); *бўйлаб*—*уэра* (архаик). Кўмакчилардаги бундай хусусият нутқни раңг-бараңг қиласди, ҳиссий-таъсиричанликий оширади.

43- §. Боғловчилар гап бўлаклари ва содда гапларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қиласди. Шу билан бир қаторда, ўзи боғланган сўзларнинг ўзаро муносабатини ва шу муносабатнинг турини кўрсатади.

Боғловчилар ўз синтактик ва услубий хусусиятларига кўра қуийдаги синонимик гуруҳларга бирлашади: 1. Бириктирув боғловчилари: *ва, ҳамда* (боғловчи вазифасида келган *билин* кўмакчиси, *ҳам*, *-да*, *-у*, *-ю* юкламалари). Бу боғловчилар сўзлар орасидаги тенг муносабатни кўрсатиш билан бирга, таъкид, кучайтириш, уюнган охирги бўлакни ажратиб кўрсатиш каби модал маъноларни ифодалаш билан бир-биридан фарқ қиласди.

Чоғиширинг: Сўзимиз ва ваъдамиз битта. (П. К.) Бизлар тинчлик посбонимиз. Тинчдириру осмонимиз. (П. М.) Сиз йўл-йўлакай менга қараб қўйдингиз-да секингина сўрадингиз. (У. Х.) Ҳам табиий, ҳам ҳаётий, ҳам сиёсий жумбоқлар фавқулодда кўп. (Ас. М.) Розия, Салима ҳамда Олия кўп пахта тердилар. 2. Зидловчи боғловчилар: аммо, лекин, бироқ, ҳолбуки кабилар бирининг ўрнида иккинчиси ишлатилиши мумкин: Кун ботган, лекин қорли чўққиларни чулғаб олган улкан аланга сўнмаган. (О. Е.) Саксовулнинг бир қисми ёниб бўлди, аммо гулхан ўчмади. (М. Салом.)

Аммо, лекин боғловчилари жуфт қелиб маънони кучайтиради. Бундай қўллаш сўзлашув нутқига хосдир: Мен баҳо бермоқчи эмасман, ука. Аммо, лекин ҳаётни ортиқча расмийлаштириб юборяпмиз. (Ас. М.) 3. Айирув боғловчилари ё, ёхуд, ёки, гоҳ, дам, хоҳ кабилар ҳам нутқда синонимик муносабат ҳосил қиласди: **Е** сиз кeling, ёки мен борай. Алимардон бетоб бўлиб қолганидан бери гоҳ Анвар! гоҳ онаси ҳар куни келиб, унинг ҳолидан хабар олиб туришар эди. (У. Х.)

Айрим боғловчилар икки ва ундан ортиқ услубий парадигмани ҳосил қилиши мумкин. Булар ўзаро турли услубий бўёқлари билан фарқланади: билан, -ила (сўзлашув); ёхуд, ёинки (сўзлашув); ё -а (сўзлашув); -ки, -ким (архаик); агар, -гар (архаик). Боғловчиларнинг бундай кўринишлари нутқда синоним гапларни ҳосил қилиш учун ишлатилади. Бу тип гаплар, ўз навбатида, нутқни безайди.

Оғзаки нутқда баъзан бадий тилда рус тилида ишлатиладиган *a* боғловчиси йишлатилмоқда: Мен уйда қолмоқчиман. **А** сиз-чи? (М. Салом.) Шунингдек, рус тилидаги который, когда, где боғловчилари ёрдамида тузиладиган қўшма гаплар қолипида ўзбекча жумлалар тузилмоқда: Ҳалқ сизнинг орқангиздан шу вақтда юрадики, қачонки сизнинг йўлингиз тўғри бўлса; Мукофотни шундай кишиларга берингки, қайсики юил давомида яхши ишлаган бўлсин. Бу ҳол адабий тил мезонига тўғри келмайди.

Юкламалар сўз ёки гапларга қўшилиб сўроқ, турли ҳис-ҳаяжон, таъкид, таажжуб, кучайтирув маъноларини ифодалайди. Бундай модал маънолар юкламаларнинг бой услубий имкониятини кўрсатади. Юкламалар барча нутқ услубларида ишлатилади. Бироқ бадий-публицистик нутқда янада фаол қўлланади.

Сўроқ ва таажжуб юкламалари -ми, -чи, -а, -л кабилар гапга сўроқ маъносини берниш билан бирга турли эмоционал-таъсирчан маъноларни ҳам беради. Жумладан, биргина -чи юкламаси орқали сўроқ (келса-чи?), буйруқ (қаламингни бериб турсанг-чи), илтимос (тез келсанг-чи), қисташ (*Ишчи бобо, сескансанг-чи, Шарқ-қа қуёш чинлаб чиқди.* (Х. Ҳ.) каби маънолар ифодаланиди.

Айирув ва чегаралов юкламалари аффикс ҳолатида (-гина, -кина, -қина) ҳамда сўз ҳолатида (*фақат*) учрайди. Аффикс ва сўз юкламалари биргаликда қўллансан, айриш ва чегаралаш маъноси янада кучаяди. **Фақат-гина шу когда яхши дер сени барча.** (С. Жўра.)

Айрим юкламалар услубий парадигма ҳосил қиласиди: *Ҳатто, ҳаттоки* (публицистик), -ки, -ким (архаик, бадий.) *Бир қиссангим, бунинг сўнгига Севишганлар тошишгусидир.* (Х. О.)

61-машқ. Қуйидаги гаплардан келишик билан кўмакчи синонимияси ҳамда кўмакчиларнинг ўзаро қинонимиясини аниqlанг. Бундай синонимиядаги семантик-услубий ва функционал-услубий хусусиятларни баён қилинг.

1. Сен учун ҳам севиндим, ҳам йигладим. (Я.) Гулзор ҳозир Нурининг меҳрибонлигига севинди. (О.)
3. Йўлчи қуёш ва дала шамоли билан бир оз қорайган. (О.)
4. Урушдан кейин қишлоқлар обод бўлди. (О.)
5. Ташқарига чиқамиз, йигирма минутдан сўнг танаффус. (Мирт.)
6. Бирор эшикни очди, шекилли, Назокат дарров кўча томонга қаради. (С. А.)
7. Кумуш онасининг юмушига бир оз қараб тургандан кейин ташқарига томон кетди. (А. Қод.)
8. Чайқаларди Нева тошгудай, юзи узра баҳор сабоси. (Э. Раҳим.)
9. Минсанг, бундан ўзга йилқинг йўқмиди? (Ф. Йўлдош.)
10. Саттор тортингаң сари, Розия дадилланар эди. (П. Қ.)
11. Фойда ошган сайин, азводчиларнинг иштаҳалари ҳам очилаверди. (С. А.)
12. Ироданинг қилич янглиғ ўткирдир дами. (О.)
13. Қиз умид билан кўтарган бошчасини яна ёстиқ-қа кўйди.. (М. Исм.)

62-машқ. Боғловчиларни топинг, уларда қандай синтактик-услубий маъно ифодалавганлигини тушунтиринг.

1. Алишер жилмайди ва Жомийга таъзим қилди. (Л. Батъ.)
2. Гоҳ кўзларни ўйнатар, гоҳ жилмаяр, гоҳ яна бошини кўкси узра тутиб турган даста гуллар ичига сўнг қар эди. (Ж. Абд.)
3. Тиниқ осмонда юлдузлар чарак-

лар, лекин ой кўрни масди. (*O. Назар.*) 4. Фазалким, сўзлагай меҳру вафодин, Газалким, сўзлагай циқдиц, жафодин. (*Ўйғун ва И. Султон.*) 5. Гуломжон кириб, бир Дилшодга, бир Жамолиддинга қараб, кўзлари Жамолиддинда тўхтади. (*M. Исм.*) 6. Эрали бу овозни танигандек бўлди-ю, аммо у ажрата олмади. (*E. Ш.*) 7. Баъзан улар чуғурлашиб келиб қолишар, баъзан отанинг ўзи уларни йўқлаб борар эди. (*X. F.*) 8. На кенг боғда ва на гулзорда кўринмайди, бола қочибди. (*C. Жўра.*) 9. Гар бошимга қилич келса-да, сен ёримни дерман. (*C. Абд.*) 10. Бугун китоб ўқилмайди, а кинога борилади. (*Сўзлашув.*) 12. Ҳеч келмайсиз, ё ишингиз кўпайган ёнини бизларни унутгансиз. (*Сўзлашув.*)

63- машқ. Кўчирилг. Юкламаларни топиб, тагига чизинг. Уларнинг айрим сўзларга ёки бутун бир гапга қўшаётган модал маъноларини изоҳланг.

1. Ё алҳазар, жиндаккина жуссасига шунча айёрлик, шунча макр ҳийла сифса-я? (*A. К.*) 2. Биласан-ку, жаҳл — душман, ақл — дўст. (*X. Тожибоев.*) 3. Бой... Соғиржон, баҳтинг бор, ўғлим! Юз минг харжлассанг ҳам арзиди! Энди отасимиз, хизматга буюрамиз-да. Қани бир чилим чектириб юбор-чи, қизим. (*X. X.*) 4. Номини упутмас ҳалқлар, замонлар, Жонажон шоирнинг баҳти ҳам шу-да! (*У.*) 5. Инсон гўзаллиги юзда эмасдир, ҳаттоқи ишвали кўзда эмасдир. (*P. Бобоҷон.*) 6. Хатни ўқи-чи, нималар ёзибди Ғолиб? (*M. Ҳайдарова.*) 7. Ҳидоят. Тўғри айтасизми-а? Ё олло! Мен жуда хилват кўчалардан келиб эдим-ку! (*X. X.*)

18- §. Ундовларнинг услугубий хусусияти

Ундовлар грамматик шуқтаи назардан ҳам, услугуб жиҳатдан ҳам алоҳида сўзлар туркумини ташкил этади. Улар инсоннинг ташқи олам билан муносабати натижасида юзага келувчи ҳис-ҳаяжони, ҳоҳиш ва истаги, қувонч ва қайғуси, талаб ва буйруғи қаби руҳий ҳолатларини ифода этади. Шунинг учун ҳам улар ўта ҳис-ҳаяжони ва таъсирчаплик талаб қилувчи сўзлашув, публицистик ва бадиий услубларда кенг ишлатилади.

Ундовларда оҳанг муҳим роль ўйнайди. Чунки ундов маълум оҳанг билан айтилмаса, у ҳис-туйғуни, ҳаяжонни арглата олмайди. Ундов талаффуздаги турлича оҳанг унинг қайси маъно ва мақсадда қўлланаётганини белгилаб беради:— *Аҳа! Соз!* *Азamatlar!* (*O.*) *Аҳа!*

*Султонбек! Илонбачча! (Я.) А-ҳа! унда қирқ бирга қ
дам қўйибсан, — Махсумнинг хаёли қочди. (С. Аи
Ах-ҳа-а! Мени ташлаб, ўзларинг кетмоқчисизла
(С. Аи.)*

Ундовлар маъносига қараб иккига бўлинади: 1) ҳай
жон ифодаловчи ундовлар; 2) буйруқ-хитоб ундовлар.

Ҳис-ҳаяжон ундовлари полисемантик бўлиб, улар
шинг маънолари контекстда билинади. Бу ундовларги
хос асосий маънолар таажжуб, севинч, қайғу, қўрқинч
ачиниш, ғазаб, менсимаслик ва бошқалардир. *Ия, Нази
рахон шоғёр бўлганми? (С. Аҳм.) Муллар ўзи. Вой
жонингга жоним тасаддуқ, сени яратган соҳиб қудрат-
ни қара-я... Бир малак аҳ-аҳ... Қудратингдан айланай.
(Х. Х.) Ҳидоят. Эй, чиқинг, ўзим қарайман, бўлинг.
Майсар. Вой ўлай, шўрим қурсин! Хонзода. Вой!
Вой! Ҳали андишани ҳам биласизми? (Х. Х.)*

Буйруқ-хитоб ундовлари чақириш, буйруқ, дўқ қи-
лиш, урф-одат каби маъноларни билдиради: *Фофири.
Ҳой бўрилар! Сўзларингдан қайт!.. Қози. Ассалому
алайкум, минбоши доддоҳ! Қодирқул. Ваалайкум
ассалом, келинг. Қози. Қани марҳамат, домла. (Х. Х.)
Муллар ўзи (туриб). Боракалло, жаноби ҳақ дунё-
да ҳамма муродингизга охиратда аҳли жаннат мансаби-
га насиб қилгай! (Х. Х.)*

Бадний асадарда ундовни оз ёки кўп қўллаш асариниң
жанр хусусиятига кўра ҳам фарқлашади. Драматик асадар-
ларда ундов кўп ишлатилади. Чунки бунда персонаж-
лар нутқи диалогик асосда қурилган бўлади. Диалогик
нутқ бевосита туриб юзма-юз сўзлангани нутқ бўлиб, сўз-
лашувчиларнинг турли руҳий ҳолатини, ҳаяжонини яқ-
қол гавдалантиришига ёрдам беради.

64-машқ. Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Майсаранинг иши» комедиясида
қўлланган ундовларнинг семантик-услубий хусусиятларини аниқ-
ланг. Ундовларнинг бадний услубдаги имкониятларини тушунти-
ринг.

Чўпон. Эй, мен ичикиб сўйган ёрим, бу қандайин
бадбаҳтилик бўлдики... оҳ, хола! Бу қандай қайгуларки,
ўлим уйқусидан бошқа юпатувчиси йўқдир.

Муллар ўзи. Эй, ҳай, ҳай, сиз қизиқмисиз, гу-
ноҳкор бўлдингиз!

Муллад ўст, Эй-ҳа!...

Муллар ўзи... (*калитни солар, тушмас*). Оббо,
бу нимага тушмайди-а? Оббо, уҳ, бу зормандани ўрга-
ниб олмаган эканмиз-да... Уфф, шармандан ёвмул жа-
зо бўлдик!.. Хайрият, хайрият, шукур, висоли жаҳон

орога етишдик, гүё (*тезлик билан қўйнидаги ҳар ранг эски қоғозлардан солиштириб бирини тўгрилаб*) мана буни бости, ранги, тури худди ўзи, ҳай, ҳай!.. бай, бай, дариг, юз дин, юз имон... ишвасига қурбон бўлсин!

Майсара (*таъзим билан*). Хуш келдилар, тақсирим!

Муллар ўзи. Хушвақт бўлинг! Хайрият, боғдан йўл бор экан...

Муллар ўзи (*шошиб*). Нима бўлди, аяжон, а, а, а, а?!

Майсара. Вой ўлай, шўрим қурсин! (*Қўлини қўлига урап*.)

Майсара. Ер юткур келиб қолди, шекилли. Нима қиласман? Худо урди мени! (*Яна тақиллар*.) Ана, худди ўзи, вой худо-ей!

Муллар ўзи (*елтиниб*). Эй худо демай ўлгур! Худо дейишнинг ҳам жойи бор-да! Бўлсанг-чи! Магзава тўқадиган жой ҳам йўқми? Бўл!

65- машқ. Бадиий адабиётдан турлича оҳанг билан айтилган ва шунга бодлиқ ҳолда ҳар хил ҳис-туйғу ифодалаган ундовларга 10—15 та мисол топиб, лафтаришизга кўчиринг.

66- машқ. «Дохунда» романидан олишган гаплар таркибидаги ундовларни уларнинг синонимлари билан алмаштириб кўринг. Ундовлар синонимларидаги семантик-услубий фарқни кўрсатинг.

1. Вой!.. Ёдгор, сени нега уради, қаерга олиб кетмоқчи? деган товуш эши билди. 2. Эҳ, одамхўр! Бу дарада ўзинг учун гўр ковламоқчимисан? деган товуш келди. 3. Собир кетгач, хўжайин кетмон чопиб чарчагандек «уф» деб супага чиқди. 4. Қиз «вой ўлдим!» деб ерга йиқилди. 5. Хирмон бошидагиларга «Ҳорманг! Балли!» деб ўтирди. 6. Зуфар бир оз жим тургандан кейин бир «оҳ» чекиб, яна давом этди. 7. Воҳ! Воҳ! Қўлим куйди, деб қўлини Ёдгорнинг кўкрагидан олди. 8. «Вой жоним,вой оёққипам,вой қўлгинам!» деб инграмоқда эди. 9. Бандиларнинг «оҳ-вой»ларини эшитар, уларнинг ҳолига ачишарди. 10. Бошқалар ҳам дод-фарёд қилардилар.

СИНТАКТИК УСЛУБИЙТ

1- §. Синтаксиснинг услубий имкониятлари

Ўзбек тили синтаксиси услубий томондан ҳали етарли ўрганилмаган. Бу соҳага бағишланган илмий ёки илмий-методик ишлар кам. Аммо кундалик турмуш, тилнинг ҳозирги тараққиёти унинг синтактик қурилишидаги услубий томонларини ҳар томонлама ўрганишини тақозо этмоқда. Чунки сўзловчи ёки ёзувчи бирор фикрни рӯёбга чиқаришда турли синтактик бирліклардан мақсадга мувоғифини ташлаб ишлатади. Шу воситасида айтилаётган фикрни таъсирчан ва маъноли бўлишини таъминлайди. Бунинг учун синтактик услубий воситалар: синтактик синонимия, синтактик омонимия, щеърий синтаксисдаги услубий потенцияларга мурожаат қиласи.

Нутқ услубларига хос турли синтактик воситалар, сўз бирикмалари ва гаплардаги синонимия, полисемия, омонимия ҳодисаси, сўз таркиби ифода мақсадига ва тузилишига кўра гап турларининг нутқида ишлатилиши, кўчирма ва ўзлаштирма гапларнинг услубий хусусиятлари ва бошқалар синтактик услубиятнинг ўрганиш обьектидир.

Бунда у исталган синтактик бирликни якка, ажратиб олган ҳолда эмас, балки у билан ёнма-ён турган бошқа синтактик бирліклар билан алоқага кирган жойини, яъни нутқдаги синтагматик ва тилдаги парадигматик алоқаларни ҳисобга олган ҳолда иш тутади. Демак, ҳар бир синтактик бирлікдаги қўшимча маънолар очилади ва бу маъноларнинг баён қилинаётган нутқининг таъсирчанилиги, ифодалилигини оширишдаги аҳамияти назарда тутилади.

Сўзлар синтактик алоқага киришгандагина бирори маъно қирраси рӯёбга чиқади. Худди ана шу ўринда биз бирор сўзнинг ўзаро бирикиши ёки бирика олмаслигини сезамиз. Демак, сўзлардаги маъно ва грамматик хусусиятларни тўғри аниқлаб, нутқда улар ўришли бириктирилса, услубий нуқсонсиз, ихчам ва тушунарли фикр рӯёбга чиқади. Акс ҳолда, нутқ саёз ва мантиқсиз бўлади. Масалан, *огир*, *мушкул*, *қийин* синоним сўзлари *масала* оти билан бирикиб, *огир масала*, *мушкул масала*,

қийин масала каби аниқ боғламаларни ҳосил қилгани ҳолда, чамадон оти билан фақат *огир* сўзи бирика олади: *огир чамадон*.

Кўринадики, ҳар бир сўзниң ўз лексик-грамматик табиатига асослашган боғлапиш хусусиятлари бор: сифат+от: *кatta бино* (предмет ва унинг белгиси); от+феъл: *шига кирди* (предмет ва унинг ҳаракати); рағвиш+феъл: *яёв юрди* (харакат ва унинг белгиси) каби. Соң билан сифат бирикмайди. Чунки иккаласи ҳам предмет белгисини билдиради. Шунингдек, ўтимли феъл предметниң доимо тушум келишигига бўлишини талаб қиласи ва ҳоказо.

Сўз бирикмаси ва содда гаплардаги валентликда (биралиш) камида икки сўз алоқага кирса, қўшма гапларда икки предикатив тарздаги синтактик бирликлар ўзаро алоқага киришади. (Бу ҳақда кейиндроқ фикр юритилади.)

Синтактик конструкцияларниң услубий бўёғи шу конструкцияларда ифодаланган сўзлар, шахс-сон, келишик, модаллик ва сўз таркиби каби грамматик маънолар билан бевосита боғланган бўлади. Бу услубий бўёқ уч аъзоли парадигмада ёрқин намоён бўлади: бетараф, китобий, сўзлашув. Масалан: *У ғамгин эди* (бетараф); *У ҳазин эди*, (таъсирчан бўёқли — китобий); *Ғамгин эди у* (таъсирчан бўёқли — сўзлашув).

Қайд этилган далиллар синтактик бирликларниң ўзига хос катта услубий имкониятга эга эканлигини кўдатади.

2- §. Нутқ услубларининг синтактик хусусиятлари

Ўзбек адабий тили ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий, маданий, фан, бадний адабиёт соҳасидаги барча фаолиятида фаол ишлатилади. Шунга кўра, адабий тилиниң турли нутқ услублари юзага келади: илмий, расмий-иш, публицистик, сўзлашув ва бадний услублар. Ана шу услублар ўзига хос фонетик, лексик-семантик ва грамматик хусусиятларга эга. Қайд қилинган ҳар бир нутқ услуби, айниқса, синтактик томондан ажralиб туради. Куз сўзи семантикаси ва шу маънолар билан боғланадиган воқеа-ҳодисалар баёни уч услубда берилишига дикқат қилинг:

Куз. 1. Ёз билан қиши ўртасидаги фасл. 2. Кўчма. Даврнинг, мас. Киши ҳаётининг, умрининг охирги дамлари... («Ўзбек тилиниң изоҳли луғати») — илмий услуб:

— Болам,— деді чол, куз ёздан кейин келади. Мевалар пишиб, дараҳтлар барг түкади. Түкин-сөбчин давр — бу куз дегапи. Қисқа бўлади кунлар ҳам. Ҳаво совиб боради, офтоб ҳам қизитмайди.— сўзлашув услуби.

Куз кунларининг оёғи ва қиши кунлариниг боши эди. Дараҳтлардаги сариқ барглар тўкилиб тугагац, ер юзи ўзининг қишики сариқ кийимиши кийган эди. Тўрт томонининг ўралгашилиги соясида япроқларини тўкилишдан сақлаб қолган бу гилос ёғочлари ҳам бу кун тунги қора совуқка чидолмай елнинг озигина ҳаракати билан-да баргларини ширт-ширт узиб ташламоқда эдилар. Ҳаво очиқ бўлиб, қуёш тузуккина кўтарилган, аммо унинг ҳам бу кун унча таъсири йўқ (*A. Қод.*)— бадний услугуб.

Ҳар бир услугуга хос бўлган синтактик хусусиятларни алоҳида-алоҳида кўриб ўтамиш.

Илмий услугудаги нутқининг мазмуни ва мақсади бирор илмий ахборотнинг ҳаққонийлигини исботлашга қартилган бўлади. Бу услугудаги нутқда мантиқий изчилликни таъминлаш учун маълум бир абзацдаги фикр исбот ва далиллар воситасидә кейинги гаплар билан тўлдириб борилади. Бу гаплар ифода мақсадига кўра, асосан, дарак, баъзан сўроқ гап тарзида бўлади. Тузилишига кўра содда гапларининг тўлиқ шакли кенг қўлланади. Бундай гапларининг кесими аниқлик майли ва аниқлик писбатида бўлади. Баён қилишаётган фикрга ўқувчи диққатини тортиш мақсадида айрим сўз ва сўз бирикмалари ажратилади. Сўз бирикмаси ҳолидаги атамалар кўл ишлатилади. Шунингдек, айтилаётган фикрни мазмунаш боғлаш учун кириш сўз ва гаплар ҳам қўлланади: *биринчидан, демак, ниҳолт, бир томондан, хуроса қилганда* каби. Масалан:

...Хўш, магнит майдони нима? Электр майдони ҳолидаги каби, бу ерда ҳам бу саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин.

Биринчидан, майдон моддийдир: у биздан мустақил равишда, бизнинг у тўғридаги билимларимиздан мустақил рағибидан мавжуддир.

Иккинчидан, магнит майдони фақат тажрибада аниқланиши мумкин бўлган тайинли бир хоссаларга эга. (*«Физика», 9- синф учун дарслик*).

Яна бир мисол: Синтактик алоқаларни ифодаловчи воситалар: сўз шакллари, ёрдамчи сўзлар, сўз тартиби ва оҳанг. Демак, синтактика алоқа воситаларининг кўри-

нишлари қўйидагича: формал-грамматик воситалар, лексик-грамматик воситалар, позицион воситалар ва интонацион воситалар... (А. Гуломов, М. А. Асқарова, Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис, дарслик).

Расмий-иш услубида турли ҳужжатлар (чота, буйруқ, кўрсатма, ҳисобот ва турли хил иш қоғозлари) ёзилади. Бу услубдаги нутқда фикр аниқлигига катта эътибор берилади. Жумлалар сиқиқ, кўпинча бир қолипда бўлади. Содда гаплар асосий ўринда бўлиб, қўшма гап кам ишлатилади. Бирор ҳодисанинг моҳиятини тўлароқ очиш учун уюшиқ бўлакли гаплардан фойдаланилади. Сифатдош ва равишдош оборотли гаплар, шунингдек, қавс ичида бериладиган изоҳ (киритма) гаплар кенг қўлланади. Расмий-иш услубидаги гапларнинг кесими аниқлик ва буйруқ майлидаги феъллардан ифодаланади, инверсия учрамайди. Мисол: 1- модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон ССР ўзбек тилини бутун чоралар билан ривожлантиради ва унинг сиёсий ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётининг барча соҳасида тўлиқ амал қилишини таъминлайди... («Ўзбекистон ССР Давлат тили ҳақида» қонундан.)

Публицистик услубдаги нутқда ижтимоий ҳаёт воқеа-ҳодисалари аниқ ва тушунарли тарзда ифодаланади. Мантиқий пухталиги билан бу услуг нутқи илмий услуг нутқига яқин турса ҳам, айрим далилларни шарҳлашдаги бадиий чекинишлари ҳамда образли тасвирлари билан бадиий услугга ўхшаб кетади.

Бундай нутқ услубида содда гаплар билан бир қаторда мураккаб қўшма гаплар ҳам кўп ишлатилади. Худди шунингдек, сўз бирикмаси синонимияси ва гап синонимиясидан кенг фойдаланилади. Тўлиқсиз гаплар деярли учрамайди. Инверсия, риторик сўроқ гаплардан ҳам унумли фойдаланилади. Мисол:

Агар ёзувчининг ахлоқ кодекси тузиладиган бўлса, мен ҳалоллик билан шижаотни биринчи модда қилиб қўяр эдим, чунки ёзувчининг бошқа хислатлари унинг қай даражада ҳалол, нақадар шижаатли зеҳнига боғлиқдир. Санъат асарида яхшини яхши деб одамларга ибрат қилиш, ёмонни ёмон деб одамларни ундан жиркантириш керак. Шижаот ҳалолликни талаб қиласи. Шунингдек, шижаатсиз ҳалолликнинг ўзи ўлик сармоядир... (А. К.)

Сўзлашув услубидаги нутқ ўзининг ҳиссий-таъсиричанлиги билан ажралиб туради. Бу услубда ишлатила-диган синтактик бирликлар нутқ моментида сўзловчи-ниг ҳеч қандай тайёрғарилгисиз вужудга келтирилади. Сўзлашув услубидаги нутқ, асосан, диалогик тарзда бўлади. Диалогик нутқ синтактик жиҳатдан тўлиқсиз гапларнинг кўп қўлланиши билан ажралиб туради. Айтилаётган фикрни ўзаро тенг англаб олиш мақсадида содда гаплардан фойдаланилади. Риторик сўроқ эллиптик гаплар, шунингдек, уюшиқ бўлакли гаплар сўзлашув нутқи матнининг асосини ташкил этади. Сўз тартиби эркин бўллади. Содда гап синонимияси бу услубдаги нутқ учун хосдир. Кўчирма гапларнинг ўзлаштирма гапга айлантирилган тўри кўпроқ учрайди.

Сўзлашув услуби нутқи матнидаги намуналар:

Ўринбосар бошлиққа мўлтираб қаради-да, тутади:

— Бўғизга келтирворди, энди бўшатмасак бўлмайди!

— Кимни? — сўради бошлиқ олдидаги қофозлардан кўз узмай.

— Ботировни.

— Нима қилди?

— Э, э, қайбирини айтай... Кўл силтади ўринбосар.

— Гапираверинг. Ҳозир ошкоралик... (*«Бир сафда»*.)

Бизнинг турмуш қуришимизга эналаримиз сабабчи бўлган. Унинг энаси мени келин қип келмоқчи бўлди. «Биттагина тоғамдин ўлидан қизимди айяйманма?» деб менинг эпам тўлпа-тўсиннан рози бўлди. Кейин Худойбердиминнан мени учраштиришиди. Бир-биримизди кўрдик. Тўй қилишга эковимизам кўндинк. Мен у ваҳтлар 17 жашдайдим. Турмуш, ҳаят, севги нималигини тушунмаганман. Энам қариндошлик узулмасин деган... (*Газ.*)

Бадий услубдаги нутқда юқорида қайд этилган барча услубларга хос синтактик белгилар учрайди. Бадий услубдаги нутқ таъсиричан ва образли бўллади. Бундай услубдаги нутқда ҳаяжонли гаплар, перефразалар, синоним гаплар кўп ишлатилади. Сўз тартиби эркин бўлади. Содда гаплар билан бир қаторда қўшма гапларнинг ҳамма кўринишлари ҳам ишлатилади:

Ўрта эшикдан Кумушбиби кўринди. Бурунги тўлалиги кетиб озғинлаган ва лекин бу озғинлик унинг ҳуснига камчилик бермай, билъакс юқорилатган. Қамон қошлиари ортиқ мавжӯ уриб ўзини кўрсатган, бир оз бота тушган шаҳло кўзлар тағии ҳам тім қоралик, тагин ҳам

нурлилик касб этган. Бу кунги совуққа қарши кийиб олған совсар пўстинининг ёқалыги кишининг ҳасадини ортириб, пафис бағбақаларини ўпид өттар эдилар. Бироқ унда бир камчилик бордек кўринар эди: шаҳло кўзлар бурунгидек ўйнаб турмас ва сўнг чекидаги бир оғирлик билан ҳаракатланар эди. Бир томондан қарагандан оғирлик-да унга бир олийлик, улуғвўрлйк бағишлагандек. Кумуш келиб айвон мўйилишига ўтирида, кўзларини оғиргина ҳаракатлантириб кетма-кёт чип-чип этиб тўкилмоқда бўлган хазонларга қаради ва ҳар бир япроқни юқоридан кузатиб ерга қўя борди. У ерга тушган ҳар бир япроқда ўзининг таржимаи ҳолини ўқир, ўзинида мавқеидан айрилиб, ҳечга чиқиб турган шу хазонлардан айира билмас эди. Айира билмади-да, латиф кўкрагини тўрт энлик кўтариб тин олди ва кўзлари жиққа ёшга тўлди. (А. Қод.)

Кўм-кўк,
Кўм-кўк,
Кўм-кўк....
Кўклам қуёшидан
кўкарган қирлар,
Пўлат яғринларни кўтарган ерлар
кўм-кўк!..
Салқин саҳарларда
уйқудан турган,
Булоқ сувларига юзини ювган,
Мармар ҳаволарнинг
кўйнига чўмган,
Зилол бўшлиқладга
кенг қулоч қўйган,
Мустақиллик ишқи билан
ёнган далалар
кўм-кўк... (Ҳ. О.)

Демак, ҳар бир нутқ услубига хос синтактика-семантик хусусиятлар мавжуд. Аммо бадий асар тилида бир услугуга хос сўз бирикмаси бошқа бир услугуб учун ишлатилиши мумкин. Бир услугуга доир сўз бирикмасини бошқа услугуб нутқида қўллаш орқали киноя, кесатиқ, кулги, циҳоят, комик вазият яратилади. Масалан, улкан сўз санъаткори А. Қаҳҳор ўзининг «Нутқ» фельетонида расмий-иш ва публицистик услубларга хос қуруқ, сийқа сўз бирикмаларини катта маҳорат билан бадий услугуга кўчира олган. Бу билан айрим потиқларниң ҳаддан

ортиқ қуруқ ва шаблон услугда гапиришларини ўткир сатира остига олган. Нотиқ ҳатто хотини билан ҳам расмий услугда гаплашади:

— Ўртоқ рафиқам! Ижозат берасиз, хушчақчақ ҳаестимизни шараф билан давом эттириб, оиласиб бурчимизни памуналиқ бажариб келаётганимизга бир йил бўлган ќунда сизни бевосита табрик қилишга. Сиз билан биз бир йиллик оиласиб фаолиятимиз натижасида қандай ютуқларга эришдик? Аввало, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, биз у ёки бу масалада юз берадиган принципиал келишмовчиликларни четдан куч жалб қилмасдан, ўз кучимиз билан, ўзаро кенг муҳокама қилиш йўли билан бевосита бартараф қиладиган бўлиб қолдик. Иккинчидан, ўртоқ рафиқам...

Матнданаги ўртоқ рафиқам, ижозат бермоқ, шараф билан давом эттироқ, оиласиб бурч, бевосита табрик, ютуқларга эришмоқ, таъкидлаб ўтмоқ, принципиал келишмовчиликлар ва ҳ. к. расмий ва публицистик услугга хос синтактик бирикмалардир. Бу бирикмалар таъсиранлик касб этиб, услугбий вазифа бажариб келган.

1-машқ. Қуйидаги матндан илмий услугга хос синтактик воситаларни аниqlанг. Бундай воситаларнинг илмий услугни шакллантиришдаги аҳамиятини оғзаки изоҳланг.

Ташқи томони (айтилиши ва ёзилиши) ўхшаш — бир хил бўлган икки ё ундан ортиқ сўз лексик омоним саналади: *бор* (бормоқ) — *бор* (мавжуд) каби. Бундай омонимия — бир хиллик бундан бошқача тусда ҳам бўлади:

1. Морфологик омонимлар: турли сўзларнинг ва сўз шаклларининг ўхшашлиги: *ручкам* (-*м* — эгалик қўшимчаси: *менинг ручкам*), *борса+м* (-*м* тусловчи қўшимча: *мен борсам*).

2. Фонетик омонимлар: эшитилиши ўхшашу бироқ ҳар хил ёзиладиган турли (маънолари ҳар ҳил) сўзлар ва қўшимчалар: *бод* (касаллик) -*бот* (тез), *иска* (ҳидламоқ) — *исга* (*ис* отига жўналиқ келишик қўшимчаси қўшилган)...

Кўп омоним сўзлар аслида маъно томонидан бутунлай боғланмаган бўлади, баъзилари полисемантик сўзлардан орадаги алоқа — ипнинг узилиши натижасида туғилади.

Омоним сўзлардан услугбий мақсадда ҳам фойдаланилади: омоним сўзларни қўллаш билан ҳар хил сўз ўйинларни — туюқлар, ҳазиллар келиб чиқади, шундек таъсирил бўлади... («Ўзбек тили дарслиги», 9- синф.)

2- машқ. Ўқинг. «Электр токи шима?» мавзұйдаги ішкі парчаның қиёсінде. Ҳар бир парчаниң қайсы үслубға хослигінші ва ушін күр-сатуучы синтактикалық белгиларнан айтып беринг.

I. Зарядли зарраларнинг тартибли (бир томонға йўналган) ҳаракати электр токи деб аталишини сиз 7-синиф физика курсидан биласиз... Электр токининг маълум бир йўналиши бор. Ток йўналиши деб, мусбат зарядли зарралар ҳаракатининг йўналиши қабул қилинади. Зарраларнинг ўтказгичдаги ҳаракатини биз бевосита кузата олмаймиз. Лекин электр токи борлигини ток туфайли юз берадиган таъсир ва ҳодисаларга қараб билиш мумкин.

Биринчидан, ток ўтказаётган ўтказгич қизийди.

Иккинчидан, электр токи ўтказгичнинг химиявий таркибини ўзgartира олади, масалан, унинг химиявий таркибий қисмларини (мис купороси эритмасидан мисни) ажратади олади.

Учинчидан, ток магнитик таъсир кўрсатади... («Физика» дарслиги, 9- синф.)

II. Ҳозирги турмушимизни электр токисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Электр токи хонадоимизни ёруғ қилиб, нурга тўлдиради. Завод ва фабрикаларни электр токисиз тасаввур қилиб кўринг. Биргина тикувчилик фабрикасидаги 80 фоиз иш электр токи ёрдамида бажарилади. Овқат пишириш, уй исhtiши, катта юк кўтариш кранларигача электр қуввати билан ишлайди. Шунинг учун бу иш бойликин асрараш, ундан унумли ва тежамкорлик билан фойдаланиш зарур. Электр — бу халқимиз бойлиги, маданиятимиз кўзгуси. Электр токи ҳосил қила-диган станциялар янада кўпайсин. (Газ.)

3- машқ. Қуйидаги редакцион мақоладаги синтактикалық үслубий воситаларни анықланг. Үзингиш ҳам шу нутқ үслубида мақола ёзинг.

Ҳозир қайта қуришнинг маъноси ва мақсади пимадан иборат эканлигини ўйламаётган, Биз қаёққа боряпмиз? Қандай натижаларга эришишни истаяпмиз? деган саволларни ўзига бермаётган киши топилмаса керак. Булар моддий соҳа ходимлари ва ижодкор зиёлиларни, ёшлилар ва ветеранларни қизиқтирмоқда. Чунки қайта қуриш ўтмишимизга, ҳозирги давримиз ва келажагимизга бе-фарқ қарамаётган ҳар бир кишининг ҳаёти ва тақдирларидир. Мулкчилик муносабатларини хўжалик механизми, сиёсий системани ислоҳ қилиш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш, жамиятда маънавий ва ахлоқий иқлимини

ўзгартыриш борасидаги амалий қадамларни эса барча ҳам бир хилда англаётгани йўқ. Кимгадир бу қадамлар унчалик қатъий бўлиб кўринмаяпти. Баъзи кимсалар партияда умуман қайта қуриш концепцияси, стратегияси ва тактикаси йўқ деб таъна қилишга уришмоқдалар. Жамиятнинг барча қатламлари қайта қуришиниг бурилиш босқичида унинг долзарб ва стратегик мақсадларини аниқ-равшан уқиб олиши ниҳоятда муҳим зарурат бўлиб қолди. (Газ.)

4- машқ. Сўзлашув нутқига хос синтактик ҳусусиятларни аниқланг. Ҳар бир синтактик элементнинг услубий вазифасини тушунирга.

I. Блокнотга кўз югуртирдим.

— Мана, ккки жўра ўртacha атлас. Олти метр ҳисобида... Суммаси олтмиш саккиз сўм.

Хоним афтини бужмайтириди.

— Вой, йигирма уч сўмдан қирқ олти сўм бўлиши керак эди-ку? Чайқовчидан олдингиэмиз?

— Нега чайқовчидан олар эканман? Боплаб магазиннинг нақд ўзидан олдим. Лекин пича чиқим бўлди.

— Қанақа чиқим?

— Шошилманг,— хотиржам сўз қотдим мен,— ҳозир тушунтириб бераман. Магазинчининг қулоғига аста шиврладим. «Атлас топиладими, ҳожи?— дедим. «Топилади сизга, акажон»,— деди. «Бироқ кичкиша «илова» си бор. РайПОнинг сариёғ плани тўлмай ётиди. Беш кило сариёғ толиб келинг»,— деди.

Қидира-қидира килосини ўн сўмдан...

— Вой ўлмасам! Қейин-чи, кейин нима бўлди?

— Қейин баҳмал, крепдешин...

— Уларга ҳам сариёғ талаб қилишдими?

— Йўқ, сариёғ эмас. Жун, тери дегандай...

— Ё товба! Қейин-чи?

— Йигирма кило линтер пахта, ўн кило қийқим олдим.

— Қийқим?!

— Қийқим. Линтерга қўшиб берди. Магазинчи айтдики, қийқим кўрпача ёқи ёстиққа увада ўрнида жуда кетвораркан.

— Вой, кетвормай ўлсин!.. (A. Муқимов.)

II. — Қани энди, ҳозир келидек баҳайбат ўққа айлансан-у, дейман тишларимни ғижирлатиб,— қудук замбарак бўлиб мени отиб юборса, шу қадар қаттиқ

отиб юборсаки, түгри бориб эшоннинг бошига урилсам, уни чилпарчин қилиб, кулини кўкка совурсам! Ёруғ дуиёни чанг-тўзон, даҳшатли гумбурлаш овози тутиб кетса!! Ёки.. Ёки шу тобда ер бетига чиқсаму пиrimни, «қиёматли отам»ни, шу қўлим, шу қадоқ қўлларим билан бўғсам, бўғсам, ўлигини ҳам ўлдирсан! Кейин ўзими ни ҳам... Йўқ-йўқ! Аввал бу иблиснинг бутун кирдикорини, макрини оламга ёйсан, бу одамга, бу одам — шайтонга ишонманг, халойиқ, ишонманг!— деб жар солсан... Ортиқ гапиролмайман! Уҳҳҳ!!! Уҳ!!! Чойингизни беринг, болам. Э, ҳа, тикка турибсиз?! Ўтилинг, азизим, ўтилинг.

Мен шупақаман, кечмишни эсладим дегунча, жазавага тушиб телба бўламан қоламан... (А. Муқимов.)

5- машқ. «Қуллар» романидан олинган парчадан турли нутқ услубларига хос синтактика воситаларни айнқланг ва улариниги сабабдан қўлланганлигини тушунтириш.

— Тақсир!— деди оқсоқол, амалдорларга қараб,— баҳор ўт молида шу йўнгичқани бир ярим таноб ёздирган эдик, хайр, келинг, кўр бўлсин, бу ҳам бир ярим таноб-да!

Амлакдор аминга қаради, у ҳам бош қимирлатиб «тузук» деган ишоратни берди. Сўнгра амлакдор ўз миразасига:

— Ёзинг!— деди.

— Қанча?

— Бир ярим таноб.

— Нотўғри!— деб бақирди Сафар. Деҳқонлар ҳам ҳар томондан:

— Нотўғри, нотўғри,— деб ғалва кўтардилар.

— Ёзаверинг,— деди амин,— гар чорак таноб ёзсанлиз ҳам, булар нотўғри деяверади.

— Ўгри ҳам нолийди, уй эгаси ҳам дeng-а, амин бобо!— деди бире деҳқон. Деҳқонлар кулишдилар, амин ҳам заҳарханда қилиб қўйди. Аммо амлакдорнинг пешанаси буришди.

«Сафар»... ёзи мирза ва оқсоқолдан:

— Ким ўғли?— деб сўради.

— Шоди ўғли.

«Шоди ўғли бир ярим таноб буғдой...»

—... Молияти қанча?— аминдан сўради мирза.

— Үн икки ботмон юзасидан ёзинг!

6- машқ. Қуйидаги ёз бирималарининг нутқининг қайси усъубга хослигини аниқлашган. Улар иштирокида гаплар тузанди.

Шартли рефлекслар, бўлинимас бўлаклар, ажратилган бўлаклар, турғун сўзлар; олтин куз, мармар қоя, нозик ишора, хипча бел, фахрий ҳуқуқ, шарафли меҳнат, халқ байрами, тинчлик кабутари.

7- машқ. Қўйидаги нутқ услубларида 2—3 бетлик ижодий матн тузинг. Матнингиз тубандаги мавзуларда бўлиши мумкин:

1. Илмий услуг: «Тилнинг пайдо бўлиши», «Ёзув тархи».

2. Расмий-иш услуби: «Юбилиярга адрес хати», «Яниг йил табриги», «Курс йигилиши».

3. Публицистик услуб: «Адабиёт тинчлик учун курашда!», «Жаҳон халқлари нима истайди?»

4. Бадний услуб: «Баҳор», «Гулхан ёнида».

5. Сўзлашув услуби: «Автобусда», «Пахтазорда», «Дугоналар учраши».

Матн тузишда синтактик-услубий хусусиятга эътибор беринг.

8- машқ. Қўйидаги матнлардан синтактик-услубий воситаларни аниқланг. Бунда бир нутқ услубидаги синтактик воситаларнинг бошқа нутқ услубларида ҳам учраши ҳодисасига диққат қилинг.

— Сизники қаерда, меҳмон?

— Тошкентдан, мулла ака.

— Исмингиз?

Отабек манглайнини қашиб олгач, жавоб берди?

— Шокирбек...

— Марғилонга биринчи келишингизми?

— Биринчи келишим... (A. Қод.)

— Алқавлу билольмали ло юътабару» деганилар китбларда,— деди мулла.

— Мен бу гапингизни тушунмадим, тақсир! Тожикчалаб айтсангиз-чи?— дебди аравакаш.

— Яъни масалан, «бламал сўз, яъни масалан, кирдикорсиз гуфтор — эътиборсиз» деганилар китбларда,— деб мулла айтганига изоҳ берибди.

— Мен бу гаплардан ҳеч нарса тушунолмайман. Мен сизларнинг олдингизда дарс ўқчётганим йўқ. Тезроқ кира пулинни тўлиқ беринглар. (С. А.)

9- машқ. Гаплардаги услубий хатоларни кўрсатниг, уларни таҳрир қўлиб кўчиринг.

1. Педагогик катта стажга эгаман. 2. Мактаб ошхонаси овқатланиш хавфсизлиги ойларгини ўтказди. (Газ.) 3. Менга товусингиздан икки метр, сув парисидан уч метр беринг. («Муштум».) 4. Яқинроқ кел-

Тапимизда «Хүш келибсиз!» деган ёзув узоқдан күзгө ташланарди. (*«Мүштүм».*) 5. Бугун «а» билан «б» ўртасида мусобақа ўтказилади. (*«Мүштүм».*) 6. Клуб дүшнеба, сешанба, чоршанба, пайшанба, жума, шанба күнләридан ташқари ҳар күни ишлайди. (*Мүштүм*.) 7. Ҳамма қурти бор ўртоқлар мажлисга. (*«Мүштүм».*) 8. Соңынан математика ўқитувчиси, эндилекта гастроном мудири бўлган Бафоевга тегишли (*Газ.*) 9. Энг аввало, гектарлар тўла, ниҳоллар соғлом бўлиши керак. (*Газ.*)

3- §. Синтактик омонимияга хос услубий хусусиятлар

Синтактик омонимия нутқ босқичига хос хусусият бўлиб, сўз шакллари, биримлар ва гаплар орасида юз беради. Синтактик омонимияда ифоданинг, аввало, шакл томонига, сўнгра мазмун томонига эътибор берилади. Шакллари бир хил, аммо мазмуни турлича бўлган сўз биримлари ва гаплардан бадиий тасвирда сўз ўйинлари, асия, баъзан кулги яратиш учун фойдаланилади:

— Афанди, бугун сира оғзиңгизни очмадингиз,— деди суҳбатдошларидан бири.

— Эснайвериб, оғзим очилиб, унинг йиртилишига оз қолди-ку! — деди афанди. (*Афанди латифаларидан*.) «Оғиз очмоқ» конструкцияси икки ўринда икки маънода келиб, кулгили вазият яратган.

Эркин сўз биримлари ўзаро ҳамда турғун сўз биримлари билан омонимлик ташкил қила олади: *Неъматовга қарайди* сўз биримасида бир-бираидан фарқ қилувчи икки маъно англашилган: 1) бошқа бир шахс (*Неъматовга қараб, тикилиб турибди*; 2) маълум бир парса — предмет унга тегишли маъносида. *Пальтода ўтириди, чопонда ётди* биримларида ҳам бу ҳолни кўриш мумкин.

Эркин сўз боғламаси билан турғун сўз боғламаси омонимлик пайдо қиласа, таъсирчанлик бир қадар кучли ифодаланади: *огзи катта*: а) оғзининг ҳажми катта, яъни физиологик ҳолат; б) *мақтанчоқ* — фразеологик ибора бўлиб, таъсирчанлик ифодаланган.

Турғун сўз боғламалари ўзаро омонимлик ташкил қилгандага, таъсирчанлик ва ҳис-ҳаяжон янада кучаяди. Буни қуийдаги бир гап таркибида келтирилган икки омонимлик ибора маъноларини қиёслаганда яққол кўриш мумкин: *Болалар ўз оналарини ардоқлаб бошига кўтарди*. Онаси үйдан чиқиши билан уйни *бошига кўтарди*.

Шоир Faфур Fулом шаклан бир хил бўлган эркин ва турғун сўз бирималарини ёнма-ён келтириш орқали тасвирда ўзинга хослик ва жозибадорлик вужудга келтирган:

Примуснинг капсулида синмишdir нина,
Дам бермайди ҳеч.
Дам бермайди ҳеч —
Эски турмуш таівшилари Сарвигинага.

Синтактик омонимлик содда гаплар орасида ҳам, қўшма гаплар орасида ҳам учрайди: *Нодонлигидан гапиди* гапидан икки хил маъно англаш мумкин: ўзи нодон бўлганлиги учун гапириш ёки бошқа бирорнинг нодонлигини баён қилиш; *Нима экилса, шу ўрилади* гапи ҳам нутқда икки хил маъно ифодалайди.

Бир хил грамматик қурилишга эга бўлган гапдан оҳанг ва паузанинг ўрнини ўзgartериш билан турли мазмундаги гаплар ҳосил қилиш мумкин. Масалан, *Қишлоқдаги бари ёш ийитлар урушга кетган* гапи ҳеч қандай тўхтамсиз ўқилса бошқа, ёш сўзидан сўнг эса тўхтам қилинса, тамоман бошқа маъноли гаплар ҳосил бўлади.

Синтактик омонимларнинг барча кўринишлари фикрнинг икки хил англашишига сабаб бўлади. Бу, ўз навбатида, тингловчини чуқур ўйлашга, фикрлаш доирасини кенгайтиришга ундейди, тасвирда бадиийликни оширади.

10- машқ. Синтактик омонимларни аниқланг. Шаклан тенг бўлгани ифодаларнинг мазмунини изоҳланг. Улар нутқда қандай услубий вазифа бажарганинги кўреатинг.

1. Қишлоқнинг қуий томонидаги йўл бизнинг уйга тўғри келади. (*«Гулистан»*.) 8. Мабодо сўз берилса, минбарга чиқади-да, тўғри келган аёлга қараб кулади. (*A. K.*) 3. «Бўй бўйга тўғри келади-ю, кўнгил кўнгилга тўғри келмайди»,—деб ўзингизни ўзингиз бўғиб юрманг. (*P. T.*) 4. Бир тарсаки юзига солди. (*«Мұштум»*.) 5. Утганини юзига солғандан нима фойда? Бу ёғига халакит бермаса бас. (*A. Mux.*) 6. Ёргинамдан уяламан. (*Қўшиқдан*.) 7. Ҳамид акам буюрган бўлса, майли, олавер дебди. (*Сўзлашув*.) 8. Отдим-у елкасида пагонини юлиб олдим. (*Сўзлашув*.) 9. Қордан қилинған роҳатижондан бир оғиз олдим. 10. Бир оғиз сўз беринг. (*«Мұштум»*.) 11. Мажлис қарорини тасдиқлайман деганлар қўл кўтарсан. (*«Мұштум»*.) 12. Узоқдан икки немис солдати қўл кўтариб келар эди. (*A. K.*) 13. Шамол бўлмаса, те-

ракнинг учи қимирламайди. (*Мақол.*) 14. Буғдой эккан буғдой, арпа эккан арпа ўради. (*Мақол.*) —

11- машқ. Қуйидаги омонимик сўз боғламаларининг ҳар бир маъносига мос гаплар тузинг. Бундай ифодаларнинг услубий бўёғини аниқланг.

Кўз юмди, ўзида йўқ, таниш учун келдим, ўғлингиз билан табриклайман, кўп гапиради, катта кетди, катта гўпирди, афтига қарайди, семиз портфелли киши, Карим эшак аравада қовун олиб кетди, узун сочли қиз келди, ўз ёғига ўзини қовурди, чопонда ўтиради, синглимга қарайди. —

12- машқ. Газета ва журнал саҳифаларидан омоним гапларга мисоллар топиб ёзинг. Уларнинг маъно ва услубий хусусиятларини тушуниринг.

4- §. Синтактик синонимликка хос услубий хусусиятлар

Синонимлик нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам синтактик услубиятнинг асосини ташкил этади. Чунки синонимликда аввало, мақбул конструкцияларни нутқ жараёни ва шароит, жанрга мослаб танлаб олиш имконияти мавжуд бўлади.

Денотатив маъноси билан бир-бирига яқин, аммо коннотатив маъноси билан фарқланувчи турли синтактик конструкциялар синтактик синонимияликни ташкил қиласди. Синтактик синонимнинг мазмунан бир-бирига яқин бўлган фикрни ҳар хил конструкциялар, гаплар орқали бериш тушунилади: *Китобни укасига олди.— Китобни укаси учун олди. Буни ҳамма билади.— Буни ким билмайди?* каби.

Синтактик синонимия услубий восита сифатида оғзаки ва ёзма нутқда кенг қўлланади. Синтактик синонимларни хосил қилишда сўз ва сўз шакллари муҳим роль ўйнайди. Шаклан турлича, мазмунан бир-бирига яқин бўлган гаплар бири иккинчисидан ҳиссий таъсирчанилиги ёки бирор услубга тааллуқлилиги билан фарқ қиласди. Чоғиширинг: *У дарсга кечикиб киради.— У дарсга кечикмай кирмайди.* Иккинчи гапда таъсирчанилик кўчли.

Синтактик синонимларни хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма нутқда бўлсин, сўз қўллашнинг бойлиги нуқтаи назаридан баҳолаш лозим. Чунки синтактик синонимлар ҳам, асосан лексик синонимлар каби нутқда турли маъно нозикликларини келтириб чиқаради, услубий бўёқдорликни,

фикрнинг аниқ, таъсирчан бўлишини таъминлайди. Шунинг учун ёзувчилар бир жумланинг ўзида улариниң турли кўришишларидан фойдаланишга ҳаракат қиласидилар: *Тўғонбек чаласавод бўлса ҳам, илм-фанинг қадр-қимматини билади. Галабаларнинг сұхбат ва мунозараларига диққат билан қулоқ солади*, лекин бу соҳани ўзи учун бегона ҳисоблайди. (О.)

Худди шунингдек, шоир Ҳамза ҳам «севмоқ» маъносида бир қанча сўз бирикмаларини синоним қилиб ишлатганлиги диққатга сазовор: «Мен сенга ошиқ», «Мен асири мубталоинг», «Дунёда мен сени суйган», «Олиб ақлу ҳушим, ҳайрон айладинг», «Ишқ савдоси аро ёлгиз харидоринг эдим» ва бошқалар.

Синтактик синонимия сўз бирикмаси ва гап доирасида бўлиши мумкин.

Сўз бирикмаси доирасида синонимия. Мазмунан бир бирига яқин, аммо тузилиши ва услубий бўёғи турлича бўлган сўз бирикмалари синонимик сўз бирикмалари хисобланади: *Иккинчи ўй — иккинчи сондаги ўй — номер иккинчи ўй*. Сўз бирикмалари синонимиясида мавжуд предмет, белги эмас, балки ана шу предмет, белгини ифодалашда синтактик алоқа муносабати ва шу муносабат асосида келиб чиқадиган көннотатив маънолар ифодаланади: *хўжаликка ярайди — хўжалик учун ярайди — хўжалик учун яроқли*.

Сўз бирикмаларидаги синонимлик иккига: келишикли конструкциялардаги ўзаро синонимия ҳамда келишикли ва кўмакчили конструкциялар синонимиясига бўлинади.

Келишикли конструкциялардаги синонимия, асосан, келишик қўшимчаларининг ўзаро аламашиниб ишлатилиши натижасида ҳосил бўлади. Бунда, асосан чиқиш келишикли бирикмалар қаратқич ва жўналиш келишикли бирикмалар билан, жўналиш келишикли конструкциялар эса қаратқич келишикли конструкциялар билан синонимик муносабатга киришади. *Тингловчилардан бири сўзлади.—Тингловчиларнинг бири сўзлади. Биз сизнинг қўшнингиз бўламиз.—Биз сизга қўшни бўламиз каби*.

Келишикли ва кўмакчили конструкциялар синонимияси барча нутқ услубларida учрайди. Бироқ ҳалқ мақоллари, шиорлар, газета сарлавҳалари ва рубрикалари учун кўпроқ қисқалик, яъни келишикли конструкция мувофиқdir. Чоғишитиринг: *Дунёга тинчлик!—*

Дүнөң үчүн тинчлик! Камтарга — камол, манманга завол. (Мақол.) *Берсанг — оласан, эксанг — ўрасан.* (Мақол.)

Харакаттинг бажарилишидаги восита маъносини ифодалашда ўрин-пайт келишикли конструкция «билин» кўмакчили конструкция билан бирга синонимлик ҳосил қиласди: қаламда ёзди — қалам билан ёзди, поездда кетди — поезд билан кетди. Кўмакчили бирикмалар иш-харакаттинг бажарилиш ҳолатини, сабабини, пайтини, ўрнини ҳам ифодалаб келади: Сиз билан юксалажак шонимиз, камолимиз. (F. F.) Чўл билан олишув давом этмоқда. (Газ.) Бундай конструкцияларни бирор-бир келишикли конструкция билан синоним қилиб ишлатиб бўлмайди.

Аталганлик, тегишлилик маъносидаги синоним конструкцияларда ҳоким қисм ифодалаган предмет шахсга тегишли бўлса, кўпроқ келишикли конструкция, ўша предмет жониворларга тааллуқли бўлса, асосан, кўмакчили конструкция ишлатилади: *Моҳир спортчиларга соврингар.* (Газ.) *Сигир үчүн омухта озуқа.* (Газ.)

Сўз бирикмасида сабаб маъносини ифодаланиб келганди деб, үчун, туфайли конструкциялари ўзаро ҳам синонимлик ҳосил қила олади:

— Сизни деб келдим, Йўлчи aka!

— Мен учун келдингизми? (О.)

Кўмакчили ва келишикли конструкциялар синоними жанр, услуг хусусиятига кўра бир-биридан фарқланиб қўлланади. Жумладан, насрда кўмакчили конструкция нисбатан фаол қўлланади. Шеъриятда кўпроқ келишикли конструкциялар ишлатилади.

Сўз бирикмалари алоҳида олинган сўзлар билан ҳам ёки бошқа бирор сўз бирикмаси билан ҳам синонимлик ҳосил қиласди: Масалан: ўрганмоқ — ўрганишга киришишмоқ; ёрдамлашмоқ — ёрдам беришга келмоқ; қизиқмоқ — қизиқши ҳосил қильмоқ каби.

Эркин сўз боғламалари икки сўзниң маълум бир қонун-қоида асосида бирикишидан ҳосил бўлади. Шу бирикмаларништ кўпчилиги услубий бетараф бўлса, айримлари услубий бўёқдор, бўлади. Услубий бўёқдор сўз бирикмалари, одатда, бир сўзниң бошқаси билан бирикиш имконияти ва қонунияти бузилган ҳолига тўғри келади. Демак, ҳар бир сўзниң бошқаси билан қўшилиш имконияти, қонунияти мавжуд. Бир сўз иккинчи бир сўз билан қўшила олса, бошқа бири билан бирика олмайди. Сўзлар ўзаро бирикиши учун мантиқан бир-бирига тўғри келиши керак. Масалан, *мазали оши* дейиш мумкин,

аммо мазали тош деб бўлмайди. Чунки тошда там семаси йўқ.

Бадий адабиётда кўчма маъноли сўзлар кўпроқ қўлланади. Шунинг учун ҳам бадий нутқда сўзларнинг қўшилишида айрим чекланишлар йўқолади. Масалан, алангали йиллар, ширин сўз, қон ийғламоқ, ёқут пиёла каби бирикмалардаги сўзлар айнац ўз маъносида тушунилса, мантиқсиз бўлади. Аммо улар бадий нутқда образлилик ва жозибадорлик касб этади.

Бадий сўз усталари одатдаги нутқда ўзаро боғлаши чегараланган сўзларни боғлаш орқали турғли маъно позикликлари, таъсиричанликни юзага келтирадилар.

Бадий нутқдаги бундай бирикмаларни гайриодатий (атама ва мисол X. Абдураҳмонов, Н. Маҳмудовнинг «Сўз эстетикаси» китобидан олини) бирикмалар деб юритилади. Бундай бирикмалар бадий тафаккур маҳсул бўлиб, алоҳида ҳиссий-таъсиричанликни юзага келтирувчи услубий восита бўлади.

Товушларнинг ҳиди-бўйи бор.

Товушларнинг совуқ, илиги.

Товушларнинг ранги рўйи бор.

Товушларнинг ширин-аччиғи,

Бордир ҳатто юмшоқ, қаттиғи,

Шоир рассом бўлсайди агар,

Чизар эди шундай лавҳалар. (M. Шайхзода.)

Айрим ҳолларда қисмлари моҳият эътибори билан бир-бирига тамомила зид, қарама-қарши бўлган сўзлар — оксюморон орқали гайриодатий бирикмалар ҳосил қиласи: *аччиқ шодлик, ширин ташвиш, ўроқдай тўғри, унсиз фарёд, ёмон яхши кўрмоқ* ва ҳ. к. Бундай гайриодатий бирикмаларда ҳиссиёт кучли бўлади. Шунингдек, оксюморондан ҳазил, кулги, енгил юмор яратиш учун ҳам фойдаланилади:

— Оббо соқолли чақалоге! — деди Шамси Тўраевич Умаровнинг елкасига қўйл ташлаб. (Н. Аминов.)

Гаплар доирасидаги синонимия. Гаплар фикр ифодалаш билан бирга турли ҳис-туйғуларни билдириш учун ҳам хизмат қиласи. Жумладан, *Сув келди* гапи «соғ дарак» ёки «дарак-севинч» маъноларини ифодалаши мумкин. Демак, «Коммуникация (алоқа) интеллектуал (ақлий) ҳолатни ҳам, ҳис-ҳаяжонни ҳолатни ҳам ўз үчига олади». (A. Гуломов.)

Нутқимиздаги гаплар эмоционал бўёғи ёки маълум шутқ услубига тегишлилиги билан бир-биридан фарқ

қиласы. Ана шу фарқ, айниңса, синоним гапларда күзга ташланади.

Мазмұнан бир-бириға яқын бўлган фикрни турли гап шакларыда баён қилиш гаплар синонимиясини юзага келтиради: *Боланинг эгнига бирор нарса кийитинг. Болага бирор нарса кийитсангиз бўлмайдими эгнига*. Бу гапнинг биринчиси бетараф бўлса, иккинчиси сўзлашув нутқи услубига тегишлилиги билан ажralиб туради. Бунда сўзловчининг ўз нутқига бирор бўлакни қўшимча қилиш мақсади йўқ, балки бу гап сўзлашув нутқига хос бўлиб, унинг нутқи тайёр эмаслиги билан фарқланади.

Қўйидаги бир синонимик қаторни ташкил қилган гаплар ҳам бир-биридан услубий бўёғи билан фарқланиб турибди: *Планни бажардик.— Планни адо этдик; Ваъдага вафо қилдик.— Ваъданинг устидан чиқдик; Эл олдида уятга қолмадик.— Халқ олдида юзимиз ёруғ бўйди каби*.

Синонимлик содда гаплар орасида ҳам, содда ва қўшма гаплари орасида ҳам учрайди. (Бу ҳақда ўрни билан тўхтalamиз.)

Синоним содда гаплардан такрорнинг олдини олиш, нутқ таъсирчанлигини ошириш учун услубий восита сифатида фойдаланилади. Қиёсланг: *Мен бормайман, ... қаерга бораман, ... ҳеч қаерга бормайман,... боришгаку бормайман, ... нега боришим керак, бориб бўпман ва ҳ. к. Яна мисол: Баъзан одамда қандайдир оғир руҳий ҳолат пайдо бўлади, юрак сиқилади, нимадан сиқилаётганигини билмайсан, кўзингга дунё тор бўлиб кетади.* (И. Р.)

Лексик синонимлар, сингари, синоним гапларни ҳам кетма-кет ёки ёнма-ён қўллаш орқали таъсирчанлик қуҷайтирилади. Ҳ. Ҳ. Ниёзийининг «Бой ила хизматчи» драмасида Қодирқул мингбошининг «Сен нимага бойнинг пулинин ўғирладинг?» саволига Ғофир бир хил мазмундаги турлича гаплар орқали жавоб беради: «Мен ўғирлаганим йўқ, ҳаммаси бойларнинг ҳийла-найранглари. Мен ўгри эмасман, мени ўғри деганларнинг ўзлари ўғри». Ҳудди шунингдек, синоним гапларни қатор қўллаш бадиий нутқ услубида кенг қўллапади. У ёзувчига аке эттирилаётган воқеа-ҳодисаларнинг энг муҳим томонларини тўлақонли ва образли тасвирилашга имкон беради: *Пирнафас аканинг уйи мотамда қолди. Фақат Пирнафас аканинг уйигина эмас, бутун бир қишлоқ, гўзал Пишканак қишлоғи қайғу-алам, ғам-кулфат ичида қол-*

ди. (Ж. Шарипов.) Қишлоқда күп одамнинг юмушини қилдим, майли, бу ерда ҳам ишлай. Яхши ишласам, албатта, чакки бўлмайди. (О.)

13- машқ. Келишикли ва кўмакчили конструкциялар синонимини аниқланг. Уларнинг қайси нутқи услубнига хослигини ва маъно нозиклигини баён қилинг.

1. Масжид ҳовлисида қуриб ётган улкан дараҳт. (*И. Султон.*) 2. Ҳовли саҳнида катта ҳовуз. (*Ж. Шарипов.*) 3. Аммо ҳалигача хотирага шикоятим йўқ. (*С. Азимов.*) 4. Ҳалига қадар Чоржўйдан мадад йўқ. (*Ж. Шарипов.*) 5. Бу одамга қандай вазифа беришни ўзларингга ҳавола қиласиз, лекин ҳосилот кенгашига раис қиласаларинг куймайсизлар. (*А. Қ.*) 6. Зебига гапим бор. Юр, сенда гапим бор,—деди-ю, ўзи эшикка қараб юрди. (*О.*) 7. Ялқов билан анқов — душманга катта ов; Ялқов билан анқов — душман учун ов. (*Мақол.*) 8. Раисда тиним йўқ.— Раис учун тиним йўқ.— Раисга тиним йўқ. 9. Бундан кўра гўнг титганинг яхши эмасми, қари товуқ?! (*О.*) Бундан мардикорлик яхши эмасми? (*П. Қ.*) 11. Сўрагани одам йўқ. (*Урдубодий.*) 12. Сўзлагали тил йўқ. (*А. Қод.*)

14- машқ. Қўйидаги «деб» конструкцияли сўз биринчмаларини учун, туфайли сўзлари ёрдами билан ҳосил бўладиган биринчмаларга айлантириб кўринг. Бундай конструкциялар қандай ҳолда ўзаро синонимлик ҳосил қўлиш ёки қила олмаслик сабабларини тушунтиринг.

1. Гапни яна чўзмасин деб унга қарши ҳеч нарса демади. (*А. Қ.*) 2. Ҳамма айб ўзингизда, яхши ўқисин деб Зуҳрани жуда эркалатиб юборган эдингиз. (*А. Қ.*) 3. Фақат қиз юмушларим кўп деб унамади. (*О.*) 4. Яна ишни сусайтирмасинлар деб қўрқяпман. (*О.*) 5. Қизнинг қўли қаваради деб ўсмасини ҳам ўзингиз сиқиб берар эдингиз. (*А. Қ.*) 6. Дадам бояқиш кеча-ю кундуз чўт қоқади, мияси, айнамаса деб қўрқаман. (*О.*) 7. Тоғдай оғир билак бердим, Ёвларни муштласин деб. (*Ҳ. О.*)

15- машқ. Қўйидаги содда сўз биринчмаларини мурәккаб сўз биринчмаларига айлантириб ёзинг.

Н а м у н а: *Газета ўқимоқ — бугунги газетани қизиқиб ўқимоқ — барча газетани ўқимоқ.*

Ҳақиқатни айтмоқ, кекса одам, қора булут, дўсти билан қувонмоқ, ишга кетмоқ, дала кезмоқ.

16- машқ. Құйылдаги сүз бирикмаларнин үқнинг. Қайси сүз бирикмаларнин услубий жиҳатдан равон-равон әмаслигини аниқланғ. Шу бирикмалар шытыркілде гаплар тузынғ.

Пулни совурмоқ, пулни совурмоқ, совға судрамоқ, бўйи узун бола, узун бўйли бола, йўғон бўйли йигит, озгин қиз, ориқ қиз, нуроний йигит, хушбичим кампир, азобдан роҳатланмоқ, ёмон ҳам яхши кўрмоқ.

17- машқ. Сүз боғламаларидаги нуқсанларни аниқланг. Уларни таҳрир қилиб кўчиринг.

1. Директор бош инженер билан ўз хонасида учраши. 2. Чунки ферма ана шу планни қоплаш учун резерв ва имкониятлар етарли. (Газ.) 3. Экин-текин ишларини қисқа вақтда ва сифатли якунлашда механизаторлардан Али Қаюмов, Ҳусен Пўлатовлар, Фотима Ражабова, Ойсара Наврўзова сингари азамат колхозчиларимизнинг ҳиссалари катта бўлди. (Газ.) 4. Наққош кузнинг саҳий мўйқаламидан баҳра олган ғўзалар қулоғида олти балдоқлар селкиллаб турибди. (Э. Охунова.)

18- машқ. Құйылдаги нутқий парчада қавс ичиде берилган сўзлардан бирикмага мосини ташлаб кўчиринг. Қайси ўринда сўз бириктириши қонуниятни бузилишини ва бунинг оқибатини қандай услубий хатолар юз бераетганини изоҳланг.

Хурматли Оймат Бойматович! Редакциямизга (йўлланган, йўналтирилган, узаттирилган) ҳикоянгизни ўқиб (багоят, тенгсиз) хурсанд бўлдик. Сизда буюк талант бор, тенгсиз талант. Сиз асарни камолот чўққисида туриб (яратгансиз, буниёд этгансиз, тақдим этгансиз).

Үт ўчирувчи! Нақадар нодир, тенги йўқ, жасорат-талаб (касб, хунар, машгулот). Үт ўчирувчилар ҳаётини беш қўлдай яхши (биласиз, англайсиз, фаҳмлайсиз). Санъат асарингизнинг темаси (янги, оригинал, ширин), сюжети (садда, ширали, тушунарли), мазмуни қизиқ, (фавқулодда, жуда, бениҳоя) ҳодисаларга бой. Ҳикояни зўр (ҳаяжон, қизиқиш, севинч) оғушида бош кўтармай ўқидик... (А. Муқимов.)

19- машқ. Құйылдаги сўз бирикмалари ёрдамида «Баҳор» мавзунда кичик ҳикоя ёзинг.

Қўёшли күп, булутсиз ҳаво, тоза шамол, оппоқ гул, кенг дала, қувноқ кулғи, аъло ўқиш, мароқли дам, уйга қайтмоқ.

20- машқ. Синоним гаплардаги услубий бўёқни юзага чиқарувиз синтактик бириккларни аниқланг. Уларда қандай қўшимча маъно инфодаланаётганини баён қилинг.

1. Отам—қаттиққүл одам.—Отам қаттиққүл одамлигі билан ажралып туради. 2. Үқитувчи дафтарларни текширепти.—Үқитувчи дафтар текшириш билан машгул. 3. Менга жин ҳам теккани йўқ. Яшаб юрибман. Хотиниларга қийин. Онасига қийин. (С. Аҳм.) 4. Айниқса ўз ўглиниң баҳти ҳақида қатъий фикрга эга бўлган она учун бу қийин савдо. (Л. Толстой.) 5. Ота васияти—сен билан менга қонун. (С. Аҳм.) 6. Ота васиятини бажариш шарт ва зарур. 7. Дунё халқларига тинчлик!—Дунё халқлари учун тинчлик керак. 8. Мен билмайман, булар кимнинг қўйлари? (Э. Ж.)—Мен бу қўйларнинг кимниги эканлигини билмайман. 9.—Болани ким севмайди? Болани ҳамма севади,—деди Мирза. («Гулестон».) 10. Икки йил қишлоқнинг подачилигини қилдим—Икки йил қишлоқда подачилик қилдим. 11. Бухоро олифталарининг тили билан айтганда, унинг «оғзи бепарауз», яъни оғзи шалоқ ва, Бухоро халқи таъбири билан айтганда, бетгачопар киши эди. (С. А.)

21- машқ. Қуйндаги синоним гапларнинг ҳар бирига хос услубий бўёқни аниқланг.

1. Ою кунга зиё берур рухсоринг, Товусларга тақлид этар рафторинг. (Х. Ҳ.) Оразини шуъласидан ою кун шармандадур. (Х. Ҳ.) 3. Шаҳри Тошканд ичра кўрдим маҳлиқ дўндиқчалар. (Х. Ҳ.) 4. Сиддиқжон ортиқ тоқат қилолмай, онасига ёрилди. (А. Қ.) 5. Севги тўғрисида ўзинг очдинг сўз. (Зулфия.) 6. Мехмон яна Анзорийдан гап очди. (А. Қ.) 7. Ҳусайн Бойқаро Ироқдаги сиёсий аҳволлар ҳақида гапирди. (О.) 8. Сиддиқжон юрганича Үрмоннинг уйига бориб Канизакни огоҳлантириди. (А. Қ.) 9. Ниҳоят, от қоровуллар шовқин солиб тўралар чиқаётганидан халқни хабардор қилдилар. (А. Қ.) 10. Туркистон диёри қуюқ зулматда, Нур, зиё, шуъла йўқ бу юртда. (О.) 11.—Шошилмасангиз бўлмайди, қиз ғоят сулув, дилбар, битта-яримта илиб кетмасин, доғда қолманг. (О.) 12.—Қани, битта танца тушиблик, Сайёрахон, Рухсат берасанми, оғайни, ё рашк қиласанми?—Нилуфархон турибди-ю! (О. Е.) 13.—Менга қара, бир иш бўюрсам, йўқ демайсанми?—Бирор марта йўқ деганманми? (С. А.) .

22- машқ. Ғайриодатий биримларни аниқланг. Уларнинг эмоционал-таъсирчанлик хусусиятларини баён қилинг.

1. Мен бир қора кунда туғилдим,
Туғилдиму, шу он бўғилдим. (Х. О.)

2. Оташин гул уздим, ол, бу
Шохи гуллар шохи гул,
Гул сочиқ йўлларда бўлсин,
Гул юзим ҳамроҳи гул. (Э. В.)
3. Куртаклар дарахтнинг уйлари,
Дарахтнинг уйлари гуллайди.
Куртаклар дарахтнинг куйлари,
Куйлари иқболдан сўйлайди. (С. Салимов.)
4. Қиши фаслиниңг сўнгги кунлари,
Оқ тоғларда қуёш қор ўйнар.
Булоқларнинг оҳанги жўшқин,
Жилғачалар бир-бирин қувлар. (Э. Невматов.)
5. Лов-лов ёнаётир қуёш — ул најот,
Осмон чорлаётир, чорлар юксак тоғ.
Шундай юрагимда товушсиз фарёд,
Мен сенга ишонмоқ истайман эвоҳ... (Р. Парфи.)
6. Тарғилланиб бормоқда осмон,
Оппоқ ҳидга тўлмоқда бағрим. (Р. Парфи.)
7. — Гапингиз ўроқдай тўғри,— деб кулиб қўйди
Жўра. («Муштум».) 8. Бу ўқиш жуда яхши ўқиш — бе-
пул овқат беради, бепул ётоқхона беради, бепул сти-
пендия беради,— деб тушунтиридим. (Н. Аминов.)
9. Оғушига олар кундузни,
Кундуз каби бу ёруғ кеча. (Р. Парфи.)

23- машқ. Э. Воҳидовининг «Самар бўлгай» шеъридаги ғайроп-
датий сўз бирикмаларининг услубий вазифасини тушунтириш.

Сенсиз менга ком йўқдир,
Асал исчам, заҳар бўлгай;
Сенинг бирлан, ширин сўзим,
Заҳар ютсан, шакар бўлгай.
Юзунгга бир умр боқсан,
Тўюрми кўз, қонурми дил?
На ундан белги пайдо-ю,
На бундан бир асар бўлгай.
Икки ёр васлини истаб,
Икки ишқ сўзин эшитсан,
Икки қўзим кўр-у, икки
Қулогим, майли, кар бўлгай.
Кўзинг учганда кўнглимни
Олиб киприкларингга қўй,
Қошу мужгонларинг кўнғлим
Қушига болу пар бўлгай...

24- машқ. Қуйндаги шеърий жумлаларда йўл қўйилган манти-
қий хатоларни аниқланг. Бундай хатолар қандай сабаблар билан
юзага келганинги айтинг. Уларни таҳрир қилиб қўчириш.

Кимнидир кутгандек туришаρ қотиб,
Саф қатор тәраклар чайқалиб бедор.

(Р. Абдурашидов.)

Ана йиғлаяпти гүдак чақалоқ,
Йўқ бу йиғи әмас, унинг кулгиси.

(Нилуфар.)

Фироқида кўзига ёш олди, демак,
Кўз қароғим беҳудага ирмоқ әмас. (А. Қосимов.)

Рұхимда бир ҳолат нурланар,
Термуламан, кўзларим очиқ. (С. Раҳмон.)

Гар чарх уриб тушсанг рақс,
Онам бағри доғланмагай.
Жажжилар ўйнаб кулар,
Оlam кўзи боғланмагай. (Ф. Жабборова.)

5- §. Дарак, сўроқ, буйруқ гапларнинг услубий хусусиятлари

Дарак гаплар орқали воқеликдаги бирор нарса, воқеа-ҳодиса ҳақида хабар берилади. Шунинг учун ҳам бундай гаплар нутқининг барча услубларида кенг қўлланади. Дарак гапларда сўзлар одатдаги тартибда жойлашади. Оҳанг гапнинг бош қисмида кўтарилади, кейинги қисмида эса пасая боради.

Дарак гапларга хос услубий хусусиятлардан бири хабарнинг тасдиқ ёки инкор шаклда ифодалана олиши дир.

Тасдиқ характеристидаги гапларда инкор белгилари бўлмайди. Инкор гаплар эса морфологик ва синтактик воситалар ёрдамида ҳосил қилинади: *Розия келмади.—Розия келган эмас.—Розия келгани йўқ.* Натижада дарак гаплар синонимиси пайдо бўлади. Бундай синонимлик ўрни билан услубий вазифа бажаради.

Оғзаки ва ёзма нутқда тасдиқ гап инкор мазмунини, инкор гап тасдиқ мазмунини ифодалashi мумкин. Жумладан, феъл-кесимдаги икки сўзда ҳам инкор формаси бўлса, тасдиқ мазмуни ифодаланади: *У ёзмай қўймайди* (ёзади), *Али ўртоқларини кўрмай келмайди* (кўради) каби.

Тасдиқ шаклидаги дарак гапларни алоҳида оҳанг билан талаффуз этиш орқали инкор мазмунини ифодалаш мумкин. Бу гапларда ҳиссий-таъсирчанлик кучли бўллади: — *Мени Қаландаров писанд қиласмиди* (қилмайди). (А. К.)

Сўзлашув услубида тасдиқ шаклидаги икки сўзни ёнма-ён такрорлаш орқали (*боради-я боради, ўқийди-я ўқийди*), шунингдек, феъл-кесимга бўлти сўзини қўшиш орқали ҳам инкор маъноси ифодаланади (*бориб бўлти, ўқиб бўлти*). Бунда сўзловчининг кучли ҳаяжони, ўз фикрига қатъий ишончи бўртиб туради.

Сўроқ гаплар ўзаро фикрлашувда нутқий аралашувни келтириб чиқаради. Бунда сўзловчи кўпинча ўз саволига тингловчидан жавоб кутади. Сўроқ гаплар ҳам барча нутқ услубларида учрайди. Аммо улар турли нутқ услубларида турлича услубий вазифа бажаради. Жумладан, илмий услубдаги асарларда сўроқ гап тингловчининг диққатини маълум бир ҳодисага жамлаш учун ишлатилади: *Сўнгра биз бир сўроққа жавоб беришимиз керак: Сигнализация нима? Уни соф физиологик томондан қандай тушуниш керак?* (И. П. Павлов.)

Публицистик услубдаги асарларда эса китобхон ва ёзувчи орасидаги дўстона савол-жавоб муносабатини ифодалаш учун хизмат қилади. Яъни публицист ўз нутқи жараёнида ўқувчига савол беради ва унинг ўзи айни замонда жавоб ҳам бериб кетади.

Сўроқ гаплар, одатда, сўроқ олмошлари иштироқида тузилади. Услубий ихчамлик ва қулайлик учун бу олмошлар баъзан сўроқ гап таркибидан тушириб қолдирилади. Сўроқ гапнинг кўриниши сўзлашув ва бадиий услубда кенг қўлланади: *Шундай қилиб, тергов бошлиланди.— Фамилиянгиз?... Испанингиз?... Туғилган йилингиз?... Жинсингиз?...* (С. Анор.)

Сўроқ гаплар диалогик нутқда кенг қўлланади. Диалогларда сўроқ гаплар сухбатдошга қаратилган бўлиб, ундан у ёки бу нарса-воқеа ҳақида жавоб олиш мақсадида айтилади. Бир луқмада икки ва ундан ортиқ сўроқ гапнинг ишлатилиши сўзловчининг ўта ҳаяжонини, руҳий ҳолатини ифодалашга хизмат қилади: — *Тўхтаци,— деди Луқмонча,— нима мақсад билан? Ким учун? Бир ўзингми? Ўзинг учунми?*

— *Мунча саволни қаторлаштирудинг, тергов қиласанми? Ҳар ким ўзи билади-да!* (А. Мух.)

Тўй нимадир? — Турмуш очган янги дарвоза.
Остонаси устидаги бир тантанамй?

Тўй нимадир? — Ёғлиқ палов, яхши овоза,
Орзу-ҳавас, эл ичидаги обрўгинами? (F. F.)

Мисолдаги *нимадир* сўроқ олмоши ва унинг такрорланиши орқали ҳаяжон, ортирилган ҳамда китобхонни

унга лоһиқ жавоб қидиришга мажбур қилган. Бу усул китобхонни мунозарага тортиш, унинг фикрлаш доира-сии кенгайтиришга хизмат қилади.

Сўроқ олмошлиарисиз тузилган сўроқ гапларда сўроқ мазмуни -ми, -чи юкламалари орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Сўроқ юкламали бундай гаплар ҳам ўқувчига қаратилган бўлиб, ҳис-ҳаяжон қўзғатишда фаол восита бўлади:

Айтингиз-чи, қишлоқ бойи Шариф, Илҳом...
Кимнинг қилган меҳнатидан бунчалик тўқ? (F. F.)

Сўроқ гапларда маҳсус лексик-грамматик воситалар ишлатилмагандан эса сўроқ мазмуни оҳанг ёрдамида ифодаланади:

З а ф а р. *Ойи, ойижон! Мен ойимни топдим!*
Ҳ а ли м а. *Ойимни топдим?* (У. Исмоилов.)

Мисолдаги *Ойимни топдим?* гапида кучли ҳис-ҳаяжон ифодаланган бўлиб, айни замонда, унда «*Ойимни топдим дейсанми?*» сўроқ гап мазмуни ҳам ифодаланяпти. Кўринадики, сўроқ гапларда шакл ҳамма вақт ҳам мазмунга тўғри келавермайди. Буни қуйидаги мисолда янада яққол кўриш мумкин: *Ким қичқирди?* гапи шаклан сўроқ, аммо ишлатилиш ўрни, оҳангига кўра «*Қичқирган одам ким?*» мазмунида ҳам «*Ҳеч ким қичқиргани йўқ-ку!*» ёки «*Мен қичқирганим йўқ*» мазмунида ҳам қўллана олади.

Кесими буйруқ майлидаги буйруқ гап оҳанг ёрдамида сўроқ мазмунини ифодалашни мумкин:— *Йўл бўлсин?* Бу гап «*Қаёққа кетяпсан?*» маъносини беради. Бундай гап қурилиши сўзлашув услубига хос бўлиб, кесатиқ, қочирим маъносида ишлатилади.

Сўроқ гапларниң сўроқ билдирилмайдиган, жавоб талаб қилмайдиган кўринишлари ҳам бор. Бундай сўроқ гапларниң жавоби ҳам уларниң ўзидан англашилиб туради. Бундай гаплар риторик сўроқ гаплар бўлиб, уларда сўзловчининг кайфияти, кўтаринки рух, кучли ҳаяжон ифодаланади: *Курашади икки тўлқин, қараоб турайми?* (O.) *Жамики камбағал ҳалқ қўлни-қўйига бераб, яктан бўлиб турса, кимнинг ҳадди бор мардикор олишга?!* (O.)

Риторик сўроқ гаплар кесими буйруқ майлидаги дарак гаплар билан синонимлик ҳосил қилади. Буларни ўзаро синоним қилиб ишлатиш орқали фикр таъсиричаниги опирилади: *Уйга тўғри келавермайдими? Тўғри келаверсин эди каби.*

Риторик сўроқ гапларнинг кесими «от+эмасми» шаклида тузилганда, ҳаяжон янада кучаяди. Бундай гаплар шаклан инкор бўлиб, унинг синоними бўлмиш дарёк гап тасдиқ маъносини билдиради: *Хўп, бу нимадан, бу ҳам ўша энг олий, энг гўзал қалб сўзи эмасми?* (Т. Тўла.)

Риторик сўроқ гапларда таажжуб, пичинг, ғазаб, севинч каби маъно оттенкалари ифодаланади. Шунинг учун ҳам бундай гап тури классик адабиётида ҳам, кейинги давр адабиётида ҳам бадиий тасвир учун кенг қўлланилиб келинмоқда:

Вафолиғ ёр агар бўлса, паришонини сўрмасму?
Адашган, интизору хонавайронини сўрмасму?
Туташган, бағри қуйган, йўлда ҳайронини сўрмасму?
Дили садпора бўлғон чашми гирёнини сўрмасму?

(Машраб.)

— Вой, овсин, ҳеч жаҳонда қиз бола ҳам йигитни йўлдан урадими? (А. К.)

Риторик сўроқ гаплар драматик асарлардаги диалогларда кўп ишлатилади. Бунда улар кўпинча қочиrim, киоя тарзида суҳбатдошйнинг фикрини рад этиш каби услубий вазифаларни бажаради:

Шариф. Мен сиздан узр сўрагани келдим.

Роҳат (ҳайрон). Сиз? Узр сўрагани?.. (У.)

Ҳафиза. Соқолинг чиққандা биласан, ҳали гўдаксан.

Омон. Мен-а? Мен гўдакман?... (А. К.)

Шеъриятда фикрни риторик сўроқ тарзида ифодалаш орқали шоирлар ҳиссий кўтаринкилик, ички тўлқинланиш, ҳаяжон каби услубий оттенкаларни рўёбга чиқарадилар:

Севгини тортиб бўлурми
Тошу торози билан?

Меҳрни ўлчаб бўлурми
Зар билан, инжу билан? (Э. В.)

Айрим шеърлар тўлалигича соф ёки риторик сўроқ шаклида тузилиши мумкин. Бунда Э. Воҳидовнинг «Мен севармац жондан ортиқ, севганим суймас, нетай?», «Айт, бу сочинг толасиму, жон ипин бир бандиму?», «Дейман: саҳар шафақдан, учқунми, лоласанму?» каби қатор шеърларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Буйруқ гаплар бирор иш-ҳаракат ёки ҳолатни юзага чиқаришга ундаш, даъват этиш мазмунини билдиради:

— Қани, гапир бўлмаса! Нега ўтирединг? Маслаҳати-
низи эшитайлик! — деди. (А. К.)

Буйруқ гаплар илмий услубда дарслик ва қўлланма-
ларнинг турли машқ, топшириқларини бажаришга ун-
даш маъносида кўп ишлатилади. Раесмий-иши услубида
эса, асосан, қарорлар, қонунлар ёзишда қўлланади.

Буйруқ гапларнинг кесими, асосан, буйруқ майлида
бўлади. Буйруқ биринчи шахсдан бошқа шахсларга қа-
ратилган бўлади. Чунки сўзловчи ўзига-ўзи буйруқ бе-
ролмайди. Аммо баъзан услуб талаби билан сўзловчи
ўзини иккинчи шахс ўргига кўйиб, гапнинг кесимини
ҳам иккинчи шахс буйруқ майли билан ифодалайди.
Бунда сўзловчининг ўта ҳаяжонланганилиги ифодалана-
ди: *Инобат ўз қилмишидан пушаймон бўлди: «Энди
мехмонларни ранжитма, Инобат».* (О. Ҳасанов.)

Буйруқ гапларнинг турли кўринишларини шаклзин-
тириша феълнинг буйруқ-истак майли шакллари му-
ҳим услубий ўрин тутади. Жумладан, -гин (-гил) аффик-
си билан шаклланган буйруқ гапларда буйруқ-илтимос,
сўраш маънолари кучли ифодаланади. Чоғишти-
ринг: «Сен бор — сен боргин, сен кел — сен келгин,
-гин шакли, асосан, шеърий асарларда учрайди:

Тушда кўрдим дилбаримни,
Эй сабо уйғотмагил,
Олма бир дам васл шавқин,
Қўй, мени қўзғатмагил. (Э. В.)

Дарак, сўроқ, буйруқ гапларни кучли ҳаяжон билан
айтиш уларни ҳис-ҳаяжон гапга айлантиради. Ҳис-ҳая-
жон гап ундов гаплар деб ҳам юритилади. Гапдаги ҳая-
жон оҳаңг, ундов сўзлар, юкламалар, инверсия, тақрор
гаплар орқали ҳосил қилинади.

Ҳис-ҳаяжон гап сўзлашув ва бадиий услубда кўп иш-
латилади. Чунки бундай гапларда шодлик, тантана, қўр-
қинч каби ҳаяжонли муносабатлар ифодаланади. Ана
шу ҳаяжонли муносабатлар тингловчига, китобхонга
таъсир қиласиди: Гули.— Шоҳим, Алишерга озор бер-
манг! У — буюк одам! (Уйғун, И. Султон.) Үнча-мунча
одамни ерга чалпак қиласан! Чалпак! Буни билиб, ту-
шуниб қўйинг! (А. К.)

Нутқда сўзловчининг воқеликка бўлган муносабати-
ни, субъектив баҳосини бевосита ифодаловчи ҳис-ҳая-
жон гаплар публицистик нутқ услубида учрайди: Мен
яҳудийман! (F. F.) Ўзга шахсни ижобий баҳолаш би-

лаи бирга унга салбий муносабат ҳам билдириши мумкин. Бү хил гаплар бадинй услугуда анчагина учрайди: —*Афлотуннинг қизи біјлсангиз ҳам гапни тоңналаб олингу, граммлаб сотинг!* Гапнегиз гапга ўхшамайди, оғзингиз гапдан бўшамайди! (A. K.)

Баъзан сўзловчи ўз қилган ишига, хатти-ҳаракатига қараб ўзини ўзи баҳолайди. Бундай гапларда афсусла-ниш, ачиниш, пушаймонлик каби маънолар ифодалана-ди. Сўзловчининг ўз тилидан ўзини баҳолаши бадий тасвирда ўзига хос таъсиричаник ҳосил қиласди: Бой. *Хе аттанг!* Гулни гулга эмас, гулни сассиқ алафга қўшиб қўйибман! Хе, пишмаган хом калла! (X. X.)

Худди шунингдек, айрим отларни кишиларга нисба-тан кўчма маънода ишлатиб тузилган гаплар ҳам эмо-ционал-таъсиричан бўлади: —*Ёрмат, одаммисан, отами-сан!*— деб бақирди элликбоши,— ўл, кесак! Елканга орт қизингени! (O.)

Ҳис-ҳаяжон гапларни ҳосил қилишда инверсия етак-чи ўрин тутади. Қиёсланиг: *Уларга кўрсатаман* (O.) *Қачонгача овозимни бўғадилар тирикман, тинчимайман.* Кўрсатаман уларга! (O.) Кейинги гапда ҳикоя, хабар маъноси сезилмайди. Аксинча, сўзловчининг ҳис-ҳаяжони, кучли ғазаби ифодаланган. Үндөв гапларнинг ўзи-даги инверсия сўзловчининг ҳис-ҳаяжонини янада бўрт-тиришга хизмат қиласди. Бундай гаплар сўзлашув ва ба-дий услуб нутқида кўп ишлатилади: *Яшасин ҳалқлар дўстлиги!* Гулласин ва ризожлансан кўхна Бухоро! (Газ.)

Инверсия орқали ҳосил бўлган ҳис-ҳаяжон гаплар севинч, мамнунлик, хайриҳоҳлик, ҳайратланиш, ғазаб, дўқ, қайғу каби қўшимча маъноларни ифодалайди. Бу-лар нутқ жараёнда ўзига хос услубий вазифа бажа-ради.

25- машқ. Дарак, сўроқ ва буйруқ гапларга хос турли услубий бўёнини аниқланг. Бундай гапларнинг нутқда қўлланишини тушуни-тирик.

1. Қани энди гап уқтириб бўлса! (A. K.) 2. Ҳамрабу-ви бориб бўпти! Ҳафизани ҳам юбормайди. Унга гап уқ-тириб бўлармиди? (A. K.) 3. Э, Рузон буви, буям сизга ўхшаш ётиги билан гапирса экан. (Я.) 4. — Ой ҳаволаб кетди, Айон қоп-қоронги бўлиб қолди. Уйқу қани? (У. X.) 8. Қобил бобо рўпара бўлганда, амин бақбақа-сини осилтириб кулди. — Нега йиғланади, а? Йиғлан-масин! Ахир, борилсия, арз қилинсин-да! (A. K.) 6. Мен

китобни «Ўтмишдан лавҳалар» деб атамоқчи эдим, майли, шуларнинг ҳам кўнгли тўлсин, китобни «Ўтмишдан эртаклар» деб атай қолай. (А. К.) 7. Институт ҳовлисидан чиққач, Гулнора ўзини койиди: «Қилғиликни қилдинг, Гулнора, у энди сени ҳеч қачон кечирмайди. («Саодат».) 8. — Қани, Синчалакхон қизим, мана буни кийиб олинг-чи! (А. К.) 9. Ойим кетимдан машинага кузатиб келиб: Бобонг билан тоғангга кўпдан-кўп салом айт. Борибоқ хат ёз. Уч-тўрт кунда қайтгин. Йўлда эҳтиёт бўл!— деб тайинлади. (П. К.) 10. — Топшириб юборинг!

— Топшириб юборинг? Кимга?

— Омбор мудирига. (О. Мухторов.)

26- машқ. Ажратиб кўрсатилган гапларнинг шакл ва мазмунига эътибор беринг: 1) дарак гапми ёки сўроқ?; 2) тасдиқ гапми ёки никор? Ҳар бир гапга хос услубий хусусиятларни айтинг.

1. — Ҳозир қаёқса ҳам кетамиз!— деди ва ўрнидан турди.— Ҳали бу ердан қутулиб бўладими? (Паустовский.) 2. — Келинг, пойафзалларни тозалайлик.

— Эй бола! Ким пойафзалини кечқурун тозалайди?— деди аёл кулиб. (Паустовский.) 3. — Гапиринг?! Гапиринг?!— Сизга айтяпман, Замира. (П. К.)

4. — Йўл бўлсин?— деб сўради машинадаги одам.

— Уйга, кейин ресторанга,— деб жавоб берди Хунглер. (Е. Шукров.)

5. Бунчалик камолот, айт-чи, кимда бор?

Кимда бор бунчалик латофат, ҳусн?

Шу чирой, шу ишва, шу ноз, шу виқор

Бахтиёр жуфтингга муборак бўлсин. (А. О.)

6. Сен қайдан биласан?

Балки юлдузлар

Менга сирларини

Сўзлаётгандир.

Сен қайдан биласан?

Балки бу кўзлар

Унсиз бир қўшиқни

Куйлаётгандир. (А. О.)

27- машқ. Сўроқ ва риторик сўроқ гапларни аниқланг. Риторик сўроқ гапларга хос семантик-услубий хусусиятларни баён қилинг.

1. Билаги йўғон, қамчилари қаттиқ бойлар ўз эшигидаги қаролга раҳм-шафқатни биладими? (О.) 2. Унинг

стук инсон бўлиши учун қанча меҳнат қилдингиз? Барни бир одам бўлмади. («Муштум».) 3. Қим дангаса бўлиши иштайди? 4. Эркак бошим билан аёл кишининг устидан арз қиласанми? (A. K.) 5. — Колхозда хотин мукофотга бериладими? (A. K.) 6. Лекин Қаландаров қаби нетдан ранги бўзариб чиқди-ю. Саидага қараб тўнфиллаб: «Мўртгина нарса экансиз, қийналиб қолмасмиканлиз?»— деди. (A. K.)

7. Нега шунча гўзал кўринар олам?

Нега қараб тўймас кўзларим?

Нега жўш уради, кўпиради қон?

Нега мисдай қизир юзларим?

Нега шодмен? Айтингиз, нега? (У.)

8. Нега севинмайин, шу голиб халқнинг

Қизи, фарзандиман, севинмай нега? (С. З.)

28- машқ. Э. Воҳидовнинг «Лола» шеъридан соғ сўроқ ва риторик сўроқ гапларни аниқланг. Бундай гапларнинг шеъриятдаги услубий бўёғини изоҳланг.

Дейман: саҳар шафақдан

Учқунми, лоласанму?

Шодлик майинга тўлған

Гулгун ииёласанму?

Дейди: қизиқ саволнинг,

Қайда, ажаб, хаёлинг?

Еллар кўриб бу ҳолинг

Кулмакда, боласанму?

— Сўзимни қаттиқ олма,

Бошигни қуйи солма,

Бунча қизарма, лола,

Мендан уяласанму?

— Сен айт-чи, қайси ёқдан,

Қайси чаман ва боғдан,

Кулсанг, дедим, шу тоғдан

Тушган шалоласанму?

— Билсанг, уйим шаҳарда,

Келдим сенга саҳарда,

Юр хўп десанг агарда,

Ё шунда қоласанму?

— Кўксингда, майли, инсон,

Сенга фидо қилай жон.

Баргимни шеър ёзилган

Дафтарга соласанму?

— Дема фақат варакдан,

Жой олгусен юракдан,

Учқунмисан шафақдан
Еипки лоласанму,
Еқут пиәласанму?

29-машқ. Бадий адабиётдан бир неча риторик сўроқ гапли матиларни кўчиришинг. Бу гапларни шу кўришишдаги бетараф, сўроқ ва шу мазмундаги дарак гаплар билан қиёсланг. Шу йўл билан риторик сўроқ гапларининг оҳанг хусусиятини ва услубий вазифасини изоҳланг.

30-машқ. Ҳис-ҳаяжон гапларни аниқланг. Бу гапларнинг оҳанг ва мазмунига эътибор беринг. Ҳар бир гапнинг ҳиссий бўёги ва услубий аҳамиятини баён этинг.

1. — Вой бўйгинандан ойинг айлансин! Бунча сук-сур, худди сутга чўмилгаңда-я! (Ҳ. F.) 2. Шошмай тур, ўзингни доғда қолдирмасамми! (М. Исм.) 3. У гоят қимматли, тадбиркор, мамлакат учун зарур одам. Зўр санъаткор. (Ўйғун, И. Султон.) 4. Йўл бўйи Қудрат Гуломжоннинг оғзидан тушмади. Нуқул мақтар, «Ажойиб одам! Ажойиб одам!» деярди. (М. Исм.) 5. — Э ўл итялоқ! Дайди итнинг тумшуғини ёғ қилмай ўл! Итга берсанг ошинингни, итлар ғажир бошингни! Кошки ўз бошини ғажиса! (А. К.) 6. Навоий. Мен сенинг жосуслигингни билар эдим, аммо қотиллигингдан бехабар эканман. Нақадар разолат! Менинг ўлимим сенга не учун керак бўлди, қотил (Ўйғун, И. Султон.) 7. Ақлли хотин помаҳрамга юзини ҳам кўрсатмайди. Мен эса... номусиз, бевафо! Энди мен Раҳмон учун ҳаром! (С. Нуров.)

6-§. Гап бўлакларининг услубий хусусиятлари

Сўзлар гап таркибида бир-бири билан синтактик алоқага киришгандагина нутқда гапнинг у ёки бу бўлаги вазифасида кела олади. Синтактик алоқа гап бўлакларининг асосий белгисидир. Гап бўлаклари орасидаги синтактик алоқа сўз шакллари, ёрдамчи сўзлар, сўз таркиби ва оҳанг орқали юзага чиқади. Гап бўлаклари орасидаги синтактик алоқанинг бузилиши нутқда услубий хатоларни келтириб чиқаради, чунки гап бўлаклари маълум грамматик муносабат билан ҳосил бўлган бутунликнинг бўлакларидир.

Услубшунослик нуқтаи назаридан қараганда, гапнинг мантиқли, мазмунли ва таъсиричан бўлишини таъминлашда гап бўлакларига хос хусусиятларни билиш ва улардан нутқда ўз ўрнида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, илмий нутқ услубида йиғиқ (фақат бош бўлакли) содда гаплар, бадий ёки публи-

иистик услугуда эса ёйиқ (бош ва иккинчи даражали бўлакли) гаплар кўпроқ ишлатилади. Бу ҳолат бадий-публичистик нутқнинг ҳиссий-таъсирчанлик хусусиятига эга эканлиги билан боғлиқ. Шунингдек, бош бўлак, гарчи мустақил гапни ташкил қила олса ҳам, баъзи ўринларда унинг ўзидан тўлиқ фикр англашилмайди. Бундай вақтда иккинчи даражали бўлаклар зарур бўлади. Буни проф. А. Гуломов қуйидагича изоҳлайди: «Демак, конструкциянинг фикрни тўла ифодалайдиган гап тусида бўлиши учун баъзан эга билан кесимнинг ўзи ёғиз кифоя қилмайди, бундай вақтда иккинчи даражали бўлаклар ҳам зарур бўлади... Қуйидаги икки гапни солиштиринг. Бу икки гапнинг таркибида аниқловчи зарур элементдир, бунда «аниқловчи+аниқланмис» биргаликда олинади: *Тез юриши юракка зарарли. Кўп ухлаш фойдали эмас*».

Юқорида қайд этилган ҳолларда, шунингдек, бошқа ўринларда ҳам бирор бўлакни ўз жойида ишлатмаслик услугубий хатога олиб келади.

Нутқда йигиқ содда гапни ёйиқ гапга айлантириш кишининг фикрлаш доирасини кенгайтиради. Кичик бир ахборотдан кенг, ҳар томонлама изоҳланган катта матн яратиш имконини беради. Аксинча, кенг қамровли матнларни содда, ихчам мазмунли баён этишда гапларни йигиқ ҳолатга келтириш ҳам муҳим услугубий аҳамият касб этади.

Эга гапдаги ҳоким бўлак, нутқ предметининг номидир. Эга аниқ оборотли ва мажхул оборотли гапларда қўлланишига кўра нутқ услугубларида ҳам фарқланади: эга мантиқий объектни кўрсатганда бетараф, субъект эга орқали ифодаланганда сўзлашув услугуга хос бўлади. Чунки пассив конструкцияли гапларда бажарувчини аниқлаш биринчи ўринда бўлмайди. Чоғиштиринг: *Карим ҳат ёэди.—Ҳат Карим томонидан ёзилди. Қурувчилар уй қурди.—Уй қурувчилар томонидан қурилди*. Бу конструкциялар синоним бўлиб, мазмунан фарқланмайди. Аммо услугубий жиҳатдан биринчиси бетараф, иккинчиси китобийдир.

Гапда эга қатнашиши ҳам, қатнашмаслиги ҳам мумкин. Чегаралаш, айриш, бўрттириш каби қўшимча маъноларни ифодалаш лозим бўлганда эга қўлланади: *Уйимизга сиз келинг. Бу китобни у ўқисин*. Сўзловчи тингловчи билан юзма-юз туриб айтган буйруқ гапларда кўпинча эга ифодаланмайди. Бу ҳол бадий матн-

ларда күп учрайди: *Айт, кирсин*. Бироқ ижро этувчиши таъкидлаш лозим бўлса, эга доим сақланади: *Сен айт, у кирсин. Е мен борай, ё сен кел.*

Айтилаётган фикр марказини кўрсатиш, уни таъкидлаш, мазмунини кучайтириш каби услубий зарурат лозим бўлганда, субъекти икки марта ифодаланган гаплар ишлатилади: *Мен ўқитувчиман, сен талабасан*. Гап умумийлик мазмунини билдирганда, олмош билан ифодаланган эга тушириб қолдирилиши ҳам мумкин: *Ўқитувчиман, талабасан* каби. Бундан ташқари, шахси номаълум, шахси умумлашган гапларда, топишмоқларнинг баъзи турларида ҳам эга қўлланмайди: *Ер ҳайдасанг, куз ҳайда*. (*Мақол.*) *Чопса, чопилмас; кесса, кесилмас.* (*Топишмоқ.*)

Кесим нутқ предмети — эга ҳақидаги хабарни билдиради. Гап тузиш, унда фикр ифодалаш учун кесим асосий вазифани бажаради. Кесимлар қайси сўз туркумидан ифодаланишига кўра феъл-кесим ва от-кесимларга бўлинади.

От-кесим эгага маҳсус ёрдамчи феъл — боғлама воситасида туташади. Боғлама қўлланмаганда, кесим оҳанг, тўхтам, тартиб орқали шакллантирилади. От-кесимнинг бу хусусияти синонимлик ҳосил қиласди: *Зокир ўқитувчи бўлди. Зокир — ўқитувчи. Дала кўм-кўк бўлди. Дала кўм-кўк*. Ўз мустақил маъносини йўқотиб, ёрдамчи вазифасига кўчган феъллар иштирокида ҳосил бўлган от-кесимда қўшимча ҳиссий-таъсирчан маънолар ҳам турлича бўлади. Чоғи штиринг: *Салим ўқитувчи бўлди — Салим ўқитувчи ҳисобланади. Еди — еб қўйди — еб ташлади — еб бўлди*. Нутқда бундай гапларни кесимига эътибор бериб ишлатиш талаб этилади. От-кесимда инкор маъноси йўқ, эмас каби ёрдамчилар билан, феъл-кесимда эса -ма аффикси билан ифодаланади. Бундай ҳолат от-кесим ва феъл-кесимнинг синонимясини вужудга келтиради. Нутқ вазиятига кўра иккаласидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Кесимлар тузилиши жиҳатидан икки хил: содда кесим ва таркибли кесимга бўлинади. Таркибли кесимлар таркибидаги элементлар маълум тартибда жойлашади. Жумладан, таркибли феъл-кесимларда асосий маънони билдирувчи феъл аввал, унга қўшимча маъно берувчи феъл эса кейин келади. Шахс-сон, майл, замон кўрсаткичлари ҳам ёрдамчи феълга қўшилади: *Роман ёза бошладим. Хатни ўқиб чиқдим.*

Таркибли от-кесимларда от қисми аввал келади. Баъзан услубий зарурат, шеърий қофия талабига кўра кесимнинг от қисми кейинги ўринга туширилиши мумкин:

Айб эмас, тўпланиб дўсту ёр билан
Кечган кунларингни **айлаб қўйсанг** ёд. (A. O.)

Шеърий асарларда вазн талабига кўра ва халқ мақолларида кесим тушириб қолдирилиши ҳам мумкин:

Менинг бу оламда ўз айтар сўзим
Ва ўзим сифинар мозорларим **бор.** (A. O.)

Янтоқ ёғ ўринини босмас, чангаль—боғ. (*Мақол.*)

Сўзлашув услубида содда кесим кўп ишлатилса, таркибли кесимлар китобий услубда кенг қўлланади. Чоғиширинг: *курашмоқ* — *кураш олиб бормоқ*; *катнашмоқ* — *катнашиб келмоқ*.

Айтилаётган фикрни қатъий, таъсирчан ифодалашда феъл-кесим такрор ишлатилади: *Тўра Тўраевичнинг давру давронларида аканг қарагайнинг айтгани-айтган, дегани-деган* эди. (Газ.) «*Гапир, гапир! Тезроқ гапир!*—*деди Ҳудайчи.* (C. A.)

Услубий равонликни таъминлашда эга ва кесимнинг бир-бирига мувофиқлашиб, мослашиб келиши ҳам зарур. Эга ва кесим шахс ҳам сон жиҳатдан мослашгандагина фикр аниқ ва тушунарли бўлади: *Бола келди.—Болалар келдилар. Сен ишладинг, мен ёздим.* Аммо ҳамма вақт ҳам шу мослик сақланиб қолавермайди. Жумладан, эга жонсиз предмет бўлса, кесим кўпинча бирлик шаклда ишлатилади: *Экинлар кўкарди, лолалар очилди, дадалар яшнади.* Бадий тасвирида табиат ҳодисаларини беришда, шеърий асарларда кесим кўплик шаклда ҳам қўлланади. Эга ва кесим орасидаги мослашув вариантлари кўпинча сўзловчи (ёзувчи) томонидан белгиланади, танланади. Бу имконият матнининг семантик-услубий хусусиятлари билан боғлиқ, яъни эга бирлиқда, кесим эса кўпликда ёки аксинча бўлиши мумкин. Жумладан, ҳурмат, кесатиш ва мазах маъноларини ифодалашда эга бирлик шаклида бўлса ҳам, кесим кўпликда қўлланади: *Ойим келдилар* (ҳурмат), *Мудиримиз* — *зўр одамлар* (кесатиш). *Домла поччам докторга келдилар.* («*Муштум*».)

Гапнинг кесими сифат, сон каби сўзлар билан ифо-

даланганда, у эга билан сонда мослашмайди. Яъни эга кўплика, кесим эса бирликда қўлланади: қирлар кўмкўк, митингчилар мингта каби. Кўплик шаклини олган сен олмоши эга бўлиб келганда, кесим ҳам шу шаклда бўлади. Бундай гапларда сўзловчининг тингловчига нисбатан ўзини юқори тутиши, менсимаслиги каби қўшимча маънолар ифодаланади: *Сенлар гуноҳкорсанлар, Сенлар айтгансанлар* каби.

Гапда эга бир неча сўз билан ифодаланганда эга билан кесим қуидагича мослашади: а) улар шахс жиҳатдан бир хил бўлганда, кесим бирликда ҳам, кўплика ҳам қўлланади: *Али билан Вали келди.— Али билан Вали келишди.— Али билан Вали келдилар;* б) улар шахс жиҳатдан ҳар хил бўлганда, кесим биринчи шахснинг кўплигида бўлади. Чоғиштиринг: *Мен ва сен келдик, Мен ва у келдик, Мен, сен, Вали келдик.*

Эга таркибида кўп, кам, оз сўzlари бўлса, одатда, кесим бирликда қўлланади: *Кўп одам келди.*

Гапнинг тўғри қурилиши унинг компонентлари орасидаги аниқ алоқага боғлиқdir. Гап бўлаклари орасидаги, айниқса, эга ва кесим орасидаги мослашувнинг бузилиши услубий хатоларга олиб келади.

Иккинчи даражали бўлаклар (аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол) эга+кесим тарзидағи гапларни кенгайтиради. Натижада фикр семантик-услубий томондан равонлашади. Чоғиштиринг: *Қишинан, баҳордан қолишмайди кузнинг зийнати. Кумуш қишинан, зумрад баҳордан Қолишмайди кузнинг зийнати.* (У.) Айниқса, аниқловчининг бир кўриниши бўлган изоҳловчи бадиий нутқ воситаларидан биридир. Изоҳловчини ўринли қўллаш орқали сўзловчи (ёзувчи) ўзи тасвиrlаётган шахс, ёхуд обьектнинг жонли, жозибали образини яратади: *Даста-даста гул кўтарган қизчалар—гуллар чиқар.* (У.) Изоҳловчи орқали тасвиrlанаётган предмет ёки унинг белгилари бир-бирига қиёсланади. Бир предмет учун хос бўлган белги иккинчисига кўчирилади, ўхшатилади. Бу ўхшатиш тасвиrда жозибалиликни орттиради: *Қизлар мажлиси—гуллар, лолалар, тўтилар, қумрилар мажлиси!* Уйда, Кумушбебининг тоғасининг уйида, қизлар мажлиси, гуллар мажлиси. (А. Қод.) Изоҳловчилар деярли барча нутқ услубларида тенг ишлатилади. Гап таркибидаги айрим тўлдирувчи ёки ҳол бўлаклари кенгайтирилиб, бошқача шаклда — перифраза ҳолатида айтилиши мумкин. Бу усул фикрни жон-

лантиради, тантанали қилади. Фикрни бундай ифодалаш публицистик ва бадий услугуга хосдир: *В. Терешковани—тинчлик элчисини—америкаликлар яхши күтиб олдилар.* (Газ.)

7- §. Уюшик бўлакларнинг услугбий хусусиятлари

Баъзи гапларда бирдан ортиқ синтактик жиҳатдан тенг бўлак уюшиб келиши мумкин. Бундай бўлаклар бир-биридан тўхтам билан ажралиб, санаш оҳангига айтилади. Бадий услубдаги нутқда эса уюшик бўлаклари табиат манзараси, вазият ва шахсни образли тавсифлаш мақсадида қўлланади. Уюшик бўлаклар тасвирни яна ҳам тўлароқ, яққолроқ ва ифодалироқ қилишда ёзувчига ёрдам беради:

Юз қизил, лаблар қизил,
Бармоқ учи ҳам қип-қизил.
Қош қаро, кўзлар қаро,
Ҳеч бўлмасин баҳтинг қаро! (F. F.)

Уюшик бўлаклар бирор ҳодисани тафсилий баён қилиш, жонлантириш мақсадида ҳам ишлатилади: *Итариб кўрдим, муштлаб кўрдим. Ҳеч ким йўқ.* (У. Ҳ.)

Уюшик бўлаклар боғловчилар ёрдамида ёки боғловчиларсиз боғланиши мумкин. Уюшик бўлаклардан олдин ёки кейин қўлланган *ва, ҳам* боғловчилари кучайтирувчи восита вазифасини ҳам ўтайди. Масалан: *Қиши куни гулхан камбагал учун ҳам чопон, ҳам тўшак, ҳам палов.* (О.) Кичкина ҳам, лўнда ҳам, бесўнақай ҳам эди. («Муштум».) Бадий нутқда ҳам боғловчиси кўп ҳолларда уюшик бўлакларни жуфт-жуфт қилиб боғлайди. Бунда у ҳар икки уюшик бўлакдан кейин такрорланиб келади: *Унинг уйи, ҳовлиси ҳам, сўзи, кўриниши ҳам басавлат* эди. («Ёшлик».) Худди шунингдеки на юкламаси такрорланиб, боғловчи бўлиб келганда ҳам таъсирчанлик кучаяди: *На хотин, на фарзанд кўрмаган.* (У.) Уюшик бўлакли гаплар нутқ услубларида қўлланишига кўра ўзига хос хусусиятларга эга. Илмий ва расмий-иш услубида уюшик бўлаклар кўпинча ўрганилаётган предметларни таснифлаш учун, буюм-нарса, белги-ҳодисаларни мантиқан изоҳлаш, баён этиш мақсадида қўлланади. Илмий нутқда уюшик бўлакли гапларда ҳар бир уюшик бўлакдан олдин рақам ҳам қўйи-

лади. Масалан: *Тенг бөгловчилар түртга бўлинади:* 1) биринчириувчи бөгловчилар; 2) зидловчи бөгловчилар; 3) айирувчи бөгловчилар; 4) инкор бөгловчиси («Ўзбек тили»).

Маъноси бир-бирига яқин уюшиқ бўлаклар жуфт ҳолда саналиши ҳам илмий услугга хосдир. Масалан: *Отлар маъносига кўра: абстракт ва конкрет, якка ва жамловчи бўлиши мумкин.* («Ўзбек тили».) Уюшиқ бўлакларни жуфтларга ажратганда, мантиқсизликка йўл қўймай, уларни маълум бир услубий мақсад билан ўзаро яқинлиги ёки қарама-қаршилигини ҳисобга олиш лозим бўлади. Масалан: *Бу воқеа китоб ва лекцияларда, газета ва рисолаларда, доклад ва журналларда ёритилган, деб бўлмайди.* Балки... Китоб *ва* рисола, газета *ва* журнал, лекция *ва* докладлар... деб қўллаш керак. Худди шунингдек, от *ва* ҳаракат номи ўзаро уюшиб кела олмайди: *Мен футбол ва сузишни яхши кўраман, деб бўлмайди.* Балки, мен футбол ўйнашни *ва* сузишни яхши кўраман, деб қўллаш керак.

Турли маъно оттенкаларига эга бўлган, яъни маъноси бир-биридан узоқ бўлган сўзлар группаси ҳам уюшиқ бўлак ҳосил қилолмайди. Бундай сўзларни гапда уюшган ҳолда қўллаш услубий хатога ёки кулгили вазиятга олиб келади: *Бу йил пахта, гуруч ва автомобиль яхши ҳосил берди.*

Уюшиқ бўлаклар синтактик жиҳатдан тенг бўлади, аммо ҳар бир уюшиқ бўлак ўз лексик *ва* қўшимча маъно оттенкаларини сақлайди. Шунинг учун ҳам уюшиқ бўлаклар синоним сўзлардан ифодаланганда, айтилаётган фикрни кучайтириш, унга аниқлик киритиш вазифасини ўтайди: *У шундай ақлли, шундай қобил, шундай беозор.* Шу ёшгача бирорини «сен» деганини билмайман. (Ў. X.) Синоним бўлаклар уюшиб келганда, кейинги бўлакда таъсирчанлик кучли бўлади:— *Кет, ўйқол! — Ташқарига чиқар!* Еқ, ўт қўй! (M. Исл.)

Уюшиқ бўлакларда сон, эгалик *ва* келишик қўшимчаларининг, кўмакчи сўзларнинг қўлланишида ҳам ўзига хос услубий хусусиятлар мавжуд. Уюшиқ бўлаклар бир бутун ҳолда ўқилса, аффикс ёки кўмакчи элемент уларнинг энг охиргисига қўшилади: *Боғимиэда узум, анжир, анорлар етиширилади.* Уюшиқ бўлакларнинг ҳар бирини айириб, таъкидлаб кўрсатиш лозим бўлса, аффикс ёки кўмакчи элемент уларнинг ҳар бирига қўшилиши мумкин: *Боғимиэда узум ҳам, анжир ҳам, анор*

ҳам етиширилади. Агар күмәкчи элемент бўлиб келган ҳам юкламаси уюшиқ бўлаклардан олдин келса, ҳиссий таъсиричаник янада кучайтирилади: *Боғимиэда ҳам узум, ҳам анжир, ҳам анор етиширилади*. Бундай қўллаш кўпроқ сўзлашув услубига хос.

Уюшиқ бўлаклар билан бирга қўлланувчи умумлаштирувчи сўз ҳам нутқ услубига кўра фарқланади. Жумладан, илмий услубда илмий тасниф кўзда тутилади. Шунинг учун бундай нутқда умумлаштирувчи сўз жинс тушунчасини ифодалайди, уюшиқ бўлакларда эса шу жинсни ташкил этувчи сўзлар саналади. Бундай илмий таснифда умумлаштирувчи сўз, одатда, уюшиқ бўлаклардан олдин келади: *Отлар барча келишиклар: бош, қаратқич, тушум... қўшимчалари билан ўзгарамади*. («Ўзбек тили».) Бадий нутқда эса умумлаштирувчи сўзлар уюшиқ бўлаклардан олдин ҳам, кейин ҳам келаверади.

31-машқ. Гаплардаги бош бўлакларнинг қўлланиш-қўлланмаслик сабабларини тушунтиринг. Бундай ҳодисанинг услубий хусусиятини баён қилинг.

1. Ман ўзим ҳар бир амалдорга қўл қовуштираман, ман-а, ман! (О.) 2. Узоқ йўллар босаман, тоғлар ошаман, Чорвадор ошналар учун шошаман. (Р. Бобожон.) 3. У жуда ақлли, ўзи спортчи. (О. Е.) 4. Халққа суюнсанг, тўласан, Халқдан чиқсанг, сўласан. (Мақол.) 5. Бўлмаганга бўлишма. (Мақол.) 6. Бугун олийгоҳга боришга тўғри келади. 7. Тег-тег десам, тегмайди, тегма десам, тегади. (Топишмоқ.) 8. Ёрмат йўқ, сен шу извошни қўш. (О.) 9. Бўронбек тойни ўзи эгарга ўргатган. (Х. Ф.) 10. «Аёл бошим» деганингиз, мунглиман, муштипарман деганингизми? Наҳот шундоқ бўлса!. (А. К.) 11. — Кетаман, Москвага чақирдилар доклад билан. (Газ.) 12. Қичикни ёш дема, Қесакни тош. (Мақол.) 13. Яхши ошини ер, Ёмон—бошини. (Мақол.) 14. — Капсанчилар қачон келишди?— Бугун. (С. А.)

32-машқ. Берилган гапларга иккинчи даражали бўлаклар қўшиб кенгайтириб, яхлит мазмунли матн тузинг.

Баҳор келди, гуллар очилди, қирлар яшнади. ўқитувчи келди, биз дам олдик, иш унумли бўлди.

33-машқ. Феъл-кесим бўлиб келган сўзни такрорлаш орқали қандай қўшимча маъно ифодаланмоқда? Ҳамма мисолларда маънова ҳис-ҳаяжон бўёги бир хилми? Феъл-кесим бундай такрор ҳолда қайси нутқ услубида қўлланади?

1. — Ота! Ота! Мен уни отайми?— От, от,— деди отаси. («Ҳикоялар») 2. — Ота! Қаранг, қаранг! Кичкина қуёнча қочди. («Ҳикоялар».) 3. Кетяпмиз, кетяпмиз, уйдан ҳамон дарак йўқ. (A. Гайдар.) 4. Киритишга киритди, чиқишига қўймайди. («Ғунча».) 5. Аммо портуя унга қулоқ солмас, гоҳ чўзилиб ётиб, гоҳ тўнкадай ғужанак бўлиб, бақиргани бақирган эди. (Х. F.) 6. Раҳима хола. Қўрқма, қизим, қўрқма! Үлдирмайди. (Х. X.) 7. Уканг фақат сени сўрагани сўраган. («Ғунча».)

34- машқ. Нуқталар ўрнига тегинили феъл-кесимни шакллаштирувчи турли шахс-сон қўшимчасини қўйинг. Бундай шаклининг семантик-услубий вазифасини тушунтиринг.

1. Спорт мусобақасида 25 ўқувчи қатнаш... . 2. Акам ва укам бошқа шаҳарга кетишга қарор қил... . 3. Онам ва укам уйни тозала... , овқат тайёрла... . 4. Ботирлари канал қаз... . (Х. O.) 5. Сенлар бориб... . 6. Кўп киши кел... . 7. Дадам кел... . 8. Гуллар очил... .

35- машқ. Гап бўлаклари мослашувидаги хатоларни аниқланг ва уларни тузатиб ёзинг.

1. Ушбу таклифни қувватлаб ўн бир киши овоз бердилар. 2. Бу менинг дўстим синфдаги. 3. Охунбобоев колхози пахта планини бажарди. 4. XV район комсомолларининг конференцияси очилди. · 5. Яқиндагина мактаб остонасига қадам қўйган кичкинтоллар айни пайтда ўқиши ва ёзиши яхши ўргангани қувонтиради. (Газ.) 6. Бу йил пахта теримида ўзига хос тезкорлик ва изчиллик билан иш кўрилди. (Газ.)

36- машқ. Гаплар орасидаги семантик-услубий фарқни оғзаки тушунтиринг. Иккинчи даражали гап бўлакларининг белгиси ва белгисиз ишлатилишига диққат қилинг.

1. Мухлис залдан жой излади.— Мухлис залдан ўз жойини излади. 2. Нон бер.— Нонни бер.— Нондан бер. 3. Сут ичма.— Сутни ичма. 4. У сув ичди.— У сувлар ичди. 5. Китоб вараги.— Китобнинг вараги. 6. Мен сен келишингни кутмадим.— Мен сенинг келишингни кутмадим.

37- машқ. Турли келишик қўшимчаларини талаб қўйиндаги сўзлар иштирокида тўлдирувчи (ҳол)ли гаплар тузинг. Синонимик жуфтлар орасидаги семантик-услубий фарқни тушунтиринг.

Бошламоқ — киришмоқ, сўрамоқ — талаб қилмоқ, ишонмоқ — ишончига кирмоқ, тўхтатмоқ — қаршилик қилмоқ. Тўла — тўлган — тўлиқ. Қадрламоқ — қадрига

стмоқ. Ҳайратланмоқ — ҳайратга тушмоқ. Тұламоқ — түлиқ бермоқ.

38-машқ. Уюшқ бўлакларнинг услугий ўринин аниқланг. (Батафсил тасвири, ҳис-ҳаяжонли тасвири ёки портрет тасвири ва х. к.) Қайси ҳолларда боғловчи такрорланади?

1. Уйнинг бир томонида стол, стул, сиёҳдон, қалам, қофоз, дафтар, газета, журнал ва төкчада териб қўйилган катта-катта китоблар кўринмоқда эди. (С. А.) 2. На муаттар чаманзорлар, на мухташам кўшклар, на кумушланган ҳовузлар, на чиройли қафасдаги қушилар — ҳеч нима уни қизиқтирганид. (О.) 3. Тахмонда турли рангда атлас ва шоҳилардан қопланган кўрпалар; тахмон токчаларига уюлган пар ёстиқлар; қатор-қатор жонон косалар, чинни чой идишлар, лаганлар, кумуш қинли ханжар ва қиличлар; дорга осилган турли-туман эр ва хотин кийимлари: пўстин, чакмон ва бошқалар; қип-қизил гилам ва шоҳи кўрпачалар киши қўзини қамаштирада даражада эдилар. (А. Қод.) 4. 17 ёшла, Ҳожарнинг қизи. Оқ-қизил пўст, қора кўз, қора соч, ўрта бўй. Ширин сўз, шўхчан, лабининг устида бир дона холи бор. (Х. Ҳ.) 5. Йигитнинг юз ва кўзида андиша, алам ва ҳаяжон аломатлари кўринар эди. (С. А.)

39-машқ. Уюшқ бўлаклар орасига ва боғловчинин қўйиб ўқинг. Қандай услугий бўёқ ҳосил бўлишини изоҳланг.

1. Фестивалда ўйинчилар, ашулачилар, шоирлар, мусиқачилар қатнашдилар. 2. Ўқитувчи билимли, қўрқмас, виждонли, талабчан бўлиши лозим. 3. Олийгоҳ дўстлик клуби Чехословакия, Польша, Болгариядан, хат олади. 4. Ўқитувчилар Кавказ, Украинада бўлдилар. 5. Ўзбек тилида олмошлар етти турга бўлинади: кишилик олмоши, кўрсатиш олмоши, сўроқ олмоши, белгилаш олмоши, ўзлик олмоши, бўлишсизлик олмоши, гумон олмошлари. 6. Бог гўзал. Унда қуёш ва енгил шамолнинг, гуллар, майсаларнинг қувноқ ўйини кун бўйи давом этади. 7. Уларнинг бу ҳаракатларида ёшлиқ, шодлик қўшилган эди.

40-машқ. «Муштум» журнали саҳифаларидан маълум бир услугий бўёғи бўлган уюшқ бўлакли гаплар топиб ёзинг.

41-машқ. Гап қурилнишидаги синтактик хатоларни аниқланг. Матинни тузатиб кўчиринг.

1. Томларни ёпиш тол орқали амалга оширилади.
2. Ҳозирги пайтда заводга янги келган ёшлар билан

уларга ёрдам учун иш олиб бориляпти. 3. Ҳамма қурти бор ўртоқлар клубга мажлисга кирсин. («Муштум».) 4. Сайловчиларни рўйхатга олиб илиб қўйдик. («Муштум».) 5. Ходимлар дам олиш йўлланмалари билан таъминланмоқда. (Газ.) 6. Фолибжон йилдан-йилга дэражаси ўсиб, малакали ва самарали илмий ходим бўлиб борди. (Газ.) 7. Мени Тошқудуққа ташлаб ўтинг. («Муштум».) 8. Колхозда мингбошли бузоқхона қурилди. («Муштум».)

8- §. Гап бўлаклари тартибининг услубий хусусиятлари

Гапда сўзлар тилнинг грамматик қонун-қоидалари асосида бирикади ва ўши қондага мос ҳолда муайян изчиликка жойлашади. Ўзбек тилида ҳар бир гап бўлагининг ўзига хос ўрин бор. Бу ўрин матнда ўзгартиб қўлланиши ҳам мумкин. Шунга кўра гап бўлакларида тўғри ва тескари тартиб фарқланади. Тескари тартибда гапнинг асосий мазмуни сақланиб қолади, бироқ ҳар бир тартиб ўзгариши мазмунга, унинг оттенкасига, услубий ҳолатига таъсир қиласи. Чоғиширинг: *Мен сизга ҳаммасини айтиб бераман.—Сизга мен ҳаммасини айтиб бераман.* Иккинчи гапда асосий мазмун сақланган ҳолда қўшимча таъсирчанлик ҳам мавжуд.

Гап бўлакларининг ўрни уларнинг гапда асосий фикрни ифодалашига қараб ҳам белгиланади. Бунда сўзловчининг мақсади, ниманинг биринчи ўринга қўйилиши катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам бу субъектив тартибdir. Субъектив тартиб, нутқ услубларига кўра, турлича бўлади. У, асосан, бадиий ва сўзлашув услубида учрайди. Жумладан, сўзлашув нутқидаги вазият сўзловчининг мавзу танлаши, фикрни бир бошдан баён қилиши учун етарли имкон бермайди. Бунда сўзловчи аввал ўзи мухим санаган асосий нарсани айтади, кейин эса эсига келган нарсаларни, ҳар хил изоҳларни қайд этади: *Китобингни кеча узатдим почта билан. Сенга салом дедилар ойим.*

Содда гапларда сўз тартибининг услубий роли каттадир. Академик А. М. Пешковский беш мустақил сўздан иборат бир гапдаги сўзларнинг ўринин алмаштириш билан турли семантик-услубий маънодаги юздан ортиқ вариантили гап тузиш мумкин бўлади, деган эди.

Сўз тартиби билан боғлиқ бўлган бу имконият, айниқса, бадиий нутқда кенг қўлланилади. Гапдаги кесим бўлакни биринчи ўринга чиқариш билан таъсирчанлик оширилади: *Енгуру зулматни нур, албатта, шаксиз.* (Ургун ва И. Султон.) Яна чоғиши тириинг: *Қўлингни торт.— Торт қўлингни.* Публицистик нутқда шиор ва чақириқларда ҳам кўпинча кесим биринчи ўринда келтирилади: *Яшасин дунёда тинчлик! Гулласин ўзбекистонимиз!*

Эга ва кесим инверсияси, айниқса, шеъриятда кўп учрайди. Бу кўпроқ ижодкорнинг хоҳишига боғлиқ. Таъкидламоқчи бўлган фикрга мантиқий урғу бериш, уни кучайтириш ниятида сўзларнинг грамматик ўрнини атайлаб алмаштириб қўллайди ва шу тарзда шеърий синтаксисни юзага келтиради:

Дарё тинмай соларди шовқин,
Қиз кўзидаи қора эди тун. (Ҳ. О.)

Шеъриятдаги сўз тартиби насрый нутқдаги сўз тартибига ниобатан эркиндир. Бу эркинлик шеърнинг ритмик тузилиши билан боғлиқ. Яъни ритм, қофия кабиларнинг талаби билан сўз турли ўринларда ишлатилаверади. Бу ҳодиса нутқни таъсирчан ва мусиқий қиласиди:

Сени деб этагинг тутдим мен энди,
Бошқанинг баҳридан ўтдим мен эди. (Э. Ж.)

Атрибутив сўз бирикмаларида кучли урғу отга тушади: *юмшоқ сочиқ, кенг ҳовли.* Буларнинг ўрнини алмаштириш ҳам гап мазмунини, ҳам ургуннинг ўрнини ўзгартиради: *сочиқ юмшоқ, ҳовли кенг.*

Атрибутив сўз бирикмаларини бир-биридан ажратиб жойлаштириш кейинги даврда нашр қилинган насрый асарларда кенг ишлатилмоқда. Бунда персонаж нутқини индивидуаллаштириш, нутқ таъсирчанлигини ошириш назарда тутилган: *Тинч бўлса қалби инсоннинг.* (У. Ҳ.)

Тўлдирувчи-кесим инверсияда ҳам кесим маъно жиҳатдан бўрттирилади. Кесимдан орқага ўтган бўлак кучсизланади: *Ана шунда кўрсанг эди бу қошлиарни.* (*Шуҳрат.*) Сен, Пахомич, тўхта, сенинг фаҳминг етадиган гап эмас, мана касаба раисларинг жавоб берсин бу гапга. (А. Мух.) Гап бўлакларининг тартиби кўчирма гапли конструкцияларда ҳам ўзига хос хусусиятга

эга. Жумладан кўчирма гап конструкцияларда муаллиф гапи олдин келса ҳам, ундаги бош бўлакларнинг тартиби, «эга+кесим» шаклида эмас, балки услубий талаб билан «кесим+эга» шаклида қўлланади: *Шўрвани секин ича-ича гапирди Аҳмад Ҳусайн: Севаман, дўстим... (О.) Кўришиб, секин шивирлади Искандаро:—Бирпас аёллар ичидаги айландим, тинчлик тўгрисида кўп гапирдим... (О.)*

Келтирилган мисоллардаги муаллиф гапи бош бўлакларнинг ўрнини алмаштирасак, баён қилинаётган нутқдаги силлиқлик, равонлик бузилади. Натижада гап муаллиф мўлжаллаган мантиқий изчилликдан маҳрум бўлади. Айрим ҳолларда гапда сўзларнинг ўрнини ўзгартириш маънога таъсир қиласа-да, услубий вазифа бажармайди: *Доктор касал кутди.—Касал доктор кутди. Ишлаётган чаққон қиз.—Чаққон ишлаётган қиз.*

Гап маъносига таъсир қиласидан, унга путур етказадиган ўринларда инверсияга йўл қўйилмайди. Акс ҳолда, бир воқелик икки хил тушунилади: *Она қизини излади.—Қиз онасини излади. Мен дўстимниң отасини учратдим.—Мен отамниң дўстини учратдим. Ой — Ернинг йўлдоши.—Ер — Ойнинг йўлдоши.* Агар эга ва кесим отдан ифодаланган бўлса, инверсия гап мазмунига таъсир қиласиди: *Тошкент—Ўзбекистонниң пойтахти.—Ўзбекистонниң пойтахти — Тошкент.*

Ўзбек тилида сўз тартиби грамматик жиҳатдан эркин бўлса ҳам, услубий жиҳатдан чегараланган. Анашу хусусиятни фарқламаслик натижасида бадиий ёки публицистик асарларда фикрий ғализ, чалкаш жумлалар учрамоқда: *Иккинчи шеърлар тўплами нашр этилди. Т. Тўланинг «Шодлигим» номи билан ... Қаҳрамон халқ меҳнатини тараннум қилди ўз исходида ... (М. Алиев. «Туроб Тўла».)* Худди шунингдек, гапдаги айрим сўзларнинг тартибига риоя қиласлик ёки гап бўлакларининг ўзаро боғланишини чуқур ҳис қиласлик ҳам нутқда услубий хатоларга олиб келади: *Зангори кема — чинакам деҳқоннинг дўсти гапидаги чинакам сўзи дўст тушунчаси билан боғлиқ.* Шунинг учун ҳам бу гап *Зангори кема — деҳқоннинг чинакам дўсти шаклида бўлиши услубий талаб мезонидир.*

Уюшиқ бўлакли гапларда сўзлар тартибини ўзгартириш маънога таъсир қиласиди. Аммо айрим уюшиқ бўлаклар тартибини ўзгартириш маънога таъсир қилиб, нутқий гализлик келтириб чиқаради: *Тўй ва томоша*

42- машқ. Ниверсияга учраган гап бўлакларини аниқланг, уларнинг наср ва наэмдаги услубий вазифасини баён этинг.

1. Али Қушчи қайда — ўзим айтаман давлатпаноҳга.
Али Қушчида не юмушинг бор? Қамина етказурмен унга. (*O. E.*) 2. Кампиримга йўлдош, етим гўдакларимга боиш бўлади бу қизим. (*O.*) 3. — Чақир ясовулингни! (*O. E.*)

4. Мен унда ҳис этдим қутлуғ имонни,
Мұхрни, шафқатни унда кўрдим жам. (*A. O.*)

5. Истадим сайнёр айламоқни мен ғазал бўстонида,
Қулмангиз, не бор сенга деб Мир Алишер ёнида.

(*Э. В.*)

6. Уч балодан сақласин:

Чархи балокаш бўлмасин.

Дўст меҳрисиз, дардсиз улфат,

Ёр жафогар бўлмасин. (*Э. В.*)

7. Инсоф йўқолмасин, ўранг мустаҳкам,
То уни юзсизлик этмасин хароб. (*A. O.*)

43- машқ. Қўйидаги гапларни чориштириңг. Гап бўлаклари тартибининг ўзгариши билан боғлиқ услубий бўёқни изоҳланг.

1. Янги костюмни кўрсат.— Кўрсат янги костюмни.
2. Бу ерга шаҳар қурса бўлади.— Шаҳар қурса бўлади
бу ерга. 3. Қизил кўйлак олдим.— Кўйлак олдим қизил.
4. Мен кеч келдим.— Кеч келдим мен. 5. Ҳаммаси сенга аён.— Сенга ҳаммаси аён.

44- машқ. Бадинӣ адабиёт ва кундалик матбуот саҳифаларидан гап бўлаклари тартиби бузилган жумлаларини кўчиринг. Уларнинг услубий бўёғини аниқланг.

45- машқ. Қўйидаги гапларда сўз тартибининг бузиллиши билан боғлиқ услубий хатоларни аниқланг, уларни ўз ўрнига қўйиб, таҳрир қилиб кўчиринг.

1. Астоидил жамоа хўжалиги аъзолари меҳнат қилмоқдалар. 2. Биз ҳалқ шеваларини тасвиirlаймиз ва ўрганамиз. 3. Техника — чинакам дехқоннинг дўсти. 4. Мұҳаррир бўлиб ишлайман журналда. 5. У сувни ичди ва қайнатди. 6. Сўнгти йилларда Булгаков йигирма олти босма тобоқдан иборат Берунийнинг ижодий био-

графиясини яратди. («М. Ю.».) 7. Кейинги йилларда яратилган Зулфиянинг «Мушонра», «Висол», «Адаб йўлда», А. Мухторнинг «Мангуликка дахлдор», «Чинор» асарлари... («Сов. мак.») 8. Нигора Аҳмедованинг яқинда қувончли ҳодиса ҳаётида юз берди. (Газ.)

46-машқ. Қўйнда берилган матнин ўзбек тилида сўз тартибининг асл ҳолати жиҳатидан таҳлил қилинг: гап бўлаклари инверсиен ва сўз тартибининг бузилиш ҳолларини аниқланг ҳамда уларни ўз ўришга (асл ҳартиб бўйича) қўйиб, матнни қайта кўчиринг.

Эшик тақиллар ҳали ҳам, лекин эшикни очгани ҳеч ким ботинолмас эди. Болалар ўз катакларига кириб, жим бўлгандан кейин ҳалфа эшикни очди бориб. Фазабдан соқол-мўйлови ҳурпайган, афт-башараси ўзгариб, кўзлари олайиб кетган эшикдан бир киши кирди. Домла эди бу одам.

Домла ичкари кириши биланоқ қўлидан таёқни тортиб олди-да ҳалфани бир неча бор урди. Домла ҳар таёқ кўтаргандан, ҳалфа ўзини ҳар томонга урар эди жон талвасасига тушиб, бироқ домланинг узун таёғидан қутулолмас эди қочиб.

Ҳалфани оҳ уриб ҳовридан тушгандан кейин, домла ўрнига бориб ўтирди. Мен уйнинг катагидан деворга ёпишиб турардим ҳали ҳам. Домла мени жойимга ўтказиб юборди-ю, лекин урмади.

Кейин домла таёғини узун кўтариб, ҳамон бошларини пастга эгиб турган болаларни калтаклай бошлади. У ҳар кўтаргандан, ўн беш-йигирмата болани савалар, болалар бўлса, бараварига:

— Тавба қилдик! — деб қичқиришар эди. (Матн С. Айнининг «Эски мактаб» ҳикоясидан ўзгартириб олдин.)

9- §. Бир бош бўлакли гапларнинг услубий хусусиятлари

Бир бош бўлакли гаплар, ўз табиатига кўра, эгасиз ёки кесимсиз гапларга бўлинади. Бир бош бўлакли гапларнинг ҳар иккала тури ҳам тасвирлаш, кўрсатиш, тингловчининг диққатини маълум бир нарсага, ҳодисага бевосита тортиш мақсадида ишлатилади: Қоронги тун. Қаердадир бойқушнинг ҳу-ҳуси эшишилади. (О.) Етти ўлчаб, бир кес (Мақол.) Бир бош бўлакли гаплар семантик жиҳатдан икки бош бўлакли гапларга яқин туради. Аммо бирничи сида ҳиссий-таъсир-

чан маъно кучли бўлади: *Мен зерикишни хоҳламайман.— Менга зерикмаслик тўғри келади.* Нутқда бу хил гапларни ўзаро синоним қилиб ишлатиш орқали бирор фикр ифодалашда ранг-баранглик ҳосил қиласди ва шу орқали таъсирчанликка эришилади.

Бир бош бўлакли гапларнинг шахси умумлашган гаплар, шахси номаълум гаплар, шахсиз гаплар ҳамда номинатив гаплар каби кўринишлари ўзига хос услубий хусусиятларга эга.

Шахси умумлашган гаплардан англашилган иш-ҳаракат грамматик жиҳатдан маълум бир шахсга оид бўлса ҳам, мазмунан ҳаммага, умумга қарашли бўлади: ёвлашма. (Мақол.) Бирни кесссанг, ўнни эк. (Мақол.) Берсанг оласан, эксанг ўрасан. (Мақол.)

Кесими буйруқ майлининг иккинчи шахс шакли билан ифодаланган шахси умумлашган гаплар бадиий-публицистик нутқда кенг қўлланади. Улар умумга тегишли маслаҳат, орзу, киноя, буйруқ, ғазаб каби маъноларни ифодалайди: *Ётга яқинлашма, элинг билан ёвлашма* (Мақол.) *Бирни кесссанг, ўнни эк.* (Мақол.) *Ақлли десанг аҳмоқни, бошга урап тўқмоқни.* (Мақол.)

Кесими иккинчи шахс шаклида бўлган шахси умумлашган гапларнинг кесимини биринчи шахс бирлик шаклида ишлатилганда таъсирчанлик янада ошади: *Ёмон билан юрдим, қолдим уятга, яхши билан юрдим, етдим муродга.* (Мақол.)

Шахси умумлашган гаплар ҳикматли ва панд-насиҳат тарзида бўлганлиги учун ҳам сўзлашув услубида кенг ишлатилади: *Секин юрсанг, узоқ кетасан; Ишласанг, тишлайсан; Ёшлиқда йиғ, қариганда сарф қиласди.*

Шахси умумлашган гаплардаги мазмун биргина шахс билан боғланмай, кўпчиликка оид бўлади. Шунинг учун ҳам бундай гапларга, гарчи уларнинг кесими иккинчи шахс бирлик шаклида бўлса ҳам, сен олмошини қўйиб бўлмайди: *Етти ўлчаб, бир кес.* (Мақол.) *Оз сўзла, кўп тингла.* (Мақол.)

Шахси номаълум гапларда ҳам гапнинг эгаси қўлланмайди. Бундай гапларнинг кесими учинчи шахс шаклида бўлади. Лекин шунга қарамай, ҳаракатнинг бажарувчиси аниқ бўлмайди. Шахси номаълум гаплар кўпинча бадиий ва сўзлашув нутқида ишлатилади:

Қаш эдим, қанотимни қайирдилар,
Гул эдим, булбулимдан айрдилар. (Х. Х.)

*Болалик уйни бўстонга, боласиз уйни гўристонга
ўхшатадилар. (Сўзлашув.)*

Бадий тасвирида нутқий ранг-бараңгликка эришиш учун шахси номаълум гапларни нофаол конструкцияли икки таркибли гапларга синоним қилиб қўллаш мумкин: *Гапни бир марта айтадилар.— Гап бир марта айтадилари.*

Шахси номаълум гаплар илмий услубда ишлатилимайди.

Бажарувчи шахсини нутқда атайлаб номаълум қилиб ишлатиш орқали тасвирида маълум бир ҳаяжонлилик вужудга келтирилади: *Ер сотганларнинг кўпини кўрдим, ахиро гадой бўлади. Тўғри, ерни пулга сотадилар, нақд пулни жаранг-жаранг санаб оладилар. (О.)* Муҳаббат ҳар қандай балони, ҳатто ўлимни ҳам енгади, деб жуда тўғри айтишган (С. З.)

Шахссиз гапларнинг эгасини топиб бўлмайди. Шахссиз гапларнинг кесими учинчи шахс мажхул нисбат шаклидаги феъллар билан ифодаланади: *Чекилмасин! Бўйруқ бажарилсан. Гуноҳкор киритилсан.*

Бу хил гапларда иш-ҳаракатни бажариш мажбурий ва зарурийлиги ёки аксинчалиги ифодаланади. Шунинг учун ҳам бундай гаплар, асосан, расмий-иш услубида ишлатилади. *Қўйидаги масалалар муҳокамага қўйилсан, вақтдан тўғри фойдаланисин, дарслар соатбай ўтилсан* каби.

Бадий нутқда шахссиз гапларнинг ҳис-ҳаяжон билдирувчи турлари (*худо сақласин, худо кўтарсан!*), шунингдек, кесими керак, лозим, мумкин каби модал сўзлар билан шаклланган кўринишлари кўп ишлатилади: *Ўлимини душманга тўғри қилиши керак. (Я.) Тўхташга тўғри келади. Кўтиш керак. (С. А.)*

Айрим халқ мақоллари ҳам шахссиз гап шаклида бўлади: *Ойни этак билан ёпиб бўлмас. Машаққатсиз ҳунар бўлмас. (Мақоллар.)*

Номинатив гаплар бирор предмет ё ҳодисанинг ҳозирги пайтда мавжудлигини кўрсатади. Бундай гапларда оҳанг асосий ўрин тутади. Оддий сўз оҳанг туфайли гапга айланади: *Ой. Нозик жимжитлик. Салқин шамолларгина қизнинг сочлари билан ўйнашади. (О.)*

Номинатив гаплар илмий ва сўзлашув услубида кам

құлланади. Аммо бирор бадий асар йүқки, номинатив гап құлланмаган бўлсин. Бадий асарда ёзувчи нарса, воқеа-ҳодисаларнинг номини аташ орқали китобхонга эстетик таъсир қиласи. Фикрнинг лўнда, ихчам ва равон бўлишида номинатив гаплар мухим услубий ўрин тутади: *Жўрахоннинг уйи. Ёрг. Озода. Биринчи хона. Бир четда пианино. Хонага кичик коридордан кирилади.* (Туйғун.)

Номинатив гаплар табиат манзарасини образли, жонли қилиб чизиш имкониятини беради:

Саҳро. Поёнсиз қум, сузар эди ой.

Тепадан силжирди беш нафар одам. (Зулфия.)

Худди шунингдек, номинатив гаплардан фикрни қисқа ифодалаш, жой ва вақтни тежаш мақсадида репортаж, хотира ёзишда, драматик асарларда кенг фойдаланилади.

47- машқ. Бир бош бўлакли гапларни топинг. Уларнинг ҳар бирига хос услубий бўёқни аниқланг.

1. Бойни қашшоқ билан тенг қиласи миз дейишиади. (Я.) 2. Хўжахон, сиз жим туринг! Ойни этак билан ёпиб бўлмайди! Үғлим! (Я.) 3. — Халойиқ! — деди Йўлчи ҳаяжонланиб.— Бўш келманглар, оёқни тирав керак, муштни кўрсатиш керак. (О.) 4. Юрагида бори юэзига тениб турадиган бундай кишиларни кўнглида кири йўқ, деб мақтайдилар. (П. Қод.) 5. Каттага ҳурматда бўл, кичикка иззатда. (Мақол.) 6. Бу ерни саҳро дейдилар. (И. Р.) 7. Ўзбошимчаликка йўл қўйилмасин! (Газ.) 8. Тозаликка риоя қилинсин, мебеллар ҳам жойлаштирилсин. (Газ.) 9. Худо кўтарсан, халифангни! (С. А.) 10. Балки завод қурилиши учун овора бўлишга тўғри келмас. (О.) 11. Мени авф этиб кечиргайлар. (Туйғун.) 12. Вақting кетди, баҳтиң кетди. (Мақол.) 13. Ютганим ўзимники, чайнаганим гумон. (Мақол.)

48- машқ. Бадний адабистдан бир бош бўлакли гапларга мисоллар топинг, уларнинг шу матнлари услубий хусусиятларини аниқланг ҳамма функционал-услубий томондан тавсифланг.

49- машқ. Номинатив гапларни топинг. Уларнинг услубий хусусиятларини баён қилинг.

1. Тонг ... Юлдузлар ётогида тунаган пайт. Кўчада ҳар турили машиналар қатнови эштила бошлади. (О. Е.) 2. Қиши. Дараҳтларни оппоқ қор қоплаган. (О.) 3. Мана кўм-кўк дала. Дам олишга чиққан ёшларнинг қийқириқ овозлари эштилиб турибди. (Газ.) 4. Бое.

Помидор. Олма. Гул. Липа. Ўтиришар эди икки чол. (*Мирмуҳсин.*) 5. Боеча, Шийпон. Гилам, тўшаклар солинган. Дастурхонда ҳар хил таомлар, қовоқларда бўза, мусаллас. (*Я.*) 6. Май. Ажиб сўлим бир баҳор. (*С. Назаров.*) 7. Қишлоғимиз обод. Мактаб. Клуб. Магазин. Қасалхона. Ҳамма ўз иши билан банд. (*Н. Асалов.*) 8. Мингбулоқда, албатта, яхши бўлган эди. Тунги сайиллар, ширин орзулар, Гулчеҳранинг майин, қўниғироқдек овози, ажойиб гаплари. Уни севмасдан бўлармиди! (*Ў. Ў.*) 9. Каттакон бозор. Минг хил мева, минг хил одам. (*О.*) 10. Яна ғазал! Яна муаммо. Оҳ, Ҳирот, Ҳирот! Қаён боқсанг, шоирни кўрасан, ҳар ерда ғазал жанжали! (*О.*)

50-машқ. Бир бош бўлакли гапларни ўкки бош бўлакли гапларга айлантиринг. Қайси бирнида ҳиссий-таъсиричан маъно кучли эквалигини айтинг.

*Намуна: Менга астойдил ўқишга тўғри келади.—
Мен астойдил ўқийман.*

1. Қиши тараддудини кўришга тўғри келади. 2. «Пахтакор» командаси ғалаба қиласди дейишияти. 3. Иифланмасин, нега йиғланади? (*А. К.*) 4. Элга кўп мақтадилар, донғи чиққан дедилар. (*Газ.*) 5. Тун. Ҳамма ёқ жимжит. (*О.*) 6. Қуз. Мевалар ғарқ пишган. Ҳамма ҳосил йиғиши билан банд. (*Газ.*)

51-машқ. Бир бош бўлакли гапларни қатнаштириб, «Қини куни», «Ўрмонда», «Бизнинг қишлоқ» мавзуларидан бирора шино ёзинг.

52-машқ. Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» драмасининг биринчи пардасидан бир бош бўлакли гапларни топшиб ёзинг, уларнинг услубий хусусиятларини баён қилинг.

10- §. Тўлиқсиз гапнинг услубий хусусиятлари

Тўлиқсиз гап маълум фикрни, мақсадни ихчам ифодалашда қўлланувчи услубий воситалардан биридир.

Тўлиқсиз гап сўзлашув нутқида, бадиий асарда эса диалогик нутқида кўп қўлланади. Тўлиқсиз гапнинг сўзлашув нутқида кўп учрашининг сабаби сўзлаш пайдаги вазият ва ҳар хил имо-ишораларни, фикрни ихчам англатишга имкон беришидир. Иккинчидан, фикр ифодаси учун зарур бўлмаган ҳодисаларнинг тушириб қолдирилишидир: Чалинди тўлиқсиз гапида дарсга қўнғироқ чалинганилиги сўзловчи ва тингловчига олдиндан маълум. Шунинг учун улар бир-бирига бу гапни тўлиқ айтиб ўтиришга эҳтиёж сезмайдилар. Бунда

пүткө ихчамлашади, соддалашади. Худди шунингдек, саломлашиш, табриклаш, чақириш каби мазмунни ифодаловчи гаплар ҳам тўлиқсиз шаклда бўлади: *Оқ ўйл! Хайрли кеч! Байдрамингиз билан! Янги йилингиз билан! Ватан учун! Халқимиз шарафида!* каби.

Сўзлашув нутқи табиатан ихчам бўлади. Ҳатто бир шаклдаги айрим тўлиқсиз гап ҳеч қандай изоҳсиз тури шароитда ўша ҳолатга мос ҳолда тушунилаверади: «*Сизга чойми ёки кофе?*» гапи уй бекаси нутқида ичиш маъносида, магазинда сотиб олиш, биология дарсидаги лекцияда ўсимлик маъноларида тушунилади.

Бадиий услубдаги нутқда тўлиқсиз гаплар сўзловчининг фикрини маълум бир ҳолат билан боғлиқ ҳолда қисқа, ихчам, таъсирчан шаклда баён қилиш ҳамда сўзловчининг нутқ моментидаги ҳолати, руҳини акс этириш вазифасини бажаради:

- Ким йиглатди сизни?
- Йиглабманми?!
- Кўзингиз, кипригинги...
- Ўзи шунақа...
- Йиглатган мен эмасманми? (A. Қод.)

Юқоридаги диалогик нутқ тўлиқ гап шаклида келтирилганда, тасвирдаги ихчамлик, ҳаяжон, таъсирчан йўқолган бўлар эди.

Тўлиқсиз, яъни эллиптик гаплар айтилаётган фикрда сўз такори бўлмаслиги учун ҳам қўлланади: *Йўловчилар: «Самоварчи, беда, дарров битта чой!»*— деб тинмай чақирап эдилар. (O.)

Ўринсиз қайтариқ, нутқий ғализликдан қочиш учун диалогик нутқда тўлиқсиз гап кўп ишлатилади. Чунки диалогик нутқ, асосан, савол-жавоб асосида қурилиб, бу савол-жавобда суҳбатдошларни эллиптик гаплар bemalol қониқтиради:

- Отинг нима?
- Бозор.
- Каердан бўйласан?
- Кўйлоб томонлардан!
- Каерга бормоқчи эдинг?
- Бухоро томонга бориб, бечорачилик қилмоқчи эдим.

- Жуда яхши,— деди хўжайин... (C. A.)

Тўлиқсиз гап шаклидаги ихчам халқ мақоллари ҳам сўзлашув ва бадиий услубда кенг қўлланади: *Ўрмонга ўт тушиса, хўйлу қуруқ баробар.* (Мақол.) Айтсан

тилим күяди, айтмасам дилим. (Мақол.) Бұлбұл чаманни севар, одам — ватани. (Мақол.) каби. Шеърий қоғия, вазн талабига күра айрим шеърий мисралар тұлықсиз гап шаклида бўлади: *Бу ерда на ғурбат, на оғат, нам ғам. (F. F.)* Бұлбуллар шеър ўқир, сувлар мадҳия. (У.)

Бадий матндан диалог шаклидаги кўчирма гаплар ҳам кўпинча тұлықсиз гаплардан ташкил топади. Езувчи диалог таркибидаги луқмаларнинг ўзаро боғланғанligидан фойдаланиб, уларни тұлық баён қилмайды, бинобарин, бунга эҳтиёж ҳам сезмайды, натижада матн услубий жиҳатдан равон бўлади:

Кумуш илжайиб онасига қараб қўйди, яна ишини тика берди:

- Кетсаларингиз, хайр-хўш!
- Сен-чи?
- Мен қоламан...
- Ҳазилингни қўй!
- Ҳазилим эмас — чиним.
- Уят эмасми?

Кумуш кулди:— Нега уят бўлсин? (A. Қод.)

Мисолдан кўринадики, луқмаларнинг синтактика жиҳатдан сиқиқ бўлиши коммуникация учун ҳам, сұхбатдошлар учун ҳам қулай, ифодали.

Тұлықсиз гапдан табиат манзараси, персонаж портретини чизишда ҳам унумли фойдаланилади.

Тұлықсиз гапда фикр мазмуни ҳамиша тұлық ифодаланмаслиги учун ҳам у илмий ва расмий-иш услубларида ишлатилмайды.

Шу ўринда такрор гап ва эллиптик такрор гап ҳақида ҳам гапириш лозим. Такрор гап фикрнинг ўта таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қиласы. Гапнинг тұла тақорида, асосан, шу гапдан англашилган мазмун ҳиссий тус олади: *Ректор келяпти, ректор келяпти. (Сўзлашув.)* Тұлықсиз такрорда гапнинг бир бўлраги, яъни сўзловчи учун муҳим ҳисобланған бўлак тақорланади: *Бу қилиғингни қачон қўясан, қачон? («Муштум».)* Эллиптик такрорда гапнинг коммуникатив ва таъсирчан вазифаси бир вақтнинг ўзида рўёбга чиқади.

53- машқ. Тұлықсиз гапларда қайси бўлак тушнилганларни аниқланг. Тұлықсиз гапларга хос услубий хусусиятларни баён қилинг.

1. — Ҳа, айтгандай, устоз шу яқин кунларда урұгчилик совхозига келар эканлар. Ҳат олдим. (A. K.)

2. — Болтавой акам қаёққа кетдилар? — Станцияга.
(*A. Қ.*) 3. Э, меҳмонларни қўзгатиб нима қиласан? Обдастани ол. Ана дастшу, тез. (*P. Қод.*) 4. Дўст ачитиб гапирар, душман кулдириб. (*Мақол.*) 5. Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни. (*Мақол.*) 6. Ёв—ёқадан, ит—этикдан. (*Мақол.*) 7. — Раҳмат! Бу иш яхши бўлди-ку-я, лекин, зачётга тайёрланишдан анча қолиб кетдим.

— Мен ёрдам бераман дедим-ку!
— Қачон?
— Қачон десангиз.
— Бўлмаса, эртага кечқурун келинг.
— Хўп бўлади. (*C. Назар.*)

54- машқ. Тўлиқ ва эллиптик такрор гапларни топинг. Бундай гапларда тилининг коммуникатив ва экспрессив вазифаси бир вақтнинг ўзида қандай ифодаланганлигини баён қўлинг.

1. Қабул вақти тугади деяпман! Қабул вақти тугади, дедим-ку! (*H. Кондратьев.*) 2. Суюнчи беринг, суюнчи. (*«Гулхан».*) 3. Мен ҳеч нарсадан қайтмайман, ҳеч нарсадан! (*C. З.*) 4. Орқага қайтинг, орқага! — дўқ билан деди соқчи. (*H. Кондратьев.*) 5. Фоғир. Лекин мендан нима истайсиз, мендан?! (*X. X.*) 6. Бу кўз кеч очилди, кеч! — қичқирди у. (*C. Аи.*) 7. Чиқманг, сизни еб қўяди! Чиқманг сизни еб қўяди! (*M. Исм.*) 8. — Нима қиляпсиз, нима қиляпсиз? — Тегма менга! Тегма менга! (*C. Аҳм.*) 9. — Йўқ, йўқ, Офтоббону, — деди сизларга жавоб берсам-да, Кумушга йўқ! (*A. Қод.*) 10. Оҳ, қон бўлиб кетдим, қон! Бувимни соғиндим! Бувимни! (*M. Исм.*)

55- машқ. Тўликсиз гапларниң диалоглар ва бошқа турли нутқлардаги услубий вазифасини аниқланг.

1. Олтии ўтда билинади, одам меҳнатда. (*Мақол.*)
2. Ҳусн тўйда керак, муҳаббат кунда. (*Мақол.*)
3. — Балки сизни Мирзабоши тайин қиласлар?
— Мени миrzабоши тайин қиласлар яхшими, Раъно?
— Яхшими, ёмонми, мен қайдан билай?
— Ёмон, Раъно. (*A. Қод.*)
4. — Аканг ким?
— Рустамжон!
— Қаерлик?
— Асли янтиқўрғонлик. (*Й. Сулаймон.*)
5. — Туғилган кунингиз билан! Қани, тўрга! (*Сўзлашув.*) 6. — Хўш, ўғлим, ҳисобли дўст айрилмас деган

гап бор.— Ҳақ гап, бой ота. (Х. Х.) 7. Унинг ҳовлиси кенг. Олди боғ: узум, анор, анжир; орқада: чорбог. Барча мева турлари. Кишининг ҳаваси келади. («Мустум».) 8. Қиш. Бўрон. Салқин ҳаво, япроқдек-япроқдек қор тушмоқда. (А. Тўқай.)

11-§. Гапдаги изоҳланма бўлакларнинг услубий хусусиятлари

Оғзаки ва ёзма нутқ жараёнида борлиқдаги объект, воқеа-ҳодиса ҳақида бирданига батафсил маълумот бериш қийин. Шунинг учун ҳам нутқ объекти ҳақида умумий, зарурий маълумотлар олдин берилади, унинг айrim жузъий белгилари эса кейин қўшилиб, бу ҳақдаги тушунча тўлдирилади. Ниҳоят, ифодаланмай қолган белгини реаллаштириш, воқеа-ҳодисани ўқувчи кўз ўнгида тўлароқ акс эттириш учун гап таркибиға қўшимча сўз ва сўз бирималари киритилади. Бундай қўшимчалар кўпинча субъектнинг нияти, хоҳиши билан амалга ошади. Тилшуносликда ўзидан олдинги бўлакни изоҳлайдиган ана шундай бўлаклар ажратилган бўлак ёки изоҳланма бўлак деб юритилади. Чоғиши ринг: *Мен Фирузга гапирдим.—Мен Фирузга — набирамга — гапирдим.* Иккинчи гапда *Фирузни бошқалардан ажратиш орқали объект — тўлдирувчи унинг ўз набираси эканлиги таъкидланган.*

Гапнинг изоҳланма бўлаклари муҳим услубий воситалардан биридир. Бундай бўлаклар фикрни содда ва ихчам ифодалаш учун хизмат қиласиди. Изоҳланма бўлакли гаплар барча нутқ услубларида ишлатилади. Изоҳланма бўлаклар алоҳида оҳанг билан талаффуз этилади. Гап таркибida келган исталган бир бўлакни изоҳлаб, бўрттириб кўрсатади: *Унсан учун, бечора қиз учун, бу қандай мудҳии мотам!* (О.)

Гап таркибидаги изоҳланма бўлаклар маълум бир модалликни, яъни муаллиф гапнинг бирор бўлагига аҳамият бераётганини, уни бўрттириб кўрсатишини ифодалайди. Бу орқали тингловчи диққати бирор бўлакнинг маъносига алоҳида жалб қилинади. Бу билан китобхонда ачиниш ёки севиш, газаб ёки муҳаббат, тўлиқ тасаввур, қониқиш каби ҳислар қўзғатилади. Изоҳланма бўлакларнинг бундай услубий хусусиятларидан ёзувчи А. Қаҳдор унумли фойдаланганлигини кўрамиз: *Қобил бобо, ялангоҷ, ялангоёқ, яктакчан оғил*

эниги олдида турраб, дағ-дағ титрайди, ҳаммага қараиди, аммо ҳеч кимни күрмайди.

Айрим изоҳланма бўлаклар қўшимча изоҳ, маълумот бериш ёки предметнинг белгисини йўл-йўлакай эслатиб ўтиш учун ишлатилади: Улардан бири — *серсоқол, рангпар ва ориқ* — ўз мантиқининг кучини кўрсатишга тиришиди. (О.) Фурсатинг борми, қайнатангдан, Зунунхўжадан, сўраб келганмисан? — деди. (А. К.)

Изоҳланма бўлаклар маълум обьектнинг ёши, миллати, қариндошлиги ва бошқа хусусиятларини аниқ бериш учун хизмат қиласди: *Бобом — ойимнинг отаси — жуда хушифөъл, вазмин киши эди.* (Х. Ирфон.) Устанинг шогирди — ўн тўрг яшар *Йўлдош* — дераза олдида ўтиради. (А. К.) Иккянчидан, номаълум бўлган бирор бошқа тил сўзи ёки эскирган сўзни изоҳлаш учун ишлатилади: *Беш рупия — ҳинд пулига — сотди.* (С. А.)

Изоҳланма бўлаклар орасида ажратилган бўлакни янада кучайтириш учун ўрни билан *яъни, аниқроғи* каби кириш бўлаклар ҳам ишлатилади: *Ўшандо, яъни галабадан кейин, олдинги ҳаётга сира ўхшамаган янги ҳаёт бошланиши керак эди.* (О. Гончар.)

56-машқ. Гаплардаги изоҳланма бўлакларни аниқланг. Уларнинг ўзи тобе бўлиб келган бўлакларга қандай маъно нозиклиги берадётганинги тушунтиринг.

1. Улар, кечаги меҳмонлар, бугун кетишиди. (С. А.)
2. Унга, боласига, бундай ёмон одатларини ташлашни маслаҳат берди. (Газ.) 3. Мана кўрдингларми, қаттиқ — тишлигини ушатади. (О.) 4. Бу мадрасада ориятшин — ўзининг ҳужраси бўлмай бироннинг ҳужрасида турувчи киши кам эди. (С. А.) 5. Шайх ва унинг муқарраб (яқин) муридлари тор доирада амалга олинар эди. (С. А.) 6. Ўйда, Кумушбибининг тоғасининг уйида, қизлар мажлиси, гуллар мажлиси! (А. Қод.) 7. Денисов — дўнг пешанали, қирра бурун — салобатли киши эди. (М. Шолохов.) 8. Фосиҳ афанди ўз шеърларида даъво этганидек, ватани Туркистон эмиш... Катталар кичикларга (яъни бойлар камбағалларга) меҳрибон ва ғамхўр бўлиб, кичиклар катталарга (яъни камбағаллар бойларга) ҳурмат билан, итоат билан ўтган эмиш. (М. Исм.)

57-машқ. Изоҳланма бўлакларнинг қандай модал маъно, аংглатаётганинги аниқланг, уларнинг услубий вазифасини баён этинг.

1. Маълум бўлишича, у, яъни университет домласи доцент Обидов, бир неча йиллардан бери биологик кураш методи устида иш олиб бормоқда экан. (О. Е.) 2. Биз Комсомол кўлининг орқасида, Бўзсуvinнig бўйида, янги участкада турардик. (О. Е.) 3. Ў, драматург Комил Яшин, бир неча драма ва опералар либреттоси-нинг авторидир. (Х. Абдусаматов.) 4. Тунов куни, йигитлар даштга кетаётганларида, Гулчеҳра уни уйлари-га бошлаб борди. (О. Е.) 5. Бояги йигитнинг, Авазининг, қўли гул экан. (П. К.) 6. Полвон арабнинг ўзи ўй эга-сига муносиб бўлган ерда — меҳмонхонанинг энг қуийи-сида, даҳлиз эшиги ёнида — 1919 йилдаги жойида, ўтироқда эди. (М. Авезов.) 7. Хотини, раиги ўчган, ўрнидан туриб, болани беланчакка солди. (А. К.) 8. Айтилаётган бу ўланни — қўшиқни Макиш эшитиб кела-ётган эди. (М. Авезов.) 9. Аммо амир турган жойда, унинг саройи олдида чавкий (оммавий базм)га рақс, ашуулани кўриш учун йўлга чиқдим. (С. А.)

58- машқ. Узингиз «Институт богида», «Курсдошимнинг тўйи-да», «Шонр билан юзма-юз» мавзуларининг бирида кичик иншо ёзинг. Иншода ажратилган бўлакларининг ҳамма туридан ўринли фойдаланинг. Тиниш белгиларига диққат қилиш.

12- §. Ундалманинг услугбий хусусиятлари

Ундалмалар, илмий услугдан ташқари, барча нутқ услубларида учрайди.

Сўзлашув нутқида ундалмали гаплар айтилаётган фикрга тингловчининг диққатини жалб қилиш ҳамда сўзловчининг ўз суҳбатдошига муносабатини ифодалаш учун ишлатилади.

Бадий нутқда эса, айниқса, шеъриятда ундалма-лар нутқнинг образлилигини, эмоционаллигини таъ-минлаш учун хизмат қиласади.

Ундалма монологик ва диалогик нутқда, мурожаат, шиор, буйруқ, чақириқ, эълонларда, газета сарлавҳа-ларида кўп ишлатилади.

— Баъзи юмушлар буюрсан...

— Буюрингиз, ўғлим.

— Раҳмат, ота, бўлмаса бизга чой қайнатиб бери-нгиз-чи. (А. Қод.) Ҳалқ маорифи ходимлари! Фанинг юқори чўққилари сари интилингиз! (Газ.) Аҳвол қа-лай, отахон! Қандай хизмат қиляпсан, юртдошим? (Газ.)

Расмий-иш услубида ундалмалар маҳсус ёзишмаларда ишлатилади. Бундай ундалмаларга ҳурматли ёки күп ҳурматли сўзлари қўшилиши мумкин: *Ҳурматли устод Мирзаев!* Сизни баҳт тўйимизга таклиф қиласиз. *Кўп ҳурматли устод Мирзаев!* Сизга етмиси ёш муборак бўлсин, доим омон бўлинг!

Ундалма сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предмет номини англатиш билан бирга адресатнинг характеристикини, хусусиятини очиб беради ҳамда муносабат ифодалайди. Яъни ундалмаларда тингловчига нисбатан эркалаш, таъкидлаш, илтижо, норозилик, ғазаб каби модал маънолар ҳам ифодаланади. Ундалмаларнинг бу хусусиятидан шоир ва ёзувчилар турли услубий мақсадларда фойдаланадилар. Жумладан, Ҳ. Ҳ. Ниёзий ўзининг «Бой ила хизматчи» драмасида ижобий ёки салбий маъно ифодаловчи ундалмалардан персонажларга хос хусусиятларни очиш ва уларнинг ташки дунёсини ўқувчиларга намойиш қилишда усталик билан фойдаланган. Чоғиширинг: *Бой. Қани, Ғофир, кел, ўғлим, ўтири! Қаллиқдан кайфинг чоғми?..*

Бой. Юлсан сендаи гадодан юламанми?.. Кўрнамак, итфеъл!

Ғофир ҳам бойнинг ички маънавий қиёфасини тўлалигича тушуниб етгач, бойга нисбатан «Бой ота» деб мурожаат қилмайди, балки «бой» деб сенсирашга бориб етади:

Ғофир: *Бой, бозорингиз ҳали ҳам чаққон. Ахир, бой, қачонгача хотин олиб, хотин сотасиз? Қачонгача қўшимачилик қиласиз?*

Ундалма орқали маълум шахс, предметларга тасниф берилади, таърифланади. Бунда ундалма вазифасидаги отга аниқловчи ёки изоҳловчилар қўшилади, шунингдек, ижобий ёки салбий тушуначларни ифодаловчи сўзлар ундалма қилиб келтирилади:

Хонзода. *Бу йигитнинг дардида ўзини ўлдирганда, айланай.* (Ҳ. Ҳ.) Чучварани хом санабсан, ифлос! (С. А.)

Ундалмаларда ёқимсизликни рўёбга чиқарувчи во-ситалардан яна бири турли салбий хусусиятларга эга бўлган ҳайвон ва паррандалар номини сухбатдошига нисбатан қўллашдир: Ғофир: *Хой бўрилар!* Сўзларингдан қайт! Бўлмаса ҳокимингга бормайман, мингбошингга ялинмайман, халққа арз қиласан, халққа!

Ундалма сўзловчининг ҳаяжонини ҳам ифодалайди. Бунда ундалмадан олдин ундов сўзлар келтирилади, ёки -жон, -ой, -хон каби эркалаш аффиксоидлари ундалмага қўшиб ишлатилади: **Ҳой миттиқуш, миттиқуш, тўйлқинларга урма тўши!** (Т. Ҳамид.) Эй зулм кўрганлар, эй асрлар! Бизга озодлик вақти етиб келди. (С. А.) — Менда ихтиёр йўқ, ойижон! — деди Кумуш. (А. Қод.)

Ундалмалар сўз бирималари, фразеологик иборалардан ифодаланганда таъсиричаник янада кучли бўлади: **Хайр, ўғлим, оқ йўл бўлсин, Хайр, кўзим қораси.** (Ҳ. О.) Ҳой, соқолинг кўксингга тўкилгур,— деди хотин,— бу қандай қилиқ? (Ғ. Ғ.)

Ундалмалар такрорланиб ёки уюшиб келганда, кучли ҳис-ҳаяжон ифодаланади, оҳанг ҳам юқори бўлади. Бадий тасвирда персонажнинг ҳолати, психологиясини янада ёрқинроқ тасвирлашга эришилади: **Жамила! Жамила! Бас, тур ўрнингдан!** (Ҳ. Ҳ.) **Қаҳрамоним, меҳрибоним, бўл омон!** (Ҳ. О.) **Онажон! Ғофиржон!** Унутма мени! (Ҳ. Ҳ.)

Гапда ундалмаларнинг ишлатилиш ўрни эркин. Аммо уларнинг гапдаги ўрни маълум услубий аҳамиятга эга. Ундалма гап бошида қўлланганда, чақириқ, мурожаат маънолари ҳамда тингловчининг диққати аниқ адресга қаратилади: **Жиян, ақлинг бўлса, кишининг бир тийинига хиёнат қилма.** (О.) Ундалма гап ўртасида келса, сўзловчи учун тингловчининг диққатини тортиш эмас, балки у билан алоқани узмаслик, ўз фикрига модал муносабатини ифодалаш имконияти вужудга келади: **Билинг, Гавҳар, мен сизнинг меҳр-оқибатингизни фақат ўз шахсим учун қидирган эмасман.** (П. Қод.) Ундалма гапнинг охирида келганди, сўзловчи билан тингловчи орасидаги фикрини алоқа сусайди. Яъни сўзловчи аввал ўз фикрини тўла баён килади, сўнг тингловчининг диққатини унга тортади: **Қиши ҳаётга бир марта келади. Адолат.** (С. З.) **Тўхтанг, жағингизни чарчатманг, бой ота!** (Ҳ. Ҳ.)

59- машқ. Ундалмаларнинг семантик-услубий хусусиятларини аниқланг. Ундалманинг гапдаги ўрни билан бояник услубий хусусиятларини ҳам баён қилинг.

1. Биласизми, Йўлчи, бу ерда кимни судрадингиз?
- (О.) 2. Дунёда бунақа жониворлар кўп, Арслонбек ака. (А. Қ.) 3. Арслонбек ака, иғвогарларнинг гапига ишонманг. (А. Қ.) 4. Бу гапни менга лайтдинг, ўртоқ, бошқа одамга оғзингдан чиқарма. (А. Қ.) 5. Ука, шу

нонларнинг пулинни сиз бериб туринг, чўнтағимда пулим йўқ экан. (С. А.) 6. Ёғиз онангнинг баҳтига сен омон бўлгин, қўзим. (Х. Х.) 7. Қиз ҳам тайёр турган экан-да, Фоғирвой! (Х. Х.) 8. — Илоҳим кушойиши корингизни берсину музокарангиз биз истагандек туғасин, амирзодам. (П. Қод.) 9. Дадангни ҳурмат қил, пучук. (Х. F.) 10. — Дўппилар қутлуқ, аскар бола.— Қуллуқ, опоқ бува. (Х. F.) 11. Ҳурматли халқ депутатлари! Кун тартибининг навбатдаги бўлимига ўтамиз! (Газ.) 12. Азиз ўлкам Ўзбекистон! Шонли тўйинг муборак! (У.) 13. Ҳадича! Сарви! Қумри! Эркиной! Уйларнгизга боринглар. Эрталаб учрашамиз. (Х. F.)

60-машқ. Бадиий адабиёт, вақтли матбуот саҳифаларидан нутқининг турли услубларига доир ундалмали гапларга мисоллар топиб ёзинг. Ундалмаларнинг нима мақсадда ишлатилганингини айтинг.

61-машқ. Гаплар тузинг. Бу гапларда қўйндаги сўз ва сўз биримларни ундалма вазифасида келсин.

Бухоро, азиз студентлар, дўстим, қўзим, лобар қиз, байнамилалчи акалар, онажон.

62-машқ. Ҳ. Ҳ. Ниёзийшининг «Бой ила ҳизматчи» драмасидан олингани парчалардаги ҳар бир ундалманинг қўшимчани ҳиссий бўёғини аниқланг. Ундалмадан қандай мақсадларда фойдаланилганини изоҳланг.

Бой. Ҳа, баракалла, қизим... Баракалла! Қани юзингни очиб юбор, қизим! Фоғиржон, баҳтинг бор экан, ўғлим! Юз минг харажат қилсанг ҳам арзиди. Фоғиржон, Холматга айтгин, аравани тайёрласин, яхши йигит!..

Бой. Узолмасанг, яна беш-үн йил ишлаб берарсан! У эмас, бу эмас, хотинлик бўлиб қолганингга шукур қил, баччағар...

Бой. Гапир, сочи юлуқ! Беадаб! Номаҳрамсан! Үлдираман!..

Фоғир. Үлдириб қўясиз, бечорани, бой ота!

Фоғир. Бой ота, тайёр!..

Фоғир. Қуллуқ, бой ота, қуллуқ!..

Фоғир. Тавба қилдим, бой ота!..

Жамила. Жон тўражон! Эшигингизни соchlарим билан супурай, ялинаман, тўражон! Ахир тухмат! Раҳм қилинг, айланай, тўражон!

Фоғир. Жамила! Бас! Тур ўрнингдан! Кўкрагингни баланд кўтар!..

И мом. Қуллуқ, қуллуқ, Фоғиржон!

Ф.о ф и р. Элликбоши, паранжининг муборак!
Х о л м а т. Бопла, азamat, бопла!

13- §. Кирешларнинг услубий хусусиятлари

Кирешлар сўз ёки сўз бирикмаси шаклида бўлиб, сўзловчининг ўзи баён этаётган фикрга бўлган турли муносабатини билдиради. Улар барча нутқ услубларида ишлатилади. Улар мазмунан бутун бир гапга ёки унинг бўлагига тегишли бўлган ишонч, тасдиқ, гумон, истак, таажжуб, таъкид, тахмин маъноларини ифодалайди: *Умуман, эзгу ишининг кечи йўқ.* (О. Мухторов.) *Афтидан, бу ишга ҳокимлар ҳам енгил-елни қараётган кўринадилар.* (С. Улуғзода.)

Кирешлар гап структурасини бузмайди, айтилаётган фикрга янги далил ҳам қўшмайди, балки шу фикрга сўзловчининг муносабатини, кучли ҳаяжонланганини билдиради. Шунинг учун ҳам бундай гаплар кўпроқ бадиий ва сўзлашув услубида учрайди: *Баҳтиимга, она-жоним омон бўлсин.* («Ёшлик».) *Таеба, бу лаънати асти нима қиласди?* Кани энди бўға бошласам! (У.)

Илмий услубда бизнингча, унингча, демак, хулоса қилганда, биринчидан, иккинчидан каби кириш сўз ва конструкциялар фаол ишлатилса расмий-иш услубида: *асосан, фикран, баъзан, зарур, керак* каби кириш сўзлар кўпроқ қўлланади.

Баъзи кириш сўзлар айтилаётган фикрга тингловчининг диққатини кўпроқ жалб этиш учун ишлатилади: *Қарабисизки, томошибинлар бирпасда тарқалди.* (Газ.) *Айтганча, ўзларини қайси шамол учирди?* (М. Салом.) *Марҳамат, қулогим сизда.* («Муштум».)

Кириш сўз ва конструкциялар гапдаги бошқа бўлаклардан тўхтам билан ажратилади ва ўзининг маҳсус оҳангига эга бўлади. Кирешларнинг гапдаги ўрни ҳам маълум услубий аҳамиятга эга. Улар гап бошида келганда, айтилаётган фикрга қатъий муносабат ифодаландайди. Чоғиширинг: *Албатта, ваздани бажарализ, албатта.* («Муштум».) *Шукур, аям соғ-саломат.— Аям, шукур, соғ-саломат.* (О.)

Ифодаланган мазмунни кучайтириш учун кирешлар тақрор ишлатилиши мумкин: *Афсуски, минг афсуски, дунёга жуда эрта келган эканман.* (А. К.)

Киритмаларнинг услубий вазифаси. Киритмалар гап структурасига нутқ пайтида туғилиб қолган эҳтиёж,

зарурнят туфайли тўсатдан киритилади. Улар асосий гапдан англашилган ёки унинг таркибидаги айрим бўлакларнинг маъносига оид қўшимча изоҳ, янги далил, айрим тузатишлар киритади. Натижада фикр тингловчига тўла етиб боради.

Киритмалар сўз, сўз биримаси ва гап шаклида бўлади. Айрим белги-киритмалар ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳам ўзига хос услубий вазифа бажаради: *Онам* (ўгай) мени қийнагани қийнаган. (А. К.) Ўз болалари ўғигда эрмак бўлган *Назми* (асли исми шундай эди) кейинчалик ортиқча бўлиб қолди. (*Шуҳрат*.)

Киритмалар илмий, расмий-иш услубларида аташ вазифасини бажаради. Бунда улар фикрни аниқ ифодалашга хизмат қиласди: *От ёки отлашган сўзниг феълга, отга (баъзан бошқа бир туркум) сўзга бўлган муносабатини, тобелигини ифодалаган...* Бошқарувчи сўзниг талабига кўра тўлдирувчи бирор келишикда (*қаратқичдан ташқари*) бўлади. (*«Ўзбек тили» дарслигидан*.)

Еревен. 14 январь (Арменпресс—ТАСС) Бугун Арманистон пойттахтида умумшаҳар митинги бўлди. (Газ.)

Киритмалар бадиий тасвирида муҳим услубий вазифа бажаради. Киритмалар ёрдамида муаллиф ўз ҳис-ҳаяжонини, ички кечинмаларини ҳамда ўзи ҳикоя қилаётган ҳодисага нисбатан муносабатини баён қиласди. *Тийрак кўзларида ташвииши билиниб турган Гулчеҳра (воажаб, қизнинг тўлин чиройини кўринг)* консерватория остонасида турарди. (С. Азимов.) Навоий қилични қинидан сугурди (*қиличининг биринчи ва сўнгги марта сугурилиши эди*), дадиллик билан одим отиб кетди. (О.)

Киритма ёзувчига персонаж нутқидаги айрим сўз ёки ибораларнинг қандай маънода ишлатилганлигини шарҳлашга, шу орқали қаҳрамоннинг руҳиятини, хулқатворини ёрқин очишга ҳам ёрдам беради. Киритмаларнинг бундай хусусиятидан ёзувчи Шуҳрат «Олтин зингламас» романida усталик билан фойдаланган: *Ўйламаки, барча топганини ёлғиз ўзи босиб еди деб. Иўқ. Ниманики ўлжа қилган* (*«ўғирлаган» дейишга тили бормади*). қози поччамнинг ўзлари... қутқариб юборганлар.

Драматик асарда киритма муаллиф ремаркаси сифатида ишлатилиб, айрим ҳаракат-ҳолат ва хусусиятларни изоҳлайди.

Дилбар. *Вой, ўнга қолмай жўнашлари керак*

*эди-я, уйготаман (майин овоз билан). Арслон, Арслон
(қимирлатиб күради). Тавба, тозаям қотибди-ку! (Аста юзидаң үпади). (Я.)*

Белги-киритмалар ҳам (қавсда берилган сўроқ, ундов, сўроқ ва ундов, кўп нуқта) ўқувчи диққатини бирор ҳодисага тортишда услубий вазифа бажаради. Жумладан, кўп нуқта (...) белги-киритмаси бадиий услугда баённинг қисқартирилганлигини билдиради: *Энг кейинги видолашиб куни етди. Отабек, Мирзакарим Қутидор ва Офтоб ойим (...) қабристоннинг икки туп қуриган чинор ёғочи орасига тургизилган янги хиштин соғона қаршисида тўхтадилар.* (А. Қод.) Илмий услугдаги асарларда эса бирор Фикрнинг шубҳали ёки нотўғри эканлигини кўрсатиш учун қавс ичидаги сўроқ белгиси ишлатилади: *Кампир ўзининг содда тафаккури, ўтмиш онги (?) билан, тилидаги ўзбекча жозиба (?) билан эсда қолади.* (Газ.)

63-машқ. Киришларнинг маъно ва услубий хусусиятларини аниқланг. Уларнинг оҳангидан тинниш белгиларига диққат қилинг.

1. Зокир ота, шубҳасиз, тажрибали пахтакор. (А. Қ.)
2. Эрназар аканинг айтишича, бу йил саратон жуда иссиқ бошланади. (И. Р.) 3. Афсуски, ёшлар орасида меҳнатга унча тоби йўқ, адабиёт эшигини қалам билан очиб эмас, болта билан бузиб киришга уринадиган одамлар ҳам бор. (А. Қ.) 4. «Узи хунугу, истараси иссиқ, ўзи чиройли-ю сўхтаси совуқ», деган гап бор. Афтидан, ҳамма гап мана шунда. (А. Қ.) 5. Албатта, албатта, илтифотлари учун аъло ҳазратга минг раҳмат. (М. Иброҳимов.) 6. Сиз бу гаплардан бехабарсиз-да, албатта. (А. Қ.) 7. Демак, ватан мамнун бўлган ўғилдан меҳрибон она ҳам мамнун, албатта. (М. Бобоев). 8. Ҳақиқатан, қизиқ бир ном, ҳайвонларнинг ошқозонини «ишкамба» дер эдилар. (С. А.) 9. Ёлғиз боришига, тўғрисини айтсан, қўрқаман. (О.) 10. Кундузи бўлса, ўзингиздан ўтар гап йўқ, хунукроқ кўринади. (А. Қ.)

64-машқ. Саёҳат мавзусида кичик ҳилкоя тузинг. Ҳикоянинг турли ўринларида тингловчининг диққатини жалб этувчи киришлардан фойдаланинг.

65-машқ. Турли ҳил маъноларни ифодаловчи киришлардан фойдаланиб, ўқинган асарингизга тақриз ёзинг.

66-машқ. Киритмаларнинг услубий вазифасини аниқланг. Ҳар бир гап таркибидаги киритмаларни функционал-услубий тавсифланг.

1. Ҳусни (у энди ўз номидан «дин» қўшимчасини олиб ташлаган эди) Рустамов бўлса тоҳо ҳовлиқиб

эълон қилар эди. (П. Т.) 2. Қулмат (оти шундай эди) қисиқ кўзларидағи соғинч билан овули, колхози тўғрисида сўзлади. (О.) 3. «Хавфли-хатарли» бу кўчадан аста ортда борарканман, дадамнинг «Жинлар базми» ҳикоясини (балки ўқигандирсиз?) беихтиёр эслайман. (А. Қод.) 4. Саодатхоним (Обидов бу сўзни киноя билан айтди) ўша куни Баратовнинг дарсига кириб ўтирган экан. (С. З.) 5. Бу тўғрида тасаввур қозониш учун муаммолар орасида ишлатилган уч амалнинг баъзи нуқталарини (мавзудан чиқиб бўлса-да) изоҳ қилайлик. (О. Шарафиддинов.) 6. Жонфикс Уроз белбоғига маҳқам чандиб туғилган биттагина сўлкавойни (ким билади буни, қачондан бери сақлаб келган) истироҳат боғига кирган экан. (А. Қ.) 7. Қирғиз Ўроз белбоғига маҳқам чандиб туғилган биттагина сўлкавойни (ким билади буни, қачондан бери сақлаб келган) чиқариб, секингина ташлади. (О.) 8. «Автор мана бу бачқана (?) муносабатларнинг ҳаммасини эҳтирос билан поэтиклаштириб тасвир этади»... Наҳот поэтиклаштирилган (!) тасвир бачқана бўлса? (У. Норматов.) 9. Заргаров (мулоим, лекин таҳдид билан). Аравани қуруқ олиб қочманг, ойим қиз!.. (Бошқа бир нима демоқчи бўлади, айтолмайди.) Ярашмайди! (А. Қ.) 10. Кенг, узун, пахтаси чиқиб ётган тўнимнинг (бу дадамнинг эски жомакор тўни) барини белимга боғлаб олган бўлсан-да, лойга беланганд орқа этаги товонимга шалп-шалл уради. (Н. С.)

14- §. Қўшма гапларнинг услугбий хусусиятлари

Қўшма гап алоҳида олинган гапларнинг тасодифий йигиндиси бўлмай, балки мазмунан бир-бирига боғланган ва бир-биридан ажralиши мумкин бўлмаган, бир бутун, яхлит фикрни ифодалаш учун хизмат қиласидиган содда гаплар йигиндиси бўлганлиги учун ҳам нутқимизнинг барча услубларида учрайди. Қўшма гаплар бадиий услугбада кенглиги, Чунки қўшма гапларда фикрни атрофлича ифодалаш, яъни образ яратиш учун, унинг тўлақонли чиқиши учун барча имкониятлар мавжуд.

Қўшма гаплар мазмун доирасининг кенглиги, боғловчи воситаларга бойлиги билан тавсифланади. Қўшма гапларда ифодаланган мазмун яхлит саналади. Шунинг учун бадиий тасвир ҳам яхлит чиқади: *Агар*

симиң игна бўлса ҳам, биронинг мулки бўлса, хиёнат қилма, чунки олмос ҳанжар бўлиб багрингга қадалади. (Н.) Ёзниң кучи кетиб, ҳаво бир оз салқинланган бўлса ҳам, шамолсиз қунларда қуёши тик келгач, ҳали ҳам кишининг бошидан олов қуйган каби куйдирар эди. (О.)

Қўшма гап қисмлари турли хил боғловчи ва боғловчи вазифасидаги сўзлар билан биректирилади. Аммо оҳанг ёрдамида бирекадиган қўшма гап турлари ҳам мавжуд. Бу ҳолат қўшма гап турлари орасида синонимик муносабат мавжудлигини кўрсатади.

Бу гаплар мазмунан бир-бирига яқин бўлса ҳам, грамматик шаклланиши, қўшимча маъно оттенкаси билан фарқланади. Булар синоним қўшма гаплар бўлиб, нутқ услуби талабига қараб танлаб ишлатилади.

Фикрни таъсирили ифодалаш, нутқни бир хил структурадаги такрорлардан холи қилиш учун синоним қўшма гаплардан фойдаланилади: *Сув келгач, нур келади. Сув келгандан сўнг, нур келади. Сув келиши билан нур келади* ва ҳ. к.

Қўшма гаплар содда гапларга ҳам синоним бўла олади. Содда гапларда ҳаракат ва ҳолат ёки белги-хусусият мураккаб тушунча сифатида қайд этилади, қўшма гапда эса ана шу тушунча ҳукмга айланади. Бунинг натижасида тингловчининг дикқати айтилаётган фикрдаги бир нуқтага тортилади: *Дилозордан эл безор. (Мақол.)—Кимки бўлса дилозор, ўндан элу юрг бе-зор. Мақтанчоқ киши ҳамиша хижолат тортади.—Ким мақтанчоқ бўлса, у ҳамиша хижолат тортади.*

Қўшма гаплар синонимиясидан бадий тасвирда портрет, табиат манзарасини чизишда, шунингдек, инсон руҳий ҳолати ва ҳис-туйғуларини ифодалашда кўпроқ фойдаланилади.

Одатда, драматик ва шеърий асарларда ҳар қандай фикр қисқа ва лўнда ифода қилинади. Шунинг учун ҳам қўшма гаплар бу жанр асарларида камроқ, настрий асарларда эса кўпроқ қўлланади.

Қўшма гапларнинг компонентлари орасидаги мазмун муносабати, уларнинг тузилиши ва синтактик алоқа ҳилма-хилдир. Бу жиҳатдан қараганда, боғланган қўшма гаплар эргаш гапли қўшма гапларга қарама-қарши туради. Уларнинг ҳар бири алоҳида услубий хусусиятларга ҳам эга.

Боғланган қўшма гаплар расмий-иш услубида кам

ишлатилади, илмий услубда эса айирувчи боғловчили құшма гаплар ишлатилмайды. Аммо бадий услубда бундай боғловчили құшма гап турлари күп учрайди:

Гоҳ ошиқ қалбининг озоридир ишқ,
Гоҳ ғам-қайғунинг бозоридир ишқ. (У.)

Зидлов боғловчили құшма гап турида қарама-қаршилик асосий ўринда бўлади. Шунинг учун ҳам бу хил гаплар сўзлашув услубида ҳам ишлатилади: *Бу ишни бир соатда бажарар эди, аммо лекин Салим бобо энди қариган эди.* (Сўзлашув.)

Эргаш гапли қўшма гаплар мазмун томонидан боғланган қўшма гапларга синоним бўла олади: *Шаҳарда ишга чиқиб* (чиқди ва чиққач) эл, *Одам билан тўлди текстиль* (Х. О.)

Боғланган қўшма гаплар услубий бетараф бўлса, эргаш гапли қўшма гапларнинг кўпчилиги услубий бўёқли бўлади. Чоғиши тиринг: У эшикни тақиллатди, лекин товуш берадиган одам бўлмади.— У эшикни қанча тақиллатса ҳам, товуш берадиган одам бўлмади. Иккинчи гапда кучайтирув, таъкид маъноси яққол ифодалантган.

Гапнинг ёйиқ бўлаклари эргаш гап шаклига кирса, айтилаётган фикрнинг икир-чикиригача ифода этиш учун кенг имконият яратилади. Чунки қўшма гапли конструкцияларда тингловчининг диққати қиёслаш, таъкидлаш, эслатиш орқали маълум бир обьектга тортилади: *Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди.* (О.)

Фикрни ихчам, равон ва ифодали баён этишда тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар кўп ишлатилади: *Билиб қўйки, сени Ватан кутади.* (F. F.) *Биламизки, тинчлик урушни енгади.* (Газ.)

Эргаш гапли конструкцияларда бош ва эргаш гап маълум боғловчилар воситасида боғланади. Бундай боғловчилар хилма-хил услубий маънолар (сабаб, натижа, ҳолат, пайт, ўрин, тўсиқсизлик ва ҳ. к.) ни ифодалаш учун хизмат қилади. Айни вақтда бундай боғловчилар воситасида қатор синонимик қўшма гаплар досил бўлади.

Кўшма гап қисмларининг ўринин алмаштиришдан мақсад асосий фикрни биринчи ўринга қўйиб уқтиришдир. Шунингдек, қўшма гаплардаги инверсия хиссий-гаъсирчанликни ошириш учун ҳам хизмат қилади:

Езилди бу шеър баҳор тоңгидар
Азиз фарзаидларга совға бўлсин деб.
Токи бу мўйсафид отанинг сўзи
Эндиғи қалбларга дилжо бўлсин деб. (F. F.)

Қўшма гаплар уч ва ундан ортиқ содда гапнинг бирикувидан тузилиши ҳам мумкин. Бундай гаплар қўшма гапларнинг мураккаб турини ташкил қиласиди. Иккидан ортиқ предикатив бирликдан ташкил топган бундай мураккаб қўшма гап баъзан *период* атамаси билан ҳам юртилади. Мазмун ҳамда оҳанг билан боғлиқ тугалникка эга бўлгақ бир неча уюшган қисмлари мавжуд бўлган маълум бир мақсадли синтактик бутунликлар периодлардир.

Периодлардан қуйидаги услубий мақсадлар учун фойдаланилади:

1. Нарса, воқеа-ҳодисалар ва уларнинг белги-хусусиятларини аниқлаш, изоҳлаш учун:

Бир ўлқаки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлқаки, қишлирида шивирлар баҳор. (O.)

2. Табиат манзарасини чизиш бадиий-эстетик завқ уйғотиш, таъсирчанликни янада ошириш учун:

На кўкнинг фонари ўчмасдан,
На юлдуз сайр этиб кўчмасдан,
На уфқ ўрамай, ёқут зар,
На булат силкитмай олтин пар,
Тонг кулмасдан бурун туради. (У.)

3. Периодлар воситасида персонажларнинг ҳолати, ташқи кўриниши ва муҳим томонлари тўлиқ берилади. Улар орқали сўзловчи ёки ёзувчи ўз фикрини, ҳаяжонини ҳам ифодалайди:

Соқол оқарди, озиқ тишлар тўклиди, нозик бу бел деган жонивор ҳам эски маҳсидек букилди-ю, ҳалигача паричеҳрага, боғигуландом, юзи тўлун ой, зулфи паришон, қошлиари камон, кўзлари бодом, тиллари асал, лаблари шакар, бўйлари раъно, ўзлари доно деган қиз-жуонлар у ёқда тураверсин, кўзлари шишиган, тиши тушиган, бетлари шафтоли қоқидек тиришиган... саксонни, юзни урган бир кампир ҳам насиб қилмади. (Х. Х.)

Периодик нутқ таъсирчан, мантиқан тўлиқ шаклга эга бўлганлиги учун тингловчилар диққатини тез жалб

этади. Шунинг учун бундай нутқ шаклидан публицистик ва расмий-иш услубида ҳам кенг фойдаланилади.

Қўшма гап тузишда ва уларни ишлатишда айрим услубий хатолар ҳам учрайди. Бундай хатолар, аввало, қўшма гап таркибидаги содда гаплар ўртасидаги мантиқий алоқа узилганлигида кўринса, иккинчидан, айрим шахслар нутқида рус тилида тузилган қўшма гап моделларини ўзбекчалаштириб талқин этишда кўринади. Чоғиши тири инг: *Илгор теримчилар ҳар куни 180—200 килограммга етказиб пахта тераётганлари ҳолда, колхозда ҳозир ҳам бутун куч теримга сафарбар қилинганд эмас.* (Мантиқий изчилик йўқ.)

Халқ шу вақтда сизнинг орқангиздан юрадики, қаҷонки сизнинг йўлингиз тўғри бўлса. Еки: *Биз мукофотни шундай кишиларга бердикки, қайсики бутун йил давомида яхши ишлаганларга.* (Рус тилидаги «который», «когда», «где» боғловчилари ёрдамида тузилган қўшма гапларнинг қолип қилиниши.)

67- машқ. Қўшма гаплардаги боғловчи воситаларни аниқланг, уларнинг қандай синтактик ва услубий вазифа бажарганигини изоҳланг.

1. Той ҳозир Санданинг остида ҳам йўрғалаб борар, лекин бундан энди фойда йўқ, чунки тортаётган азоби заррача ҳам қийнамас эди. (А. Қ.) 2. Келди жон оғизимга-ю, ул шўхи бадхў келмади. (Н.) 3. Сен билан бизнинг чопонимиз эски бўлса ҳам, назаримиз тўқ, аммо лекин улар ҳамиша ёғ ичида яшасалар ҳам, ўлгудай очкўз бўладилар. (Ҳ. Шамс.) 4. Тарбия нечоғлик тўғри ва яхши бўлса, хулқ ва одобимиз шунчалик гўзал бўлгуси. (О.) 5. Бахтим борми экан деб, Менга ёрми экан деб, Келавердилар бари, Каттакон чинор сари. (Ҳ. О.) 6. Водийларни яёв кезганда, Бир ажиг ҳис бор эди менда. (Ҳ. О.) 7. Кўз қаерда бўлса, меҳр ҳам ўша ерда бўлади. (Мақол.) 8. Дўст билан обод уйинг, гар бўлса у вайрона ҳам. (Э. В.)

68- машқ. Қўйнаги қўшма гаплар таркибидаги боғловчи воситаларни алмаштиринг. Ҳосил бўлган синонимик гапларнинг услубий бўёғини аниқланг.

1. Мутал кучли эди, аммо Отабек ундан ҳам кучли эди. (А. Қод.) 2. Қўнғироқ чалинди ва дарс бошланди. 3. Агар у одам иккى қўллаб тутиб олмаса, хотиннинг аъзоёни бадани шикаст топарди. (С. А.) 4. Аскарлар

тоққа анча чиққандан кейин, бир пастқамликтан ўқ
ефиле бошлади. (С. А.)

69-машқ. Мазмұнан яқшы бўлған, ўзаро bogланған иккى содда
гапни қўшиб, қўшма гап ҳосил қилинг. Бундай қўшма гаплардаги
услубий бўёқни айтинг.

70-машқ. Гапларни таҳрир қилиб, қайта кўчиринг.

1. Сизнинг лекциянгиз шу вақтда қизиқарли бўла-
дики, қайсики сиз маҳаллий фактлардан фойдаланса-
нгиз. 2. Болалар ота-онанинг қадрига шу вақтда етади-
ларки, қачон ўзлари болали бўлсалар. 3. Сувчилар
бирин-кетин уйларига бориб келишганда, энди сиз бо-
риб келинг, дейишади Тошмуродга. Уйига келиб бир-
варакайига пиширилган шўрвадан иккى коса ичди, шун-
дагина даланинг гашти, файзини чуқур тушуниб қолди.
(«Ёшлик».)

71-машқ. Периодларни аниқланг, уларнинг услубий қўллани-
шини изоҳланг.

1. Одам борки, одамларнинг нақшидир,
Одам борки, ҳайвон ундан яхшидир. (Н.)
2. Яна кимки ватан учун жанг қилса,
Яна кимки ёв ҳолини танг қилса,
Яна кимки ёвни қувса ватандан,
Менинг чеҳрам кўринади ўшандан. (Х. О.)
3. Мен ўзимни инсон деб билганда,
Гулга тўлиб баҳор келганда,
Юрагимда ҳавас уйғонди,
Бир ажаб ўт бағримда ёнди. (Х. О.)
4. Кийинтирсам сени баҳорга,
Юлдузларни ўрасам қорга,
Олиб келиб олдингга қўйсам,
То тонггача сўйласам эртак,
Чечак териб этак ва этак,
Оёғингга келтириб тўксам,
Шунда сенинг кўнглинг тўлурми?
Айтганларинг бажо бўлурми? (Х. О.)

5. Агар олдинга қараб юраверсангиз, бу зилол сув-
лар булат орасига яширинган ойдек, бирдан тошлар
орасига кириб, кўзингиздан гойиб бўлади. Сиз бунга
ўринисиз хафа бўласиз, лекин умидсизланмай олға бо-
раверинг. (С. А.) 6. Жазира маисиниң куйдирса ҳам,
раҳмсиз бўрон синдирса ҳам, бари бир озод севги одам
боласининг дилида гуллаб яшнайверади, ғунчасига
ғуна, гулига гул қўшилаверади. («Ёшлик».) 7. Одам-

лар бўладики, улар фақат ўзларини ўйлайдилар, лекин шундай одамлар борки, ўз ҳаётларини халқ хизматига багишлайдилар. (П. Т.)

8. Сўзлар борки, бол томар, кўз сувидай беғубор,
Сўзлар борки, дил ёнар, сўнг қолувчи
доғи бор. (Г. Нуруллаева.)

15- §. Кўчирма ва ўзлаштирма гапларнинг услубий хусусиятлари

Кўчирма ва ўзлаштирма гапли конструкциялар оғзаки ва ёзма нутқда муҳим услубий восита бўлиб хизмат қиласди.

Кўчирма гапнинг мазмуни тингловчига қаратилган бўлади. Кўчирма гап бир сўздан, бир гап ёки бир неча гапдан, бутун бир абзацдан иборат бўлиши мумкин. Муаллиф гапи эса икки таркибли содда гап шаклида бўлади.

Ўзганинг гапи уч хил усул билан берилади: кўчирма гап, ўзлаштирма гап, ўзиники бўлмаган кўчирма гап. Булар нафақат структурасига кўра, балки услубий бўёғи, нутқ услубларида ишлатилишига кўра ҳам фарқланади.

Кўчирма гапли конструкциялар бадиий публицистик ва илмий услубларда ишлатилади.

Бадиий асарларда қаҳрамон нутқи, одатда, кўчирма гап шаклида ўқувчига етказилади. Кўчирма гап шакллари хилма-хил бўлиб, улар монолог, диалог, айрим киритмалардир. Булар бадиий асарда нутқнинг ранг-бараанглигини таъминлайди.

Диалог шаклидаги кўчирма гаплар, айниқса кўп ишлатилади. Диалог муайян шаклга эга бўлмайди:

— Гап унда эмас-да! — деди кулиб Қутидор.

— Нимада? — деди қизишиб Офтобойим.

— Ким айтди сенга, оғзиға олди деб?

— Ҳеч ким айтмаган бўлса ҳам, сиз орага тушманг, дейман, ўз оёғингизга болта қўйманг, дейман!

— Пичноқни ўзингга ур, оғримаса, бирорвга, деган бир гап бор, — деди жиддий вазиятда Қутидор. (А. Қод.)

Асар қаҳрамонларининг фикр-мулоҳазалари мактублар орқали кўчирма гап шаклида ифодаланади. Бунига А. Қодирнийнинг «Ўтган кунлар» романида Отабек ва Кумушбишининг бир-бирига ёзган хатлари мисол бўла олади.

Кўчирма гап матнга, муаллиф баёнига, одатда, нутқ феъллари орқали киритилади. Бунда *демоқ*, *айтмоқ* феъллари фаол роль ўйнайди. «Демоқ» феъли равишдош шаклида *деб* ҳодатида келади ва у нутқда кўчирма гап талаффуз этилганига умумий ишора тарзидан қўлланади: *деб айтди*, *деб қичқирди*, *деб пичирлади* каби.

Кўчирма гапли конструкцияларда ўзга гапдан сўнг келган нутқ феълларининг *деб* равишдошиносиз қўлланishi фақат ёзма нутқа хосдир. Бу ҳодиса кўчирма гапнинг икки варианти мавжудлигини кўрсатади ва уларнинг ҳар биридан нутқда ўз ўрнида фойдаланишни талаб қиласди: «*Катта ҳовуздаги сув неча челак чиқади?*», — *деб сўради подшо*. — «*Катта ҳовуздаги сув неча челак чиқади?*» — *сўради подшо*. («Латифалар».)

Кўчирма гапли конструкциялар воситасида образ яратилади, қаҳрамонлар маълум даражада тавсифланади. Уларнинг руҳий ҳолати, ички дунёси очилади.

Кўчирма гапли конструкцияларда қисмлар сўзловчи ёки ёзувчининг ўз олдига қўйган мақсадига кўра турли ўринларда бўлиши мумкин. Кўчирма гапнинг муаллиф гапидан кейин ёки унинг ҳар икки томонида келиш ҳолати жонли тилда қамроқ, бадиий асарда кўпроқ учрайди. Унинг муаллиф гапидан олдин ёки унинг ўртасида келиш ҳолати эса кўпроқ жонли тилда учрайди.

Эпиграф ёзувчи томонидан ўз асарининг мазмунӣ ва мавзуини олдиндан тушунтириш учун иккинчи бир ёзувчи асаридан ёки халқ оғзаки ижодидан асар бошланишига киритиладиган жумла ёки шеърий парчадир.

Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор воқеалар мазмунидан ва шахсларнинг хулқ-атворидан келиб чиқиб, ўз асарларида эпиграфларни усталик билан қўллайди. Масалан, «Үгри» ҳикоясида келтирилган «Отнинг ўлими — итнинг байрами» эпиграфи асар мазмуни билан узвий боғланиб кетган. Бу эпиграфда муаллиф Қобил бобонинг таланишини, хароб бўлишини отнинг ўлимига, амалдорларнинг талашлари, шу йўл билан бойишларини итнинг байрамига ўхшатиб, ижтимоий хулоса чиқаради, чуқур умумлашмалар ясади.

Илмий услубда ёзилган асарларда муаллиф ўз фикрини тасдиқлаш ёки ўз ниятини китобхонга етказинш учун бошқа ғиорвларнинг фикрини айнан, ўзгартирмай келтиради. Бунда кўчирма гап цитата (кўчирма) ҳолида қўлланади.

Кўчирма қисқа ва анк, ўринли келтирилган бўлиши зарур. Акс ҳолда, келтирилган кўчирма муаллифнинг асосий фикрига ёпишмайди. У ёки бу фикрни мустаҳкамлаш ўрнига жумлани фализлаштиради.

Айрим пайтларда ўзгаларнинг гапи мазмуни сақланган ҳолда ўзлаштирилиб ҳам қўлланади. Бундай ҳолларда кўчирма ва ўзлаштирма гаплар орасида синонимлик ҳосил бўлади. Нутқ вазияти, тасвир жараёнинга қараб ҳар иккала гап туридан фойдаланиш мумкин: «Ўғит ғўзанинг томир-томирларига сингсин!»—деди Анор.— Анор ўғит ғўзанинг томир-томирларига сингини кераклигини айтди. (О.)

Ўзлаштирма гаплар, асосан, сўзлашув услубида ишлатилади. Сўзловчининг нутқ вазиятига турлича муносабатини ифодаловчи сўзлар (хўш, балки, ахир, ҳа, эҳтимол, албатта, майли, дарҳақиқат) ўзлаштирма гап таркибидан туширилиб қолдирилади. Шунингдек, ундов гап, атов гап, риторик сўроқ гапларни ўзлаштирма гапга айлантириш услубий хатоларга олиб қелади.

Ўзиники бўлмаган кўчирма гапларда муаллиф билан персонаж нутқи бирлашган, бир-бирига мужассам бўлади.

Ўзиники бўлмаган кўчирма гап ёзувчига асар қаҳрамонларининг ўй-хаёли, умиди кабиларни табиий ҳолда тасвирлаш имконини беради.

Қаҳрамоннинг «ички» нутқини баён қилиш ўзиники бўлмаган кўчирма гапнинг асосий вазифаларидан биридир: Қамчи дала йўлидан борар экан, хотинининг «қип-қизил наҳш олмалар кирибди тушибмага...» деган сўзларини эслади. «Олма егиси келибди.... Қаердан топдим олмани шу маҳалда?.. У даласида олма дарахти бўлган деҳқонларни бирма-бир эслади.. (Ҳ. F.)

72-машқ. Қўйидаги кўчирма гаплар нутқининг қайси услубига тегишли эканлигини аниқланг. Ҳар бир кўчирма гапга хос услубий белгиларни изоҳланг.

1. — Э, ҳўй!.. Яхшимисан?.. Ҳўй,— деди Фахриддин. Меҳри секин:

— Келинг,— деди.

— Яхшимисан?.. Уйда сен йўқ, дадам қийналиб қолдилар. Ёмон бўлар экан... (A. K.) 2. — Бу кинони кўринг десам,—Уни қачонлар кўрганман,—деди илжайиб. («Ешилик».) 4. — Тез бўлинг, бу дафтарчага қўл қўйинг,— деди,— бир ҳафтадан буён,— деди, йиғилиб қолинг,

ган шошилинч телеграммаларни,— деди,— тезроқ әгасига топширишим керақ,— деди.

— Аканг айланиб кетсин,— дедим,— бор экан-ку, почта-телеграфда ҳам сандайлар,— деди... (F. F.)

5. — Тинчлик бўлсин!— деди ҳалқлар жаҳонда.—

Тинчлик билан ўтсин одамзод умри. (F. F.)

6. Faфур Fулом ўз ижодининг бошиданоқ ҳалқ тилини қунт билан ўрганишга тиришиди. Чунки «тилни» ҳалқ яратади. Тилни адабий тил ва ҳалқ тили деб иккига бўлишнинг сабаби фақат шуки, биз ишланмаган «хом» тилга ва сўз санъаткорлари томонидан ишлангѓан тилга эгамиз». (M. Горький.) Faфур Fулом ҳалқ тилидан фойдаланиш билан бирга уни ишлашда, ўзбек адабий тилини бойитишида ҳам катта ҳисса қўшди. (Х. Екубов.)

73-машқ. Кўйицаги нутқий парчаларда кўчирма гапларнинг қандай кўринишлари мавжуд? Бундай гапларнинг семантический хусусиятини баён этинг.

1. — Ҳали туғилмаган болани ер юткур дединг-а!— деди Туробжон борган сайин тутақиб.

Хотин индамай дастурхонни йигиштириб, эшитилар-эшитилмас деди:

— Ўша асалнинг пулига анор берар эди.

— Берар эди,— деди Туробжон заҳарханда қилиб,— анор олмай асал олдим!

— Албатта, берар эди! Албатта, берар эди, анор олмай, асал олгансиз! (A. K.) 2. — Кимсан?

— Тошпўлатман.

— Нима иш қиласан?

— Юқ орқалайман.

— Ҳўл еганимсан?

— Гоҳ ҳўл, гоҳ қуруқ дегандек, ишқилиб, топилганини еб тураман. (A. Қод.) 3. «Вафосизга. Мен ўзимнинг бу мактубимни кўз ёшларим билан ёзаман. Негаки, ҳозирда менинг кўз ёшларимгина эмас, бутун борлиғим сиёҳдир. Мен энди оғизлардаги вафо сўзига ишонмайман. Чунки мен ўзимнинг вафосига ишонганим бир йигитдан улуғ вафосизлик кўрдим...

Мен сизнинг баъзи бир даъволарингизга ҳайрон қоламан: отам Тошкентда экан чоғда бу гапни айтишга уялган эмишсиз... гўё бунинг ила номуслик бўлиб кўринмакчисиз, шекилли?! Онам баъзи вақтларда:

«Янги ёр топганда, дўстлар, эскидан кечмоқ керак, Эскини ўлган санаб, латта кафанд бичмоқ керак!»

бэйтини ўқиб қўяр, мек бўлсам ул вақтлар бунинг маъносига тушумас эдим...

Сизга янги ёр, менга уятсиэликнинг қурбони бўлиш муборак! Кумуш эмас, Тупроқбиби ёздим, 17 жавозо 1265 йил Марғилон». (A. Қод.) 4. Воҳид буни завқ билан томоша қиласкан, Розия билан биринчи марта ўз боғларида танишгани эсига тушиб кетди... «Яна Розия! Менга бир нима бўлдими ўзи?» (O. E.)

74-машқ. Кўчирма гапларни ўзлаштирма гапларга алмаштиришг, улардаги тузилиш ва услубий томондан содир бўлган ўзгариши кўрсатинг.

1. «Марҳамат, айтинг,— деди у,— сиз ашула айтиб биласизми?» («Ёшлик».) 2. Нормат полвонга қичқирди Укта: «Ҳорманг, полвон!» (O.) 3. Опам қулочини очиб: «Назирқулжонмисан? Вой укагинамдан ўргилай!»— дея мени бағрига босиб ўпди. (H. C.) 4. «Ма, ол, ея қол»,— деб дастурхон чеккасига бир чимдим ошми, кулчаторими қўярди. (H. C.)

16- §. Абзац ва унинг услубий ўрни

Абзац (немисча: ич томон, орқа томон сурмоқ маъносида) ёзма нутқда матнни янги йўлдан бир оз ўрин қолдириб бошлаш демакдир.

Абзац матнда тугал маъно-мазмунни ифодалаб, бир хат бошидан иккинчи хат бошигача келган мантиқий нутқ бирлигидир.

Абзац композицион-услубий ажратиш характеристида-ги нутқ бирлиги бўлиб, китобхоннинг диққатини янги фикрга, янги тасвирга жалб қилиш вазифасини бажаради. Ҳар бир абзацнинг тузилиши нутқ услубларига ҳам, индивидуал автор услубига ҳам боғлиқ. Жумладан, монологик нутқ ўз характеристига кўра чўзиқ, бир неча гапдан тузилиши мумкин. Диалогик абзац эса қисқа, баъзан бир сўздан иборат бўлади. У бир персо-наж нутқини иккинчисидан ажратиб туради.

Шундай қилиб, абзацга риоя қилиб ёзилган матн нутқ равонлиги, матннинг тушунарли ва оммабоп бўлишида муҳим услубий восита бўлади.

Нутқнинг турли услубларида ишлатилган абзацларга мисоллар:

1. Бадий услубди: Иигит у қизни кўргач, олға қадам ташлашдан ҳайқиб, бир оз тўхтаб тургандан кейин

хәёлида: «Бу менинг бахтим...», деб ўйлаб яна олға бораверди.

Қизнинг кўзи ҳам йигитта тушиб: «Бу чақирилмаган меҳмон ким экан?» деб унга диққат билан қарамоқда эди... (С. А.)

2. Илмий услубда: Тиниш белгиларини, қўлланиш ўрнига қараб, қўйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Гап охирида қўлланувчи тиниш белгилари: нуқта, сўроқ ва ундов;

2. Гап ичидаги қўлланувчи тиниш белгилари: вергул;

3. Аралаш ҳолда қўлланувчи тиниш белгилари... (К. Назаров.)

17- §. Тиниш белгиларининг услубий вазифаси

Тиниш белгилари ёзма нутқда семантик-услубий вазифа бажаради. Шунинг учун ҳам ёзма матнда фикр аниқ, равон ва тушунарли бўлиши учун уларни тўғри қўйиш керак. Тиниш белгилари ёзува, асосан, синтактика бўлинишни кўрсатиш ва, шу билан бирга, фикрни тўғри ифодалаш учун ишлатилади. Шунингдек, тиниш белгисидан ҳис-ҳаяжонни ошириш, айрим сўзларга янги оттенка бериш учун ҳам фойдаланилади.

Ҳар бир тиниш белгиси ўзига хос услубий вазифа бажаради. Жумладан, вергул ёзма нутқни ихчам шаклда ифодалашга ёрдам беради. Чоғиши тиринг: *Бухоро областининг Свердлов районидаги Охунбобоевномли колхоз.— Бухоро область, Свердлов район, Охунбобоевномли колхоз.* Иккинчи гапдаги вергуллар биринчи гапдаги -нинг, -даги шакллари ўринда келиб, услубий ихчамликни ҳосил қилган.

Вергул гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмайдиган бўлаклар (ундалма, киришлар, киритмалар)ни ҳамда изоҳланма бўлакларни ажратади. Бундай пайтда у сўзловчининг муносабатини, унинг ҳаяжонини тўлароқ ифодалаш ва тушунишга ёрдам беради. Худди шу ўринда тире ёки қавс билан синонимлик ҳам ҳосил қила олади.

Вергулни ўз ўринда ишлатмаслик мантиқий хатога, нутқ ғализлигига, услубий тўмтоқликка олиб келади: *Қир-адирда лола гуллар очилди гапида «лола» сўзидаң кейин вергул қўйилса, лоладан ташқари, бошқа гуллар ҳам очилганилиги англашилади. Еки: Эй табиб, қўй, боқма дардим бедаволардан бири* (Муқимий) гапида

«қўй» сўзидан кейинги вергул тушириб қолдирилса, мазмун тамомаш ўзгариб, услубий ғализлик ҳосил бўлади.

Вергул гапнинг маъносига, шунингдек, тузилишига ҳам таъсир қилиши мумкин. Чоғиширинг: *Садриддин, кетди*. Бу гап орқали муаллиф Садриддинга киминингдир кетганлигини хабар қиляпти (*Садриддин—ундалма вазифасида*). Агар бу гапда вергул қўлланмаса, *Садриддин кетди*, яъни Садриддиннинг ўзи ҳақида хабар берилиб, икки бош бўлакли гап ҳосил бўлади. Яна чоғиширинг: *Собир, кутубхоначи шу ерда*. *Собир* — кутубхоначи шу ерда. Биринчи гапда икки киши, иккинчи гапда эса бир киши ҳақида сўз боради.

Тиниш белгиларидан тиренинг услубий роли ҳам катта. Бу белги бадиий ва сўзлашув услубида кўп учрайди. Матнда ихчамлик учун грамматик шакллар ўрнида ишлатилади: *Тўғри бўл* — бехавотир бўласан гапида тирие *-санг* шакли ўрнида ишлатилган.

Макон, замон ва миқдор чегарасини билдирувчи икки ёки ундан ортиқ сўз биримаси орасида ишлатилган тирие «... дан ... гача» грамматик шакллари вазифасини бажаради ва нутқий ихчамликни юзага келтиради: *Самарқанд—Бухоро автобус йўли 280 км. 70—80-йиллар шеърияти*.

Яхши ошини ер, ёмон! — бошини мақолида эса тирие синтактик-услубий вазифа бажарган. Тирие «ер» сўзи ўрнига келиб, сўз такоридан қутулинган.

Шеърий талаб билан гап бўлаклари бир-биридан узилиб қолса, улар ўртасидаги муносабатни тенглаштириш, турли ҳис-туйғу ва модал оттенкаларни ифодалашда тиредан фойдаланилади: *Ўзбекистон бир ноҳи жаннат — Богларида ором олар жон*. (Х. О.) Айрим ўринларда тирие маъқуллаш, айриб кўрсатиш каби услубий вазифа ҳам бажаради:

Дўстлик — бу муҳаббат янглиғ фараҳким,
Билгай у на ҳадни ва на довонни. (А. О.)

Бадиий асарларда айрим персонажларнинг номини қайта такрорламасдан улар нутқининг бошланиш нуқтасини кўрсатиш мақсадида диалогларда тирие қўлланади:

Оқсоқол қозига таъзим қилиб турниб:
— Тақсир, арзим бор! — деди.
— Марҳамат қилинг!

— Кече мен сўраганда, бу киши ўзини вобкентлик деган эди. (С. А.)

Расмий-иш услубида тире санаш рақам вазифасида, воқеа-ҳодисаларни таъкидлаш, санаб кўрсатиш мақсадида ишлатилади.

Қўштироқ чегараловчи тиниш белгиларидан бири бўлиб, матнни маълум жиҳатдан чегаралаш учун хизмат қиласиди. Бу тиниш белгиси воситасида матнни тез тушуниш учун услубий қулайлик яратилади. Кўчирма гапларни муаллиф гапидан ажратиб туради. Шунинг учун ҳам бу белги, асосан, кўчирма гапли конструкцияларда ишлатилади: «Меҳмоннинг келиши ўз ихтиёрида, кетиши мезбон ихтиёрида», деганлар,—деди Фотима. (С. А.)

Қўштироқ бирор сўзнинг кўчма маънодалигини ёки унинг қочирим, киноя мақсадида ишлатилганини кўрсатиш учун ҳам ишлатилади: *Райондаги айрим колхоз раҳбарлари чорва ишига эътибор билан қарасалар. айрим колхоз «раҳбарлари» бу ишига совуққонлик қилмоқдалар.* (Газ.)

Тиниш белгиларидан қавс, нуқтали вергул, икки нуқта кабилар нутқни ихчамлаш учун эълон ва рекламаларда, турли дастураларда услубий вазифа бажаради.

Езма матнда турли ҳолатлар, ҳиссий-таъсирчанлик ва ҳар хил маъно оттенкаларини бериш ҳамда ёзувчининг ўзига хос услуги билан боғлиқ ҳолда бир хил ёки ҳар хил кўринишдаги тиниш белгиси бир ўринда бирдан ортиқ ишлатилиши мумкин:

И м о м. Бойга раҳминг келмайдими?

Ф о ф и р. (қизиб). Мақсад нима, мақсад?!

Қ о з и. Сенга номи хотин бўлса, бўлди-да!

Ф о ф и р (қизиб). Мақсад!!! (Ҳ. Ҳ.)

75- машқ. Керакли тиниш белгиларини ўз ўринига қўйиб гапларни кўчиринг, уларнинг услубий хусусиятларини тушунтиринг.

1. Отам Бобоқул Солиев ҳунарманд-дегрез эди. Уни оз-моз хат-саводи бўлгани учун Мулла Бобо дегрез деб ҳам айтар эдилар. (М. Бобоев.) 2. Мен Охунбобоев колхози раисиман Рўзиев. Хотин болаларнинг доғини кўрмасак бўлди. 4. Қозоғистон бу олтин кумуш, Бу баҳт тўлиб оққан сой. (Ҳ. О.) 5. Қаҳрамоним арслоним бўл омон! (Ҳ. О.)

76- машқ. Гапнинг турлі үрінларига тиңиш белгиларни қўйинб үқинг. Ҳосил бўлган маъзмун ва гап кўринишлари ҳақида маълумот берыаг.

1. Мұхіба укам колхозчи бўлди. 2. Афанди подшога қараб: Сиз аҳмоқ одам эмассиз,—деди. 3. Кўп қайғурманг сиз бор мен бор бу иш ҳал бўлади. 4. Қиши ҳамма ёқни оппоқ қор қоплаган. 5. Яхши қизнинг бу масалада гуноҳи бор. 6. Бөғимизда анжир шафтоли гуллади. 7. Чиройли атлас кўйлакли қиз кириб, келди. 8. Қаландаров машқ ва ашуладан мамнун бўлди. 9. Афтидан уни яна гапиртириб кулгиси келди. (А. Қ.)

77- машқ. Тиңиш белгиларни нотўғри қўллаш билан юзага келган услубий хатоларни аниқланг. Ҳар бир тиңиш белгини тегиши ли ўринга қўйиб гапларни қайта кўчиринг.

1. Бутун дунё, пролетарлари бирлашингиз! 2. Жангчиларимиз душманга қарши шундай шиддатли жанг қилдиларки натижада, душман тор-мор қилинди. («Сов. мак.») 3. Ф. Қосимов, Бухоро давлат педагогика институти ректори, 2 февраль 1990 йил (Газ.) 4. Мен ўша Прометей — ишчи наслига, Олов келтирдиму, бўлдим занжирбанд. (Т. Туроб.) 5. Ёмғирда—от танлама, Ҳайитда — қиз. (Мақол.) 6. Шаҳардан келган талабалар, ёшлиқ қўшигини айтиб, борар эдилар.

МУНДАРИЖА

Муаллифдан	3
1- §. Сўз ясалишидаги услугбий хусусиятлар	4
2- §. От ясовчи аффиксларнинг услугбий аҳамияти	5
3- §. Сифат ясовчи аффикеларнинг услугбий хусусияти	7
Грамматик услугбият	
1- §. Морфологик услугбият	11
2- §. От шакллари услугбияти	12
3- §. Кўплик шаклининг услугбий хусусиятлари	12
4- §. Эгалик шаклларининг услугбий хусусиятлари	13
5- §. Келишик шаклларининг услугбий хусусиятлари	16
6- §. Субъектив баҳо шаклларининг услугбий қўлланиши	21
7- §. Сифатнинг услугбий хусусиятлари	32
8- §. Сифат даражалари синонимияси	33
9- §. Соннинг услугбий хусусиятлари	39
10- §. Олмошнинг услугбий хусусияти	44
11- §. Феълнинг услугбий хусусияти	54
12- §. Бўлишсиз феълнинг услугбий хусусияти	58
13- §. Майл шаклларининг услугбий хусусияти	61
14- §. Феъл замон шаклларининг услугбий хусусияти	62
15- §. Шахс-сон шаклларининг услугбий хусусияти	64
16- §. Феълнинг функционал шаклларининг услугбий ху- сусияти	66
17- §. Ёрдамчи сўзларнинг услугбий хусусияти	78
18- §. Ундовларнинг услугбий хусусияти	81
Синтактик услугбият	
1- §. Синтаксиснинг услугбий имкониятлари	84
2- §. Нутқ услубларининг синтактик хусусиятлари	85
3- §. Синтактик омонимияга хос услугбий хусусиятлар	95
4- §. Синтактик синонимликка хос услугбий хусусиятлар	97
5- §. Дарак, сўроқ, буйруқ гапларнинг услугбий хусусият- лари	103
6- §. Гап бўлакларининг услугбий хусусиятлари	114
7- §. Уюшиқ бўлакларнинг услугбий хусусиятлари	119
8- §. Гап бўлаклари тартибининг услугбий хусусиятлари	124
9- §. Бир бош бўлакли гапларнинг услугбий хусусиятлари	128
10- §. Тўлиқсиз гапнинг услугбий хусусиятлари	132
11- §. Гапдаги изоҳланма бўлакларнинг услугбий хусу- сиятлари	133
12- §. Ундалманинг услугбий хусусиятлари	138
13- §. Киришларнинг услугбий хусусиятлари	142
14- §. Кўшма гапларнинг услугбий хусусиятлари	145
15- §. Кўчирма ва ўзлаштирма гапларнинг услугбий хусу- сиятлари	151
16- §. Абзац ва унинг услугбий ўрни	155
17- §. Тиниш белгиларининг услугбий вазифаси	155

